


ЭМИН УСМОНОВ

# ТИЛЛА ЧАНОҚ



Қисса

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«ЕШ ГВАРДИЯ» нашриети

Тошкент—1980

Езувчи Эмин Усмонов бу қиссасида қишлоқ ҳаётида  
рўй бераётган ўзгаришлар ва шу ўзгаришлар билан  
алоқадор маънавий, маънавий, маданий, иқтисодий маса-  
лаларни ўртага ташлайди.

У  $\frac{70302-8}{356(04)-79}$  53—79

© Издательство «Ёш гвардия», 1980 г.



## МУҚАДДИМА УРНИДА

Камол идорадан бўшашиб, шалвираб чиқиб келди. Зинадан тушаверишда ҳардамхаёллик билан тўхтади. Кўзларини қисганича осмонга қаради. Қуёш терак бўйи кўтарилиб қолибди. Эндигина ёзила бошлаган барглар офтоб тигида худди ёғ суртилгандек йилтираб кўринади. Ҳар қандай ҳиссиз одамни ҳам энтиктириб юборадиган бу тиниқ ранг унга заррача завқ бағишламади. Қўйлагининг кўкрак чўнтагидан сигарет билан гугурт олди. Сигаретни эндигина қалин лабларига қистириб, гугурт чақмоқчи бўлиб турганида худди осмондан тушгандек қаршисида бир одам пайдо бўлди. Бу эгнига оқ иштон билан оқ яктас кийган, ялангоёқларига калиш илган, бошидаги дўпписи уринганроқ, узун соқоли кўксини тўлдирган мўйсафид эди. Унинг қип-қизариб кетган кўзлари бежо жавдирар, ёноқ суяклари туртиб чиққан озғин, қўнғир тусли юзида ғалати табассум зуҳр этиб турарди. У қоқ суяк бармоқларини Камолга чўзди.

— Танга бер.

Унинг шамоллаганиданми ёки кам ухлаганиданми доим қонталаш кўзларида аламзадаликка мойил бир ифода ёлқинланиб турарди. Унинг юзи ҳамиша худди ҳозиргидек кулимсираб турар, бамисоли ниқоб тутиб олганга ўшарди. Камолга баъзан у тирикчилик кўйида юрган одамларни мазах қилаётгандек туюларди.

— Нон ейман...— савдойи пучқайиб ётган қорнига уриб қўйди.— Танга бер...

Камол шимининг чўнтагини ковлаштирди-да, қўлига илинган тангаларни олиб узатди. Савдойи пулни оларкан, яна қиқирлаб кулди.

— Сен яхши одамсан. Сени худо яхши кўради. Мен ҳам,— у бирдан Камолнинг қўлидан тутди-да, кўчанинг нариги бетидаги дўконга қараб судради.— Юр, сенга ширин нон обераман... Кўрасан...

Камол эътироз билдирмади. Икковлашиб дўконга киришди. Узун дастали шап-шап билан пашша ўлдириб юрган сотувчи йигит уларга елкаси оша бир қараб қўйди-да, шап-шапни пештахта остига ташлади. Негадир одатдаги жойи — тарози олдига бориб, гўдайиб турди.

— Хайр қил,— савдойи унинг олдига бориб қўл чўзди. Сотувчи афтини буриштирди, аммо қимир этмай тураверди.— Тангрига хайр қил...— савдойи ундан кўз узмай осмонга ишора қилди.— Ширин нон...

Ғазабдан сотувчининг ранги бўзарди. У савдойини ҳозироқ дўкондан қувиб чиқаришга тайёр эди-ю, бироқ Камолнинг олдида ботинолмади. Очиқ турган картон қутидан майдаланиб кетган уч-тўрт дона печенье бўлакларини олиб, пештахтага ташлади.

Савдойи ҳамон ундан кўзини олмай тураркан, қўлидаги тангаларни узатди.

— Энди тангага бер,— у қиқирлаб кулганича қорнига уриб қўйди.— Ўзим ейман. Хо-хо-хо!..

Энди сотувчининг рангпар юзига қизиллик тепти. Дам савдойининг қўлидаги тангаларга, дам Камолга ҳайрон бўлиб боқаркан, бир зум нима қиларини билмай довдираб қолди. Камол унга эътибор ҳам бермай сигарет тутатди. Сотувчи савдойининг пулини олди-да, шошапиша санади. Сўнг ғалати илжайганича печенье тортиб берди.

Савдойи оғзининг танобини қочириб илжайди. Камолга ҳам қарамай ташқарига чиқаркан, ўзича сўзланди.

— Тангрига,— деди у печенье ушоқларига қараб,

сўнг иккинчи қўлидаги қоғоз ўрамига кўз ташлади.— Тангага,— у ариқ бўйида чуқур ўйга ботиб турган Камолга қараб яна такрорлади.— Тангрига, тангага,— сўнг оғзини катта очганича яккам-дуккам тишларини кўрсатиб хохолаб кулди.— Ёмон, бу ёмон одам,— у дўкон томонга ишора қилди.

Савдойи ариқ бўйидаги тутларнинг соясига чўнқайди. Унг қўлидаги печенье бўлақларини сувга ташларкан, тангрига, дея шивирлади. Сўнг қоғоз ўрамини очиб, сотиб олган печеньесини иштаҳа билан ея бошлади. Камол унинг ҳар бир ҳаракатини кузатаркан, кетишини ҳам, тураверишини ҳам билмасди. Бу савдойи одамни у яхши кўрарди. У ғоят беозор, айни вақтда оққўнгил эди. Савдойи истаган пайтида кўнгли тортган хонадонга кириб борар, лекин ўтирмас, нима беришса тик турганича ебичиб чиқиб кетарди. Унинг насл-насабини, отини ҳеч ким билмас, ҳатто қаерда ётиб туриши ҳам номаълум эди. Одамларнинг гапича у уруш йиллари тўсатдан пайдо бўлиб қолганмиш-у, шу-шу бу атрофдан кетмабди. У худди осмондан тушгандек тўсатдан пайдо бўлар, қачон, қаерга кетганини ҳам ҳеч ким билмай қоларди.

Савдойи ҳаш-паш дегунча печеньеени еб бўлди. Ариққа энгашиб, ҳовучини тўлдириб сув ичди. Ҳўл бармоқлари билан соқолини тутамларкан, бошини сарак-сарак қилиб кулди.

— Ширин нон... маза...— у ариқ бўйидаги майсага чордана қуриб жойлашиб ўтиргач, Камолнинг этагидан тортди.— Эртак эшитасанми? Ўтир.

Камол унинг рўпарасига ўтирди. Ариқ лиммо-лим тўлиб оқарди. Бу йил баҳор серёғин келди. Ҳалигача чигит униб чиққани йўқ. Ишқилиб ҳаво юришиб кетсин-да.

— Ану-чи, одам юрса оёғи куядиган саҳронинг ўрта-сила бир шаҳар бор экан. Бу шаҳарда девлар яшаркан. Девларни кўрганмисан? Мана бунақа,— савдойи кўрсаткич бармоқларини икки чаккасига қўйиб, кўзларини чақчайтирди.— Шохи бор, думиям бор. Ўзи катта. Кўрсанг кўрқасан. Ҳа-а,— у юзига кўрқинчли тус берди.— Девлар битта тилла чаноқни пойлашаркан. Бизни пахтамизга ўхшаган. Фақат тилладан. Билдингми?

Камолга унинг эртаги қизиқ туюлмади. Ўрнидан туришга чоғланаркан, ҳафсаласизлик билан гап қотди.

— Пойлашса нима бўпти?

Савдойи оғзини катта очганича бошини орқага ташлаб, яйраб кулди.

— Шуниям, билмайсанми? Жинни-ей...— у кўрсаткич бармоғи билан Камолнинг пешонасига нуқиди. Сўнг эртакни яна қайтадан айтиб берди ва ўзича хулоса чиқарди.— Қим девлардан тилла чаноқни тортиб олса ҳаммадан зўр бўлиб кетади, билдингми?— у бирдан овозини пастлатиб шивирлади.— Ўша чаноқни сенга ўхшаган бола бориб олиб келибди-ю, кейин йўқотиб қўйибди. Тилла чаноқ бор жойда одамлар бир-бирини алдаса, ёмон кўрса бўлмас экан. Тилласи дарров айнаб қоларкан. Унинг йўқолиб қолганини ҳеч ким билмайди. Топиб олсам сенга обкелиб бераман, хўпми.

У атрофга олазарак кўз ташлади. Бир нарсадан чўчигандек бўйнини ичига тортганича, тутларни паналаб жадал юриб кетди. Камол билан хайр-хўш ҳам қилмади.

Унинг орқасидан қараб қоларкан, Камолнинг баттар кайфияти бузилди. Ажаб, нега савдойи унга бу ривоятни айтиб берди-а? Ўша йўқолган тилла чаноқни топиб бераман, деб ўзича қувонтирмоқчи бўлдимикин? Қошки ҳозир Камолнинг кўнглига шунақа нарса сиғса. Унинг умидлари пучга чиқди. Режалари барбод бўлди. Ишонган одами шуҳрат гадоси бўлиб чиқди. Агар раиса қувғин қилмаганида ҳам унинг чўлга бош олиб кетишдан ўзга чораси қолмади.

## БИРИНЧИ БОБ

Камол кеча чўлдан қайтганида хотини Нигорадан бу гапни эшитиб ишонмади.

— Ишонмайсизми? Бориб кўринг бўлмаса,— деди Нигора эрининг қўлига сув қуя туриб.— Кўзи оч бўлмай ўла қолсинлар опачангизни.

— Бўлмаган гапни гапирма,— Камол хотинининг гапини эламади.

— Вой тавба, вой тавба!— Нигора қизил сатиндан тикилган кенг кўйлагининг бурма ёқаларини ушлади.— Бориб кўринг деяпман-ку.

Камол ичига пахта тиқилган ёстиқни биқинига тортиб ёнбошларкан, хотинини эрмак қилиб кулди.

— Боғча билан мактаб ҳовлиси неча сотихлигини биласанми ўзинг?

— Мен сизга танобчимизми?— деди Нигора бирдан зарда қилиб.— Боринг, опачангиздан сўранг.

— Ҳа, бўпти,— деди Камол жеркиб.— Чойингни опке. У ёнбошлаган кўйи қайноқ чойни пуфлаб-пуфлаб

ичаркан, хотинидан кўз узмасди. Унинг қошиқдеккина юзи офтобда, дала шамолида қорайиб, қуруқшаб қолган. Кўзларида лоқайдлик ифодаси бор. У эридан бўлак ҳеч ким ва ҳеч нарса билан қизиқмайди. Уй-рўзгор, энгил-бош билан ҳам унча иши йўқ. Рўдапо бўлиб юравереди. Камол ўзингга оро бериб юр, деёлмайди. Бироқ Нигора ўзича бу нарсани тушуна қолмайди. Уруш туганига ўн йилдан ошди. Энди одамлар яхши еб, яхши кийишни, орзу-ҳавас кўришни истаб қолишган. Бу ўзгаришлар Нигоранинг шуурига ҳамон етиб боргани йўқ.

Камол бўшаган пиёлани узата туриб хотинининг қўлларига разм солди. Қовжираб кетган рўзапоянинг ўзгинаси. Бўйинингга чирмашса худди тирнаётганга ўхшайди.

Камолнинг юраги ачиди. Қийин у бечорага. Эртадан кечгача тиними йўқ. Беш-ўн кундан кейин қурт бошлади. Нигора ҳар йили ярим қути қурт тутати. У қурт боққанларга мукофот тарзида бериладиган бир кийимлик атлас ёки тўрт метр духобага ишқибоз. Атласни тиктириб кия қолмайди. Бир эмас уч ўғли бор. Бу йил бўлмаса ҳам янаги йили уларнинг тўйини қилиш керак. Бир кийимлик нарса бўлса ҳам кўздан нарироқ тургани яхши. Эрта-индин бирор лозимадага яраб қолади, дейди. Бола-чақасини, рўзгорини ўйлагани яхши, лекин ўзинича, ўзини қачон ўйлайди? Сатанг хотинлардек юзига упа чапиб, чикка бел бўлиб юрсин, демайди. Ҳар ҳолда... Нафсиламбирини айтганда хотини қандай юргани тизуклигини Камолнинг ўзи ҳам билмайди. Ҳамма қатори ишлаяпти. Ҳеч кимдан ортиқ, камлик жойи йўқ. Хўш, Камолга тагин нима керак? Нимадан кўнгли тўлмаяпти унинг? Хотинининг ҳалпиллаган кенг кўйлак кийишиданми? Пардоз-андоз қилишни билмаслигиданми? Меҳнаткашлигиданми? Мабодо Нигора салқин уйда елпиниб ўтирадиган, берсанг ейман, урсанг ўламан, дейдиган дарди-бедаво бўлганида нима қиларди? Нигора қишлоқда туғилиб ўсган қиз. Суяги меҳнат билан қотган. Даланинг меҳнатига ўрганган. Унга тунларни бедор ўтказиб қурт тутиш, далага чиқиб ишлаш писанд эмас. Бундан ташқари ҳарна эримга ёрдам бўлсин, дейди. Камол ёлғизқўл одам.

Нигора эрининг узоқ тикилиб қолганидан хавотирланиб уёқ-буёгини пайпаслади. Аллақачон пешонаси, кўзлари атрофига майда чизикчалар тушиб, қаримсиқ тус олган юзини сийпалади. Қоқ суяк қўлларига қаради. Тирноқлари атрофида қора-қура доғлар бор эди. Эри-

нинг кўзи шунга тушган бўлса керак. «Бирам динжиқки...»

— Ҳа-а...— деди Нигора таънали боқаркан. У Камолнинг яна нимадандир кўнгли тўлмаётганини сезиб турарди.

— Узим...— деди Камол ўйчанлик билан чой ҳўпларкан.

Нигора енгил тин олди. «Хайрият-эй...»

— Ҳовлига тўрт ариқ памидор экиб қўйдим,— деди у эрини қувонтирмоқчи бўлиб.— Сигирнинг охурини бошқатдан семон сувоқ қилдим.

— Шунақа ишларни қилиб бўлганиндан кейин оҳорлироқ кийимларингни кийиб олсанг бўлмайдими?— Камол ҳамон хотинидан кўз олмай босиқлик билан гапирди.

Унинг гапи Нигорага худди чаён чаққандек таъсир қилди. Сакраб ўрнидан туриб кетди.

— Опачангизга ўхшаб пасон бўлиб юриш қўлимдан келмайди.— У кенг кўйлагининг этакларини жаҳл билан бир силкиди-да, қўшни хонага кириб кетди.

Малика раиса бўлганидан буён ҳамма уни опа деб атай бошлади. Камол гарчанд синфдош бўлса-да, бари бир кўп қатори уни она дер, бунга Маликанинг ўзи монелик билдирмасди. Нигора опачангиз деганда шунга ишора қилаётган эди. Бояги гапи ҳам азбаройи уни ёқтирмаганлигидан ўйлаб топилган нарса бўлиши мумкин. Эртага бориб кўради-ку...

Камол чўлдан ҳориб келган эди. Йиғиштирилмаган дастурхон ёнида ёнбошлаганича кўзи илинганини сезмай қолди.

\* \* \*

Боғча баҳаво ерга жойлашган эди. Бир томони олмазор боғ, бир томони бедазор, олдидан бир ариқ сув шарқираб оқиб туради. Боғча биноси энг сўнгги лойиҳа билан қурилган. Ариқ бўйидаги икки туп азим чинор бинога кўрк, айни вақтда аллақандай осудалик бахш этиб туради.

Камол боғчага кириб келганида қоровул чол ҳовли рўясига сув сепиб, супураётган экан. У агроном билан қушқўллаб кўришди-да, чўққисоқолини тутамлаб қўйди.

— Келинг, мулло Камолжон,— у агрономнинг кутилмаган ташрифидан ҳайратда эди.

— Узим шундай... Утиб кета туриб киргим келди,—



Камол янги олинган жўякларга кўз ташлади. Ҳали ҳеч нарса экилганга ўхшамайди. Хотини билиб-билмай гапирган шекилли.

— Бахай...— қоровул чол болалар ўйнайдиган айвончага ишора қилди.— Қани, мундай ўтирсинлар. Ман чой келтирай. Электр чойнак сабил эрталабдан бери неча марта қайнади. Ёлғиз кишининг томоғидан сув ҳам ўтмас экан, мулло Камолжон.

Камол худди унинг гапларини эшитмагандек янги олинган жўякларнинг тепасига келиб сўради:

— Ота, бу ерга ҳеч нарса экилганми?

Мўйсафиднинг авзойи ўзгарди. Соқолини тутамларкан, Камолга эмас, негадир дарвоза томонга қараб туриб жавоб берди.

— Кеча чигит экиб кетишди, мулло Камолжон. Опа шундай деб фармон берибдилар. Боғчамизнинг мудираси кўп азият чекдилар.

Камол батамом гангиб қолди. У қоровул чолга нима дейишини ҳам билмасди. Умрида бирон марта бундай бачкана, кулгили ҳолга дуч келмаган эди. Бировга айтсанг, ўла қолса ишонмайди. Қолхознинг шунча ери турганда болалар боғчасининг ҳовлисига чигит экиш... Бу нарсани ўйлаб топиши учун киши нечоғли тубан бўлиши керак. Қайси нодондан чиққан экан бу ақл?

— Бултур шаҳардан напармон бўлиб очиладиган жуда антиқа гул кўчатларини опкелган эдим,— мўйсафид унинг хаёлини бўлди.— Бир чиройли очиларди денг... Майдачаларнинг кўзи қувнаб юрарди. Э, аттанг-а.

— Қандайдир англашилмовчилик бўлган, ота.

Бу ишнинг содир бўлганига Камолнинг ақли ҳамон бовар қилмасди. Назарида қоровул чол бирдан хандон ташлаб кулиб юборадигандек, кўп хафа бўлаверманг, ўғлим, ҳазиллашдим, дейдигандек туюларди. Бироқ мўйсафид чўққисоқолини тутамлаганича афсусланиб бош тебратди.

— Мен ҳам шунчамикин деб ўйлаяпман, мулло Камолжон.

Камол боғчадан фаромуш бир аҳволда чиқди. Гарангсиган кўйи мактабга борди. Узун йўлканинг икки четидаги атиргул кўчатлари ўтқазилган майдон бузиб ташланиб, қайтадан жўяк олинган эди. Демак... бу ерга ҳам чигит экилгани рост. Камолнинг шуури ҳаддан ташқари тез суръат билан ишлай бошлади. Ҳозир кимга учрашиб, нима дейиши лозимлигини аниқ-равшан тасав-

вур қиларди. Ёнгинасидан юзига чанг-тўзон аралаш илиқ шамол уфуриб ўтаётган машиналар шовқинига пинак бузмас, худди қасди бордек ерни гурс-гурс тепкилаганича ариқ ёқалаб борарди. У баланд бўйли, кифтлари кенг, билаклари эшилиб турган паҳлавон келбатли йигит эди. Жуссасига яраша узун оёқларини негадир икки томонга кериб ташлар, шу боис худди оғиб кетаётгандек чайқалиб юрарди. У табиатан камган, оғир-босиқ йигит. Аксига олиб хотинининг лаб-даҳани тезроқ. Аммо Камол бундан заррача азият чекмас, Нигоранинг жоврашларига мутлақо эътибор бермас эди.

Камол идорага кириб келганида Малика қабулхонадаги тошойна олдида тик турганича бошининг орқасига турмакланган сочини текислаётган экан. Камол бир зум остонада туриб қолди. Ойнадан унга бўлиқ гавдаси сарғимтир жемперини тирсиллатиб турган, юзлари нақш олмадек таранг, кўзлари чақноқ бир қиз қараб турарди. Қизил атлас кўйлагини туртиб чиққан баланд кўкраги унинг латофатини ошириб, янада кўзга яқин қилиб кўрсатарди. У Камолни кўриб билинар-билимас жилмайди. Унг бетида пайдо бўлган кулгичи чиройини очиб юборди.

— Хотинингиз пардоз қилаётганида ҳам шунақа индамай бостириб кираверасизми?— Маликанинг гап оҳангида эркаланишга яқин ўпка бор эди.— Қоқиниб, қирлиб кирмайсизми ҳеч бўлмаса.

Камол ҳамон ойнадан кўз узмай тураркан, беихтиёр култ этиб ютинди. У Маликани биринчи марта ойна олдида, ўзига оро бериб турган ҳолда учратгани учунми нима дейишини, нима қиларини билмай каловланиб қолди. «Юзида бир дона ҳам чизик йўқ. Нигора ундан тўрт ёш кичкина-ю, аллақачон туршакдек буришиб қолди. Пардоз қилса кошки эди...» Камол хотинини пардоз-андоз қилаётган ҳолда кўз олдига келтиришга уринди, аммо буни сира тасаввур қилолмади.

— Қани, ичкарига марҳамат,— деди Малика ён томондаги эшикни очиб. Камолнинг қимирламай турганини кўриб ўзи йўл бошлади. Хонага киргач, тўрдаги ёзув столининг орқасидаги юмшоқ креслога бориб ўтирди.— Намунча анқаясиз, синфдош. Бугун жудаям чиройли бўлиб кетибманми?

Камол унинг рўпарасига келиб ўтирди. Маликанинг очилиб-сочилиб гаплашиши, ҳазил-мутойибаси уни чалғита бошлаган эди. У раисанинг кўзига тик қараганича ҳазилга ҳазил билан жавоб берди:

— Сизни чиройли эмас, деган одам соқов бўлиб қолади, опа.

Малика ўзини кресло суянчиғига ташлаганича қаҳқаҳ уриб кулди. Бўйнидаги тилла занжирни тузатиш баҳонасида кўйлак ёқасини тортиб қўйди.

— Индамай юриб-юриб сиз ҳам жуда гапни оласиз-а,— Малика ҳамон ўзининг кўркини намойиш этиб ўтираркан, улуғворлик билан сўради.— Хўш хизмат, синфдош?

— Моҳонкўлга бориб келдим,— деди Камол.— Шунга айтиб қўяй деб кирдим.

— Чигитни экиб бўлишибдими?— бирдан жиддий тортиб сўради Малика.

Камол бош чайқади. Сўнг беихтиёр березент этигининг учини бир-бирига уриштирди.

— Эртага тугатишса керак.

— Моҳондаги ишларимиз юришиб кетмаяпти-да, а, Камолжон?— Малика бир қўлини кресло суянчиғига, иккинчисини столга қўйганича суҳбатдошига ёндош қараб ўтирарди.— Одамларнинг бошини бошига қовуштирадиган ишбилармон бир одамни юборсак бўларди-да, у ерга. Нима дедингиз?

Камол чурқ этмади. Ҳамон этигининг учини учига уриштириб ўтираркан, оғир тин олди. Унга қолса, Моҳонкўлга одам юбориш эмас, борларини ҳам қайтариб келиш керак. Ўзлаштираман деса Қизилқумда минглаб гектар ер бор. Фақат Моҳонкўлга тегмаслик керак. Билган, қадрига етган одамга Моҳонкўл табиатнинг беназир эҳсони. Юлғун, саксовул, қандим сингари буталар ўсиб ётган ажойиб чўл ўрмони у ер. Ундан оқиллона фойдаланиш лозим. Бу хусусда бултур, Моҳонкўлга ҳужум бошланганда Маликага кўп гапирган. Бироқ раиса унинг тунтиришларига қулоқ солмади. Қолхоз бир йилнинг ўзидаёқ Моҳонкўлда юз гектардан зиёд ер очди. Икки-уч йилдан буён фақатгина бу музофотда эмас, бутун мамлакатда қўриқ очиш, бўз ерларни ўзлаштириш авж олган. Одам оёғи тегмаган ерларга ўтюррак ёшларни юборишяпти. Саҳроларнинг қоқ ўртасида янги шаҳар, қишлоқларни бунёд этиш режаларини тузишяпти. Малика ҳам мана шу оммавий ташаббусга қўшилиб, кўп қатори шон-шухратдан, обрў-эътибордан бенасиб қолмаслик учун интилаётганларнинг бири. Бироқ Моҳонкўл хусусида Камолнинг ўз мулоҳазалари бўлиб, раиса билан фикри сира бир жойдан чиқмасди.

Малика гапи агрономга ёқмаганини сездди. Хуш-хандон кайфиятини бузмаслик учун унинг тезроқ чиқиб кетишини истади.

— Бошқа гапингиз йўқми?— бетоқатланиб сўради Малика. Бу сафар синфдош деган сўзни ишлатгиси келмади.

Камол йирик гавдасига мос катта бошини кўтарди. Қалин лабларини қимтиганича бир зум ўйланиб турди. Муштига йўталди. Шундан кейингина салмоқлаб гапирди:

— Бор,— деди дўрилдоқ овозда.— Бир нарсани сўрамоқчи эдим.

Малика ҳозир унинг дилни хира қиладиган кўнгилсиз бир гап айтишини бутун вужуди билан ҳис этиб турарди. «Ўлгудай сўхтаси совуқ. Доим нимадандир норози бўлиб юради. Бугун яна қанақа даҳмаза гап топиб келди экан?»

— Сўрай қолинг,— Малика вақти тигизлигини билдириб қўйиш ниятида жемперининг енгини хиёл қайириб, соатига қараб қўйди. Унинг билаги оппоқ, тикмачоқ эди.

«Ҳатто билакларигача ўзгариб кетган,— дея хаёлидан кечирди Камол.— Икки-уч йил олдин қўллари косовдек қоп-қора бўлиб юарди. Қора мойга беланиб тракторни ўзи тузатаверарди. Бригадасининг аъзоларига қўшилиб гўза ягана қиларди, биргалашиб дори солишарди. Унда ўзи ҳам тамоман бошқача эди. Тўғри сўз, чўрткесар эди. Ранса бўлганидан кейин ҳам шундайлигича қолаверди. Фақат бултур, колхоз биринчилар қатори пахта планини бажариб, орден олганидан буён бошқача бўлиб қолди. Димоғ пайдо қилди. Одамлар ҳақида илгаригидек куюниб, қайғуриб ўйламайдиган бўлиб қолди. Наҳотки, ҳурмат-эътибори ошганидан довдираб қолган бўлса? Йўғ-э, ёш бола эмас-ку, ахир...»

Улар мактабда ҳам, қишлоқ хўжалик институтининг сиртқи бўлимида ҳам бирга ўқишган эди. Маликага Камолнинг ўта оғир-босиқлиги, минғаймаслиги ёқмасди. Ҳозир ҳам ҳар бир сўзни ичидан қийналиб суғуриб олаётгандек салмоқланиб гапириши юрагини тошириб юборди. «Йигит деганнинг қадамидан ўт чақнаб турса, гапирадиган гапини шарт-шурт айтса қўйса. Бу нима лалайиб ўтириш».

— Боғча ҳовлисига чигит экишни сиз буюрибмидингиз?

«Эҳ-ҳа, гап буёқда экан-да. Нега бу кишининг қовоқ-

тумшуғи осилиб кетди деса, болапарлиги тутиб кетган экан-да».

Маликанинг чехрасини ёриштириб турган ёқимли та-  
бассум ўрнини совуқ бир ифода эгаллади. Ҳамон ҳола-  
тини ўзгартирмай жавоб берди:

— Ҳа, мен буюрганман,— унинг чиройли қилиб те-  
рилган ўнг қоши хиёл кўтарилди.— Хў-ўш...

Қамол пешонасини тириштирганича унга ер остидан  
хўмрайиб қаради.

— Нега?

Малика бошини буриб, агрономга ҳайрат билан боқ-  
ди. Қамол гоят оққўнгиллик билан жавдираб турарди.  
Унинг қараши Маликанинг ғашини келтирди. «Ҳа, на-  
мунча энди... Нима, оламшумул фожиа юз берибдими?  
Боғчанинг ҳовлисига гул эмас, пахта эктирибди. Хўш,  
бунинг нимаси ёмон? Болалар учун бу ерга гул экилди  
нима-ю, пахта экилди нима? Бари бир эмасми?»

— Қачондан бери мен сизга ҳисоб берадиган бўлиб  
қолдим, синфдош?

У «синфдош» деган сўзга алоҳида урғу бериб, истех-  
зо билан айтди. Шунинг учун ҳам бу сўз ҳозир калтак  
вазифасини ўтади. Қамол аста қаддини ростлади. Рўпа-  
расида ўтирган кўҳлик қиз унга жуда ҳам бегона, тили-  
ни ҳам, дилини ҳам тушуниб бўлмайдиган тарсо туюлиб  
кетди. Мактабда ўқиб юрган кезлари у бутунилай бошқача  
эди. Ҳозиргисига мутлақо солиштириб бўлмайди.  
Вақт жуда ҳам бешафқат экан, кишини не кўйларга  
солмайди.

— Нега бунча ўзингизни қийнайсиз, опа?

Қамол бу сўзларни чин юракдан, дўстона бир тарзда  
айтди. Маликанинг қалбида алангалана бошлаган ға-  
заб ўтига сув пуркалгандек бўлди. Унинг ранги бир оқар-  
иб, қизарди. Қреслонинг икки четини тутиб, куч билан  
ўрнидан қўзғалди. Дераза олдига борди-да, гул тувак-  
ларига бармоқларини ботириб кўрди. Бурчакда турган  
сейф устидан сувли графинни олди-да, гулларга сув қуй-  
ди. Графинни жойига қўйгани бора туриб, кескин орқа-  
сига ўтирилди.

— Ҳадеб чайналавермасдан сиз ҳам бирон марта бу-  
тун гап гапиринг. Нима демоқчисиз асти?

«Жуда ҳам юраги тор бўлиб қолган,— хаёлидан ўт-  
казди Қамол.— Ортиқча гап-сўзни кўтаролмайди. Йўқ,  
жиззаки эмас, фақат ҳамма нарсанинг ўта аниқ, ҳисоб-  
китобли бўлишини талаб қилади. Мана шуниси чатоқ».

— Боғчанинг ҳовлисига пахта экиш шунчалик зарур-  
миди?— эзилган бир аҳволда сўради Камол.

— Бизда бир қарич ҳам бўш ётган ер бўлмаслиги  
керак,— Малика графинни сейф устига қўйгач, жойига  
келиб ўтирди.— Биласиз-ку, партия, ҳукуматимизнинг  
галаби шу.

— Гуноҳингга партия билан ҳукуматни шерик қил,  
деб ким ўргатган сизларга?

Малика довдираб қолди. «Вой писмиғ-эй... Индамай  
юриб-юриб топган гапини қаранглар-а. Шу гап каттароқ  
бирор одамнинг қулоғига етса борми...»

— Шу нарса ҳам жиноят бўлмай ўла қолсин,— Ма-  
лика энсаси қотганини билдириб қўйиш учун атай ово-  
зини бир парда кўтариб, зарда билан гапирди.— Боғча  
колхозники, хоҳласа гул экади, хоҳласа дарахт ўтқа-  
зади, хоҳласа пахта экади.

Камол ҳавончадай мушти билан тиззасига оҳиста  
уриб ўтираркан, афсус билан бош чайқади. Ҳозирги гапи  
Маликани ҳар қандай ҳис-туйғудан маҳрум, сўтак қилиб  
кўрсатарди. «Бир пайтлари ўта қувноқ, серзавқ қиз эди.  
Райҳонни яхши кўрарди. Папкасида доим райҳон олиб  
юрарди. Паргасининг устида ҳам ҳамиша бир тутам рай-  
ҳон бўй таратиб турарди. Наҳотки, мана шу гулни,  
гўзалликни яхши кўрадиган қиз барча нозик туйғулари-  
дан бевақт айрилиб қолган бўлса? Оламга ҳам, одам-  
ларга ҳам фақат даромад, ҳисоб-китоб кўзи билан қара-  
са? Унинг юрагини қалқитиб, тошириб турган ҳислар  
қайда қолди?»

— Сиз арзимаган майда-чуйда нарсаларни жиноят-  
га йўяверманг унақа,— дея танбеҳ берди Малика.— Ях-  
ши одат эмас бу.

— Бу қилган ишингизни ўзингизча олижаноблик деб  
ҳисоблайсизми?

— Сизга нуқул баландпарвоз гапларни гапириш бўл-  
са,— деди Малика бир оз юмшаган, бироқ таънали  
оҳангда.— Бошингизда бутун бошли колхознинг жавоб-  
гарлиги бўлганда кўрардим аҳволингизни.

«Рост, катта бир колхозни бошқариш осонми? Ундан  
ҳар бир қарич ернинг, ҳар бир грамм пахтанинг ҳисоби-  
ни таяб қиладиганлар қанча. Эҳ-ҳе... Ҳамма нарсани  
била туриб Маликани айблайвериши унча тўғри эмас.  
Чиндан ҳам унинг ўрнида бўлганида ўзи нима қиларди?  
Балки Маликадан бешбаттар иш тутарди.»

— Раис бўлганимда балки мен ҳам хато қилардим,—

деди Камол атай ҳар бир сўзга алоҳида урғу бериб.— Лекин сизга ўхшаб болаларнинг кўзини ўйиб олмасдим.

Малика кафти билан столга тарс этказиб урди. Пўрсилдоқ, чиройли лаблари титраб, гапиролмай қолди. Юзи оқаргандан оқариб, совуқ тус олди.

— Кўп ҳаддингиздан ошманг,— учинқироқ овоз билан бақириб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Камол ўрнидан вазмин кўзгалди. Унг қўлини кўксига қўйганича узр сўради.

— Мен сизни хафа қилмоқчи эмасдим, опа. Узр...

— Хафа қилмаганингизми бу ҳали?— Ғазабдан Маликанинг бутун вужуди қалт-қалт титрарди.— Ҳеч кимнинг эс-хаёлига келмаган гапларни топиб доим одамнинг дилини хира қилиб юрасиз. Менда нима қасдингиз бор шунчалик?

Камол ночор кулимсиради. У Маликанинг тўғри гапга нега бунчалик огриниб, тутақаётганига тушунолмасди.

— Ҳеч қандай хусуматим йўқлигини яхши биласиз-ку. Бу гапларни фақат боладарга юрагим ачиганидан гапиряпман.

— Ҳа-а, болалар нима бўпти?

— Бизнинг болаларимиз пахтадан бошқа нарсани кўрмаслиги керакми, опа?— Малика қанчалик тутақса, Камол шунчалик хотиржам гапирарди.— Шу кафтдек ердан оладиган пахта билан эшагимиз туя бўлиб кетмас. Айтинг, чигит экилган жойни текислаб қайтадан гулзор қилиб беришсин.

Маликанинг қаҳри келди. «Нега у раиса бўла туриб агрономнинг майлича иш тутуши керак? Нега Камол ўзини воҳиди қиёс фаҳмлайди? Нега ҳамма ундан ибрат олиши, унинг йўриғига юриши лозим? Ким бўпти у шунчалик?.. Раисанинг ишларига аралашишга ким ҳуқуқ берган унга? Индамагани сайин жуда ҳаддидан ошиб жетяпти. Ақли етса-етмасе ҳамма насага бир-бир тумшугини суқиб кўради. Бултур Моҳонкўлга ҳужум бошланганда қанақа тўполон қилди. Маликанинг устидан райком секретарига арз қилди. Яхшиямки, райком секретари дарров попугини пасайтириб қўйди. Шундан бери тинчгина юрган эди, бугун яна эски дарди кўзиб қолибди».

— Одамлар сизни қаттиқ ҳурмат қилишади, опа,—

деди Камол астойдил куюниб.— Шаънингизга доғ туширадиган бунақа ишларга изн берманг.

— Менга қаранг, ўртоқ агроном,— Малика бошини орқага ташлаганича унга кибр билан боқди.— Бунчалик саҳоват билан ҳаммага ақл улашаверманг. Ўзингизга ҳам керак бўлиб қолади.

Камолнинг сийрак қошлари чимирилиб, кўзларида совуққонлик пайдо бўлди. Бошидан дўпписини олиб, кафтига тарсиллатиб урди. Жиягини бир-икки тортиб қўйгач, қайтадан бошига кийди. Япасқи даҳанини куч билан уқалади. Олдинга бир қадам қўйиб тўхтади. Малика истеҳзоли кулимсираганича ундан кўз узмай ўтирарди. Афтидан у тортишувда устун келгани учун ўзича тантана қиларди. Аммо билмасдики, Камол талашиб тортишгани эмас, унга оддий бир ҳақиқатни англагани келган. У раисанинг арзимас бир хатоси туфайли болалар маънавий олами пуч, кўнгли қашшоқ бўлиб қолиши мумкинлигини айтмоқчи холос. Уша бир парча ердан қанча пахта олинарди? Нар и борса эллик кило, боринг, юз кило ҳам бўла қолсин. Шу бир уюм пахта билан колхознинг бири икки бўлиб кетмас? Раисани арши-аълога опчиқиб қўймас? Тўғри, колхознинг плани тўлса ҳаммага яхши. Деҳқоннинг косаси оқаради. Топган-тутганига қўр қўшилади. Лекин мана шу ердан олинадиган пахта билан тўладиган бўлса, колхознинг плани ҳеч қачон тўлмай қўйиб кета қолмайдими! Дунёдаги ҳеч нарса одамдан, айтиқса болалардан азиз эмас-ку. Наҳотки, Малика бу нарсани тушунишни истамаса? Агар у тушунмаса кимга бориб арз қилиш керак?

Шу пайт телефон жиринглади. Малика истар-истамас трубкани олди.

— Лаббай,— деди у трубкани қулоғидан узоқроқ тугаркан. Аммо бирдан қиёфаси ўзгарди. Ўрнидан туриб кетгудек бўлди.— Ҳа, ўзимман, Халил ака. Экишними? Тугатяпмиз. Фақат Моҳонкўлда яна бир икки кунлик ишимиз қолди. Йўғ-э... Шу ҳафта ичида албатта тугатамиз, Халил ака. Кеча правление аъзоларидан бири бориб кўриб келди.— Малика Камолга қараб қўйди. Кутилмаганда миясига бир фикр келди-ю, қувончдан юзлари яшнаб кетди.— Халил ака, Моҳонкўлдаги ишларимизни тузукроқ йўлга қўйиш учун ишбилармон, қаттиққўл бир одамимизни юбормоқчимиз. Ҳозир у ерда механизатор йигитлардан бири бригадир. Қимни дейсизми?— у яна Камолга қараб мамнун жилмайди. Бироқ унинг



табассуми йигитнинг вужудини музлатиб юборди.— Камолжонни. Агроном йигит бор-ку... Ҳа, ҳа, ўшани. Моҳонкўлни жуда яхши кўради. Ўзи бош бўлиб обод қилсин, дедик. Правление аъзоларининг қарори шу. Агар сиз ҳам қўллаб-қувватласангиз... Тўғри, бу колхознинг ички иши. Ҳар ҳолда сизнинг олдингиздан ҳам бир ўтиб кўяйлик дедик-да. Хўп, саломат бўлинг, Халил ака.

Малика трубкани жойига қўяркан, ўзини кресло суянцигига ташлади. У қувончдан терисига сизмас эди. Бу фикр миясига қаёқдан келиб қолди, а? Минг йил ўйлаганида ҳам бундан ортиқ жазо тополмаган бўларди.

— Нега турибсиз? Утиринг,— деди Малика илжайганича.

Камол унга сўзсиз боқиб турарди. Бу қарашда жуда кўп маъно бор эди. У ўзининг ҳайратини ҳам, нафратини ҳам кўзлари орқали баён этмоқда эди. Малика буни кўриб, англаб турган бўлса-да, ўзини билмасликка олди. Қўл остидаги бир агрономнинг ёмон кўриши унга этини чимчилагандек ҳам таъсир қилмасди. «Ёмон кўрса ундан нари,— деб ўйлади у ўзининг ҳақлигига шубҳа қилмай.— Чўлга бориб таъзирини еб келса, иккинчи маҳмаданагарчилик қилмайдиган бўлади. Чўлнинг шундай азоблари борки, дунёга келганига пушаймон қилдириб юборди».

— Топшириқ тушунарли-ку, ўтириб нима қилдим.

Камол бу гапни киноясиз, ўзини хотиржам тутиб айтди. У Моҳонкўлга боришдан қўрқмасди. Одамлар икки йилдан бери ишлашарди. Ушалар қатори юраверади. У фақат бир нарсадан — юрагидаги дардини тегишли жойга бориб айтолмай доғда қолишдан қўрқади. Назарида унинг гапи ҳаммага бирдек тааллуқли. Моҳонкўл бир томони Зарафшон, бир томони Амударёга туташган минглаб гектарни ишғол этган юлғунзор ўрмон. Бу ерда жуда катта чорва хўжаликлари ташкил этиш мумкин. Ҳозир йил сайин чорва озукаси ҳаммани ташвишга солмоқда. Баъзан қиш чўзилиб, ем-хашак танқис бўлиб қолган йиллари хўжаликлар жуда катта зарар кўришарди. Бундай йиллари колхоз пахтадан ортирган даромадини чорва ўприб кетарди. Шу нарсани била туриб тайёр озуқа базасини йўқотиш инсофданми? Тўғри, бизга биринчи навбатда пахта керак? Сабзавот, мева-чева керак. Лекин чорва маҳсулотлари-чи? Гўшт, сут-чи? Булар ҳамма нарсадан зарур эмасми? Агар Моҳонкўл чорвачилик базасига айлантирилгудек бўлса ўрмон хўжалиги

ходимлари сунъий саксавулзор, терескинзор барпо эта-  
миз, деб ортиқча сарф-харажат қилиб юришмасди. Ҳеч  
бўлмаса бу ерларда каттароқ бир қўриқхона ташкил  
этилса эди. Лекин унинг гапига на раиса, на райком сек-  
ретари қулоқ солишмаяпти. Энди унинг ўзини мана шу  
табиат эҳсонини поймол этишга юборишяпти. У бормай-  
ман деёлмайди. Борди-ю, у бош тортса, бошқа бировни  
юборишади қўйишади. Балки ўша бошқа биров ўзини  
кўрсатиш, ном чиқариш учун Моҳонкўлни ўзлаштириш-  
ни янада жадаллаштириб юборар. Кейин нима бўлади?  
Нима бўларди, тузатиб бўлмас хато юз беради. Ундан  
кўра ўзи боргани тузук.

— У ерда бригадир бўлсангиз ҳам ҳозирги ойлигинг-  
гиз сақланади. Буёғидан хотиржам бўлинг.

«Хотиржам қилиш учун топган нарсасини қаранглар-  
а. Йўқ, у ўзини авлиёсифат қилиб кўрсатмоқчи эмас.  
Менга пулнинг кераги йўқ, демайди. Керак. Тирик одам-  
да нимаки зарур бўлса ҳаммаси керак. Фақат бу нарса-  
ни Малика алоҳида таъкидлаб айтгани ғалати туюлди.  
Агар ойлигинг камаяди деса бормасмиди? Ҳамонки, кўп-  
чилик шунга қарор қилибдими, бўйин товлаб бўлмайди.»

— Мабодо бу мени ўз ёғимга қовуриш усули эмас-  
ми?— кутмаган ҳолда кулимсираб сўради Камол.

— Тушунмадим?— Маликанинг қошлари чимирилди.

— Ҳадеб сўз ўйини қилавермай очикроқ гапиринг.

«Тавба, ҳатто сўз ўйини қилишга ҳам тоқати йўқ.  
Ҳамма нарса худди кафтида тургандек очик-ойдин бўли-  
шини истайди. Унинг учун ҳаётда ҳеч қандай сирли, мав-  
ҳум нарса бўлмаса. Ҳеч қачон таваккал қилмаса. Ҳар  
бир хатти-ҳаракатини олдиндан пухта ўйлаб, режалашти-  
рилишини истайди. Бу тарзда яшаш жуда қийин-ку...»

— Мабодо чўлга юбориб таъзимни бермоқчи эмас-  
мисиз дейман-да,— деди Камол ҳамон жилмайганича.—  
Лекин мен бари бир фикримдан қайтмайман.

— Шунақами?— Маликанинг кўзларида қаҳрли бир  
ифода пайдо бўлди. Лаблари пирпиради. Нақш олмадек  
ўзи билинар-билимас оқарди.— Шунини яхши билиб қў-  
йишсизки, сизга ўхшаган битта яримта одамнинг фикри ҳеч  
нарсани ўзгартирмайди. Сиз ўзингизча давр суръатига,  
замон талабига қарши чиқмоқчи бўляпсиз.

— Ҳечам унақа эмас,— шоша-пиша унинг гапини  
бўлди Камол.— Мен фақат табиат эҳсонини асраб-авай-  
лаш...

— Сиз инсон табиатга тобе эмас, ҳоким бўлиши ке-

рак, деган давр шиорини ҳали ҳам англаб етмаганга ўхшайсиз-ку.

«Тўти, худди тўтининг ўзгинаси,— алам билан хаёлидан кечирди Камол.— Нимани ўргатишган бўлса шунинг ўзинигина такрорлайди. Мушоҳада қилиб кўрмайди. Ё тавба!..»

— Инсон табиатнинг фарзанди, опа,— деди Камол бирдан ўйчан, ҳатто маъюс тортиб.— Унга зўравонлик қилганларнинг юзи қора бўлади.

— Қимнинг юзи ёруғ бўлади, кимникига қора чап-ланади — буни келажак кўрсатади. Сиз бировларнинг ташвишини чекмай қўя қолинг,— Малика совуққонлик билан унинг гапини бўлди.

— Лекин мен бари бир ўз фикримда қоламан,— Камол оғир тин олди.— Агар ранжимасангиз юқорироқ идорадагиларга ҳам айтиб кўраман.

Маликанинг кўзларида, лаблари атрофида масхараомуз табассум пайдо бўлди.

— Бир марта дакки еганингиз камлик қилибди шекилли, а?

— Йиқилган курашга тўймас, деганлар,— Камол кўпдан бери кўнглига тугиб юрган ниятини айта олганидан қувониб кетди.— Балки обком секретари фикримни ёқлар. Агар янглишаётган бўлсам, хатоимни тушунтирар.

— Майли, ўзингиз биласиз.— Малика бош ирғади.— Лекин тазйиққа учрайдиган бўлсангиз мен сизга ҳимоячи бўлолмайман.

— Бўпти, келишдик,— деди Камол эшик томонга юзлана туриб.— Чўлга қачон кетишим керак?

— Эртага,— Малика столни айланиб ўтди-да, қўлини узатди.— Ишларингизга муваффақият, синфдош.

Камол раисанинг оппоқ, тикмачоқ қўлига қараб қўйди-да, беихтиёр ўзининг бесўнақай кафтига кўз ташлади. Нигоҳини яна раисанинг ҳавода муаллақ турган қўлига кўчирди. Худди офтоб кўрмаган тамтам қизларнинг қўлига ўхшайди. Камол кафтини кўйлагига суртди. Аммо раисанинг қўлини олмади. Шарт бурқилиб чиқиб кетди.

\* \* \*

Эшик ёпилганидан кейингина Маликанинг ҳуши ўзига келди. Қўли ҳамон ҳавода муаллақ турганини, ҳеч қачон бундай ўсал аҳволга тушмаганини англади-ю, пешонасидан муздек тер чиқиб кетди. Икки қўли жонсиз

шалвираб икки ёнига тушди. Оёқларидан дармон кетди. Эшикдан кираверишдаги стуллардан бирига беҳол чўкди.

Унинг қўлини олмади-я. Қолхоз раисаси билан қўл олишиб хайрлашишни истамади. Қачондан бери у бунчалик калондимоғ бўлиб қолди? Нимасига ишониб шишини нади? Хўш, нимасига? Бор-йўғи агроном бўлса. Энди агроном ҳам эмас, бригадир. Тагин овлоқ бир чўлда. Бу дунёда унинг борлигини биров ё билади, ё йўқ. Агар Малика истаса уни чўлдан бир қадам ҳам жилдирмай қўйиши мумкин. Ҳатто қишлоққа ҳам йўлатмайди. Юради чўли-биёбонда юмронқозигу калтакесакка ошно бўлиб. Агар бугунги ишини Халил ака билсами, нақ қиёмат кунини бошига солади. Кейин масала талашини у ёқда турсин, ҳатто ўзининг отини ҳам тополмай қолади.

Киши аччиқ устида не қабоҳатларни ўйламайди. Арзимаган бир гуноҳи учун бировни жувонмарг қилиб юборишгача боради. Бироқ билмайдики, бировни жазолайман деб ўзи ҳам жуда катта хатога йўл қўяди. Агар инсон ҳар қандай шароитда туйғуларини жиловлай олса, ҳаётда бегуноҳ одам бўлмаслигини, бундай хислат фақат фаришталаргагина хос эканини англаб етади. Бировни айбитаётган одам ўзи ҳам кимнингдир олдида айбдорлигини ҳис этади. Афсуски...

Малика ҳозир интиқом ўти билан ёнарди. У таҳқирланган иззат-нафси учун қандай қилиб бўлмасин Камолдан қасд олишни ўйларди. Лекин қандай қилиб? Ҳозиргина унга жазо берди — чўлга бадарга қилди. Ўз майлича агрономликдан олди. Лекин ҳозирги айби учун бу жазолар камдек туюларди.

Унинг қўлини олмади-я. Қўлини ушлаш эмас, илтифот қилиб биттагина қиё боқишига зор бўлиб юрганлар озмунчами? Бундай нарсаларга фаҳми-фаросати етармиди унинг. Дала-даштда юравериб тўқим табиат бўлиб кетган-да. Ойда-йилда бир марта шаҳар кўрса кўради, бўлмаса йўқ. Телевизор томоша қилишга ҳам вақти бўлмайди. Кечгача дала кезади. Кечқурун идорага келиб кундалик қилинган ишлар ҳақида ҳисобот беради. То уйига етиб боргунича ярим кеча бўлади. Мана шу таҳлид йил ўн икки ой худди жувозга қўшилган отдек бир хилда ишлаб, бир хилда яшаб юрган одамдан нима кутса бўлади? Унда қўполлигу нодонликдан бўлак ҳеч нарса йўқ.

Малика ҳали ҳам ўзини босиб ололмасди. Ҳамон

рашга тегадиган бир титроқ чангалидан қутилолмасди. Титроқни енгиш ниятида стул қиррасини қаттиқ тутамлади. То ёгочнинг қирралари бармоқларига ботиб оғриқ турмагунича қўйиб юбормади. Сўнг бошини орқага ташлаб деворга суюнди. Рўпарасидаги деразадан қийғос гуллаган ўрик кўриниб турарди. Нафармон гулбарглар битта-битта узилиб, ерга тўшаларди. Худди қор учқунлаётганга ўхшайди. Қор учқунлаб турган пайтда кишида ёлғиз қолиб хаёл суриш истаги туғилади. Гоҳ ўтмиш хотираларини варақлагинг, гоҳ ширин орзуларга эрк бергинг келади. Малика ўрик шохларига қўнган капалакчаларнинг бир-бирлаб пастга энишини томоша қиларкан, талай йиллар илгари содир бўлган бир воқеани эслади.

Саккизинчи синфда ўқишарди шекилли ўшанда. Довуччаларга сув йиғилиб, айни хуштаъм бўлиб қолган эди. Бир кун Тўхтамурод деган синфдоши унга довучча олиб келди. Малика ҳали раҳмат айтиб улгурмаган ҳам эдики, бирдан ёнида Камол пайдо бўлди. Ҳе йўқ, бе йўқ, бир уриб Тўхтамуроднинг кўзини кўкартириб юборди. Бу қилмиши учун синф раҳбаридан ҳам, мактаб директоридан ҳам озмунча гап эшитмади. Лекин у Тўхтамуродни нега урганининг сабабини ҳеч кимга айтмади. Бунинг сабабини ёлғиз Маликагина биларди. Камол Маликани яхши кўрарди. Уни ҳаммадан қизганиб, ўзича муҳофаза қилиб юрарди. Унинг атрофида гирдикапалак бўлиб юргани қизга хушёқар, аммо бирор илтифот кўрсатиб бахтиёр этмасди. Лоақал Камолнинг ўзи билан бир партада ўтиришига ҳам унамаган. У Камолни камгап, мингаймаслиги учун ёқтирмасди. Бошқа болалар қаёқдаги гапларни айтиб одамнинг ичагини узишади. У бўлса тумшайгани-тумшайган...

Уша воқеанинг эртасига Камол бир халта довучча олиб келди. Тўғри Маликанинг олдига борди-да, катта бўз халтани парта устига қўйди. Синфни тўлдириб турган болалар кулиб юборишди.

— Бу нима?— деб сўради Малика бўз халтага жирканиб қараркан.

— Довучча,— деди Камол худди мушкул бир вазифани қойиллатиб ўринлатган одамдек оғзини тўлдириб.

— Менга довучча керак эмас,— Малика халтани олиб Камолнинг қўлига тутқазди.— Бекорга овора бўпсан.

Камол мулзам бўлиб қолди. У қилган ишидан Мали-

ка хурсанд бўлади деб ўйлаган эди. Кўнгил учун халтанинг оғзини очиб ҳам кўрмади. Кўрса оғзининг суви келарди. Камол колхоз боғидаги довуччаларнинг энг сархилини ўғирлаб келган эди. Камол беихтиёр Тўхтаму-родга қараб қўйди. Кеча унинг довуччасини олдинг-ку, демоқчи бўлди-ю, бу гапи бачканалик бўлишини сезиб фикридан қайтди.

— Олмайсанми?— аччиғи чиққанидан худди илондек вишиллаб сўради Камол.

Малика кескин бош чайқади. Болаларнинг дами ичига тушиб кетди. У синфдаги болаларнинг энг кучлиси бўлгани учун ҳамма ундан ҳайиқарди. Камол бир қўлидаги халтага, бир Маликага қаради-да, тарс-турс юриб дераза олдига келди. Деразанинг бир тавақасини лағт очиб, халтани ҳовли ўртасига улоқтирди. Ерга тўп этиб тушган халтанинг чоки сўкилди. Йирик-йирик довуччалар ер билан битта бўлиб сочилиб кетди. Зум ўтмай синфга билагига қизил латта боғлаган навбатчи ўқитувчи кириб келди. У Камолнинг қулогини чўзганича директорнинг хонасига опкириб кетди. Лекин у ердан чиққач, Камол дарсга кирмади.

Ушанда директор уни нима деб койганини Малика ҳалигача билмайди...

Малика бир-бир босиб дераза олдига келди. Ташқарида кун чарақлаб турибди. Октябр ўяга чиқиб, бирпас турсанг қуёш нурлари дилингдаги бор губорларингни эритиб, йўқ қилиб юборадигандек туюлади. Ҳозир табиатнинг ўзида бир мунавварлик бор. Ариқ бўйларини худди атайлаб сепилгандек бир текис майса қоплаган. Майсаларга ўрикнинг шоҳларидан учиб тушган оч-қизғиш капалакчалар қўниб туришибди. Гулбаргларнинг сувга тушганлари эса ҳар жой-ҳар жойга тўпланиб қолган. Улар аллақачон ўзининг хусну тароватини йўқотган, хору хасга аралашиб ифлосланиб кетган эди.

«Агар ўзининг чиройини сақлолмаса ҳатто гул ҳам хунук,— дея хаёлидан кечирди Малика.— Одам-чи? У гулдан ҳам нозик-ку. Агар у одамгарчилигини йўқотса, ҳаммага шумшук кўриниб қолади».

Малика Камолни назарда тутиб шундай қарорга келди. Унингча собиқ синфдоши борган сари инжиқ, ўзини ҳаммадан ақллироқ деб ҳисоблайдиган бўлиб қолди. Нега боғчанинг ҳовлисига пахта эктирдинг, деб келгани ўзини инсонпарвар қилиб кўрсатишга уринишдан бошқа нарса эмас-ку. Боғчанинг ҳовлисига пахта экиб бўлмас-

лигини наҳотки, Малика билмаса. Билиб туриб эктирди. Эллик кило пахта чиқсаям майли-да. Кузда икки оёқ бир этикка тикилиб қолганда ҳарна планинг бир чети-га ямоқ бўлади. У фақат ўз манфаатини ўйлаб шундай қилгани йўқ-ку. Буни ҳеч ким билмаганда ҳам Камол яхши билиши керак. Кузда, пахта масаласи кун тартибига чиққан пайтда қандай одамгарчиликлар қилганингни биров суриштирмайди. Белгиланган миқдордаги пахтани ўз вақтида топширишингни талаб қилишади. У чоғда пахта туфайли йўл қўйган баъзи камчиликларинг ҳам кўзга кўринмайди. Мабодо гуноҳинг фош бўлиб қолган тақдирда ҳам бари бир кечиришади. Ҳар қандай йўл билан бўлса-да, пахта планини бажарсанг бас. Буни Камол яхши билади. Била туриб ўзини инсонпарвар қилиб кўрсатмоқчи. У азалдан Малика билан ўчакишади. Унинг синфда ўқишаётганларида бир куни район марказига кинога боришганди. Кинодан чиқишганида Тўхтамурод Маликанинг папкасини кўтариб олмоқчи бўлди. Шунда Камол ўртага суқилди-ю, унга қизнинг папкасини олдирмади. «Ўзи кўтарсин,— деганди у тўнғиллаб. — Ҳалитдан юкини бировларга кўтартирса, нарироққа бориб кимгадир опичлаб юрадиган бўлади». Худога шукур, ҳалигача Малика бировга оғирини солгани йўқ. Зуваласи каттароқ узилган эканми, доим ундан бир поғона юқориюқ юрди. Камол сувчига шогирд тушганида, Малика механизаторлар курсига кирди. Бир йилдан кейин звено бошлиғи бўлди. Кейин бригадирликка кўтарилди. Камол ўша-ўша сувчилигича юраверди. Фақат ўқишни тугатган йили агрономликка тайинланди. Ўша йилнинг охирига бориб Малика тафтишком бўлди. Кейин раисаликка сайланди.

Йил охирига бориб бир кишини Меҳнат Қаҳрамонлигига тавсия этишларини сўрашди. Малика ўйлаб ўтирмасданоқ ўз номзодини кўрсатмоқчи эди, бироқ райкомдагилар унинг илинжини пучга чиқаришди. Бу унвонга юқори ҳосил олаётган бригадирлардан бирини тавсия этиш керак экан. У ўз ўрнига тайинланган бригадирнинг ҳужжатларини ноилож обориб топширди. Камол буларни қайдан билсин. Ўша бригадирнинг одмигина костюмида ярқираб турган Олтин юлдуз унинг кўксини безаши керак эди. Агар ўшанда Қаҳрамон бўлиб кетганида одамлар соясига кўрпача солишарди. Фақат райкомдагилар эмас, юқоридагилар ҳам у билан ҳисоблашишарди. Афсуски...

Малика дераза олдида тик турганича хона ичига разм солди. Хонани бошдан-оёқ эгаллаб турган стулларга оқ филоф кийгизилган. Деразаларга ерга тегай-тегай деб турган нафис парда тутилган. Хонани бутунлай энлаган гилам худди чўғдек ёниб турибди. Хуллас бу ерда дидли аёлнинг саришталиги шундоққина билинади. Ташқаридан кирган одамнинг баҳри-дили очилиб кетади. Илгари-чи?.. Энг арзон шолча пойандоз тўшаб қўйилган эди. Жониворнинг рангини кўриб бўлмасди. Одамлар сёғининг чангини артиб-суртмай тўғри кириб келишаверарди. Ҳозир кираверишга пойабзал тозалайдиган махсус жой қилинган. Энди даладан келган одам идорага бостириб киравермайди. Олдин энгил-бошини тозалаб, баҳонада жиндай нафасини ростлаб олганидан кейин ичкарига киради. Агар бирор нарсдан хафа бўлиб, тутаб келаётган бўлса, сал ҳовридан тушади.

У колхознинг ҳамма ишларини мана шу тарзда сариштали қилиб йўлга қўйишга уриняпти. Энди плани тўлмаган соҳа қолмади. Деҳқонлар йил сайин кўп даромад олишяпти. Камол буларни билмайдими? Билади, ҳаммасини билади. Малика раиса бўлган йилиёқ икки қаватли мактаб, замонавий ускуналар билан жиҳозланган боғча қурдирди. Болалар ёгин-сочинли кунларда лой кечиб қийналишмасин, деб кўчаларга асфальт ётқизди. Хўш, Камолнинг кўнглини хўш этиш учун яна нима қилсин? Нега у Маликанинг яхши ишларини эмас, нуқул камчилигини кўради? Нега ҳадеб ўчакишаверади? Ахир Малика ҳам юртнинг ишини қилиб, элнинг ғамида юрибди-ку. Шу бир парча ерга ҳам одамларнинг ризқи бутун бўла қолсин деб чигит эктирди. Наҳотки, бу нарса учун соч юлиб, дод-вой солиш керак. Бизнинг болаларимиз пахтадан бошқа нарсани кўрмаслиги керакми эмиш. Нима кераги бор бундай баландпарвоз, китобий гапларнинг. Ҳозир чучмал туйғулар билан яшайдиган вақт эмас. Реалист бўлиш керак. Ҳамма нарсани аниқ ҳисоб-китоб қила биладиган одам ҳеч қачон хор бўлмайди. Шунинг учун ҳам боғча, мактаб ҳовлисига, ҳатто чойхона билан идора олдидаги гулзор ўрнига ҳам пахта экишни буюрди. У қандай қилиб бўлмасин қўшни колхоздагилардан кўпроқ пахта олишни, ҳамманинг диққат марказида бўлишни истайди. Зора...

Камолга ўхшаб кўнгилнинг измига юриш яхши-ю, лекин ҳис-туйғу деган нарса кўпинча кишини алдаб қўяди. Кўнгилнинг измига юриб бир марта қоқилганидан



кейин ўзингни ўнглаб олишинг қийин. Омад деган нарса коптокка ўхшайди. Бир марта қўлга киритдингми, маҳкам ушлаб олишинг керак. Агар ландовурлик қилиб ушлолмасанг, тамом, у пастга қараб думалаб кетавереди. Орқасидан қувиб етиб бўлсан.

Малика қўлларини кўкраги устида қовуштирганича хона бўйлаб кезина бошлади. Аммо кўйлагининг ёқаси хиёл кўтарилиб, оппоқ сийнасининг бир чети кўриниб қолганини сезди-ю, шошиб қўлини туширди. Хавотирланиб эшик томонга қараб қўйди. Эшик ёпиқ эди. У ўз хавотиридан лаззатланиб жилмайди. Бадани жимирлаб кетди. Ихтиёрсиз бир тарзда яна эшикка қаради-ю, бироқ бу сафар ҳеч қандай завқ туймади. Малика хўрсиниб қўйди. Бўлиқ кўкси бир кўтарилиб тушди. У ҳар бир қадамнинг салмоғини ўлчаётгандек яна шошилмай юра бошлади. У гиламнинг чўғдек ёниб турган анвойи гуллари ни жуда ҳам бепарволик билан босиб, янчиб ўтарди.

Эшик журъатсиз тақиллади. Малика жавоб бериб улгурмай қия очилди-да, жиккаккина кампирнинг боши кўринди.

— Қирсам майлигами, Маликахон?

— Қираверинг,— Малика юраётган жойида тўхтаб кампирни кутди.

Кампир ичкарига киришга кирди-ю, бир зум нима қиларини билмай туриб қолди. Раиса унинг истиқболига пешвоз юрмай қотиб турарди. Аммо кампир таомилга биноан у билан кўришмагунча дардини айтишни ўзига эп билмади. Худди ювиқсиз юз билан дастурхонга ўтиргандек бўлади киши.

— Келинг, кўришиб қўяйлик олдин,— у раисанинг истар-истамас қўл узатганини сезган бўлса-да, ихлос билан кифтларини силаб кўришди.— Ё раисалар мундай қилиб кўришмайдими, айланай.

Малика ночор жилмайди. Кампир уни хижолат қилмаслик учун ўзи гапириб қўя қолди.

— Кўзимизнинг олдида катта бўлгансиз-да, айланай Маликахон, сизга қараб туриб ҳавасим келади,— кампир кўзларини қисиб кулимсиради.— Уғлим совчи юборайлик, деса унамаганимга энди хўп куяман. Сизнинг бунақа бўп кетарингизни ким билибди, айланай. Шу кунда жуда кўзга яқин бўлсиз, Маликахон. Туф-а, туф-а..

Бошқа пайт бўлганда балки кампирнинг бу гаплари Маликага хушёқарди. Лекин ҳозир кўнглига ўтиришмади. «Идорага нимага келганини ҳам билмаса керак бу

коски кампир»,— дея кўнглидан кечирди гаши келиб.

Малика жойига ўтиб ўтирди. Шундан кейингина кампирга жой кўрсатди. Ярми қизил, ярми кўк қаламни олди-да, ойна устида гилдирашиб ўйнай бошлади.

— Менга қаранг, ҳой Маликахон,— кампир кўйлагининг кенг энгларини ҳилпиратганича раисани имлаб ўзига қаратди.— Бу парткомингиз ҳам ҳеч иш қиладими?

Малика шундагина кампирга қизиқсиниб қаради. Юзи гижимлаб ташланган қоғозга ўхшайди. Оғзида битта ҳам тиши йўқ. Лаблари ичига тортилиб, даҳани туртиб чиққан. Фақат ҳаракатлари чаққон, абжир.

— Нима ёмонлик қилди у бечора сизга?— чиройини очмай сўради Малика.

Кампир бир зум тарадудланиб қолди. Афтидан у партком секретарини ўринсиз айблаганини сезиб қолган эди.

— Менга-ку ёмонлик қилгани йўғ-а,— кампир кемшик оғзини кафти билан бекитганича раисага суқланиб қаради. Шу хусну жамолига бошида эри бўлса экан қизгинанинг. Этагидан тортқилаб турадиган бачалари бўлса... Ҳозирги ҳаёти ҳаётми. Ёлғизлик фақат эгамга хос. Кампир энгил тин олгач, гапида давом этди.— Арзимаган биттагина гапни ўзича ҳал этолмай сизнинг олдингизга келганини айтаман-да.

— Қани айтиб кўринг-чи, балки у мен ҳам ҳал этолмайдиган гапдир.

— Иби?!..— кампир раисага ажабланиб қаради.— Сиздан бошқа ким ҳал этарди, Маликахон. Сиздан каттаси йўқ-ку.

Кампир уни авлиё фаҳмлаб гапиргани Маликага манзур бўлди. Чеҳраси ёришди. Ўзини кресло суянчиғига ташлаганича кампирнинг оғзини пойлади.

— Бу йилча бизга қурт бермасангиз.

Маликанинг чиройини очиб турган мамнуният ифодаси изсиз йўқолди. Кўксини столга тираб, ойна остидаги қоғозларга маъносиз кўз югуртирди. Билдики, кампир ҳам Камолга ўхшаб дилини гаш қиладиган бир гап топиб келган.

— Нега?— деб сўради у қовоғин уйиб.

— Хабарингиз борми, йўқми, билмайман, худо шунча йилдан бери зориқтириб бизга ҳам эрмак берди,— кампир мамнуниятдан оғзининг танобини йиғиштиролди.

май илжайди.— Келинимнинг ҳали чилласи чиққани йўқ. Битта бола ўнта одамни ҳам орттирмайди. Қурт берсангиз келиним қийналиб қолади. Ҳам барг топиб келаман деб, ҳам боласига қарайман деб узилиб қолади қизгина.

— Уғлингиз бор-ку, баргни ўғлингиз етказиб беради, — кампирнинг гапидан раисанинг энсаси қотди. Шунинг учун зарда билан гапирди.— Бу йил барг ташвишини қилмасанглар ҳам бўлади. Иккита бригада тузиб қўйдик. Уйма-уй юриб ўзлари барг тарқатишади.

— Ёш болали одам бари бир қийналади-да, Малика-хон. Бу йилча бизни озод қилинг, — кампир ўрнидан ярим турганича қўлини кўксига босиб илтижо қилди.— Улма-сак янаги йили бу йилникини ҳам қўшиб тутиб берамиз. Хўп дей қолинг, айланай Маликахон.

— Ҳеч иложи йўқ, — Малика гап тамом дегандек ўрнидан турди. Эшик томонга қараб бир қадам ташлади-да, ҳамон ўрнидан қўзғалмай ўтирган кампирга қараб бош чайқади.— Бу илтимосингизни мен ҳам бажаролмайман. Қуртни колхоздаги ҳамма хонадонларга рўйхат қилиб беришган. Уни сизларга тарқатмасам, кимга бераман.

Кампир худди елкасидан биров босиб тургандек қийналиб ўрнидан турди. Маликага бошдан-оёқ разм солди. Бармоқ учлари билан кемшик оғзини тўсганича афсусланиб бош чайқади. «Шундай кўҳлик қизгинанинг кўксига тариқча меҳр бўлмаса-я... Э, аттанг!..»

Кампир Маликадан кўз узмаган кўйи орқаси билан тисарилиб юрганича чиқиб кетди.

## И К К И Н Ч И Б О Б

Қамол уйга келганида хотини одатда қурт боқиладиган хонани оқлаётган экан. Оқ сурп рўмолни қошигача тушириб, иягидан ўтказиб тангигани учунми худди ёш қизалоқларга ўхшаб кўринади. Бироқ бу кўринишига зид ҳолда белини тизимча билан сириб боғлаган. Орқаси босилган калишнинг юзига, ялангоёқларига оҳак томган. Қамол ҳозиргина Маликани бутун кўркини намойиш этиб ойна олдида ўзига оро бериб турган ҳолда кўргани учунми хотини кўзига хунук, ҳатто исқирт кўри-ниб кетди. Шу боис унга гап қотгиси ҳам келмай қолди. Худди узоқ йўлдан ҳориб келган одамдек айвон четига ўтирди. Оёқларини чалиштирганича устунга суянди. Ни-

гора эрининг феълени билгани учун индамай ишини қилаверди. Камол унча-мунча нарсани гап деб хотинига айтиб ўтирмайди. Нигора баъзан эрининг минғаймаслигидан хурсанд бўлса, баъзан аламидан торс ёрилгудек бўлади. Турмуш қуришганидан буён бирон марта эр-хотинга ўхшаб гаплашишмаган. Ўзи эрта кетиб, охир хуфтонда қўналғасини зўрға топиб келади-ю, ҳой хотин, ҳолинг нечук, нималар қилиб юрибсан, демайди. Қачон қарасанг иккита ёстиқни биқинига тортиб ёнбошлаганича китоб ўқигани ўқиган. Бола-чақали бўлганда бу нимаси, ўзингизга ярашадиган иш қилсангиз-чи, десаям парвойига келтирмайди. Баъзида уч ўғлини ёнига олиб қаёқдаги эртақларни ўқиб беради. Озиб-ёзиб бир шаҳарга бориб қолса, албатта бир бойлам эртақ китоб олиб келади.

Нигора чўткани челақдаги оҳакка ботириб, деворга бир-икки ишқади. Эрига зимдан қараб қўйди-да, яна чўткани оҳакка ботирди. «Бугун авзойи бошқача. Бир гап бўлганга ўхшайди».

— Ҳа-а,— деди Нигора чўзиб.— Тинчликми?

Камол хотинига қараб ҳам қўймади. Кўкрак чўнтагидан сигаретни қутиси билан олиб ёнига қўйди.

— Эртага чўлга кетаман,— деди сигарет тутата туриб.

Нигора қаддини ростлади.

— Кечагина бориб келдингиз-ку, яна нима қиласиз?

Камол шундагина хотинига қайрилиб қаради. У беғам, бежавотир турарди. Бир неча сониядан сўнг бу бепарволикдан асар ҳам қолмаслигини Камол яхши биларди. Нигора ҳаловати бузилишига бефарқ қаролмайди.

— Энди ўша ерда ишлайдиган бўлдим.

— Нима?!..— Нигора чўчиб тушди. Чўткани қўлидан қўймай эрининг тепасига келди. Ундан томган оҳак худди ола арқондек узун из қолдирди.— Бола-чақангизни ташлаб қаёққа бораркансиз?

— Қаёққа бўларди, чўлга-да,— Камол мийғида кулиб қўйди..

— Бекорларни айтибсиз,— Нигора юзини терс ўгирди.— Опачангизни ўзи бораверсин чўлга. Орқа этагидан бошқа оғирлиги йўқ унинг.

— Мунча опачалаб қолдинг,— Камол ёниб тугаёзган сигаретни туфлаб ўчирди-да, ток тагига улоқтирди.— Менга у буюргани йўқ. Бу правлениенинг қарори.

Нигора қўлидаги чўткани шундоққина оёғи остига

ташлади. Турган жойига чўнқайди-ю, кўйлагининг енгни кўзига босиб йиғлашга тушди.

— Келиб-келиб сизга қарор чиқармай балогинага учрасин, правленияси. Аёлманд дейишмаса, болалари бор дейишмаса...

Камол чурқ этмасди. У хотинининг обдан йиглаб олишини кутиб ўтирарди. Хотин киши кўзёши тўкиб тургани яхши. Кўнгли юмшайди. Аслида-ку Нигора кўп ҳам йиғлоқи хотинлардан эмас. У ўзига ортиқча эътибор ҳам талаб қилмайди. Рўзғори бут бўлса, турмуши осуда кечса бас.

— Бўлмаса бизни ҳам олиб кетинг. Болаларингиз етимчаларга ўхшаб бўйинини қисиб юришмасин.

Нигора ҳамон бошини кўтармай муштдеккина бўлиб ўтирарди. Ушоққина елкалари титрар, у эзилиб, ўксиб йиғларди. Эрининг чўлга кетиши нега бунчалик ёмон таъсир қилганини ўзи ҳам билмас, агар Камол бўлмаса биров оёқ ости қилиб ташлайдигандек хўрлиги келарди.

— Бошимни олиб бутунлай кетаётганим йўқ-ку. Мунча...— Камол хотинини юпатмоқчи эди, бироқ гапи кўпол чиқди.— Келиб тураман...

Нигора бошини кўтарди. Ешли кўзлари пирпиради. Эрининг зардаси оғир ботди. У ҳеч қачон эридан ранжирмасди. Ноҳақ сўккан пайтларида ҳам эркак одам уриб-сўкади-да, деб қўя қоларди. Эркак кўчанинги одами. Кўчада юриб не ишларни кўради, доим вақти хуш бўлавермайди-ку. Сиқилиб кетган пайтларида хотинидан аламини олса ҳечқиси йўқ. Нигора мана шу ақида билан яшар, эрининг биронта хатти-ҳаракатига ажабланмасди. Унинг ишларига аралашидан ҳаминша ўзини тиярди. Бироқ бугун биринчи марта Камолнинг муомаласи дилини огритди. Шаҳарга олиб бориб ўйнатиб келинг, демаган бўлса. Тилла билагузук тақаман, демаган бўлса. Мунча дағдаға. Ё парча кўйлак кияман, дебдими? Одамларнинг хотинлари олдиришяпти. Ҳатто далага ҳам чит кийиб боришмайди. Тагларида машина. Ҳафтада бир ғизза-ғизза шаҳарга бориб ўйнаб келишади. У нима кўрибди. Ёлғизқўл экан, сиқилмасин, деб Камолни аяди. Урганини ун оши деди, сўкканини сўк оши деди. Борига ҳам, йўғига ҳам чидади. Энди уни чўлга жўнатиб бойўғлидай ҳувуллаб ўтириши қолган эканми? Бу гапни ким айтган бўлсаям бекорларни ўнтасини ебди.

Нигора ўрнидан турди. Кўзларини апил-тапил енги-га артди.

— Бормайсиз,— деди қатъият билан.— Юбормайман.

Қамол бепарво кулиб қўйди. У хотинининг бугагини инжиқликка йўйди. Агар у бошини кўтариб қараганида Нигоранинг кўзлари ёниб турганини, вужудида мисли кўрилмаган шижоат ҳокимлигини пайқаган бўларди. Аммо Қамол бундай қилмади. Бамайлихотирлик билан яна сигарет тутатди. Шу пайт ҳовлига бир қулочдан хивични от қилиб минган уч бола тапира-тупир чопиб киришди. Болалар яланғоёқ, бошланг, кўйлаклари ҳам ёқавайрон эди. Иккита каттасининг эғнида тиззасининг кўзи тешилган тринка шим, кичкинасининг иштони ҳам йўқ эди. Улар хивичнинг учига ип бойлаб бўйинларига осиб олишган, қўлларида ярим ёй шаклидаги ёғоч — қилич бор эди. Ёнма-ён туришган болаларига қараб Қамолнинг завқи келди. «Арғумоқ» миниб, «қилич» яланғочлаб турган ўғилларини хаёлан афсонавий баҳодирларга ўхшатгиси келди.

«Тўнғичи — Сувон ботир. Золим Қорахон подшонинг лак-лак қўшинига қирон келтира билган шер йигит. Уртанчаси — Сиёвуш ботир. Дунёда адолат қарор топсин, деб ўзини ўтга ташлашдан ҳам тоймайди. Кенжаси — Султон ботир. Юртга султон бўлгудек сиёғи бор».

— Отанг сизларни ташлаб чўлга кетармиш.

Нигоранинг овози унинг ширин хаёлини бузди. Фақат Сувоннинг юзида ўзгариш юз берди. Сиёвуш онасининг нима деганини яхши англолмади. Кенжатоё эса парвойфалак эди. У «оти»ни ҳайдаганича отасининг олдига келди. Тиззасига суркалиб эркаланди. Қамол унинг бўйнидан ипни чиқариб қўйгач, даст кўтариб тиззасига олди. Катталари ҳам келиб отасига ёпишишди.

— Нега кетяпсиз, ота?— тумшугини чўзиб сўради тўнғичи.

— Ишлагани,— Қамол кенжасининг бурнини арта туриб хотинига юзланди.— Бунинга иштон кийдир.

— Қўяверинг, юраверсин,— деди Нигора хушламай.— Қиз болаими...

— Опчиқ деяпман сенга,— Қамол беихтиёр овозини баландлатди.— Иркитини қара буларнинг. Ювинтирсанг бўлмайдами.

Нигора уйга кира туриб, остонада тўхтади. Эрига ялт этиб қаради.

— Болаларингизни иркитини энди кўряпсизми?— деди овозидан заҳар томиб.— Юришибди-ку...

Нигора уйдан гижимланган пахмоқ иштон кўтариб

чиқди. Эрининг қўлидан болани юлқиб оларкан, тўнғичига захрини сочди:

— Сан ўлгурга неча марта айтаман, укаларингга қараб юр, деб, Санга ўйин бўлса... Ҳу, яшамагур!

— Болани қарғама, аҳмоқ,— Камол ўрнидан туриб кетди. Унинг хотинини ургудек важоҳати бор эди.

Нигора қўлидаги боланинг эгини тузатиш баҳонасида тескари қараб олди. Аммо тилини тийиб туролмади.

— Болаларингизни ёлғиз ташлаб кетманг, деганимга шунчами,— у худди тахир нарса чайнагандек афтини хунук бужмайтирди.— Боринг, кета қолинг чўлингизга.

Бу таъна ўринсиз бўлса-да, унинг гапида жон бор эди. Камол шу зайил гап чувалашаверса жанжалга сабаб бўлишини сезиб ташқарига йўналди. Аммо борадиган тайин жойи йўқ эди. Ариқ бўйидаги қўш теракнинг ўртасидаги ўриндиққа ўтирар-ўтирмас муюлишдан мошранг «Жигули» чиқиб келди. Машина унинг рўпарасига келиб тўхтади. Ундан бош агроном Нишон Асоров тушиб келди. У ўрта бўйли бўлишига қарамай паҳлавон келбатли, тиқмачоқ одам эди. Гўштдор, кепчик юзида порозилик, газабга мойил бир ифода зуҳр этиб турарди. У оғир гавдасини залварли чайқатиб юрганича келди-да, индамай қўл олишди. Сўнг ҳозиргина Камол турган ўриндиққа оғир чўкди.

— Туринг, бу нима ўтириш,— Камол унинг қўлидан тутиб турғизмоқчи бўлди.— Уйга кирамиз.

Нишон бош чайқаб, қўлини бўшатиб олди. Сўнг чўнтаklarини пайпаслади. Сигарет машинада қолибди. У ўрнидан туришга эринди.

— Нима бало қилиб қўйдинг, ука?— Нишон айвони кенг кепкасини орқароққа суриб, терчираган пешонасини кафти билан силади. Ҳозир идорага келсам опа шундай деб қолди. Олдинига ишонмадим. Йўқ, қарасам, унинг ўрнига кимни қўямиз, деб турибди. Тўсатдан оранглардан ола пишак ўтдими?

— Ўзинглар мени чўлга бориб ишласин, дебсизларку,— Нишоннинг ўзини гўлликка солаётганидан оғриниб жавоб берди Камол.— Бошқа ҳеч гап бўлгани йўқ.

— Ўзинглар деганинг ким?

— Правления аъзолари-да.

— Иби,— Нишон шу қадар ҳайратга тушдики, худди ёш боладек оғзини очганича бир муддат анқайиб қолди. Қайта-қайта киприк қоқди.— Кеча опанинг ўзи райком.

нинг бюросидан ўн бирдан ошганда келди-ку. Қай пайт-да правлениянинг йигилишини ўтказга қоптилар.

Камол елка қисди. У бош агрономнинг гапига ажабланмади ҳам. Аммо унинг бефарқ, бепарво ўтириши Нишоннинг аччиғини чиқарди.

— Аёлманд одам бўлсам, нега чўлга боришим керак, демайсанми. Бачаларим ҳали майда, ёлғиз қийналиб қолишади, демайсанми. Тилдан қолганмисан, нега гунг, безабон бўлиб ўтирибсан?

— Мен кўпчилик шунга қарор қилибсизларми, деб ўйлабман.— Камол бу гап ўзига эмас, етти-ёт бегона одамга алоқадордек лоқайд гапирди.

— Ундай эмас, деяпман-ку. Бор ҳалиям бўлса, опага тушунтир.

Камолнинг пешонаси тиришди. У чинордек қаддини букиб Маликанинг олдига ялиниб борадими? Йўқ! Болачақаси ёлғиз қолса жин урармиди? Юришади.

— Бормайман, Нишон ака,— Камол бош чайқади.

— Бўйни йўғонлик қиласан-да, шунақа,— деди Нишон зардаси қайнаб.— Ё мендан бирор нарсани бекит-япсанми?

Нишон ўзига ярашмайдиган гап қилди. Раиса билан Камолнинг ўртасида қандай сирли муносабат бўлиши мумкин? Уларнинг ўртасида одамлар гап-сўз қилгудай ҳеч нарса бўлган эмас. Камол бу қизни мактабда ўқиб юрган чоғиданоқ яхши кўрарди. Аммо ҳозир кўнгли йўқ. Совуб кетган. Тўғрироғи Маликанинг ўзи совутган.

Ўзага иккинчи ишлов бериш бошланган кунларнинг бири эди. Тушга яқин Маликанинг бригадасига келса, унинг ўзи рулга ўтириб минерал ўғит солаётган экан. Икки киши тут тагида қотиб қолган дориларни тош билан майдалаб, Малика пеш етиб келганда, пеш тракторга ортиб туришибди. Камол жўяк оралади. Дорининг қанча миқдорда тушаётганини текширди. Қараса, ариқ ичи худди қор ёғиб ўтгандек оппоқ оқариб қолибди. Бир сиқим тупроқни қўлига олди. Тупроқдан дориси кўп. Трактор ўқариққа чиққач, тўхтатди. Маликага қўлидаги тупроқни кўрсатди. «Нима бўпти?— ажабланиб елка қисди у.— Дори кўпроқ солинса ёмонми? Ер бақувватроқ бўлади. Ўза тез етилади». «Йўқ,— деди Камол.— Дори белгиланган миқдордан ортиқ солинса ер расво бўлади. Биз бақувват бўлсин, деб ишлатаётган минерал ўғитларнинг атиги ўттиз фоизи ернинг таркибига қўшилиб кетади. Қолган қисми мултақо яроқсиз чўкма бўлиб қола-



ди. Бунақа чўкмалар кўпайгани сайин ер бепуштлашиб бораверади. Бунинг оқибати нима бўлишини биласизми?» Малика унинг куйиб-пишиб айтган гапларини пинд қилмай кулди: «Ташвиш чекманг, ўшанда ҳам бирор йўли топилиб қолар. Агар мен сизнинг ерингизни ташвишини чекадиган бўлсам, уялиб қоламан. Биласизку, катта мажбуриятлар олганман. Сиз ҳамма нарсага аралашавермай ишингизни билиб қилинг».

Ўша гапдан кейин Камолнинг ундан кўнгли қолди. Киши туғилиб ўсган, ўзини боқаётган ерга шундай муносабатда бўладими? Бола кезлари онаси раҳматли: «Болам, ерни урма, тепкилама, у дунёда ер қисади», дерди. «Ерни заҳарлаётганларни-чи? Уларни ҳам жазолармикин?», деб ўйлаганди Камол ўшанда. Лекин ундан кейинги воқеалар ривожи ер ўзига нисбатан шафқатсизлик қилганларни жазолашга қодир эмаслигини кўрсатди. Малика ўша йили кутилгандан ҳам зиёд ҳосил олди. Номини оғизга тушди. Ўша йилиёқ тафтишком бўлди. Кейин раисаликка сайланди. У раиса бўлганидан буён ҳам Камолни кўнглини қолдирадиган баъзи ишлар қилди. Уларни эслагиси ҳам келмайди.

Амалга, шуҳратга интилиш аслида унинг қонида бор. Унингча ўтишган йили. Биринчи дарсдан чиқибок Малика уни четга имлади. «Дарсдан кейин синфком сайланаркан»,— деди у. «Нима бўпти?»— ҳеч нарсага тушунмай сўради Камол. «Сен Малика синфком бўлсин, деб айтгин,— деди Малика балоғатга етган қизларга хос ўтли карашма билан.— Болалар сендан қўрқишади. Сен айтсанг ҳамма рози бўларди». «Қўйсанг-чи,— деди Камол ҳафсаласизлик билан.— Нима қиласан шу ғалвани...» «Ғалати экансан-ку,— деди Малика ўпкалаб.— Синфком бўлсам ҳамма ҳурмат қилади. Шуниям билмайсанми?»

— Индамайсан-ку,— Нишон унинг хаёлини бўлди.

— Гапириб нима қилдим,— Камол жаҳл билан тиракка мушт туширди. Дарахтнинг танаси зириллаб кетди. Суҳбатдоши унга чўчинқираб қаради.— Боғчанинг кафтдек ҳовлисига пахта экиш шунчалик зарурмиди?

— Нима бўпти?— деди Нишон.— Чойхонанинг олди-га, шийпонларнинг атрофларига ҳам пахта экамиз-ку. Аслида бу ерларда гул ўстириш керак. Бир тутам пахта чиқса ҳам ҳанна-да, ука.

— Келиб-келиб сизга дардимни айтдимми?— Камол

оғир тин олди.— Ё мен ақлдан озяпман, ё сизларга бир гап бўлган.

— Опага ҳам шунақа деганга ўхшайсан-а?— Нишон афсус билан бош чайқади.— Жуда нодон боласан-да.

Камол чакка сочларига оқ оралаган, қийиқ кўзлари доим хавотир билан боққан бу одамга худди биринчи марта кўраётгандек қаради. Шунақа ҳам бепарқ бўладими одам. Ҳаловати бузилмаслиги, бировларга ёмон кўринмаслиги учун бу киши ҳамма нарсага кўникади. Келишувчилик қилади. Урса, сўкса ҳам майли, жойидан жилдиришмаса, амалидан олишмаса бўлгани. Тўрттагина одамга бўлса ҳам бошчилик қилса, элга қўшилганда бошқалардан бир поғонагина юқори турса бас. Нишон қопган итга ҳам нон беради.

— Сиз ҳам шу иш тўғри бўлган, деб ўйлайсизми?— ўсмоқчилаб сўради Камол.

— Тўғри бўлмаганда сенга нима?— Нишоннинг бирдан зардаси қайнади. Уни худди ёш боладек жеркиб ташлади.— Узингни кўмачингга кул тортиб юравермайсанми?

— Бўйимдек бўй топдим у кўнглимдек кўнгил топмадим, деган экан бир бечора.

Нишон бош чайқади. Юзини кафти билан сидириб, хўрсинди.

— Шамолли кунда қичқирма, овозинг зое кетади, деганлар, ука,— деди у бўшашиб.

Энди ҳар қандай гап-сўз ортиқча эди. Улар дунёнинг ишларини ўз қаричи билан ўлчашарди. Ҳар иккаласининг одамларга, ҳаётга муносабати ҳам батомом ўзгача эди.

— Эртага мени Моҳонга обориб қўймайсизми?— тўсатдан сўради Камол.— Баҳонада уёқдаги ишларни ҳам кўриб келасиз.

Нишоннинг ҳайрати баттар ошди. Сира тушуниб бўлмайдиган бола бу. Бекордан бекорга ишдан олиниб, чўлга қувилса ҳам писанд қилмайди-я. Одам деган ҳеч бўлмаса ўзи учун курашиши керак-ку. Унинг ганираётган гапларини. Боғчанинг ҳовлисига пахта экилса сенга нима кет-кўйлиги? Осмон узилиб ерга тушибдими? Бачаларга бир нарса бўп қолармиди? Юришади ўйинини ўйнаб. Уларнинг қорни тўқ бўлса бас-да. Сен нега беҳуда қуйинаверасан? Қуйинганинг билан бир нарса ўзгариб қоляптими? Раисага ақл ўргатишни сенга ким қўйибди? Узингдан катталарга оқсоқоллик қилгунча ўзингни

билиб юравер. Ўзингни элпарвар қилиб кўрсатишга ури-  
ниб нима қиласан? Тинчгина ўз араваггни тортавермай-  
санми? Мана энди чўлда чагн ютиб юрасан. Буёқда ба-  
чаларинг ёлғиз...

Нишон индамай ўрнидан турди. Машинасининг эши-  
гини оча туриб, бош чайқади. Рулга ўтириб, машинага  
калит солди-ю, аммо моторни ўт олдирмади. Бир оёғини  
ерга туширганича гавдасининг ярмини ташқарига чи-  
қарди.

— Юр, ҳалиям бўлса опанинг олдига борайлик,—  
Нишон кўзларини яширганича журъатсизлик билан га-  
пирди.— Сенинг жойинг Моҳонда эмас, ука. Бачаларинг-  
ни ҳам ўйла.

Қамол салмоқлаб юрганича унинг олдига келди.  
Жилмаймоқчи бўлди-ю, бироқ юзи бужмайиб кетди. Хўр-  
синди.

— Менинг опа билан гаплашадиган гапим йўқ,—де-  
ди Қамол қуруққина қилиб. Сўнг Нишонни беозор бир  
ҳаракат билан туртиб машинанинг ичига киргизди-да,  
эшикни ёпти.— Хайр, ака, омон бўлинг.

— Эрталаб кетиб қолма,— деди Нишон моторни ўт  
олдираркан.

Машина секин ўрнидан жилди.

\* \* \*

Нигора болаларини барвақт ётқизиб, Қамол чўлга  
олиб кетиши учун нарсалар ҳозирлай бошлади. Қамол  
анчагача телевизор кўриб ўтирди. Бироқ унинг кўрса-  
тувлари кўнглига сиғмади. Ўғилларининг қийқириғи  
эшитилиб турган хонага кирди. Болалар кўрпанинг уе-  
тида умбалоқ ошиб ўйнашарди. Фақат кенжатоё Султон  
бу ишнинг уддасидан чиқолмай бир четда тумшайиб  
турар, акалари унга қарашни унутиб ўзлари ўйнашарди.

— Қани, ётинглар,— ёлғондан пўписа қилди Ка-  
мол.— Бўлмаса ҳозир ойингни чақираман.

— Эртақ айтиб берсангиз ётамиз,— деди Сувон уй-  
нинг узоқ бурчагига тиқилиб.

— Айтиб берасиз-а,— Сиевуш ўринга киришга чоғ-  
ланди. Отаси илтимосини ерда қолдирмаслигини у яхши  
биларди.

Султон эса индамай дадасининг бўйнига чирмашди.  
Қамолнинг эртақ айтиб бериш, бермаслиги унга мутла-  
қо аҳамиятсиз эди. Отаси ёнида ётса бас. Бўйнидан қу-  
чоқлаб маза қилиб ухлайди.

Камол чироқни ўчириб, ўринга чўзилди. Болалари нафасларини ичига ютиб, отасининг эртақ айтишини кута бошлашди. Камол дабдурустдан қандай эртақ айтиб беришни билмай ўйланиб қолди. Болаларга содда, бирор нарсага ўргатадиган эртақ айтиб бериши керак. Бирдан эсига кечагина савдойидан эшитган эртаги тушди.

— Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бу ерлар чўл-биёбон бўлган экан. Чўлнинг бир четида одамлар, иккинчи томонида эса девлар яшар экан. Сахро ўртасида девларнинг қўрғони бор экан. Бу қўрғонда улар биттагина тилла чаноқни қўриқлашаркан. Бу сеҳрли чаноқ экан. Кимки уни қўлига олиб, қандай яхши нарсани ният қилса, албатта ижобат бўларкан. Тилла чаноқни девлардан тортиб оламиз, деб жуда кўп одамлар келишган экан-у, лекин девлар уларни битта қўймай қириб ташлашган экан. Охири бу ишга бир ботир йигит бел боғлабди. Шамолдан ҳам тез учадиган аргумоғини миниб йўлга тушибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Дашту биёбонда кетаётиб бир булоққа дуч келибди. Булоқ ёнида чалажон бургут ётганмиш. Йигит бургутни қўлига олиб сув ичирибди. Яраларига малҳам қўйибди. Бургут тирилиб, худди одамга ўхшаб гапирибди: «Раҳмат сенга эй одамзод. Сен мени ўлимдан қутқардинг, энди ўла-ўлгунимча сенга хизмат қиламан»,— дебди. Кейин нима мақсадда юрганини сўрабди. Йигит қаёққа кетаётганини айтибди. «Яна етти кеча-кундуз юрганимиздан кейин бир чинорга дуч келамиз,— дебди бургут.— Отинг билан мени ўша ерда қолдириб, кун чиқарга қараб лаҳм қовлайсан. Оз эмас, кўп эмас, роппа-роса уч юз қулоч қовлаганингдан кейин тўхтайсан. Сен то менинг уч марта қичқирганимни эшитмагунигча кутасан. Мен уч марта қичқириб, пойлоқчи девлардан бирининг кўзини ўйиб оламан. Қолган пойлоқчилар мени ушлаш билан овора бўлишади. Шу пайт сен лаҳмдан чиқа пўлат кутини олиб қочасан. Отингга минасану аямай қамчи босасан. То қишлоғинга етиб боргунингча қутичани оча кўрма, кўр бўлиб қоласан».

Йигит бургут айтгандек йўл тутиб, тилла чаноқни қўлга киритибди. Шундан кейин бу қишлоқнинг одамлари роҳат-фароғатда яшай бошлашибди.

— Ўша чаноқ ҳозир ҳам борми?— кўзлари ёниб сўради Сувон.

— Йўқ, ўғлим,— деди Камол хўрсиниб.— Одамлар бора-бора тилла чаноқни унутишибди. Унинг қаердалигини ҳам эсдан чиқариб юборишибди. Шундан бери уни кўрдим, деган одам йўқ.

— Тағин девлар опкетиб қолган бўлса-я,— Сувоннинг овозида хавотир, ачиниш бор эди.

— Отам эртага чўлга борганларида тилла чаноқни девлардан тортиб оладилар,— деди Сиёвуш ишонч билан.— Уни бизга опкеп берасиз-а, ота?

Ўғлининг гурур билан гапириши Камолга хушёқди. Ҳеч бўлмаса шу гўдак унинг кучига ишоняпти. Кучига ишондимми, бора-бора унинг ҳақлигига ҳам ишонади. Киши ўзининг ҳақлигига бировларни ишонтиролмаса ҳеч нарсага эришолмайди. Одам боласи кўзлаган мақсадига эришиши учун аввало ўзига маслакдош топиши керак. Мақсад йўли доимо сермашаққат бўлади. Ёнингда ҳам-роҳинг, содиқ дўстларинг бўлмаса, қоқилиб йиқиласан. Камол ҳам бир марта қоқилди. Моҳонқўл масаласини райком секретарига тушунтиришга уринди-ю, аммо унда олмади. Ё райком секретари унинг мақсадини тушуниб етмади, ё нимадандир чўчиди. Унинг чўлга жўнатилиши ҳам ана шу қоқилишнинг касофати. Йўқ, Камол чўлга кетаётганидан афсусланмайди. Агрономликдан олинганидан куюётгани ҳам йўқ. Фақат уни атайлаб овлоқ чўлга жўнатишаётгани алам қиляпти. Уша ерда юриб, дами чиқмай кетсин, деб ўйлашяпти чоғи. Майли, нимани ўйлашса ўйлашаверишсин.

Камол туш кўрибди. Эмишки, чек-чегараси йўқ биёбонда чопиб кетаётганмиш. Тепасидан қуёш қиздирармиш, юзига қум аралаш иссиқ шамол урилармиш. Аммо у тинмай чопармиш. Чопиб кета туриб тубсиз бир қудуққа тушиб кетибди. Қараса, қудуқнинг туби чарақлаб ёришиб турганмиш. Бу ёруғлик пўлат қутига солинган тилла чаноқдан таралаётган экан. У тилла чаноқни маҳкам бағрига босганича шодлиги ичига сигмай кулармиш...

Камол ўз овозидан уйғониб кетди. У ўнгида ҳам кулаётган экан. Фақат қучоғида тилла чаноқ эмас, бир тутамгина бўлиб хотини ётарди. Елкалари ушоққина, баданида эт йўқ, қоқ суяк. Ҳозирги — эрининг пинжиги суқилиб ётган ҳолида янада ушоқ, ҳатто аянч бўлиб кўринади. Камол бу ожиз вужудга боқиб туриб юрагида галати, тушуниксиз бир ҳис уйғонди. Дағал қўллари билан унинг елкаларини силади. Айвонда ёниқ турган чи-

роқнинг ёнлаб тушаётган нурида хотинининг юзига, этсиз лабларига узоқ тикилиб ётди. Унинг чеҳраси сўлғин эди. Нигоранинг кўркини дала олиб қўйган. Камол бундай жафокаш хотини борлигидан ҳар қанча фахрланса арзирди. Аммо Нигора меҳнат қила биламан, деб ўзини унутиб қўйган. «Ўзига қарашни билмагани билан кўнгли тоза, меҳнаткаш,— дея кўнглидан кечирди Камол. Аммо нега тўсатдан бундай хаёлга борганини ўзи ҳам билмасди. Гўё шу топда хотинининг фазилатларини ўзига уқтириб қўймоқчига ўхшарди. Бунга заррача эҳтиёж йўқлигини била туриб яна хаёлини давом эттирди.— Рўзгорнинг ҳамма юмушини бир ўзи уддалайди. Лочиндек ўғиллар туғиб берган. Унга яна нима керак?» Бундай хотин бениҳоя суюмли бўлишга лойиқ эди. Камол беозор бир ҳаракат билан хотинини бағрига босди.

\* \* \*

Мошранг «Жигули» қишлоқдан чиққач, бирдан тезликни оширди. Шамол аралаш ёмғир гоҳ машинанинг олд ойнасига, гоҳ ён томондан куч билан уриларди. Сидирғичлар ойнага урилаётган ёмғирни икки четга сидириб улгиролмас, кишининг кўз олди дақиқа сайин хира тортиб қоларди. Қўк юзини бутунлай қоплаган кул ранг булутлар худди қўрғошиндек оғир, совуқ кўринарди. Бу совуқлик машинада кетаётган икки кишининг кайфиятига таъсир қилган. Улар йўлга чиқишганидан буён чурқ этиб оғиз очишгани йўқ. Худди аразлашгандек тумшайиб ўтиришибди. Камолнинг қарашларида, кўринишида зарда бор. У гўё бировга ачиқ қилиб ўтирганга ўхшайди. Нишоннинг кўзлари эса ҳорғин боқади. У ёмғирнинг шиддат билан ёғишига ҳам, ҳамроҳининг ора-сира хўрсиниб қўйишларига ҳам эътибор бермайди. Ҳозирги алфозида у жуда ҳам бефарқ, дунёни сув босса тўпиғига чиқмайдиган одамга ўхшаб кўринади. Аслида у Камолга ачиниб, эзилиб ўтирарди. Аммо унинг ачиниши ҳеч нарсани ўзгартирмаслигини билгани учун ҳам ғижинишга ўхшаш бир ҳис юрагини кемирарди. У ҳеч қачон опага қарши гапиролмайди. Раисани райком секретари қўллаб-қувватлайди. Правление аъзолари ҳам унинг чизган чизигидан чиқишмайди. Нишоннинг галига ким ҳам қулоқ соларди. Умуман, унинг бировга айтмаса бўлмайдиган бирон гапи борми? Мана Камолнинг шунақа гапи бор экан, айтди. Лекин бундан кимга наф тегди. Қайтанга ўзи жабрини тортиб ўтирибди. Гапираман деса

Нишоннинг ҳам юрагида қанча гапи бор. Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт, деганлар. Бекорга сухани синганидан нима фойда. Одамнинг сўзи ўлгани, ўзи ўлгани.

Улар дала йўлига бурилишди. Машина, трактор қатнайверганидан ҳосил бўлган чуқурчалар сувга тўлиб қолган, «Жигули» бундай ерлардан қийналиб, кучаниб ўтиб борарди. Йўлнинг чап томонида қирғоғини қиёқ қамиш босган катта зовур. Унг томони эса яйдоқ дашт. Даштни қалин ўсган майса қоплаган. Бултурдан қолган шувоқ, какралар бу гўзалликка ярашмай қорайиб турибди. У ер-бу ерда чўл ичкарисидан думалаб келган улкан коптоксимон қумажриқлар кўзга ташланади.

Машина гоҳ ўнга, гоҳ чапга сирганиб, кутилмаганда чуқурчага тушиб қолди. Нишон эшикни қия очганича ғилдираклар остига қаради. Газ бериб катта тезликда чуқурчадан чиқиб кетмоқчи бўлди. Аммо ғилдираклар бир жойда чириллаб айланди-ю, машина ўрнидан жилмади. Нишон рулни чапга буриб, яна тезликни оширди. Бироқ бу уринишидан ҳам наф чиқмади.

— Буёғига машинани судраб кетамиз, шекилли,— Нишон ҳамроҳига қараб ночор кулимсираб қўйгач, пастга тушишга чоғланди.

— Сиз ўтираверинг,— Камол унинг қўлидан тутиб ўрнидан қимирлашга имкон бермади.— Мен ўзим...

Камол дўписини буклаб қўйин чўнтагига солди. Пахталигининг тугмаларини тақиб, пилчиллаб турган лойга оёқ босди. Бир зумдаёқ ёмғир унинг майин сочларини ивитиб, пешонасига ёпиштириб қўйди. У юзига оқиб тушаётган ёмғир томчиларини кафти билан сидириб ташлади-да, машинанинг орқа томонига ўтди. Нишонга қараб, моторни ўт олдираверинг, дегандек ишора қилиб қўйгач, худди кураш тушмоқчидек оёқларини кериб, энгашди. Бир силтов биланоқ машинани даст қўтарди. Юзи қизариб, бўйин томирлари бўртиб чиқди. Машинанинг темири бармоқларини қийиб юборгудек бўлиб ботиб кетди. У бутун оғирлигини олдинга ташлаб, машинани уч-тўрт қадам жойгача сургаб борди. Билаклари толиб, тиззаларидан дармон кетганидан кейингина уни ерга қўйди. Чириллаб айланаётган ғилдираклар юз-кўзи аралаш лой чапиб ташлади. Камол кўзларини зўрға очиб, зовур томонга юрди. Зовурнинг қирғоғи ивиб, сирпанчиқ бўлиб қолган эди. У тойиб кетмаслик учун қамишнинг чўғирини ушлаганича қийнала-қийнала сув бўйига тушди. Лой сачраган кийимларини, юзини ювди.

Бўтана бўлиб оқаётган сувга қараб туриб хаёлидан ўтказди: «Бутун бир район ерларидан чиққан оқава сувлар шу зовурга тушади. Эриган тузлар ҳам сувга қўшилиб шу зовурга оқади. Энди биз мана шу шўр сув билан Моҳонкўлда деҳқончилик қиламиз. Бу ернинг соз тупроғини шўралатамиз. Тўрт-беш йилдан кейин янги ўзлаштирилган бу ерларнинг ҳам шўрини ювиш лозим бўлади. Кўра-била туриб шундай яхши ерларни хароб қил-япмиз-а».

— Қани бўла қол, ука, тезроқ қароргоҳингга етиб олайлик,— Нишон машинадан тушмай чақирди.

Ёмғир энди илгариги шаштидан тушган, бир меъёрда эзиб ёғарди. Чўл бениҳоя осуда, маъюс бўлиб қолганга ўхшайди. Фақат кўк сувларини ташналик билан шимаётган майсаларда бир хуррамлик бор. Дунёга янги келган ҳар бир мавжудодда ёмғирга ҳам, тупроқ исига ҳам, қуёш нурларига ҳам туганмас чанқоқлик бўлади. Майсалар ҳам тирик жонзот... Фақат не-не қуёшли кунларни, ёмғиру қорларни кўрган чўлгина жимгина ястаниб ётибди. Бироқ бу ўлик сукунат эмас. Чўл ҳеч қачон киши қалбида умидсизлик уйғотмайди. У ғайратсиз, завқсиз одамни аёвсиз жазолайди. Аммо эрта-индин қовжираб кетадиган майсаларни, тугмачадек баргларида бўлак ҳусну латофати йўқ какраларни, кўзни қувонтириш тугул умуман, эътиборни тортмайдиган кул ранг шuvoқларни севган одамга чўлнинг эҳсонлари кўп. У энг аввало кишини ўзидек кенг, саботли бўлишга ўргатади.

— Энди жим юр, ука,— Нишон йўлдан кўз узмаган ҳолда гап қотди.— Кўриб турибсан-ку, Моҳонкўл тўғрисидаги гапларингга ҳеч ким қулоқ солмаяпти. Бачаларингни ҳам ўйла мундоқ.

— Ҳамма гаранг бўлиб қолмагандир. Биронта гап уқадиган одам топилиб қолар.

— Шу чакалакзор ўзлаштирилди нима-ю, ўзлаштирилмади нима? Сенга қанақа фойда-зарари бор?

Камол унга куюниб гап уқтирди.

— Моҳонкўлда дунёнинг бирон жойида учрамайдиган ўсимликлар бор. Баъзилари тиббиёт учун керакли, баъзилари чорва учун тўйимли озуқа.

— Ут-ўлан ҳамма жойда топилади, ука.

— Айтдим-ку, Моҳонкўлдаги баъзи ўсимликлар дунёда йўқ, деб.— Камол қўлини ўриндиқ суянчиғига ташлаб, ҳамроҳига юзланди.— Илгари қишлоғимиз атрофларида қирғовул кўп бўлган экан. Ўзингиз ҳам айтган-



дингиз, эсингиздами? Ҳозир бу қуш фақат қўриқхоналардагина қолди.

— Қоракўл қўриқхонасига борганимда кўрувдим,— Нишоннинг кўзларида шодликка мойил бир ифода йил этди.— Жонивор жудаям чиройли парранда бўлади-да, хўрозлари нақ оловдек товланади. Қараб туриб кўзинг ўйнаб кетади.

— Пахтага сепилган заҳарли дорилар бу қушларга ҳам қирон келтирди. Қўриқхонада зўрға сақлаб қолишган.

— Қўйиб берса Моҳонни ҳам қўриқхонага айлан тирмоқчисан, шекилли?

— Қўлимдан келса шундай қилардим-а,— Камол оғир тин олди.— Бу ерда борган сари камайиб кетаётган қанча қушлар бор. Тентакқуш, йилқичи, йўрға тувалоқ, тўқай булбули, хўжасовдагар... Биз отини билмайдиганлари қанча. Эҳ-ҳе...

— Қаёқдаги паррандаларни ташвишини қилмай ўзингни ўйласанг-чи, ука.

Камол индамади. Бу одамнинг шиори муросаи-мадора. Уни ўз ҳузур-ҳаловатидан бошқа ҳеч нарса ташвишлантормайди.

Машина сирганиб, чайқалиб илгариларди. Улар жим қолишди. Шу зайл эндигина барг чиқара бошлаган юлғунзор орасига жойлашган шийпон олдига келиб тўхташди.

## У Ч И Н Ч И Б О Б

Раиса кириб келганида Нигора ҳовлининг ўртасига катта кир тоғора қўйиб, кенжа ўғлини чўмилтирарди. Бола мушти билан кўзларини уқалаганича ҳиқиллар, Нигора унинг оёғини ишқаларкан, тинмай жовварди:

— Отанг, оёғи тортган, боши оққан жойларда юради-ю, тагин сенларнинг иркитингни кўра қолади. Бу қишлоқ сабилда кимнинг боласи озода бўлиб юрган экан. Узининг болалари кўзига шумшук кўрина қопти.

У обдан жовраб бўлгунича кутишга Маликанинг сабри чидамади. У Нигорани яхши билади. Сал тезроқ. Ҳали раисликка сайланмасидан олдин бу хонадонга кўп келарди. Кейин негадир ўз-ўзидан оёғи тортилиб қолди. Иш билан куймаланиб биронта одам билан яқин, сирдош бўлишга ортмади. Аммо тўсатдан...

— Қўяверинг, парво қилманг. Эркаклар ўзи шунақа бўлишади, ўртоқжон.

Нигора очиқ чехра билан кўришгани келаётган раисани кўриб довриаб қолди. Аввало аёлларга хос қизиқувчанлик билан унинг энгил-бошига разм солди. Малика шаҳарликларга ўхшаб сочини бошининг орқасига турмакляб, пушти рўмол танғиган. Эгнида энги калта атлас кўйлак. Кўзининг жиякларига нимадир сурган шекилли, қоп-қорайиб турибди. Юзлари сип-силлиқ. Қуриб кетмагур мунча чиройли бўлмаса...

— Келинг...— Нигора сув кечиб турган ўглини ҳам унутиб ўрнидан турди. Раиса билан бориб кўришишини ҳам, кўришмаслигини ҳам билмай каловланди. Қиз бола бўлсаям бинойидек салобати босади одамни.— Мен болаларни чўмилтирай деб...

Малика келиб унинг елкасига қўл ташлаб кўришди. Аммо Нигора қўлини узатишга ботинмади. У ҳамон мағзава юқи қўлларини чайиб олмаган, раисанинг кифт қоқишиб кўришишини сира кутмаган эди.

— Чўмилтириб яхши қилибсиз. Мен уларни олиб кетгани келувдим. Энди боғчага боришсин. Эрингиз чўлда, ёлғиз ўзингиз болалар билан қийналасиз.

Нигора сесканиб кетди. Маликанинг самимий боққан кўзларига қаради. Бироқ Нигорага унинг кўзларида сеҳр, жоду бордек туюлди. Эрини чўлга жўнатгани етмагандек болаларини ҳам олиб кетгани келгани яхшилик аломатига ўхшамайди. Нима гуноҳ қилибмиз шунчалик...

Раиса таклифи Нигорага ёқмаганини, ҳатто ёмон таъсир қилганини сизди. У шундай бўлишини кутган эди. Вақтинча бўлса-да, оиласининг ҳаловати бузилгани кимга хуш келарди. Ўзи ҳам шундай. Мабодо онаси узоқ-яқин қариндошлариникига кетиб, тунаб қолгудек бўлса, уйига сиғмай қолади. У каттагина бир оиланинг бошлигини ҳеч заруратсиз чўлга жўнатиб юборди. Ҳозирча у ерда қолиб кетаётган бирон иш йўқ эди. Ўзидан кўрсин. Қаёқдаги гапларни топиб аччигини чиқарди. Қўлингда ҳокимият бўлганидан кейин шунақа пайтларда фойдаланиб юборганини ўзинг ҳам билмай қоласан. Камол-ку чўлни ўзига ўзи тилаб олди. Рост-да, ақли етмайдиган ишларга нега аралашади. Малика мана шу зайл ҳақлигига ўзини яна бир қарра ишонтирди.

— Ҳеч кўнглим йўқ шу боғчасига, опа...— деди Нигора журъатсизгина.— Уйда юраверишгани тузукмикин?.. У раисанинг феълини яхши биларди. Айтган ишини

қилдирмай қўймайди. Шу боис раисанинг қитиқ патига тегиб кетмаслик учун эҳтиёткорлик билан гапирди. Уни ҳам бола-чақасига қўшиб чўлга жўнатиб юборишдан тоймайди бу баттол.

— Кўнглим йўғи нимаси, ўртоқжон,— раиса дўстона бир тарзда унинг елкасига оҳиста туртди. Унинг ўзини катта олмай, мана шу зайл жўнгина гаплашиши Нигоранинг қалбида илиқлик уйғотди.— Ҳамманинг боласи юрибди-ку. Вақтида овқатланишади, вақтида ётиб ухлашади. Озодагина...

Раисанинг кейинги гапи Нигорага таъна бўлиб туюлди. Кечагина эри болаларнинг кир-чир бўлиб юришганини гапириб, кўнглини оғритгани учун ҳам оғир ботди. «Уч бирдай ўғил болани озода тутиб бўларканми? Бу ёқдан ювиб улгурмасингдан уёқдан лойга қорилиб, тупроққа беланиб келишади. Оёғига сира нарса илишмайди. Ҳар қанақа кийимни икки кунга қолмай тўзителишади. Қир-чир бўлсаям тани соғ бўлиб юришса бас».

— Қани, ўртоқжон, олдимга тутишга бир нарса беринг.

Нигора унинг амрига сўзсиз итоат этди. Уйдан катта оқ сурп олиб чиқди. Малика сурпни худди пешбанддек қилиб белига боғлаганидан кейингина мақсадини тушунди.

— Вой, бу нима қилганингиз,— деди жонҳолатда унинг қўлидан тутиб.— Қўйинг-э... ўзим...

— Мени бола чўмилтиришни билмайди, деб ўйлаяпсизми?

— Йўғ-э...

— Бўлмаса сув қўйинг.

Маликанинг бармоқлари шу қадар тез, абжир ҳаракат қилардики, Нигора улардан кўз узолмай анграйиб қолди. Болакай бегона аёл ювинтираётганини ёқтирмай аввалига тўрсайиб турди. Аммо унинг нозик бармоқлари баданини силаб, ишқалай бошлаганида ҳузур қилганидан қиқир-қиқир кула бошлади. Ҳозиргина ҳиқиллаб турган боласининг кулаётгани Нигорани баттар ҳайратлантирди. Ўзи ҳам сезмаган ҳолда ғайирлиги келди.

— Нега қараб турибсиз? Сув қўймайсизми? Бола бечоранинг кўзи ачишиб кетди-ку.

Маликанинг овози унинг ҳушини ўзига келтирди. Муштчалари билан кўзини ишқалаганича типирчилаб турган ўғлининг бошидан шариллатиб сув қуйди. Аммо болакай бунга қаноат қилмади, яна кўзларини ишқалай-

верди. Нигора худди тушдагидек бир ҳаракат билан чўмични сувга ботирди.

Малика пешбандини ечиб болакайни бош-кўзи аралаш ўради-да, даст кўтарди. Султон йиқилиб тушишдан қўрқдими ёки ийиб кетдими, ҳайтовур унинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди. Малика кечагина ёмон кўриб чўлга бадарға қилган агрономнинг боласига нисбатан қалбида жуда ҳам нозик, тотли бир ҳис уйғонганини сезди. «Офтобда пишган бу қора боланинг отаси нима ёмонлик қилди шунчалик? Бор гуноҳи нега боғчанинг ҳовлисига пахта эктирдинг, деганими? Йўқ, у бундай дегани йўқ. Нега болаларнинг кўзини ўйиб оляпсан, деди. Уни одамларнинг қонига ташна жодугарга чиқариб қўйди. Наҳотки, у мана шундай ширин болакайларга ёмонликни раво кўрса? Йўқ, ҳеч қачон... Камол арзимаган нарсаларни ҳам бўрттириб, ваҳима қилиб юришни яхши кўради. Моҳонкўл масаласида ҳам бултур райком секретаридан қаттиқ дакки еди. Аммо ҳеч тавба қилмайди. Нуқул ўзимники маъқул деяверади. Одам деган бунчалик ўзидан кетмаслиги керак-да. Унинг фикри билан бирон нарса ўзгарармиди? Таклифини ўтказиши учун кишининг қўлида ҳокимият бўлиши керак. Бўлмаса беҳуда чиранишнинг фойдаси йўқ. Беҳуда чираниш бел синди-рар, деганлар».

Нигора раисанинг ҳар бир хатти-ҳаракатини ҳавас, айни вақтда ҳасад билан кузатарди. Худди шуури қарахт бўлиб қолгандек меровсираб турар, на юзидан, на кўзидан бирон маъно уқиш мумкин эмасди. Маликанинг бармоқлари худди чалғучининг бармоқларидек чаққон, беозор ҳаракатланарди. У ўзини сира уринтирмас, аксинча қилаётган ишидан бир олам завққа тўлиб-тошарди. Фақат болакайни кўтариб айвонга олгунича бир оз зўриққанидан юзига қизиллик тепти. Бундан чиройи янада очилиб кетди. Нигоранинг ҳасадини келтирган нарса ҳам мана шу эди. Худо суйган бандасига ҳамма нарсани қўшлаб берар экан. Маликага ҳеч кимда йўқ чирой, обрў, мансаб берган. Нигора эса ўттизга кирмай ўтин бўлиб ўтирибди. Нега худо унинг ҳам зуваласини каттароқ қилиб узмаган экан-а.

— Кийимларини олиб чиқинг, полвоннинг,— Малика болакайни артиб-суртиб бўлгач, қайтадан чойшабга ўраб қўйди.— Энди бир ясаниб олсин.

Нигора кийимларни олдиндан тайёрлаб қўйган эди, дарров тахмондан олиб Султонни кийинтиришга тутин-

ди. Малика унинг қўлидаги ғижим иштон билан кўйлак-ка қараб туриб бирдан қошлари чимирилди. Ҳозиргина завқ-шавқдан ёниб турган кўзларида совуқ бир ифода пайдо бўлди. Остки лабини тишлаганича, афсус билан бош чайқади. Нигорага қаттиқ тегиб қўймаслик учун гапни бурди.

— Акалари кўринишмайдимиз?

Нигора раисанинг қарори қатъийлигига шундагина ишонди. Юраги бирор кўнгилсизликни олдиндан сезгандек нохуш сиқилди. Худди биров тортиб олаётгандек ўглини бағрига босганича оҳиста бош чайқади.

— Болаларим уйимга сиғмай қолгани йўқ. Қўя қолинг, опа...

Унинг бу гапи Маликага беҳуда ўжарликдай бўлиб туюлди.

— Ким болаларини уйига сиғдирмай боғчага обориб қўяркан. Унақа бўлмаган гапни гапирманг,— Малика ҳозиргина ўзини чулғаб турган оромбахш, фараҳли оламдан юлқиниб чиқишга мажбур бўлди. У амру фармойиши одамларга дарров қор қилишини яхши биларди. Нигорага ҳам буйруқ бермасликнинг иложи йўқ эди.— Боринг, болаларингизни топиб келинг.

Нигора ғижим кўйлакни ўглининг қўлига тутқазиб ўрнидан турди. У боягина раисанинг ҳар бир ҳаракатидан ғижиниб, ёмон кўриб турган жувонга сира ўхшамасди. Ҳалпиллаб турган кўйлагини сидириб текислаш баҳонасида зимдан хавотирли кўз ташлади. Малика буйруғи ижро этилишини кутиб, қаққайиб турарди.

— Мен унақа демоқчи эмасдим...— Нигора чайналди. Яна зимдан раисага бир қараб олгач, муддаосини айтди.— Фақат, отасига бир оғиз маслаҳат солмай... Қандай бўларкин...

— Отасига мени айтди, дейсиз.— Малика буйруғига ҳатто Қамол ҳам монелик қилолмаслигига ишонч билан гурурланиб гапирди.

Унинг манмансираб гапиришини Нигора икки хил тушунди. Аввало, мен раисаман, эринг менинг буйруғимга сўзсиз итоат этади, деган маънони уқди. Аммо хаёлига кўнгилни ғаш қиладиган бир фикр ҳам келди.

— Сиз айтганингизни йўриги бошқа...

Нигора, сен амалдор бўлсанг, колхозга бошлиқсан, менинг оиламга эмас, демоқчи бўлди-ю, аммо ботинолмади. Маликанинг салобати босиб, юраги дов бермади. У билан айтишиб бўладими, худонинг балоси-ку.

Малика бари бир у айтмоқчи бўлган гапни англади. Бир энлик этдан тушди. Аммо сир бой бермай гапни ҳазилга буришга уринди.

— Вой бечора-ей... Жуда юрагингизни опқўйган экан-ку. Шунчалик қўрқасизми эрингиздан.

Нигора унга ажабланиб қаради. Ҳорғин боқувчи кўзларида, юзида довдирашга ўхшаш бир ифода бор эди: «Опа нималар деяпти ўзича? Тавба!..»

— Йўқ, қўрққангиздан эмас...— Нигора ғоят соддадиллик билан бош чайқаб, эътироз билдирди. Аммо гапининг давомини йўқотиб қўйди. Раисадан кўз узмаган кўйи негадир қўйлагининг ёқаларини пайпаслаганича ютинди.— Ахир, болаларнинг отаси... эрим-ку...

Ғоят оққўнгиллик билан айтилган шу бир оғиз сўз бу жувоннинг эрига нечоғли тобелигини, садоқатини ифодаларди. У муҳаббат деган жарангдор сўзнинг маъносини унча тушунмас, эр-хотин бирон марта севги ҳақида гаплашишмаган эди. У эрини яхши кўриш-кўрмаслигини ҳам билмас, бу ҳақда бош қотиришга бирон марта эҳтиёж сезмаган. У эрига кўзга кўринмас, кучли ришталар билан боғланганлигини билар, ундан айра тушиб яшашни тасаввур қилолмас, бундан мамвун эди. Нигоранинг назарида дунёда Камолдан кўра ақллироқ, кучлироқ, холисроқ кимса йўқ эди. Бироқ Малика буларни қайдан ҳам билсин.

— Мунча эрингизни соясига кўрпача солмасангиз,— Малика қувноқ гапирди.— Сизга ўхшаш хотинлар машинақа қилиб тургандан кейин эркаклар ўзидан кетади.

Унинг қувноқлиги Нигорага ҳам юқди. У тап тортмай раисанинг ҳазилига ҳазил билан жавоб берди.

— Олдин ўзингиз эрга тегинг-чи, кейин кўрамиз поччамни талтайтирмаганингизни.

Маликанинг қоқ манглайига биров тарс этказиб туширгандек бўлди. Ҳар бир тукининг тагидан бодраб муздек тер чиқиб кетди. «Вой, эрлик тўкие-эй!..»

Нигора раисанинг авзойи ўзгарганини кўриб, хавотирланиб сўради:

— Гапимга хафа бўлдингизми, опа?— деди ташқарига чиқа туриб.— Тилгинам қурсин-а...

Малика бу жувондан ранжиб бўлмаслигини англади. У на таъна қилишни, на кесатишни билар, бояги гапни ҳам тўғри кўнгил билан айтганига шубҳа йўқ эди.

Раисанинг миқ этмай туриши Нигорани ҳам хавотир-

га солди, ҳам хотиржам этди. Унга елкаси оша қарай-қарай ташқарига чиқиб кетди. Кўп ўтмай бир ўглининг қўлидан етаклаб, иккинчисининг қулоғидан чўзганича кириб келди. У раисани кўра-била туриб сира тап тортмай болаларини қаргарди.

— Сан ўлгурларга тузукроқ едира қолай, тузукроқ кийдира қолай, деб отанг бечора чўл-биебонларда чанг ютиб юрибди. Манинг сочим супурги, қўлим косов. Санларнинг юришинг бу. Энгил-бошингни аҳволини қара, жувонмарглар...

Нигора тўнғич ўглининг қулоғини бўшатиб, бошига бир туширди. Сувон унинг шапатисини писанд ҳам қилмади. Қулоғи бўшаганидан қувониб, ҳовлининг нариги бошига қочиб кетди. Сиёвуш онасининг қўлидан чиқишга уринмас, мўминтойлик билан бош эгиб турарди. Шу боис Нигора унга эътибор бермас, бор қаҳрини тўнғичига қаратган, қайтадан тутиб олса худди босиб-янчиб ташлайдиган важоҳати бор эди.

Малика томошабин бўлиб турмаслик учун ташқарига йўналди. Раисанинг чурқ этмай чиқиб кетаётганини кўриб Нигора ҳайрон бўлиб қолди. Болаларини ҳам унутиб унинг орқасидан эргашди.

— Нима бўлди, опажон?— қўрқа-писа сўради Нигора. У раисанинг тўсатдан уйига кириб келганидан қанчалик ҳайратланган бўлса, кутилмаганда кетаётганидан шунчалик ваҳимага тушган эди. Бу яхшилик аломати эмас, деб ўйларди у. Шу боисдан раисанинг йўлини тўсиб, ёлворди.— Тўхтанг... Ман ўлгур ҳеч нарса демадим шекилли...

— Ҳозироқ болаларингизни боғчага олиб боринг. Мен ўша ерда бўламан.

Малика гапни қисқа қилиб чиқиб кетди. Нигора анграйганича унинг орқасидан қараб қолаверди.

\* \* \*

Малика кечгача табиати хира бўлиб юрди. Қўли ҳеч ишга бормади. Ўзидан-ўзи хуноб бўлиб, диққати ошаверди. Бош бухгалтер қурт боқиш учун мўлжалланган сарф-харажатлар рўйхатини олиб келган эди, арзимаган хатоси учун жаҳл қилиб йиртиб ташлади. Бухгалтер ажабланиб елка қисганича қоғоз парчаларини йиғиштириб чиқиб кетди. Партком секретарини чақириб, колхозчиларнинг турмуш маданияти билан мутлақо қизиқмаяпсиз, деб коийди. Қурт уруғи тарқатиш баҳонасида уйма-уй юриб

одамлар қандай яшашаётгани билан танишиб чиқишни тайинлади. Партком секретари унинг ҳар бир гапига бош ирғаб, чайқалиб ўтираверди. Раиса гапини тугатганидан кейин ҳам ҳадеганда жойидан қўзғала қолмади. Малика унга аччиқ қилиб хонадан чиқиб кетди. Машинага ўтириб ҳеч қандай мақсадсиз дала кезди. Лекин биронта шийпонда тўхтамади. Ҳеч ким билан гаплашмади ҳам.

Қош қорайганидагина уйига келди. У қуни билан далада ишлагандек ҳорғин эди. Онаси қизининг эзилган бир аҳволда бўшашибгина кириб келаётганини кўрди-ю, гап-сўзсиз кутиб олди. Унинг нимадандир дили оғриб, безовта бўлиб келганини сездю, юраги эзилди. Қийналиб кетди қизи бечора. Нега ҳам раиса бўла қолди, а? Амалнинг кетидан қувмай, эрга тега қолса бўлмасмикин? Худо бир-иккита овунчоқ берса, ўшалар билан овора бўлиб куни қандай ўтганини билмасди. Моҳира хола ёшига номуносиб эпчиллик билан ўрнидан турди. Худди эрга озор бериб қўйишдан чўчигандек сассиз юриб хонадан чиқди. Зум ўтмай чойнак-пиёла кўтарганича шип-шип юриб кирди. Урта бўйликкина, тўладан келган бу аёлни ҳаётнинг аёвсиз зарбалари абгор қилиб ташлаёлмади. У беш фарзанд кўрган эди. Тўрт ўғли айни бўй етиб йигит бўлганда арзимаган касаллар туфайли оламдан ўтди. Отаси сиртидан билдирмагани билан ичидан куйиб юрган экан, юрак хасталигидан кўз юмди. Моҳира хола биттаю-битта Маликага кўз тикканича қолди. Худога шукур, қизи тўрт ўғлига насиб қилмаган мартабага эришди. Кўпга бош бўлиб, элнинг дуосини олиб юрибди. Аммо... Онанинг юракбағрини ўртайдиган биргина армони бор. У қизининг тўйини кўришни орзу қилади. Мана неча йилдирки, бу остонага биров унга харидор бўлиб келгани йўқ. Илгарилари хотини ўлган ёки хотин қўйганлардан бўлса ҳам одам келиб турарди. Раисаликка кўтарилганидан буён ҳеч ким эшигининг турумини қоқмай қўйди. Она қизининг бахтини ўйлаб кечалари мижжа қоқмай чиқади. Тиригимда эгасига топширсам, насиб этса неvara боқиб хумордан чиқсам деб орзу қилади. Бироқ Маликанинг эрга тегадиган сиёғи йўқ. Эрта кетиб кеч келади. Қачон қарасанг план ташвишида юради. Баҳорда экиш қайғусида, кузда йиғим-терим ташвишида. Қиши билан ернинг шўрини ювишни ўйлайди. Бу ерларни икки-уч қайта ювган билан ҳам бари бир ёзда оппоқ туз қайнаб чиқаверади. Ҳалиям одамлар бардошли экан. Мана шунақа ерда пахта ундиришади-я.



Малика онасининг аҳвол руҳиясига эътибор бермай пиёланинг четини сидириб ўйнаганича ўйга чўмиб ўтирарди. Нигоранинг кулиб туриб айтган бир гапи миясига маҳкам ўрнашиб қолган, дақиқа сайин бу гап худди тирик мавжудоддек бутун вужудини кемириб, азоб берарди. «Олдин ўзингиз эрга тегиб кўринг-чи, деди-я».

Моҳира хола оҳиста томоқ қирди. Малика унга сергакланиб қаради. Бирор гап айтмоқчи бўлса, онасининг шундай қилиш одати бор. Жуда ғалати... Худди ижозат сўраб гапирадиганга ўхшайди. Малика онасига савол назари билан боқди.

— Ишингда бирор гап бўлдими, қизим? Ранг-рўйинг ғалатироқ...

Онаси бутунлай бошқа гап айтганини Малика юраги билан сезиб турарди. Дабдурустдан айтишга ботинолмаган не сир экан бу? Ё биров ўртада онасини воситачи қилиб битмай ётган бирор мушкулини осон қилиб олмақчимикин?

— Тинчлик, ойи,— деди Малика онасидан кўз узмай.

— Бирор нарса демоқчига ўхшайсиз, айтаверинг.

Моҳира хола қизига хавотирланиб бир қараб қўйди. Шу қарашида Малика бу гапни қай тарз — зарда қилибми ёки сидқидилдан айтдими, билмоқчи бўлди. Қизи ҳамон пиёла четини сидириб ўйнаганича бамайлихотир ўтирарди. Демак, гапираверса бўлади... Аммо бирдан онанинг ўпкаси тўлди. Негадир хўрлиги келди. Титроқ овозда йиғламсираб гапирди:

— Ман қариб қолдим, болам...

Онасининг астойдил куюниб айтган гапи Маликага тарсаки туширгандек таъсир қилди. Аъзойи-бадани тирноғининг учигача жимирлаб, увишгандек бўлди. Бўғзини нимадир куйдирди. Бироқ унинг хўрлиги келмади. Кўзлари ўт бўлиб ёнди. Онасини койиб ташламоқчи бўлди-ю, унинг бошини эгиб мунғайиб ўтириши кўнглини юмшатди. Онасида нима гуноҳ? Тўй кўрмоқчи муштипар. Қариган чоғида неvara боқишни орзу қилади. Лекин...

— Бирорта куёв топинг, ўзим совчиликка бораман,— гапни ҳазилга буришга уринди Малика. Аммо бу гапидан ўзи кулмади. Аксинча баттар юраги ғаш тортди.

— Сан ҳамма нарсани ўйин фаҳмлайсан, болам. Мани юрагим куяди,— Моҳира хола рўмолининг учини дув этиб ёш қуйилган кўзларига босди.— Сан дунёга бой-ўғлидек ҳув деб ёлғиз яшаш учун келибсанми?

«Бошланди,— алам билан хаёлидан кечирди Малика.— Энди онаси дунёга келиб гам-ғуссадан бошқа ҳеч нарса кўрмаганини айтиб, баттар юрагини эзади. Улиб-нетиб қолгудай бўлса, кўзи очиқ кетишини айтиб, тонг отгунча йиғлайди. Онаси шўрликка жабр бўлди. Лекин у нима қилсин? Вақтида эрга тегмади. Энди бунга на хоҳиш бор, на бир истак».

— Ман дунёга нимага келганман ўзи? Фақат санларнинг аламингда куйганими?— Моҳира хола ердан бош кўтармай эзилиб гапирарди.— Ман ҳам одамга ўхшаб орзу-ҳавас кўрарман, деганимда озғим куйди. Ўзи берган худойим ўзи қайтариб олди, деб тақдиримга тан бериб юрибман. Сан дардимга малҳам бўлармикинсан, десам аҳволинг бу. Онангни ҳам озгина ўйласанг-чи, қизим. Ман сани колхозни иши учунгина туғибманми?

Малика бундай гап-сўзларга кўникиб қолган эди. Онаси тез-тез бу хусусда гап очар, ҳар сафар гапнинг охири кўзёши билан тугар, шу боис Малика онасининг оби-дийдасига ортиқча эътибор бермайдиган бўлиб қолган эди. Бир хил гапни эшитаверса ёки бир хил нарсани кўраверса, киши унга кўникиб, бора-бора сезгилари ўтмаслашиб қолади. Лекин онасининг бугунги гапи Маликага қаттиқ таъсир қилди. Ҳар гал шундай гап-сўз бошланганда ҳазил-ҳузул қилиб қутилиб кетарди. Аммо бугун майнавозчилик қилиш юрагига сиғмаяпти. Аслида ҳам бу майнавозчилик қиладиган гап эмас-ку. Қачондир бу хусусда тузукроқ ўйлаб кўриши керак. Дунёдан сўқ-қабош ўтиб кетмас ахир.

— Қачон бир гап гапираман десам машинақа... энсанг қотади,— деди Моҳира хола қизининг чурқ этмай ўтирганини ўзича тушуниб.— Энди ёш бола эмассан, қизим...

Онасининг кейинги гапи Маликага оғир ботди. Худди гугурт чизиб юборилган қуруқ янтоқдек лов этиб ёниб кетди.

— Мен эрга тегмоқчиман, харидор топинглар, деб эълон ёзиб идорага осиб қўйсам хурсанд бўласизми?

Моҳира хола қизининг дарқаҳр бўлиб гапирганига унча эътибор бермади. Аксинча гап нишаби унинг кўнгли тусаган томонга оғганидан хурсанд бўлди. Сирғалиб тушган рўмолининг икки учини дол пешонасига келтириб қайтадан танғиди. Шундан кейингина хотиржамлик билан гап бошлади:

— Эшигингга одам келиб турганда эълон ёзиб нима қиласан, қизим.

Малика онасининг нима деганини дабдурустдан яхши англаёлмади. Унга харидор бўлиб биров остонасига қадам босмаганига талай йил бўлган. Дастлаб Малика ич-ичидан куйиб, ўртаниб юрди. Лекин дунёда турғун нарса йўқ экан. Вақт ўтгани сайин киши ҳамма нарсага кўникаркан. Малика йигитларнинг суқланиб қарамай қўйишганига ҳам, ҳеч ким йўлини пойлаб, энтика-энтика юрагини очмаганига ҳам, унинг бир оғиз розилигини кутиб устма-уст совчилар ёғилиб келмаслигига ҳам тез кўникди. Йўқ, кўникмади, балки, бу ҳақда тузукроқ ўйлаб кўришга вақти бўлмади. Мактабни тугатиб, механизаторлик қилаётган йиллари совчилар турна қатор бўлиб келишарди. Аммо Малика олдин институтга кирай, кейин турмушга чиқаман, деб шарт қўйди. Аммо институтга ҳам ҳадеганда киролмади. Икки йил кетма-кет ҳаракат қилди-ю, охириги имтиҳондан йиқилаверди. Фақат учинчи йили унинг омади келди. Энди ҳам иш, ҳам ўқишни ўйлаб яна совчиларни қайтараверди. Бу орада бригадир бўлди. Газеталарда номи кўриниб қолди. Мажлис-ларда нутқ сўзлайдиган, президиумга чиқиб ўтирадиган бўлди. Район советига депутатликка сайланди. Ҳаш-паш дегунча ўқишни тугатиб, тафтишкомликка кўтарилди. Кейин раисаликка сайланди. Унинг обрўси нечоғли ошиб, мартабаси кўтарилгани сайин эшигини қоқиб келувчилар шунча камаяверди. Биров энди унга оғиз солишга ботинмай қадамини узди, бошқа биров очикдан-очик хушламади. Малика борган сари баланд охурдан ем еб ўргангани учунми тезда катталиқ нусхи уриб, си-полашиб қолди. Унча-мунча одамни назар-писанд қилмай қўйди. Катта хўжаликнинг ташвишлари ҳам ўзига яраша катта бўларкан. У иш билан куймаланиб куни қандай ўтаётганини билмасди. Умуман, ўзи ҳақида ўйламасликка ҳаракат қиларди. Уйлаб нима қилади. Егани олдида, емагани кетида. Депутат. Ҳалигданоқ нечта орден, медаль олди. Доим элнинг назар-эйтиборида. Бир одамга бундан ортиқ яна нима керак? Қиз бола фақат эрга тегсаёқ бахтли бўлади-ю, бўлмаса йўқми? Мана шу ўй Маликага тасалли берар, аёллик қисмати уни унча ташвишлантирмасди. Бироқ юрагининг аллақайси бурчини мудом нимадир кемириб, азоб бериб турарди-ю, Малика бу нарса ўз тақдирига тааллуқли алам эканлигини хаёлига келтиргиси келмасди.

Малика зимдан онасига разм солди. Моҳира хола кутилмаган шодиёна юз бергандек мамнун жилмайиб ўтирарди. Эти қочган чўзинчоқ юзи яшнаб турар, атайлаб ҳимариб тургани учунми лабларининг атрофида майда чизиқчалар кўпайиб кетган эди. У шунча йиллик орзуси ушалиши мумкинлигидан бахтиёр эди. Онасига боқиб туриб, Малика юрагидан аллақандай бесабрлик пайдо бўлганини сизди. Раисага киши қўйишга ботинган одам ким бўлди экан?

— Улар... қариганимда ҳам совчи келса...— у ўзини онасининг гапини ҳазил фаҳмлаган қилиб кўрсатди. Чап тирсагини хонтахтага қўйганича пиёласидаги аллақачон совуб қолган чойдан бир ҳўплади.

— Вой, нега ундай дейсан, болам,— Моҳира хола-нинг астойдил аччиғи чиқди. Муштини ерга ниқтаб, ўтирган жойида бир қўзғалиб қўйди.— Ҳали ўн гулингдан бир гулинг очилмаган қизгинасан-ку.

Малика маъюс кулимсиради. Онасининг гапи унинг баҳри-дилини очиб юбориш ўрнига гашлигини баттар кучайтирди. Унинг гуллари очилмай туриб сўлиган...

— Кулма, болам,— деди Моҳира хола астойдил куюниб.— Шу пайтгача кула-кула мани куйдирганинг ҳам етар.

Малика бетоқатлана бошлади. «Онаси мунча гапни чўзди? Шартта айтиб қўя қолмайдими дардини. Қишлоқда унга эрлик қила оладиган ким бор ўзи? У ҳеч қачон қўл остида ишлайдиган одамга турмушга чиқмайди. Ухшамаган иш бу?»

— Ким экан?— кутилмаганда кўрслик билан сўради Малика.

Моҳира хола чўчиб тушди. Қизининг бесабрлик билан гапини кесганидан довдираб қолди.

— Мактабга янги муаллим келган экан-ку,— Моҳира хола шошганидан гапнинг пўсткалласини айтиб қўя қолди.— Уша киши қўйибди.

Бу Малика учун кутилмаган гап эди.

— Тошканда министрликда ишлаган эканми-ей...

Онасининг гапи унга мактаб директорининг бир илтимосини эслатди. Икки ойча муқаддам мактаб директори янги келган бир ўқитувчисига колхоз меҳмонхонасидан жой сўраган эди. Малика меҳмонхонага узоқ муддат яшайдиган одамларни қўёлмаслигини айтиб, унинг илтимосини рад этган эди. Лекин янги муаллим эртасига азонлаб идорага кириб келди. Малика одатдагидек

тувакдаги гулларга сув қуяётган эди. У хонага биров кирганини била туриб, қайрилиб қарамади. Аммо кирган одам кучаниб томоқ қирди. Малика шундагина орқасига ўгирилди. Эшик олдида кулранг кастюм кийган, оқ кўйлак устидан гулдор бўйинбоғ таққан хушқомат бир йигит ёқимли кулимсираб турарди.

— Келинг,— деди Малика графинни қўлидан қўймай.

— Бевақт келибман, шекилли,— деди у суви яримлаб қолган графиндан кўз узмай. Сўнг отини айтиб ўзини таништирди.

— Нега энди бевақт бўларкан...— Малика диванга ишора қилди.— Марҳамат, ўтиринг.

— Банд экансиз...

Малика қўлидаги графинни бурчакдаги сейф устига қўяркан, елкаси оша гапирди.

— Эрталаб келган заҳотим гулларга сув қуяман.— Малика стол тортмасидан оппоқ сочиқ олиб нам қўллари ни артди.— Онам, ўсимликларнинг ҳам жони бор. Одамнинг қўлига қараб туришади, дейдилар. Агар одамнинг қўли тегмаса ҳамма нарса қуриб қолармиш.

— Қанийди ҳамманинг ҳам шундай ажойиб онаси бўлса,— Қудрат хўрсиниб қўйди. Сўнг раисага қараб ёқимли жилмайди. Чехраси ёришиб, нурланиб кетгандек бўлди.— Гулни яхши кўрадиган одамнинг кўнгли юмшоқ, меҳрибон бўлади, деб эшитган эдим. Рост экан.

Унинг гапи Маликага ёғдек ёқди. Гапга уста бу йигитга қизиқсиниб қаради. Бу йигитнинг нимасидир — юракка илиққина бориб тегадиган самимий табассуми ми ёки ўйчан боқишларими — ишқилиб ўзига хос бир хислати ёқди.

— Мен бир илтимос билан келган эдим,— деди Қудрат ўтинч оҳангида.— Директоримиз опага ўзингиз учрашинг, дедилар. Жой масаласида...

Мактаб директорининг бу ишга яна уни аралаштиргани Маликага ёқмаган бўлса-да, Қудратга жўяли маслаҳат берди.

— Меҳмонхонада сиқилиб кетасиз. Ундан кўра Нуржон момо деган кампиримизникида турганингиз яхши. Уйи мактабдан сал узоқроғу, лекин ўзи яхши момо. Қизларини узатиб юбориб, катта қўрғонда ёлғиз ўзи қолган. Сизга ўша ер яхши. Мени айтди десангиз йўқ демайди.

Қудрат раҳмат айтиб чиқиб кетди...

...Нахотки, бу ўша ўқитувчи бўлса? Малика вужудида оромбахш бир ҳовлиқиш, шошқалоқлик пайдо бўлганини туйди. Ҳозироқ мактаб директорига телефон қилиб ўша ўқитувчининг қаерга жойлашганини суриштириб билсамикин? Кейин-чи? Кейин нима қилади? Унинг олдига борадими? Улар...

— Худойим бечорани биттагина тирноққа зориқтирган экан...— Моҳира хола бу даҳшатли ҳақиқатни чўчинқираб айтди. Қандоқ қилсин, бу сирни ошкор этмай иложи йўқ. Ҳамма нарса аввал бошиданоқ очиқ-ойдин бўлгани яхши.— Охири муроса қилишолмай ажралишган экан.

Малика силлиқ йўлдан кета туриб, бехосдан ариққа тойиб кетгандек бўлди. Қудратни кўриш истаги бирданига сўнди-қўйди. Ҳозиргина мактаб директорига кўнғироқ қилиб, унинг қаерга жойлашганини суриштирмоқчи бўлгани энди ўзига кулгили туюлиб кетди. У эрга тегаман, деб ўлиб бўлаётгани йўқ. Кўз очиб кўргани билан муроса қилолмабдими, энди бўйдоқ яшаб кўрсин.

— Уч-тўрт кун ўтказиб яна келишмоқчи,— Моҳира хола қизига ёлборгандек қаради.— Нима дейсан, қизим?

Маликанинг хаёли қочди. Камол дилини хира қилиб кетган куни кечки пайт тўсатдан Қарима исмли собиқ синфдоши келиб қолди. У азалдан қақажон, ичида гап ётмайдиган қиз эди. Қарима сирли кулимсираганича кириб келди-ю, Маликанинг эс-хаёлига келмаган бир гап айтди.

— Малика...— деди у кўзларини сузганича худди манпаси шимаётгандек тамшаниб.— Бахтинг очилди, ўртоқжон. Утирган қиз ўрнини топади, деганлари рост экан.

— Менга эр топиб келганга ўхшайсан-а,— деди Малика хушламайгина. Ҳозир унинг кўнглига ҳеч қандай гап сифмасди.

— Жудаям бахтли экансан, ўртоқжон,— Қарима кафтларини бир-бирига жуфтлаганича бош тебратди.— Мактабимизга янги ўқитувчи келганини айтувдим-ку, ўша киши бугун дарсдан кейин менга юрагини ёриб қолди. Сенинг нега шу пайтгача эрга тегмаганингни, киминг борлигини суриштирди. Бир марта учрашган экан-ку сенга. Ушандаёқ яхши кўриб қолганга ўхшайди. Гулни яхши кўраркан, гулни севган одам меҳрибон бўлади, дейди. Шунақа гапга устаки, бай-бай-бай... Қулоқ солиб туриб эриб кетаётганга ўхшайсан. Сен билан гаплаш-

моқчи экан. Лекин ҳеч мавридини тополмаяпман. Яхши-си совчи юбориб қўя қолсаммикин; дейди. Бу гапга ни-ма дейсан, юбораверсинми?

Ушанда у дугонасига тайинли бир гап айтмаган эди. Демак Қудрат совчи юборишни маъқул кўрибди-да.

Малика хонтахтага тиралиб ўрнидан турди. Унинг тиниқ чеҳрасида, ҳозиргина порлаб турган чақноқ кўз-ларида сўлғинлик пайдо бўлган эди. Қўлларини жонсиз шалвиратганича бир-бир босиб чиқиб кетди. У ҳовли-нинг қоронғи бурчагига бориб, ёлғиз ўзи тўйиб-тўйиб йиғламоқчи эди. Афсуски, унинг на хўрлиги келар, на ўкинч қийнади. Онасининг сўнгги гапи уни ҳайратлан-тиргани йўқ, вужудини ларзага ҳам солмади. Бундай гапни биринчи марта эшитяптими? Кимдир уни етим қолган болаларига ўгай она қилмоқчи бўлар, кимдир бадфеъл хотинини у билан алмаштиришни истар, аммо ҳеч ким унинг муҳаббат лаззатидан бебаҳра қолган юрагига бир чимдим ўт ташлашни ўйламасди. Наҳотки, у севилишга, ардоқланишга нолюйиқ бўлса?

Малика айвон устунига суянганича қоп-қорайиб тур-ган осмонга тикилди. Бирорта ҳам юлдуз кўринмайди. Яна ёмғир ёғса керак. Ҳаводан ёмғир иси келяпти. Беш-ўн кун ёғмай турса бўларди. Чигит униб чиқарди. Буна-қада чириб кетиши мумкин. Яна қайтадан экишга тўғри келади. Деҳқоннинг меҳнати увол бўлади. Бир ёқдан қурт тиқилинч бўлиб турибди. Бир ҳафтага қолмай ҳам-ма барг ташвишига тушиб қолади. Ишқилиб ҳаво юри-шиб кетсин-да.

У ўз дардида нечоғли кўйиб-ёнмасин, толеининг кож-лигидан қанчалик изтироб чекмасин, бари бир раисалиги бир муддат ҳам ёдидан чиқмасди. У шунга ўрганиб қол-ган, хўжалигининг ташвишларисиз яшолмасди. Балки, онласи бўлганда бошқача бўлармиди?..

Уйнинг чироғи ўчди. Лекин бу кеч онаси ухламай-ди. Туни билан худога ёлбориб, қизига бунчалик шон-шуҳратдан кўра тирноқча бахт тилайди. Қизиқ, нега онаси уни бахтсиз, деб ўйлайди. Малика учун балки ма-на шундай яшаш яхшидир. Масалан, Нигора бахт нима-лигини билармикин?

Ҳовлидаги дарахтларнинг барглари шитирлай бош-лади. Бу овоз борган сари кучайиб, бир меъёрда шувил-лашга айланди. Олис-олисида ялт этиб чақмоқ чақди. Худди шохлаб кетган дарахт томирини эслатувчи ўткир нур бир зумдаёқ сўнди. Тарновдан жилдираб сув туша

бошлади. Тунги сукунат қуюқлашгани учунми шивалаётган ёмғир тобора кучли овоз чиқариб ёғаётгандек туюларди.

Маликанинг эти жунжикди. Ялонғоч билакларини силаб қунишди. Аммо уйга киргиси келмади. Ёмғирнинг шивалашида киши руҳини аллаловчи бир оҳанг бор эди. Бу кўнгилда маъюсликка мойил бир ҳис уйғотувчи шикаст мусиқий эди. Инсоннинг табиати қизиқ. У кўплашиб қўшиқ айтиши, рақс тушиши, ўйин-кулги қилиши мумкин. Аммо ҳар қандай куйни ёлғиз қолиб тинглаши керак. Танҳолик кишини сергаклантиради, шуурини тиниқлаштиради, кўнгил ҳар қандай бадбин ўйлардан холи бўлади. Ҳатто томирлардаги қон ҳам бир маромда оқади. Бу аснода янграган куй инсоннинг ҳар бир ҳужайраси орқали ўтиб, юрагига қуюлади. У кишини сўнгсиз хаёлларга фарқ этади, кўнгилда армонли хотиралар уйғотади.

Унинг ўз оиласи бўлиши мумкин эди. Айниқса мактабни тугатган кезлари уйдан совчи аримай қолган. Бироқ Малика уларни рад этди. У бирон йигитнинг изҳори дил қилишини кутган эди. Афсуски, орзуси ушалмади. Ўзи ҳам бировга кўнгил қўёлмади. Аммо бирон йигит кўнгил борлигини айтса, уни умр бўйи севиб яшай жагини биларди. Бундай жасоратга фақат Камол қодир деб ишонарди, унинг ахир бир кун ҳузурига келиб бош эгишидан умидвор эди. Бироқ... Мўъжиза юз бермади. Афсуски, Малика ҳамон бир нарсани англаб етмасди. Бахт — целлофан халтага солиб, магазин пештахтасига ташлаб қўйилган буюм эмас. Унга эришиш учун ҳар ким ўзича курашиши, азият чекиши, неча-неча тунларни бедор ўтказиб ҳажр ўтида ёниши, унинг дунёда борлигини билмайдиган бепарво бир юракка бўров бўлиб, тўфон бўлиб ёпирилиб кириши керак. Агар ҳар ўтти карашманг йигитларни энтиктириб юбормаса, узоқдан бўлса-да, қорангни бир кўриш учун кўчангдан ўн қайта ўтадиган мажнунсифат қилиб қўёлмасанг, севилишни орзу қилма. Бировни ёндириш учун аввало ўзинг ёна бил.

Агар Малика бу содда ҳақиқатнинг маъносини англаб етганида ҳозир ёмғирда жунжикиб турмаган бўларди. Кўнглининг кўзи басирлигича қолиб, муҳаббат деб аталмиш илоҳий туйғудан баҳра ола билмаган нотавон кимсаларни ҳаёт мана шу зайл аёвсиз жазоларди.

Туннинг мудроқ сукунатини ҳуркитиб, момақалдироқ гумбирлади. Олов шамшири билан кўк бағрини тилка-



лаб чақмоқ чақди. Худди осмоннинг туби тешилганидек ёмғир челақлаб қуя бошлади. Айвоннинг чироғи ёритиб турган дарахлар гўё ўкситилган болалардек хомуш тортиб, ёмғирда ивишарди.

У эзилиб-эзилиб йиғлагиси келар, аммо кўзларида қатра ёш йўқ эди. Кимгадир тўкилиб-тўкилиб сўзлагиси, торс ёрилгудек тўлиб кетган юрагини бўшатишни истар, бироқ нима демоқчилигини ўзи ҳам билмасди.

Тўсатдан кўча эшик ғийқ этиб очилди. Бошдан-оёқ оқ кийинган шарпа пайдо бўлди. У нам тупроқни сассиз босганича айвон четига келиб тўхтади. Бу савдойи чол эди.

— Нон бер... тангага нон бер,— деди у қўлини чўзиб Унинг кафтида бир нечта чақа бор эди.

Малика унинг нима тилаганини яхши англаёлмади. Бадани чумоли ўрмалагандек жимирлаб кетди. Савдойининг ярим кечада ҳовлисида пайдо бўлиши ақл бовар қилмас даражада даҳшатли туюлди. Дод деб бақириб юбормоқчи бўлди. Аммо нафаси ичига тушиб кетди. Оёқ-қўли мажолсиз титрай бошлади. У жон-жаҳди билан устунга ёпишди. Агар шундай қилса савдойи яқин йўлолмайдигандек, бирор шикаст етказолмайдигандек туюлди. У савдойининг шу пайтгача бирон кишига тегинмаганини, ҳеч кимга ёмонлик қилмаслигини яхши биларди. Аммо унинг кечаси ҳовлисида худди осмондан тушгандек тўсатдан пайдо бўлиши юрагини увиштириб юборди.

— Яхши одамлар кўп. Қара, менга танга беришди. Хо-хо-хо!..— савдойи тишсиз оғзини катта очиб кулди.— Ҳозир тангага нон олиб ейман. Тангрига ҳеч ким нон бермайди, тангага беришади. Хо-хо-хо!..

— Кет!.. Чиқиб кет!..— Малика қўлларини силкитиб, бўғиқ овозда шивирлади. У худди нафаси қисаётгандек гапиролмасди.

Савдойининг товонидан зах ўтди шекилли, баданига титроқ югуриб силкинди. Елкаларини қуништирганича оғирлигини у оёғидан бунисига солди. Қўлидаги тангаларга ҳайрон бўлгандек бир қараб қўйди-да, маҳкам қисимлади. Шундан кейингина қонталаш кўзларини Маликага тикди.

— Сенга тангамни бермайман,— у биров тортиб олаётгандек тангаларини бағрига босди.— Бари бир опқўясанми? Хо-о... Олиб бўпсан. Хо-хо-хо!..

Малика устуннинг орқа томонига ўтиб олди. Унинг

кўзлари косасидан чиқиб кетгудек бўлиб чақчайган, гезарган лаблари тинимсиз пичирларди. Аммо нима деяётганини уқиш мушкул эди.

— Кет!.. Яхшиликча чиқиб кет деяпман!— у жонҳолатда фақат шу сўзларнигина такрорларди.

Савдойи қўлларини икки чаккасига қўйганича худди қулоққа ўхшатиб салонглатди. Бу қилиғига мос тушадиган телбанамо бир ҳаракат билан ирғишлаб ўйнай бошлади. У ҳар гал ирғишлаганида ошхона деворига тушиб турган сояси дам девор бўйлаб югурар, дам том тепасига чиқиб кетар, аммо шу заҳоти қоп-қорайганича ерда пайдо бўларди. Сояларнинг қўрқинчли ўйинини кўриб Маликанинг эсхонаси чиқиб кетди.

— Ҳа-а, қўрқинчми? Қалай бўларкан?— у Маликага гоҳ тилини кўрсатиб, гоҳ қўлларини қулоққа ўхшатиб саланглатганича узоқ ирғишлади. Аммо сира кутилмаганда ўйиндан тўхтаб, раисага қадалиб тикилди.— Сани кўкрагингда тош бор. Йиғласанг юмшайди. Кўп йиғла.

Савдойи қандай кириб келган бўлса, худди шундай шарпасиз ғойиб бўлди. Малика бирданига тиззаларидан дармон кетганини сезди-ю, чўнқайиб ўтириб қолди. Бироқ шу заҳоти сакраб ўрнидан турди. Югурганича бориб, кўча эшикни занжирлаб келди. Шундан кейингина бутунлай ҳолдан тойиб, айвон лабига ўтирди.

Ёмғир эса кучайгандан кучайиб, бамисоли ўзига хуш келмаган ҳамма нарсани маҳв этиб, ювиб ташлашга қасд қилгандек шиддат билан ёғарди.

## Т У Р Т И Н Ч И Б О Б

Тонг қийналиб отди. Осмоннинг тенг ярмини, айниқса кун чиқиш томонини қора булут босган эди. Булутларнинг уфққа туташиб турган қисмига билинар-билимас ранг югурган. Бироқ бу бўёқ худди нияти ёмон одамнинг кўнглидек қора булутларни нурлантиришга ожизлик қиларди. Тонги мусаффолик билан тўйинган ҳаво кишини энтиктириб юборадиган даражада тоза, ҳузурбахш. Бироқ бу сарринлик шийпон пастида турган Камолга заррача - роҳат бағишламасди. У булутларга зардали нигоҳ ташлаганича ўйларди.

Бу ерга келганига ўн кундан ошди. Шундан бери тинмай ёмғир ёғади. Чарақлаб қуёш чиқиб турган кун бўлмади. Ҳар йили бу пайтда сув жанжали бўларди. Чигитни суғориб зўрға ундиришарди. Аммо бу йил ҳам чигитни ундириб олиш қийин бўладиганга ўхшайди. Қуёш чи-

қиб ер қизимаса, уруғлар чириб кетади. Ҳавонинг авзо-  
йи шу бўлса, кун чиқиб дала-туз нурга тўладиганга ўх-  
шамайди. Ҳар кун пешинга бориб ҳавога булут чиқа-  
ди-ю, намозшомда ёмғир томчилай бошлайди. Кечаси  
бўрон аралаш чақмоқ чақиб, жала қуяди. Ер мағиз-ма-  
ғизигача ивиб кетди.

— Чой ичиб оласизми, ака мулло,— пахталикка ўра-  
либ турган ушоққина жуссали йигит унинг хаёлини бўл-  
ди.— Ер селгиб қолса ҳали замон далага чиқармиз.

Унга қараб туриб Қамолнинг аччиғи келди. «Далада  
нима қиласан? Тиззагача лой бўлса. Униб чиққан чигит-  
нинг тайини йўқ». У шундай деб ўйлади-ю, аммо ўзи ҳо-  
зироқ далага боришга аҳд қилди. Ҳамон оғзини пойлаб  
турган йигитга қараб бош чайқади.

— Ўзинглар ичаверинглар. Мен бир айланиб кела-  
ман.

Йигит ажабланиб елка қисди. Унинг бу ҳаракатидан,  
қийиқ кўзларидаги, этсиз юзидаги ифодадан энсаси қот-  
ганини уқиш мумкин эди.

Қамол пилч-пилч лой кечганича чўл ичкарисига қа-  
раб юрди. Зовур ёқалаб бораркан, бўтана бўлиб оқаёт-  
ган сувга қараб, дилидан ўтказди. «Қани энди шу суви  
тозалаб берадиган бирор нарса қуришининг иложи бўлса.  
Бунақа қурилмалар ҳаддан ташқари қиммат. Бунинг ус-  
тига зовурнинг суви камлик қилса керак. Аммо бари бир  
нимадир ўйлаб топиш керак. Бўлмаса шунча ер хароб  
бўлади».

Қамол сурункали ёмғирдан кейин бўй чўзиб, тиззага  
уриб қолган майсаларни бепарволик билан босиб-янчиб  
борарди. Гиёҳларга иниб қолган шода-шода томчилар  
унинг оёқ зарбидан дувиллаб тўкилар, кўркини намоёиш  
этиб турган майсалар эса лойга беланиб қоларди. У ўқ-  
ариққа етгач, тўхтаб, жўякларга разм солди. Далани  
худди патгилам солингандек ўт босган эди. Яккам-дук-  
кам униб чиққан чигитлар ўт орасида кўринмас, кўзга  
чалинганлари ҳам пуф деса чўрт узилиб тушадигандек  
рамақижон эди. Қамол биринчи дуч келган жўякка энга-  
шиб, бармоқларини нам тупроққа ботирди. Тупроқни ти-  
тиб чигитни қидирди. Қўлига мағзи чирий бошлаган пуч-  
қоқ чигит илинди. Қамол жонҳолатда яна тупроқ ковлай  
бошлади. Тирноқларининг орасига лой кириб оғритди.  
Аммо у оғриққа парво ҳам қилмай, худди ёмби излаёт-  
гандек шошқалоқлик билан тупроқ титаверди. Аммо би-  
ронта ниш урган чигит тополмади. У таъби тирриқ бў-

либ ўрнидан турди. Қўлини майсага ишқалаб тозаллади, пахталигининг астарига артди. Ҳамон қуёшнинг йўлини тўсиб, ўшшайиб турган қора булутларга бир қараб қўйгач, шошилмай изига қайтди.

Сув дарров сингиб кетадиган қумлоқ жойдагисининг аҳволи бу. Қишлоққа экилган чигитлар аллақачон чириб битгандир. Қайта экиш керак. Колхоз ҳалитданоқ жуда катта зарар кўрадиган бўлди. Деҳқон бечоранинг шўри қуриydi энди. На кундузи, на кечаси тиними бўлади. Бунинг устига ҳозир қуртга пешма-пеш барг ташиб етказиб бўлмайдиган пайт. Хотини нима қилаётган экан? Ишқилиб, баргни вақтида опкелиб туришган бўлишсин-да. Бўлмаса хотин боши билан қаердан барг топиб келади.

Шийпонда олти чоғли йигит чой ичиб ўтирарди. Камолнинг қовоқ-тумшуғи осилиб келганини кўриб, ҳеч ким унга сўз қотмади. Сурилиб жой бўшатишди-ю, чурқ этмай ўтираверишди. Камол чўлга келганидан буён ишлаганда ишлаб, ўйнаганда ўйнаб, ўзларининг димоғини чоғ қилиб юрган йигитларнинг юрагини қон қилиб юборди. У шерикларига қўшилиб карта ўйнамас, маза, бемаза латифалар айтишмас, узала тушиб ётганича тинмай китоб ўқир ёки пешонасини тириштирганича алланималарни ёзгани ёзган эди. Ҳеч ким унинг нима ёзаётганига қизиқмас, китобхонлик қилиши эса ҳамманинг ғашини келтирарди. Биров бу камгап, сиртдан тепса тебранмас йигитнинг юрагида қандай дарди борлигини билишга уринмасди. Баъзан Камол ёмғир ёғиб турганига ҳам қарамай юлғунзор оралаб юрар, нималарнидир чамалар, зовур бўйида узоқ турганича хаёл сурарди. Сўнг ичкарига кириб шоша-пиша дафтарига нималарнидир ёзарди. У амалидан айрилиб чўлга бадарға қилингани учун юқори ташкилотларга арзнома ёзаётган одамга сира ўхшамас, шу боис шериклари унинг қоғоз қоралишига унча эътибор беришмасди.

— Мен қишлоққа бориб келаман,— деди Камол дастурхондан кўз узмай ўтирган кўйи. Ҳеч ким унинг гапига ажабланмади. Фақат йигитларнинг кўзида ҳасадга ўхшаш бир ёлқин порлади. Қўйиб берса улар Камолдан бурунроқ қишлоққа жўнаб кетишга тайёр эди.— Уруғлик топиб келиш керак. Қайта экамиз.

Камол бир бурда ҳам нон тишламай ўрнидан турди. Йигитлар бир-бирига маъноли қараб қўйишди. Аммо унга эргашишга ҳеч ким ботинмади. Камол ўлгудай бад-

феъл, одамнинг дилини хира қилиб қўйишдан ҳам тоймайди.

Камол боя чойга таклиф қилган йигитга юзланди.

— Араш, тракторни қўш, ука. Кетдик.

Трактор сирпанчиқ, ўйдим-чуқур йўлдан чайқалиб, титраб-қақшаб юриб кетди. Филдираклар дам-бадам чуқурчаларга тушиб сапчир, Камолнинг ичи узилгудек бўлиб безовталанарди.

— Машинада юравериб нозиклашиб қолганга ўхшайсиз-а, ака мулло,— Араш унга ёнлаб қараркан, оғзининг танобини қочирди.— Тракторга ўргангунингизча қийналасиз энди.

Камол унинг гапини хушламади. Ҳар жой, ҳар жойда ҳалқоб ҳосил бўлган йўлдан кўз узмай ўтираверди. Аммо унинг индамаганини Араш ўзича тушунди. Битта гапи биланоқ Камолни мум тишлатиб қўйганидан гурурланди.

— Нега энди агрономликни ташлаб чўлда бригадир бўлишни орзилаб қолдингиз? Қишлоқда юраверганингиз яхши эмасмиди?

Камол ҳамон йўлдан кўз узмай ўтираркан, жуда ҳам беписандлик билан жавоб берди. Лабларини тузукроқ қимирлатишга ҳам эрингани учунни гапи тушуниксиз, дудмалроқ чиқди.

— Чўлда тракторда катайса қилишни ўрганмоқчиман.

Араш икки елкасини қулоғигача кўтариб, ҳиринглади.

— Гапга ҳам қалпоқ кийдирворасиз-да, ака мулло,— у чўнтагидан гугурт олиб шиқирлатди.— Шу гапга битта чектирмайсизми?

Камол пахталигининг чўнтагидан сигарет қутисини олди. Бир донасини ўзи лабига қистираркан, иккинчисини тракторчига узатди.

— Сен қачондан бери чекадиган бўлиб қолдинг?— деб сўради гугурт чақа туриб.

Араш кўзини йўлдан узмаган кўйи бўйнини чўзиб сигаретни ўт олдирди. Тутунни ҳузур қилиб ичига тортганидан кейингина жавоб берди.

— Уч йилдан ошди. Унингчида ўқиб юрганимда бошлаганман,— у гапираётган чоғида оғзи-бурни аралаш оқиш тутун қайтди.— Чўлга келганимдан буён тозаям банги бўлиб кетдим. Кечгача иш билан овора бўлиб унча билинмайди-ю, кечқурун саҳро одами ютворамадан дейди. Кўнгилнинг чигилини ёзиш учун чекамиз, иложи

топилса юз грамм, эллик грамм ичамиз. Бўлмаса одамнинг юраги қон бўлиб кетади.

— Ўзингни бунча қийнамай кета қолмайсанми?— ўсмоқчилаб сўради Камол.

Араш яна елкаларини қулоғигача кўтариб кулди.

— Қизиқчи экансиз-ку, ака мулло. Ҳамма сизни бошқача ўйлайди...

Одамларнинг ўзи ҳақида қандай фикрдалиги ҳозир Камол учун аҳамиятсиз эди. У ҳеч қачон бировларнинг фикри билан ҳисоблашмас, хато бўлса ҳам ўз билгидан қолмасди. Моҳонкўл масаласи, унга фақат кўнгилсизлик келтираётгани ҳам шундан. Моҳонкўлни ўзлаштиришга қарши чиқиб бўлмайди, бунақа номаъқулчилик қилма, деб ҳамма қулоғига қўйди. Бироқ Камол фикридан қайтмади. Бу ўжарликдан бирон натижа чиқмаган бўлсада, бари бир у ниятида собит.

— Кетиб бўладими бу ердан, ака мулло. Опа нақ шўримни қуришиб қўяр.

— Бировни зўрлаб ишлатишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чўлга фақат ўзи талабгор бўлган кўнгиллиларни юборилади.

Араш ялт этиб унга қаради. Унинг қийиқ кўзларида масхараомуз табассум жилваланиб турарди.

— Сиз ҳам кўнгилли бўлиб келганмисиз?

Камол ўчиб қолган сигаретни эзгилаб қайтадан ўт олди. Гугурт чўпи билан этигига ёпишган лойни сидирмоқчи бўлган эди, чўп қирс этиб синди. У қулида қолган чўпни очиқ ойнадан ташқарига улоқтириб юборди-да, сигаретни устма-уст тортди.

— Ҳа, десам гапимга ишонасанми?— деди Камол узоқ сукутдан кейин.

— Сиз ростдан ҳам қизиқчи экансиз,— Араш яна кулмоқчи бўлди-ю, бироқ Камолнинг тумшайиб ўтирганини кўриб, дарров лаб-лунжини йиғиштирди.

— Йўқ, мен масхаравоз эмасман, ука,— Камол оғир тин олди. Араш унинг кўзларини кўрмас, аммо юзи йўлга тушишганидан бери ўзгаришсиз, бир хилда тунд эди. — Фақат сенга бир нарсани уқтириб қўймоқчиман. Одам ҳеч қачон кўнгли чопмаган ишга қўл урмаслиги керак. Бекорга ўзини ҳам, бошқаларни ҳам қийнайди.

— Мен унақа демоқчи эмасдим...

— Хап ўтир,— Камол уни жеркиб ташлади.— Нимадан кўнглинг тўлмаса, очиқ айт.

Араш унга хавотирланиб қараб қўйди-да, кучаниб

томоқ қирди. Қора мой юқи қўлининг орқаси билан пешонасини ишқалади.

— Агар дунёдаги менинг кўнглим тўлмаган ҳамма нарсани айтаверсам, тилимни суғуриб олишади-ку, ака мулло.

Камол унга биринчи марта қизиқсиниб қаради. Руль чамбарагига ёпишиб ўтирган ушоққина бу йигит кўзига чумолидан ҳам хароб, бечораҳол бўлиб кўринди. Ҳали тухумдан чиқиб улгурмай бунчалик юраксизликни қайдан ўргана қолди экан бу бола?

— Киши лоақал бир марта юрагидаги гапини қўрқмай айтиши керак, ука,— Камол муштини тиззасига ниқтаб ўтирарди. Агар ҳамроҳи унинг ҳақлигига ишонмаса муштини ишга солишдан ҳам тоймайдиганга ўхшарди.— Кейин гунг бўлиб қолсанг ҳам алам қилмайди.

«Бу гапларнинг ҳаммаси тўғри,— дея хаёлидан кечирди Араш.— Лекин ҳаётда бунақа бўлмайди. Камол ака китобни кўп ўқийди, шунинг учун китобий гапларни кўп гапиради. Ҳаётда бошқача...»

Улар жим қолишди. То район марказига етиб келишгунича иккаласидан ҳам садо чиқмади. Почтанинг олди-дан ўтишаётганида Камол тракторчининг тиззасига оҳиста шаппатилади.

— Тўхтат, ука, хат ташлаб чиқай.

Камол трактор тўхтар-тўхтамас гуп этиб пастга сакради. Оёғини куч билан силтаб, этигининг тагига ёпишиб қолган лойларни кўчирди. Шундан кейингина бино ичка-рисига қараб юрди. Қўйин чўнтагидан икки букланган катак дафтарни олди-да, кафти билан сидириб текислади. Бу дафтарга у ўзини кўлдан бери қийнаб, азоб бериб юрган фикрларни тўкиб солган, Моҳонкўлдаги юлғунзорни сақлаб қолиш нечоғли муҳимлигини куйиниб ўқтирган, имкони бўлса чўлга оқаётган оқава, зах сувларни тозалаш чораси кўрилиши бениҳоя зарурлигини, акс ҳолда соз тупроқли ерлар ҳадемай шўр босиб кетишини аниқ далиллар билан баён этган эди. Республикамининг кўпгина жойларида чорва учун сунъий саксавулзор, терескинзор барпо этиш учун жуда катта маблағ сарфланаётгани ҳолда, Моҳонкўлдаги тайёр юлғунзор, қандимзор атай йўқотилаётгани нотўғрилигини алоҳида таъкидлаган эди.

У дафтар варақлари орасига юрагининг қайноқ бир бўлагини жо этгандек конвертни авайлаб елимлади. Худди шундай эҳтиёткорлик билан қутига ташлади. Уни

бир зум ваҳм босди. Аммо шу заҳоти умидворлик ҳисси-дан тани яйраб кетди. Хати албатта тегишли одамга етиб боради. У киши ҳеч қачон бу масалани шу ҳолича ташлаб қўймайди. Албатта бирор чора-тадбир қўллайди. Бу тадбир ўз фойдасига хизмат қилишига Камол қаттиқ ишонади. Йўқса, хат ёзиб овора бўлмасди.

Улар етиб келишганда идорада Маликадан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Раиса унинг гапларини қовоғини уйғанича ердан бош кўтармай тинглади. Худди ҳавонинг паст келганига Камол айбдордек, юзига қараб ҳам қўймади. Унинг уруғлиқ чигит олиб кетгани келгани, ҳаво салгина юришиб кетиши биланоқ дарров қайта экишга киришмоқчи эканлиги ҳақидаги гапларига муносабат билдирмади. Камол зимдан разм солиб ўтираркан, унинг мрамар тошдек силлиқ юзига аллақандай ташвиш, изтироб соя солганини пайқади. Бу кўланка унинг чеҳрасига совуқ тус берган, чиройини бўғиб, аламзада, заҳар қилиб кўрсатарди. Малика шарикли ручкани столда айлантириб ўйнаркан, хўжаликнинг адо бўлмас ташвишларидан эзилиб, ўкиниб ўтирганга ўхшарди.

Камол стулни тарақлатиб ўрнидан турди. Раиса шундагина бошини кўтариб қаради. Камолнинг ёмғирда ивиган дўпписини, тугмаси солинмаган пахталигини, тиззаси туртиб чиққан тринка шимини бир-бир кўздан кечирди. Унинг нигоҳи йигитнинг стулни тутамлаб турган йирик, дағал бармоқларида тўхтади.

— Нигора қийналиб қолмасин деб болаларингизни боғчага жойлаштирдик, — Малика дабдурустдан нега бу нарсани айтганини ўзи ҳам билмасди. Бу гапидан Камол хурсанд бўлади, деб ўйладими ёки ўзининг нечоғли одампарварлигини билдириб қўймоқчи бўлди, номаълум.

Унинг гапи Камолга худди сағирларингни етимхоҳага жойлаштирдик, дегандек таъсир қилди. Аъзойи-бадани увишиб, пешонасидан муздек тер чиқиб кетди. Маликанинг ундан берухсат оила ишларига аралашгани, болаларига эгалик қилгани юрагини ғаш қилди.

— Уртоғим жуда қийналиб қолибди. Болалар боғчада бўлса, сал уёқ-буёғига қарашга вақти бўлади.

Маликанинг бу изоҳи Камолнинг дилини огритди. Ўзига ўхшамагани учун раиса унинг хотинини майна қилаётгандек туюлди.

— Қилган ишимдан хафа бўлганга ўхшайсиз-ку, а, синфдош, — Малика ҳорғин кулимсиради.



Унинг қилиб гапириши Камолни баттар ранжитди. Ушлаб турган стулни жойига суриб қўйгач, эшик томонга қараб юрди. Аммо бўсагага етганида тўхтади. Эшик тутқичини ушлаганича раисага ёнлаб қаради. Аччиқ-тизиқ гап айтиб унинг дилини вайрон қилиб юбормоқчи бўлди-ю, аммо раисанинг кўзига кўзи тушгач, бирдан шаштидан қайтди. Доим чақнаб турувчи бу кўзлар жуда ҳам маънос, ҳасратли боқарди. Уларда тилсиз бир фарёд, ўксик бир нидо бор эди. Камол шундагина тилига эрк бермай тўғри иш қилганини англади. Маликанинг қалбида мудом азоб бериб, қийнаб турган неча хил аламлари борлигини ҳис этди. У эркак бўла туриб арзимаган гап-сўзларга ҳам хафа бўлади. Аммо Малика қиз бола боши билан ҳеч қачон тиш ёриб бировга ҳасрат қилган эмас. Шу кунларда ётиб уйқуси келмаётгандир. Сурункали ёмғирлар ерга эмас, унинг ичига ёғаётгандир. Ёмғирда ивиб, бўккан тупроқда чириётган чигитларни кўрганда жон ришталари чирт-чирт узилаётгандек бўлаётгандир. У ер учун, чигит учун, бўлғуси ҳосил учун, қолаверса одамларнинг ризқи учун жавобгар. Мана шу масъулиятнинг ўзиёқ уни эзиб, абгор қилиб ташлайди. Раисаликни нега ҳавас қилди, а? Бригадир бўлиб юравергани яхши эмасмиди? Ғалваси ҳам, жавобгарлиги ҳам камроқ эди. Балки, бригадир бўлганида бу пайтгача ерга ҳам тегармиди. Иши юришмаган пайтларда бола-чақаси билан овунарди, болалари ранжитганда иш билан куймаланиб куни қандай ўтганини билмасди. Ҳозир юрагидаги гапларини кимга айта олади? Бирон бир сирдоши, ҳасратгўйи бўлмаса. Ҳаммага иш буюради, талаб қилади, тепадан туриб муомала қилади. Ҳозиргидай юраги қон бўлиб, жигарлари эзилиб ўтирган чоғида бирон кимса ботиниб ёнига келмайди, дардини бўлашиб олмайди.

Камол бир-бир босиб изига қайтди. Аммо ёзув столининг ёнига борганида нима қиларини билмай туриб қолди. Икки қўллаб столга таянганича ҳар қандай бефарқ одамга ҳам таъсир қиладиган ғоят самимий оҳангда сўради:

— Чарчабсиз-а?

Маликанинг бўғзига қаттиқ бир нарса келиб туриб қолди. Уни ютиб юборишга ҳарчанд уринди, бўлмади. Даст ўрнидан туриб кетмоқчи бўлди-ю, бироқ тиззалари қалтираётганини ҳис этди. Пешонасига тушиб қолган уч-

тўрт соч толасини бармоқлари билан тараш баҳонасида кўзларини пана қилиб, титроқ овозда гапирди:

— Қуриб кетсин ҳаммаси...

У нимани назарда тутганини Камол билмасди. Гап чувалаштириб, суриштиришни истамади. Ҳамон бояғидай самимият билан ўтинди:

— Хўп десангиз чўлга олиб кетай. Ҳамма нарсага қўл силтаб, уч-тўрт кун юриб келинг. Ҳозир чўл уйғонган. Маза қиласиз.

Малика бу оқ кўнгил, меҳрибон йигитдан астойдил миннатдор бўлиб кетди. Ишдан олиб, овлоқ бир жойга жўнатгани учун ранжиш ўрнига унга уйғонган чўлнинг гўзаллигини тортиқ этмоқчи. Кўкатларнинг тароватли бўйига тўлиб кетган чўл қўйнида ҳузур қилиб юрганини кўрмоқчи. Шунчалар ҳам содда бўладими одам. Малика бехосдан юрагида аллақачон армонга айланган орзунинг қайтадан уйғонганини туйди. Қани энди, дунё чаппа айланса-ю, улар қайтада ўнинчи синф ўқувчилари бўлиб қолишса, Малика ўқишга киришни ҳам, ишлаб шон-шухрат қозонишни ҳам ўйламай мана шу соддадил йигитнинг этагидан маҳкам тутган бўларди. Агар у дунёнинг нариги чеккасига бошласа ҳам ҳеч иккиланмай эргашиб кетаверарди. Афсуски, бу кўҳна заминнинг чархи тескари айланмайди. Чархи кажрафторлиги ҳам шу.

— Раҳмат, Камолжон,— деди Малика ўйчан бир алфозда.— Жудаям кўнглимни кўтардингиз.

Камол қаддини ростлади. Рансага бир муддат қараб турди-да, кескин бурилиб чиқиб кетди. Малика унинг орқасидан маъюс қараб қоларкан, армонли хотираларга фарқ бўлди.

\* \* \*

Камол кириб келганда хотини иш билан машғул эди. Шу боис эрини пайқамай қолди. Айвонга солинган клеёнкада тут барглар уюм бўлиб ётар, Нигора пичоқ билан тут новдаларидаги баргларни чирт-чирт узиб туширарди. Уйқудан қолган шекилли дам-бадам кўзлари юмилиб кетади.

Камол томоқ қириб айвонга чиқди. Нигора сакраб ўрнидан турди.

— Вой ўлмасам... билмай қолганимни...— У шошапиша баргларни бир четга сидириб йўл очди.— Яхши келдингизми?

Камол «ихм-м» деб қўйди. Пастак ўриндиқни устунга яқин суриб ўтирди. Ҳамон нима қиларини билмай довдираб турган хотинига қараб томоқ қирди.

— Мен чой қўйиб чиқай.— Нигора шошиб ошхона томонга юрди.

— Пичоқни узатвор,— деди Камол бир дона новдани қўлига оларкан.

— Сиз қўяверинг,— деди Нигора олисдан йўл босиб келган эрини уринтиришни истамай.— Чарчаб келгансиз. Мен ўзим бирпасда тозалаб оламан,— эри ҳамон қўл узатиб турганини кўргач, ночор пичоқни олиб узатди.— Барг ўлгурни ҳам кам опкелиб беришяпти. Шунча тежаб-тергаганим билан бари бир етмаяпти. Кеча сўлиган барг опкелишган экан, қурт емади.

Нигора газ плитасига чой қўйиб чиқди-да, яна бояги жойига келиб ўтирди. Баргларни новдадан чаққонлик билан юлиб ажрата бошлади. У эртаю-кеч мана шу зайил меҳнат қилиб ўрганган, бундан заррача оғринмайдиган оддийгина қишлоқ аёли эди. Қисматидан ҳам нолимас, ҳаёт тортиқ этган барча инъомлардан бирдек рози эди.

— Болалар қалай?— барг тозалай туриб сўради Камол.— Яхши юришибдимми?

Нигора ялт этиб эрига қаради. У Камолнинг индамай ўтириб-ўтириб савол сўрашидан кўрқарди. Эри бирор нарсадан хафа бўлса, шундай қилар эди. Эшикдан индамай кириб келишиданоқ кўрққан эди-я. Мен эшикдан чиқар-чиқмас болаларим уйга сизмай қолдимми, дейди энди. Нигора гуноҳкорона бош эгди.

— Опа йўқ деганимга қўймай...— у гапининг давомини айтишга ботинмади. Кўз қири билан эрининг қўлидаги хивичнинг ҳаракатини кузатганича бошини ҳам қилиб ўтираверди.

— Яхши бўпти,— деди Камол барги тозалаб бўлинган новдани зина пастигаги шох-шаббалар уюмига ташларкан.— Кўчада бекорга шаталоқ отиб ҳам юришардида.

Нигора енгил тин олди: «Хайрият-э!..»

Камол камгап, хотини кечгача жовраганида бир марта чурқ этиб қўймаслиги мумкин эди. Аммо унинг гапирш оҳанги ўрганмаган қулоққа худди тўнғиллашдек эшитиларди. У камдан-кам кулар, худди муҳим бир муаммо устида бош қотираётгандек кўпиңча ўйчан юрар-

ди. Шу боис бадқовоқ, сўхтаси совуқ одамга ўхшаб кўришарди. Аслида ҳам у беозор одам эмас. Хотинини ўриб сўкадиган пайтлари ҳам бўларди. Агар ҳозир савалаганида Нигора фиринг демай туриб берарди. Бу соддадил жувон эридан берухсат қилган иши учун ўзини гуноҳкор санар, жазоланиши табиий бир ҳол деб ҳисобларди. Бироқ эрининг жазолаш ўрнига қилган ишини маъқуллагани бирдан уни сергаклантирди. Мабодо раисанинг номини эшитиб индамай қўйган бўлса-чи? Балки, иккаласи олдиндан келишиб олгандир. Нигоранинг миясига нана санчилгандек бўлди-ю, товонигача зинғиллаб кетди. «Гўл бўлмай ўла қолсин-а. Бу мингаймас опачаси билан бир шумликни бошлаб юрган бўлса-чи? Бўлмаса қачондан бери туйнугидан бош суқмаган раиса нега тўсатдан уйига келади. Эрининг бошини айлантирган бу мегажин ўлгур. Қараса қариб қоляпти, биров оладиган эмас. Мана шу лақмани қўйнимга солиб олмайманми, деган».

Нигоранинг бадағига олов югургандек бўлди. Эрининг юзига чанг соладиган важоҳат билан ўқрайиб қаради. Камол унинг пинҳон ўртаниб ёнишларидан беҳабар тут новдаларини баргдан тозаларди. Одатдагидек ўйчан, ҳаракатлари ҳам ваэмин, хотиржам. У кўнглига бирон шумликни тутиб қўйган одамга сира ўхшамасди.

— Чойинг қайнагандир,— деди Камол ўрнидан тураркан.— Эрталабдан бери туз тотмаганман.

— Вой, эсим қурсин,— Нигора чопқиллаганича ошхонага кириб кетди. Зум ўтмай чойнак кўтарганича шамолдек олиб чиқди. Деворга тираб қўйилган хонтахтани олиб, барг уюмларининг ёнига қўйди. Ёш қизалоқлардек чаққонлик билан дастурхон солиб, қанд-қурс олиб чиқди. Суви қочган нон ушатди.

— Барг бугунга етадими?— деб сўради Камол чой хўпларкан.

— Қаёқда,— Нигора афтини бужмайтириб бош чайқади.— Икки марта солишга етсаям. Эртага то барг опкелишгунича яна қурт оч қолади.— Шу баҳонада у раисага бўлган нафратини тўкиб солди.— Опачангиз катталарга яхши кўринаман, деб ҳадеб планни оширавермай олдин барг топишни ўйласилар. Одамларнинг жонини азобга қўйиб, ўзлари таманно бўлиб юрадилар. Тагин уялмай посон бўлиб юришини-чи у кишининг.

Камол ҳозир хотинига гап тушунтириш бефойдалигини, Маликани ёқласа у баттар ғазабга минишини сизди.

Чойдан бўшаган пиёлани узатаркан, гапни ҳазилга буриш мақсади-да, тегишди.

— Сен ҳам посон бўлиб юр. Ундан ниманг кам.

Эрининг гапи Нигорага одатдагидек оғир ботди. Қачон қарасанг, ясан-тусан қилиб юрмайсан, деб камситгани-камситган. Ҳаммасига ўша оймитилло сабабчи. Агар у ҳам қишлоқдаги ҳамма хотинларга ўхшаган бўлганида, эри ўла қолса бунақа демасди.

Нигора унга ўхшаб бекорчи бўлса экан, эртадан-кечгача ойнанинг олдидан бери келмай ўтирса. Томорқасига қараши керак. Эри колхознинг ишидан ортиб бир туп кўчат ўтқазмайди, бир кафт уруф сепмайди. Сигир-бузоғи бор. Вақтида ем бериб, ювиб-тарашни керак. Эри сотвораман, деб неча марта тикилинч қилди-ю, бироқ Нигора унамади. Болаларимнинг оғзи қуриб қолади, деб оёқ тираб туриб олди. Бундан ташқари ош-овқат, кир-чир... Ўйнинг юмуши бир хотинга бемалол етиб ортади. Бунинг устига баҳорда қурт боқиши керак. Ҳаш-паш дегунча куз келади. Қишлоқдаги бор тирик жон теримга тушиб кетади. Қачон кеч кириб, қачон тонг отганини билмай қоласан. Бир маҳал бошингни кўтариб қарасанг, қиш келиб қолган бўлади. Хўш, у қачон ўзига қарашга ортсин? Хотини посон бўлиб юришини истаган одам қўлини совуқ сувга урдирмайди. Нигоранинг яхши кийгиси келмайдими? Ўйнаб-кулишни хоҳламайдими? Шундоғам хоҳлайдики...

— Сизга ёқмай қоляпман, шекилли,— деди Нигора қуруққина.— Нуқул кийинишимни гапириб қолдингиз.

— Ўзинг гапирганинг учун айтдим-да,— Камол бепарволик билан жавоб берди.

— Ёқмай қолган бўлсам...— Нигора бошини эгганича пиқ-пиқ йиғлашга тутинди.

Камол пиёласидаги чойни жаҳл билан ерга селиб юборди-да, тиззаларига таяниб ўрнидан турди. Пастаккина ўриндиқни оёғи билан бир четга суриб қўйгач, тут новдаларни устига энгашди. Қулочини кенг ёзиб қучоғига сиққанича кўтарди. Ҳовли сатҳида бесўнақай из қолдириб, тандирхонага кириб кетди. Новдаларни ташлаб чиққач, кафтларини бир-бирига уриб қоқди. Ҳамон қунишиб ўтирган хотинига қараб худди ҳеч нарса бўлмагандек гап қотди.

— Чопқи билан арқонни олиб бер.

Нигора эрига бир қаради-ю, ирғиб ўрнидан турди. Шамолдек елиб-югурганича оғилдан арқон олиб чиқди.

Чопқини қидириб ошхона билан тандирхонага икки қайтадан бош суқди. Яна оғилга қараб югурди. Аммо ҳовлининг ўртасига етган жойида тўхтади. Чопқи ток тагида лойга беланиб ётарди. Кенжаси ўйнаган бўлса керак. Чопқининг ёнида унинг ичига тупроқ тўлдирилган бир пой пайпоғи билан орқаси босилган туфлиси бор эди. Нигора чопқини олди-ю, бироқ ўғлининг нарсаларига эътибор бермай ўтиб кетаверди. Эрига арқон билан чопқини узатаркан, ҳамон ўпкасини босолмай йиғлар, бироқ ёш тўла кўзлари қувончдан порларди. Қамол мийиғида кулиб қўйди-да, индамай кўчага чиқиб кетди. Нигора унинг орқасидан эргашиб дарвоза олдиғача борди.

\* \* \*

Қамол ариқ бўйидаги қари тол тагида ўтирган қоровулни узоқдан кўрди. Тутзор оралаб тўғри ўша томонга юрди. Қоровул чой ҳўплаб ўтирарди. Ерга ёзилган қийиқ устида бир чети ушатилган нон, уч-тўрт чақмоқ қанд бор эди. У Қамолга хушламайгина бир қараб қўйди-да, эриниб ўрнидан турди. Чехрасини очмай кўришди. Қош қорайиб қолган пайтда унинг бу ерга бежиз келмаганини яхши биларди.

— Ёлғиз зерикиб қолманг, деб гапиришиб ўтиргачи келдим, Фаттоҳ ака,— Қамол у билан қўш қўллаб кўришаркан, илжайди.

— Яхши қилибсан,— деди қоровул қуруққина қилиб.

— Ке, ўтир.

У нон ушатгач, қийиқни Қамолга яқинроқ сурди. Термосдан чой қуйиб узатаркан, унга савол назари билан қаради. Қамол гўё унинг қараганини сезмагандек бамайлихотир чой ҳўпларди. Қоровулнинг хушламай кутиб олганидан билдики, ундан ёруглик чиқмайди. Лекин яхши гапириб илтимос қилиб кўради. Зора эриса. Шундан шу ёққа келиб, икки қўлини бурнига тиқиб кетса уят бўлар.

— Ёмғир ҳам беармон ёғди-да, а,— Қамол пиёлани қайтара туриб гапни жуда узоқдан, ташрифига мутлақо алоқаси йўқ нарсадан бошлади.

Қоровул ҳам унинг гапни беҳуда айлантирмаётганини тушунди-ю, индамай бош ирғади. Нос шишасини олди-да, этигининг товонига тўқ-тўқ уриб, тагида қотиб қолган носларни кўчирди. Шишанинг оғзини очмай туриб Қамолга яна бир қаради.

— Шу кунларда чўл жуда чиройли бўп кетган денг. Ҳаммаёқ кўм-кўк. Қараб одамнинг кўзи тўймайди.

Қоровул унинг ҳали кўп гапиришини сезди-ю, тилининг тагига нос ташлади. Сўнг роҳатланиб кайф қилаётгандек кўзларини юмганича оҳиста тебраниб ўтираверди.

— Ҳаво паст келганига барг ҳам яхши етилмаяпти, а? Чўлдан келсам келинингиз бурнини тишлагудек бўлиб ўтирибди. Бу йил планни тўлдиролмайдиганга ўхшайман, деб жиғибийрон.

Қоровул носни туфлаб ташлади-да, чой билан оғзини чайди. Қийиқни йиғиштириб, тол шохига осиб қўйди. Камол тезроқ муддаога кўчмаса қоровул унинг гапига қулоқ солиб ўтирмоқчи эмаслигини сезди.

— Ҳаддим сиғиб, бир қучоққина барг сўраб келдим, ака. Келинингиз худонинг зорини қилавериб ҳоли-жонимга қўймади. Бўлмаса барг учун қизил юзимни сарғайтириб келмасдим.

Қоровул уни эси жойидами, деган назар билан бошдан-оёқ кузатиб чиққач, кескин бош чайқади.

— Иложу йўқ, ука.

— Атиги бир боғгина оламан.

— Иложи йўқ деяпман-ку,— қоровул овозини бир парда кўтарди.— Ҳозир ҳар бир туп гут ҳисобда. Опанинг ўзи ҳар куни келиб уч марталаб санаб кетади.

— Қўйсангиз-чи,— Камол қўл силтади.— Бир боғ барг кимни ўлдирибди.

— Қўй, ука, ўзингням, мениям диққатимни оширма. Иложи йўқ.

— Сизга бир марта ишим тушибди..

— Э, қанақа гап ўқмайдиган боласан,— қоровул уни жеркиб ташлади.— Йўқ, деган гапни тушунасанми ўзинг.

— Бўлмаса мен ўғирлаб олган бўла қолай.

Камол шундай деб тутзор ичкарисига юрди. Сершоҳ тутнинг новдасига чопқи урди. Новда қаттиқ зириллаб кетди-ю, бироқ қуламади. Камол ўтмаслашиб қолган чопқини қулочкашлаб яна новдага зарб билан урди.

— Ҳой нима қиляпсан?— қоровул жон ҳалпида ўч-тўрт қадам юриб тўхтади. Чопиб боргани билан бари бир Камолга бас келолмаслигини англаб, изига қайтди. Толга суяб қўйилган милтиғини олиб ўқталди.— Чопқини ташла. Бўлмаса отаман.

Камол ўзига ўқталган милтиқни кўриб ғалати бўлиб кетди. Баданидан муздек тер чиқиб кетди. Милтиқнинг

қоп-қорайиб турган нили жуда хунук, ваҳимали кўринди. Чопқи қўлидан сирғалиб тушиб кетди.

— Қани олдимга тушиб юр,— қоровул милтиқнинг учи билан йўлга ишора қилиб, ўшқирди.— Сен билан катталарнинг ўзлари гаплашишсин.

Камолнинг товонига мих урилгандек бўлди. «Наҳотки, кечагина агрономлик қилиб гуриллаб юрган одамни мана шу нодон қоровул худди жиноятчидек олдига солиб, идорага ҳайдаб борса? Бир боғ тут баргини деб уни шармандайи-шармисор қилса? Наҳотки одамни бир боғ баргчалик кўришмаса? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. У хотинининг беҳуда қийналишини истамайди. Вақтида барг етказиб беришсин. Эртага план тўлмаса ҳеч ким барг камчил бўлган эди демайди. Бари бир қурт боққан бечорани гуноҳкор қилишади».

Камол беихтиёр олдинга юрди. Ҳозиргина кесилган новда оёғига ўралашиб, мункиб кетди. Қоровулнинг эсхонаси чиқиб орқасига тисарилди.

— Яқинлашма! Яқинлашма, деяпман. Отаман!

Қоровул қўрққанидан тепкини босиб юборганини билмай қолди. Варанглаб ўқ отилди. Камолнинг кўзларидан ўт чиқиб кетди. «Вой, ярамас-эй... Барг кесгани учун отилсин, деган қонун қайда ёзилган экан? Мен сенга отиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман».

— Яқинлашма!— қоровул талвасага тушиб, титроқ овозда қичқирди.— Вой дод, ёрдам беринглар!— у милтиқни қулочкашлаб урмоқчи бўлди.

Камол бир силташдаёқ унинг қўлидаги милтиқни торттиб олди-да, тутларнинг орасига отиб юборди. Бир зум қоровулга нафрат билан қараб тургач, шартта қўлини орқасига қайириб, тол тагига судраб борди.

— Нима қилипсан? Қўйвор, қўйвор деяпман!— қоровул овози бўғилганча ҳай-ҳай сурон солиб, бақира бошлади.— Ҳой ким бор? Ёрдам беринглар!..

Камол унинг бақирӣқ-чақирӣқларига парво ҳам қилмади. Белидаги арқонни бир қўллаб ечди-да, қоровулнинг оёқ-қўлини чандиб, толга боғлаб ташлади. Сўнг зарур бир ишни ўринлатган одамдек хотиржамлик билан кафтларини бир-бирига уриб қоқди. Шундан кейингина чопқиси тушиб ётган ерга қараб юрди.

— Менга қара, яхшиликча ечвор,— қоровул қўллари билан бўшатиб олишга уришиб питирлади. Чап билаги худди пичоқ тилиб ўтгандек жазиллаб кетди.— Опа билиб қолса ўзинга чатоқ бўлади.



Камол унинг ночор аҳволига қараб мийиғида кулиб қўйди-да, тут шохларини бутай бошлади. У сира шошилмас, худди ўз ҳовлисидаги дарахтни бутаётгандек хотиржам эди. Қоровул эса ҳамон унинг юрагига гулу солишга уриниб, тинмай жоврарди.

— Сен бола кўпам кучинга ишонаверма. Осонгина попугингни пасайтириб қўйишади.

Камол кесилган новдаларни икки жойдан сириб боғлади-да, даст кўтариб елкасига олди. Сира чакаги тинмай жовраётган қоровулга қараб ҳам қўймай йўлга равона бўлди.

— Ҳов, қаёққа?— қоровул жонҳолатда бақирди. Кимсаеиз тутзорда оёқ-қўли боғланганича қолишни ўйлаб юраги орқага тортиб кетди.— Ечвормайсанми, номард?

Камол гўё унинг бақириқ-чақириқларини эшитмагандек индамай кетиб борарди. Қоровул эланиб ёлборди.

— Жон ука, ечвор, Бунақа жиннилик қилма. Майли, кесган новдаларингни опкета қол. Ҳов, тўхта! Тўхта деяпман!

Камол унинг зориға қулоқ солмади. Шу юрганича бирон марта орқасига қайрилиб қарамай кетаверди. Уфқ томондан бостириб келаётган тун тутзор устига ўзининг қора чодирини ташлади. Ўзини ғоят ҳақгўй қилиб кўрсатган қоровулнинг овози худди тун бағрида эриб кетгандек эшитилмай қолди. Камол юрагининг бир чегида бу одамга нисбатан шафқат уйғонганини сезди-ю, бироқ орқасига қайтгиси келмади.

Нигора эрининг барг олиб келганини кўриб, терисига сизмай яйраб кетди. Қаердан, қай йўсин олиб келганини сурштириб ўтирмади. Ҳозир биров-бирова бир боғ туғул, бир тутам барг бермаслигини билгани учун қайдан олиб келдингиз, деган сўроқ ўринсиз эди.

— Ажаб қилибсиз,— деди у баргни икки қисмга ажрата туриб.— Эртага барг олиб келишгунича қандоқ қиламан, деб турган эдим. Бир кунгина бўлсаям хотиржам ухлайдиган бўлдим.

Камолга хотинининг қувончи татимади. Юраги гаш бўлиб уйга кирди. Болаларини эркалатган бўлди-ю, одатдагидек уларни гапга солмади. Узала тушиб ёнбошлаганича телевизор кўра бошлади. У тутзор қоровулини толга боғлаб, барг олиб келгани учун хотинидан бўлак ҳеч ким хуш бўлмаслигини яхши биларди. Қолаверса бегуноҳ бир одамга шунча азоб бериши инсофдан эмас.

Қурт боқаётганларга вақтида керагича барг етказиб беришмаётган бўлса, қоровулда нима айб? Келиб-келиб шу бечорага кучини кўрсатгани яхши бўлмади.

Ҳадеганда отаси эътибор беравермагач, кенжатоий югурганича келиб устига миниб олди. Худди от чопаётгандек ирғишлай бошлади. Камол ўғлига қараганича ночор жилмайди, аммо у билан ўйнашиш юрагига сизмади.

Нигора дастурхон тузади. Елиб-югуриб овқат олиб кирди. Худди шу пайт дарвоза устма-уст тақиллади. Нигора чиқмоқчи бўлган эди, Камол уни қайтарди. Этигининг пайтавасини олиб ташлаб, оёғига тортди-да, ташқарига йўл олди. То дарвоза олдига етгунича қайта-қайта томоқ қирди. Дарвозани очди-ю, ҳайкалдек қотиб турган Нишонни кўриб енгил тортди. Айвони кенг кепкасини қошигача бостириб олган Нишон қовоқ уйиб турарди. Унинг бир қўли шимининг чўнтагида, иккинчисида арқон бор эди. Гарчанд Камол аччиқ устида қоровулни толга боғлаб келган бўлса-да, унинг бандиликдан озод бўлганини билиб, кўнгли жойига тушди.

— Тутзорда арқонинг қолган экан,— деди Нишон энсаси қотганидан сўзларни ямлаб.— Шунни бериб кетай деб келдим.

Камол унинг қўлидан арқонни олди-ю, бироқ нима қиларини билмай энсасини қашиганича тураверди. Унинг худди ҳеч нарса бўлмагандек бепарвогина туриши Нишоннинг аччиғини келтирди. Қўлларини пахса қилганича бўғилиб гапира бошлади.

— Қанақа эси йўқ одамсан ўзи? Нега бекордан-бекорга бошинга ғалва сотиб оласан? Чўлга ҳайдалганинг етмаяптими? А?!. Энди бачаларингни чирқиратиб турмага тикиб қўйишларини хоҳлайсанми? Агар Фаттоҳ арз қилса расвойинг чиқади. Шунни биласанми, йўқми?

Камол бепарво қўл силтади. Унинг ҳеч кимни назарписанд қилмай туриши Нишонни баттар тутақтириб юборди.

— Сен киминга ишонасан шунчалик? Орқа қилсанг эркалигингни кўтарадиган суянчиғинг борми? А?!. Киминг бор? Худди қоққан қозиқдек ёлғиз бўлсанг. Бировни акам деб, бировни укам, деб ялиниш. Ялпоғланиб юрмаясанми. Нега ҳадеб опанинг жиғига ғававерасан? Уйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан деганлар, ука. Қачон эсинг киради сенинг, ҳайронман,

— Бир боғ барг одамнинг хуними,— деди Камол эн-  
саси қотиб.— Мунча энди...

Нишон нима дейишини билмай қолди. Буёққа кела-  
ётганида у Камолнинг тавба-тазарру қилишини, жаҳл  
устида шунақа номаъқулчилик бўлиб қолди, кечирасиз,  
дейишини кутган эди. Бироқ у ялиниб-ёлбориш ўрнига  
мана бунақа қилиб турса... «Э, тавба, қанақа одам ўзи  
бу? Қачон қарасанг ўхшамаган бир иш қилиб юради. Ё  
ўзини ҳақгўй қилиб кўрсатиш учун тилини бир қарич  
қилади. Ё бугунгидай бирор нодонлик ўйлаб топади.  
Кошки унинг куйиб-пишишдан бирор наф бўлса экан.  
Фақат ўзини ҳаммага шумшук кўрсатиб юрибди. Тил югу-  
риги бошга деб бежиз айтишмаган. Бир марта тили куй-  
ди-ю, бари бир тавба қилишни ўйламайди. Бир боғ барг  
одамнинг хуними, дейди-я. Одамнинг хуни бўлмаганда  
ҳеч ким кўчага опчиқиб ташлаб қўйган эмас. Ҳар ким  
ўзича бориб тутзордан барг кесиб келаверса, қурт даҳа-  
га кирмай туриб бир туп ҳам тут қолмайди. Кейин қўш-  
ни колхозларга ялиниш керак. Мана шу тутзорни қурт  
даҳага киришига асраб, одамларни ҳар куни нечта маши-  
нада шаҳарга юборишади. Улар уйма-уй юриб барг йи-  
ғишаяпти. Ҳозирнинг ўзидаёқ барг сотиб олишга неча  
минг сўм сарфланди. Ҳамма нарсани била туриб қилган  
ишини. Бир оғиз сўраш йўқ, сўриштириш йўқ... Тагин  
қоровулни боғлаб қўйгани ортиқча».

— Сен, ука, бунчалик ҳаддингдан ошма,— Нишон  
машинасига ўтира туриб пўнғиллади.— Ўзидан кетиш  
ҳам эви билан-да.

Унинг кейинги гапи Камолнинг юрагига нинадек сан-  
чилди. Вужудига муз югурди. Аммо тилининг учиди тур-  
ган гапни айтиб юборишдан ўзини тийди.

## Б Е Ш И Н Ч И Б О Б

Уфқ қонталаш бўлиб қолган. Осмоннинг тенг ярмини  
қоплаган булутлар сийраклашиб, худди қуёшнинг чиқи-  
шига йўл очишаётгандек туюлади. Тонгги мусаффолик  
билан тўйинган ҳавода кишини энтиктириб юборадиган  
сарринлик бор. Чуқур-чуқур нафас олганинг сари яна  
ташналик ҳис этасан. Муздек ҳавони ютоқиб сипқорасан.  
Этинг увишади. Вужудингда таърифга сиғмас бир ғай-  
рат, навқиронлик ҳис этасан.

Рулни енгил бошқариб бораётган Нишон дам-бадам  
машина ойнасидан бошини чиқариб, шабадага юзини  
тутар, тўйиб ҳаво симирарди. У туни билан яхши ухла-

ёлмади. Ҳар хил босириқ тушлар кўриб, уйғониб кета-верди. Негадир ҳар гал кўзи илинганда Қамолни тутга боғланган ҳолда кўрар, ҳали қоровул, ҳали раиса уни хивич билан аёвсиз саваларди. Қамол остки лабини тишлаганича миқ этмай турар, тишлари ботган жойидан тирқираб қон оқар, аммо ҳеч ким унга раҳм қилмас, қулочкашлаб ургани-урган эди. Нишон уни қутқармоқчи бўлар, бироқ раисанинг қўлидаги хивични тортиб олишга ботинмас, ҳатто қоровулнинг ҳам қўлидан тутиб қол-лишга журъат этмасди. Қамол эса унга таъна қилгандек қараб турар, унинг нигоҳига дош бериш мушкул эди. У худди ҳаётдагидек кишининг уёқ-буёғидан ўтиб кет-диган қилиб қарар, аммо чурқ этмасди. Юзи қанақалигини билиб бўлмайдиган бир одам ҳадеб унинг оғзига барг тиқишга уринар, бироқ чоғи келмасди. Нишон бу даҳшатли томошани кўрмаслик учун шартта кетиб қолмоқчи бўлар, бироқ раисадан чўчир, тураверишга эса юраги чидамасди. Ҳар сафар аллақандай тубсиз бўшлиққа тушиб кетаётгандек юраги шувиллаб ҳушини йўқотганида уйғониб кетар, анчагача у ёнбошидан-бунисига ағдарилиб ётар, эндигина кўзи илинганда яна ўша тушни келган жойидан бошлаб кўраверарди.

У уйқудан ланж бўлиб турди. Аҳмоқона иш қилгани учун Қамолни ҳам, қурт боқишни ўйлаб топган одамчи ҳам етти пуштининг гўрига ғишт қалаб сўкди. Бир пиёла чойни зўрлаб ичди-да, далага йўл олди. У биринчи навбатда тутзор қоровули билан гаплашишни ўйларди. Ишқилиб, опага арз қилиб бормаган бўлсин. Бўлмаса иш каттайиб кетади. Ўзи шу кунларда опа Қамолни жини суймай юрибди. Жаҳл устида бирор ишқал чиқариши ҳам мумкин. Ҳар нима бўлганда ҳам Қамол сиртига юқтирмайди-ю, аммо бачаларига жабр бўлади.

Машина чорраҳага келиб тўхтади. Нишон машинадан тушар-тушмас, қаршисида чуваккина бир одам пайдо бўлди. Унинг юзи хандалакдай дум-думалоқ, бурнининг учи, ёноқлари қип-қизариб турарди.

— Ассалому алайкум,— у серқадоқ, калта бармоқли кафтини узатди.— Яхши дам олдингизми, ака?

— Вёалай...— Нишон у билан қовоғини уйиб кўришди.— Хўш, бригадир...

— Ҳозир зовурнинг нарёғидаги тепаликларни айла-ниб келдим. Ер селгиб қолти. Бемалол трактор кирса бўлади. Агар экинни бошлайдиган бўлсак, олдин менинг бригадамдан бошласак.

— Қурт-чи, қурт нима бўляпти?

— Қуртга мактаб болаларидан олиб бермасангиз бўлмайди, ака,— бригадир гуноҳқорона елка қисди.— Одамлар барг кесиб улгуришолмаяпти. Ёлғизқўл хонадонларим кўп, биласиз. Қампирлар барг товалаб етказишолмаяпти. Ушаларга уч-тўртта бола бермасак бўлмайди. Не ҳасратда обориб берган баргимиз бекорга сўлиб қоляпти.

— Қуниimiz мактаб болаларига қолмай қуриб кетсин,— Нишоннинг кепчик юзига қон тепти. Қўлини мушт қилиб кителининг чўнтагига солди-ю, бироқ шу заҳоти қайтиб чиқарди. Гўё ҳамма нарсага шу бригадир айбдордек бирдан унга ўдағайлади.— Қачонгача болаларнинг гарданига миниб юрамиз? Уқигани қўямизми-йўқми уларни?

Бригадирнинг чувак юзи, бурни баттар қизарди. Кўзларини бир-икки парпиратди-ю, негадир бўйинини чўзиб ютинди.

— Шу мактабда менинг ҳам болаларим ўқийди, ака.

Нишон беҳуда қизишганини сизди. Бригадир бечорада нима гуноҳ. Болаларни дала ишларига сафарбар қилиш ҳақида ўзлари фармойиш беришади-ку. Ваҳоланки, шу мактабда унинг ҳам болалари ўқишади.

— Мен ўзимча мактаб директорига бир нарса деёлмайман, оғайни,— деди Нишон кўзларини яшириб.— Бетим чидамайди. Бола сўраб боравериб юз қолмади кишида. Опага айттирамиз. Болаларни ҳеч бўлмаса икки соатга беришса ҳам майли.

— Ўзимизнинг болаларимизга ўзимиз жабр қиляпмиз-да, ака,— бригадир синиқ овозда юраги тўлиқиб гапирди.— Болаларга ўқишдан гапирсанг энсаси қотадиган бўлиб қолишган.

— Ўқишдан қолаётган биргина бизнинг болаларимиз эмас.

— Шунақа деяверсак...

Нишон беҳуда нарсаларни ижжиқилаётган бригадирга совуқ тикилди. Бу ҳам Камолга ўхшаб ўзини жонқуяр қилиб кўрсатмоқчи шекилли. Худди бу нарсани ундан бешқа ҳеч ким билмайдигандек гап чувалаштиришини қаранглар.

— Бу гапларни қўйинг, фойдаси йўқ,— Нишон оғир тин олди-да, сигарет тутатди. Тутун қайтариш баҳонасида уф тортди.— Бўладиган ишдан гапиринг.

— Шу дейман... қуртни шаҳарликлар боқса бўл-

майдими, ака. Шаҳар кўчаларига ҳар хил тиканакли дарахт ўтқазилгандан кўра тут экишса. Етмаганини биз обориб берсак.

— Шу ҳам гап бўлди-ю...

— Нимаси ёмон бу гапни,— бригадир ажабланиб елка қисди.— Агар шунақа бўлганида деҳқон бечоранинг ҳам бағрига жиндай шамол тегиб қолармиди, дейман-да.

Нишон унга қовоғини уйиб қаради. Яримлаб қолган сигаретни босиб-босиб тортди. Буруқсатиб тутун қайтарди. Аммо ҳадеганда гап қотмади. Нигоҳини бирданига сўзамол бўлиб қолган бригадирдан узмай тураверди. Бунга ҳам Камол гап ўргатганга ўхшайди. Айнибди...

— Рост-да, ака,— деди бригадир биров гапини рад этаётгандек қизишиб.— Шаҳарликларингиз на кўча-кўйга мевали дарахт ўтқазилсади, на тут экилади. Ну-қул тиканакли дарахт ўтқазилгани ўтқазилган. Ҳеч бўлмаса истироҳат боғларига, хиёбонларга мевали дарахт билан тут ўтқазилмайди. Маза қилиб мевасини ейшарди. Бизга ўхшаб қурт боқадиганлар барг қидириб овораи-сарсон бўлишмасди. Барг ташвишидан тўйиб кетди одам.

Нишоннинг нигоҳи сал юмшади. Кўзларида шодликка мойил бир ифода пайдо бўлди. Аммо бу гапни бригадир билан муҳокама қилишдан ўзини тийди. Агар шундай қилиш мумкин бўлганда аллақачон фармойиш бериларди. Демак...

— Сиз бораверинг,— деди Нишон машина рулига ўтираркан.— Мен ҳозир опага учрашиб кўраман.

Машина дала йўлига бурилди. Йўлнинг чап томонидаги далани қалин ўт босган, бироқ униб чиққан чигитнинг тайини йўқ эди. Бу йил деҳқонга жабр бўлади. Ҳалитданоқ икки чиқим. Опа неча кундан бери уруғлиқ чигит ундиролмай хуноб бўлиб юрибди. Бу ерларни қайтадан экишга тайёрлагунча қанча техника, одам овора. Ҳали оғзи ошга етмай туриб деҳқоннинг ризқи қийилди. Табиатнинг инжиқлиги деҳқонга жуда қимматга тушади бу йил.

У шохлари тарвақайлаб ўсган тол тагига келиб тўхтади. Машинадан тушиб, атрофни кузатди. Толнинг билакдек келадиган шохига кетмон осиб қўйилган. Эски сим каравотнинг бош томонида қил арқон билан

ўроқ ётибди. Сал нарироқдаги қамиш босган ариқ бўйида бир одам саман отни етаклаб юрибди. У Нишонни кўрди-да, гулмихни этигининг пошнаса билан ерга қоқиб, шошганича келиб кўришди.

— Ҳа, Фаттоҳ ака, тинчмисиз? Яна биров боғлаб кетмадими?— Нишон у билан кўриша туриб тегишди.

— Куласиз-а,— деди қоровул ранжиб.— Унингизга одам боласи бас келолмайди. Чап қўлим ҳалиям зирқираб оғрияпти. Эти узилибдими, нима бало.

— Жуда возиклашиб кетибсиз-да, ака,— деди Нишон ҳамон кулиб.— Ҳазиллашиб боғлаб кетсаям эти узилладими.

— Э, ҳазиллашмай кетсин,— қоровул юзини буриштиради.— Агар сиз келиб қолмаганингизда тонг отгунча юрагим ёрилиб ўлардим-ку.

— Иби, ҳали шу юрак билан тутзорни кўриқлаяпсизми?

— Тани бошқа дард билмас экан-да...

— Узингиз ҳам-чи, ҳазил кўтаролмайдиган жиззакч бўлиб қолибсиз,— Нишон суҳбатдошининг тиззасига оҳиста уриб қўйди.— Ўтган ишга салавот, ака. Бу гап энди оғзингиздан чиқмасин. Кеча айтдим-ку, тиз чўктириб кечирим сўраттираман.

Бу гап қоровулга ёққан бўлса-да, бироқ Камолнинг тиз чўкиб ялиниб-ёлборишини ҳеч тасаввур қилолмади.

— Қўйинг, биродар, ўзиям қурсин, кечиримиям. Қайтиб уни менга рўпара қилманг,— деди қоровул бўшашиб.— Ундан кўра менга ёрдам беринг.

— Жуда юрагингизни олиб қўйибди-ку, а,— Нишон яна унинг тиззасига шаппатилаб, кулди. Бироқ қоровулнинг эзилиб ўтирганини кўриб, жиддий тортди.— Шу пайтда қанақа ёрдам керак бўлиб қолди сизга?

— Нега бунақа дейсиз, биродар,— икки лунжи ичига тортилиб кетган, ранги сўлғин бу одам бирдан куюниб гапира бошлади.— Эрта-индин тут тамом бўлади. Шу баҳонада сиздан битта трактор ундириб олай. Бултур ўзим тракторчига пул бериб, ялиниб тутзорни ҳайдатиб олган эдим. Нега одамни бунча қийнайсилар, ҳайронман. Менинг гуноҳим мана шу тўқайни ўзимча тутзор қилиб берганимми?

— Опқочинг-а, олқочинг...

— Йўқ, Нишонжон, биродар, ўзингиз инсофан айтинг, гапим ёлғонми? Мана шу жой бекорга хароб бў-

либ ётмасин, тутзор қилайлик, демаганманми? Деганман-а. Ҳа, отангизга балли. Яна тўрт-беш кунда барг қолмайди, тўғрими. Тутзорни дарров чопиқ қилиб, дори бериш керак. Янаги йил истаганча барг олиш мумкин. Ҳукумат тутзорга тузукроқ қаралсин, деб қарор чиқариб қўйибди-ку.

— Ҳозир тутзорингизни қўя тулинг. Чигитни қайта экадиган бўлиб ҳеч кимнинг юрагига қил ҳам сизма-япти.

— Иби, қизиқ гап гапирдингиз-ку, — қоровул юпқа лабларини худди ёш боладек чўччайтирди. — Тут-чи, тут керак эмасми? Бунақа дейдиган бўлсангиз мен опага устингиздан арз қиламан. — У олдинга энгашиб, тўн-кариғлиқ яшиқда ўтирган суҳбатдошига қаттиқ шивирлади. — Бу йилги азобнинг аламигаёқ тузукроқ қараш керак эмасми тутзорга. Одамлар барг қидириб жинни бўлиб юришибди-ку. Бир аҳмоқ сал бўлмаса ўзимни ўлдириб қўяёзди-ку. Ранг-рўйимга қаранг, худди сил касалдан турганга ўхшайман. Ўзим тутзорга қоровул бўла туриб, эшикма-эшик юриб барг тиладим. Шундай қилиб юриш менга зарурмиди? Давлатчилик экан, қилдим. Йўқ, энсангиз қотмасин, биродар, қилган меҳнатимни миннат қилаётганим йўқ. Қурт тутаётган бўлсам, меҳнат ҳақимни оламан. Лекин барг ташвиши одамни эзиб ташлаяпти. Саккиз бола топиб қўйибману шунақа пайтда бири ҳам жонинга асқотмайди. Мактабда ўқийдиганларининг тирикчилиги ўзингизга маълум. Тўнғичим шаҳарлик бўлиб кетган. Ҳеч бўлмаса қург пайтида беш-ўн кун ота-онамнинг қўлтиғига кирай, демайди. Шаҳарда юриб оқбилак бўлиб кетган-да, хумпар. Энди даланинг чағги димоғини ачиштирадиган бўлиб қолган. Мен шу аҳволда бурнимни тишлагудек бўлиб юрсаму тагин сиз тутзорингни қўя тур, дейсиз-а. Шуям инсофданми?

— Жуда оби-дийда қилиб юбордингиз-ку, ака. Сизга ярашмас экан.

— Ўзингиз инсофан айтинг, хато гапирдимми?

— Тўғри-ю, лекин чигитни қайта экиб олмагунимизча бари бир гапингизга ҳеч ким қулоқ солмайди. — Нишон ростини айтиб қўя қолди. — Дарров пешонангизни тириштирманг-да, унақа. Мен бирор йўриғини топишга уриниб кўраман.

Қоровул даҳанини уқалаганича ўйга толди. Сўнг аллақандай ҳорғин оҳангда гапирди.



— Шундай қилинг, биродар, бўлмаса пилла қурти одамларни еб қўяди, шекилли.

Нишон ўрнидан туриб кетди. Шимининг орқасини қоқаркан, жеркиброқ гапирди.

— Бунақа совуқ гапларни гапирманг иккинчи.

У шундай деди-ю, шартта машинасига ўтириб жўнаб кетди.

\* \* \*

У идорага етиб келганда Малика лой юқи этигини ечиб, ялтироқ қора туфлисини кияётган экан. Дала кезиб чарчаган шекилли, ҳаракатлари суст, боқишлари ўйчан. У Нишон билан ганлашишдан олдин бориб жойига ўтирди. Райком секретарига қўнғироқ қилиб, далаларни айланиб чиққанини, агар яна бир кун ҳаво ёғмай турса, бемалол экишни бошлаш мумкинлигини айтди. Уруғлиқ чигитни тезроқ ундириб беришни ўтинди. Шундан кейингина бош агрономга юзланди.

— Бир илтимос билан келувдим,— Нишон мужмал гап бошлади.— Дастёри йўқ, ёлғизқўл хонадонлар қийналиб қолишяпти. Уларга мактаб болалари ёрдамлашмаса бўлмайди.

Малика бош агрономга чиройли терилган қошларини чимириб қаради. Кўзларида ажабланиш, ҳамда аччиғланишга ўхшаш бир ифода йилт этди. Қачондан бери бош агроном мактаб болаларини раисанинг рухсати билан ишга олиб чиқадиган бўлиб қолган. Бош агроном туғул бригадирлар ҳам бемалол мактаб директорига буйруқ беришаверишарди-ку. Ҳеч ким уларга эътироз билдиришга ботинолмайди. Қишлоқда даланинг иши ҳамма нарсадан муҳим ҳисобланади.

— Узингиз-чи?— ҳамон туришини ўзгартирмай сўради раиса.— Узингиз мактабга бориб айта қолмадингизми?

Унинг гап оҳангида шу арзимас нарсаларга ҳам мени овора қилишнинг нима кераги бор, дегандек маъно бор эди. Нишон кейинги пайтларда раисанинг серзарда, ҳар қандай илтимос малол келадиган бўлиб қолганини сезиб юрарди. Аммо ҳозирги гапни унга айтмай илежи йўқ. Боягина бригадирдан эшитган гаплари юрагига нишдек қадалиб турарди. Раиса мактаб ўқувчиларининг не азоблар билан ўқишаётганини билмайди. Ўз уйида бола бўлмаганидан кейин қайдан билсин. Нишон болаларнинг чаласавод бўлиб қолишаётганини била туриб мактабга бормайди. Бети куяди.

— Ҳадеганда боравериб бачаларнинг кўзига шумшук кўриниб кетди одам.

Маликанинг кўзларидаги ифода бирдан совуқлашди. Чехрасида заҳарханда табассум пайдо бўлди.

— Шумшук кўриниш навбати энди меникими?

Нишон тилини тишлаб қолди. Раиса заҳрини сочишга тоза баҳона топиб берди-ку. Жимжима қилмай жўнгина гапириб қўя қолса бўлмасмиди шу нарсани.

— Кечирасиз... мен унақа демоқчи эмасдим,— Нишон беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Унг қўли кўйлак ёқаларини пайпаслай бошлади.— Шу десангиз... мактабга янги ўқитувчи келган экан. Бир-икки марта борганимда бачаларнинг олдида одамни жуда мулзам қилиб юборди. Шунга... ўзингиз директор билан гаплашиб, унга бизнинг шароитимизни тушунтириб қўйсангизмикин, девдим.

Маликанинг юзига дув этиб қизиллик югурди. Ҳолатини фош этиб қўймаслик учун стол устидаги календарни варақлашга тутинди. Ўзи ҳам истамаган ҳолда хаёли мактабга кўчди. Кечагина келиб дарров ҳаммага гапини ўтказаетган киши билан гаплашиб қўйиш истаги пайдо бўлди. Бу истак дақиқа сайин кучайиб, қатъийлашди. У Нишонни ҳайратга солиб ўрнидан турди.

— Юринг, ўзича ҳукмдорлик қилаётган ўша ўқитувчи билан бир гаплашиб қўяйлик.

Малика бу гапни гоят бепарволик билан айтган бўлмасин, бари бир юзидаги қизиллик баттар қуюқлашди. Кўзларида шу пайтгача кўрилмаган галати учқун пайдо бўлди. Юрагида орзиқишга ўхшаш бир бетоқатлик туйди. Уйига совчи келган кунидан бери унинг вужудида кўпдан бери мудраб ётган ҳислар қайта уйғонган, қандайдир мўъжиза юз беришини кутиб яшарди. Гарчанд ўша ёмғирли кечада янги ўқитувчини ўзича ёмонотлиққа чиқарган, уни бадбинликда айблаб қоралаган бўлса-да, бари бир руҳида тушуниксиз бир ўзгариш содир бўлган эди. Унинг вужуди эпкин тегиб ўтган кўл бетидек нотинч бўлиб қолган эди. Гарчанд бу кишига азоб берадиган безовталиқ бўлса-да, қандайдир ўзига хос лаззати ҳам йўқ эмасди.

Мактаб директори уларни тавозе билан кутиб олди. Раисанинг буйруғомуз гапларини тинглаб туриб, маъқуллаб бош ирғади. Пировардида ночор елка қисди-да, чўчинқираб изоҳ берди.

— Юқори синфлар уч соатгина ўқиб кетишган. Барг кесишяпти. Фақат иккита олтинчи синф қолган. Лекин...

Мактаб директорининг худди совқотган одамдек қўлларини уқалаб, типирчилаб туришини кўриб Маликанинг гаши келди. Нега бунча ўзини ерга уради бу одам. Муаллим деган сал қаддини кўтариб, керилиб юрмайдими. Маликага ҳам устозлик қилган одам энди унинг олдида қўл қовуштириб турса. Нега бунақа экан-а, бу одамлар?

— Шу десангиз... янги ўқитувчи олувдик. Жуда чарс йигит экан,— директор худди ютингандек бир ҳаракат қилиб қўйди. Яна қўлларини уқалай бошлади.— Шунақа нарсаларни гапириб бўлмайди денг. Ҳеч одамнинг йўриғига юрмайди. Ўзи раҳбар бўлган синфни шунақа... ишларга юбормай қўйган.

— Шунақами?— Малика ўзини ғоят ҳайратлангандек қилиб кўрсатди.— Қани ўша қайсар ўқитувчингизни кўрсатинг-чи, бир гаплашиб қўяйлик.

Мактаб директори унинг гапини пўписса деб тушунди шекилли, шоша-пиша янги ўқитувчини ҳимоя қилишга тутинди.

— Мен ҳам неча марта айтдим бунақа ўжарлик қилманг, деб. Бу ер қишлоқ жой. Шаронт билан ҳисоблашиш керак. Пахта билан пилла масаласи сиёсий масала, ҳазиллашиб бўлмайди, деб тушунтиришга уриндим. Ҳозирча фойдаси бўлмайроқ турибди. Тошкентда катта бўлган-да, бизнинг шароитимизни яхши билмайди.

Улар торгина йўлакнинг охиридаги эшик олдига келиб тўхташди. Директор аввал раиса билан Нишонга бир қараб олгач, журъатсизлик билан эшик тутқичига қўл узатди. Яна бир карра ҳамроҳларига қараб олгач, ғоят эҳтиёткорлик билан эшикни қия очди. Ичкаридан завқ билан сўзлаётган эркак кишининг ширали овози эшитилди.

— ...Ана энди Гўрўғлибек отнинг жиловини йиғиб, Фиротнинг сонига бир қамчи солди. Фирот оғзини очиб, қанотли қушдай учиб, интилиб Хунхоршоҳнинг олдига бориб қолди. Ана энди Гўрўғлибек Хунхоршоҳга қараб ўзини билдириб, кел майдонга, деб айтгани:

Чамбил дейди ўсган жойим,  
Яратган пушти паноҳим,  
Сўзимни эшит, Хунхоршоҳим,

От кўтарар арслон ўзим.  
Танҳо кеп вилоятинга,  
Қирғин соп мамлакатинга,  
Раҳна соп давлатинга,  
Бир тикилган душман ўзим.  
Ҳийламан олдинг отимни,  
Нодон Аваз фарзандимни,  
Хунхоршоҳ, кўр ғайратимни,  
Билсанг, шоҳим, арслон ўзим.

Хунхор армонда қолмагин,  
Йиғ лашкарингни, турмагин.

Директор эшикни каттароқ очиб, ичкарига бошини суқди. Зўрма-зўраки томоқ қириб, муаллимни ўзига қаратди.

— Қудратжон...— деди аллақандай хаста овозда.— Раисамиз сиз билан гаплашмоқчи эканлар. Бир минутгинага...

Ичкаридан зардали хитоб эшитилди.

— Эшикни ёпиб қўйинг, илтимос.

Малика бундай бўларини сира кутмаган эди. Кечагина келган ўқитувчининг мактаб директори билан бундай муомала қилишини тасаввурига сиғдирилмади. Бу бамисоли бирон бригадир уни даладан ҳайдаб юборгандек гап. Малика тилини суғуриб олар ўшанақа бригадирнинг.

Директор эшикни қиялатаркан, раисага қараб ночор елка қисди. Ичкаридан яна худди куйдек тиняқ, ширали овоз эшитила бошлади.

— ...Гўрўғли ҳийла билан асир олинган ўғли Авазни золим, ҳийлакор Хунхоршоҳнинг қўлидан қутқариб олиш учун жанг қилишга, қон тўкишга мажбур бўлди.

Қўшин келди, тўп бўлди,  
Ясов тортиб саф бўлди,  
Гўрўғлининг савани,  
Жуда катта гап бўлди.  
Якка-танҳо, бир ўзи,  
Шунча элга чап бўлди...

Маликанинг энсаси қотди. «Бу қандай одам ўзи? Қолхоз раҳбарлари келганини била туриб, қаёқдаги эртақларни айтиб ўтирибди. Бу қандай нописандлик? Эртақ эшитиб ўтирадиган вақтми ҳозир. Бир ёқда пилла ташвиши, бир ёқда чигитни қайта экиш ғалваси ҳаммани оёққа турғазган бўлса-ю... Э, тавба... Бу ер қишлоқ эканлигини тушунтириб қўйишмаган экан-да».

Малика шаҳд билан эшикни очди. Хона ўртасида гурган баланд бўйли, оқ оралай бошлаган қуюқ сочларини силлиқ тараган йигит унга ялт этиб қаради. Унинг кўзларидан учқун чақнаб турганга ўхшарди. У худди човут солиб, мижиглаб ташлайдиган важоҳат билан Маликанинг устига бостириб келди. Аммо сира қутилмаган назокат ва одоб билан гап қотди.

— Дарс ўтилаётган пайтда ҳалақит бериш мумкин эмас.

У жилмайишга уриниб гапирган бўлса-да, кўзларидаги қаҳрли ифода юмшамади. Кишининг вужудини илма-тешиқ қилиб юборадиган тигдек ўткир нигоҳи Маликани довдиратиб қўйди. У нажот тилагандек синфга кўз югуртирди. Гўрўглининг ғалабаси нашидасини тотолмай қолган болалар унга норозилик билан қараб туришарди. Ҳозиргина Маликага эртақ бўлиб туюлган нарса болалар учун чин ҳақиқат эди. Янги муаллим уларни Гўрўглининг жаҳонда адолат, ҳақгўйлик учун толмас курашчи, ҳар қандай ёвуз душманга ёлғиз ўзи бас кела оладиган баҳодир эканлигига ишонтира билган эди.

Малика беихтиёр орқасига тисарилди. Бироқ эшик тутқичидан қўлини олмай ўқитувчини яна бир карра кўздан кечирди. Иягига худди тиг тортиб юборилгандек чуқурчаси бор бу қорамағиз йигит худди биринчи марта кўргандек бугун ҳам дид билан кийинган эди. Оқ қўйлакка мос тушадиган қаймоқранг бўйинбоғ боғлаган, кулранг костюми унинг чиройини очиб, ёқимтой қилиб кўрсатарди. Малика доим пала-партиш кийиниб, чанг-тўзонга беланиб юрган одамларни кўриб ўргангани учунми, Қудрат кўзига бўлакча кўриниб кетди.

— Қудратжон... э-э... Шу соатдан кейин дарс бўлмайди,— директорнинг овози Маликани сергаклантирди. У сал бўлмаса бу ерга нега келганини унутаёзибди.

— Узингиз бош бўлиб болаларни барг тозалашга олиб борасиз.

Қудрат остона ҳатлаб йўлакка чиқди. Малика чекиниб унга йўл берди. У ҳамон йигитнинг ўт бўлиб ёниб турган кўзларидан нигоҳини узмас, худди сеҳрлаб қўйилгандек маҳлиё бўлиб боқарди.

— Менга қаранг, домла, янглишмасам биз бошда келишиб олган эдик. Дарс ўтаётган пайтимда менга ҳалақит бермайдиган бўлгансиз. Шундайми?— у ўткир

нигоҳини бўйнини қисиб турган директорга қадади.— Иккинчидан, мен болаларни дарсдан қўйиб, ҳеч қачон колхознинг ишига олиб бормаيمان.

— Энди... Қудратжон, қишлоқчилик...

— Қишлоқ болалари тўлиқ ўқитилмасин, деган кўрсатма борми сизда?— Қудрат директорни баттар мушкул аҳволга солиб қўйди. У гўё раиса билан бош агрономнинг борлигини сезмасди.— Давлат белгилаб берган ўқув программасини ҳуда-беҳуда бузиш жиноят. Мен сизнинг жиноятингизга шерик бўлишни истамайман.

Эшик ёпилди. Қудратнинг куйдек тиниқ овози яна бир маромда жаранглай бошлади.

— Гўрўғли зулм ва хўрлик билан сира муроса қилолмаган. У ҳатто ёвуз девларни ҳам одамларга хизмат қилдиришга уринган. Чўлларни обод қилган, шаҳарлар бино этган. Шунинг учун уни эл алқаган.

Ҳар иш қилса Гўрўғли,  
Эли, халқи ёр эди.  
Шул сабабдан Гўрўғли  
Душманига дориди.  
Енга олмай подшолар,  
Охир ўзи ҳориди...

Малика бир-бир босиб кўчага йўналди. Мактаб директори билан Нишон унга эргашишди. Эрталабдан бери кўк юзини қоплаб турган булутлар тарқаган, осмон тиниқ ва тубсиз эди. Унга тикилганинг сари кўзларингда ғалати бир ором ҳис этасан. Неча кундан бери зориқтириб чиққан қуёш бениҳоя қадрдон, ардоқли туюлади. Қуёшнинг илиқ нурига юзингни тутиб тургинг, қулочингни кенг ёзиб керишгинг келади. Қалдирғочларнинг тинмай вижирлаб, чарх уриши кўнгилда ажабтовур завқ, ҳавас қўзғайди. Негадир кўнгил шўх, ўйноқи бир куй тусайди.

Икки четига адл қад тераклар ўтқазилган йўлка ўртасида турган Малика амрига мунтазир кишиларни ҳайратга солиб ўзича жилмайди. Улар раисанинг бақририб-чақиринини, янги муаллимни бугуноқ ишдан бўшатиш ҳақида фармойиш беришини кутишган эди. Унинг дабдурустдан жилмайгани мактаб директорига худди калака қилгандек ёмон таъсир қилди. Нишон эса лабларини чўччайтириб, елка қисди. Аммо Малика уларнинг аҳвол-руҳиясига заррача эътибор бермасди. Ҳамон ёқимли жилмайганича қалдирғочларнинг ўйинини томоша қиларкан, тўсатдан сўз қотди:

— Домла, нега осмонда биттаям варрак кўринмайди? Ҳозир айни варрак учириладиган пайт шекилли.

Мактаб директори худди оғир дарддан азоб чекаётган одамдек афтини бужмайтирди. Қўлларини уқалаганича оғирлигини у оёғидан бунисига солди. Негадир рансага эмас, қовоғини уйиб турган Нишонга қараб гапирди.

— Қайдам...—У йўталганга ўхшаш овоз чиқарди. Афтидан томоқ қирди шекилли.— Болаларнинг ҳам вақти йўқми, дейман-да. Қуртга қарашиш керак... Ҳадемай пахтанинг ҳам иши бошланиб қолади. Яна... қайдам...

Маликанинг юзидаги табассум бирдан сўнди. Мактаб директорига ёвқараш қилиб қўйди-да, шартта машинага ўтирди. Нишоннинг машинага чиқишини кутмасданоқ жўнаб кетди. Унинг назарида осмонни бирданига булут қоплаб, қуёш нурининг тафти қирқилгандек туюлди. Нега ҳам сўрай қолди шу нарсани? Болалар варрак учирашадими, йўқми унга нима? Тавба... Нега била туриб сўради? Баҳордан то кеч кузакча қишлоқнинг етти яшаридан етмиш яшаригача тиним билмайди. Қишлоқда болаларсиз ҳеч иш битмайди. Қуртга барг тайёрлаб берадиганлар ҳам болалар. Пилла терадиганлар ҳам болалар. Ғўзани ўтоқ қиладиганлар ҳам, ҳосилни йиғиб-териб олишда биринчилар қатори қатнашадиганлар ҳам болалар. Тўғри, уларга бир оз қийин бўляпти. Вақтида ўйнаб-кулишолмайди. Ҳозиргина ўзи орзу қилгандек варрак учириб юришолмайди. Лекин меҳнат уларни пиштади, ҳар томонлама чиниқтиради. Унинг ўзи ҳам шу қишлоқда ўқиган, ҳамма қатори далага чиқиб ишлаган. Бир оз қийналиб бўлса-да, институтни битирди. Мана энди колхозга раисалик қиляпти. Шаҳарда ўқиган болалар жуда тоғни талқон қилиб беришаётгани йўқ. Камроқ ўқишса ҳам қишлоқ болаларининг билими ёмон эмас. Астойдил қасд қилгани ўқишга кирмай қолмаяпти. Қудрат айтганидек, қишлоқ болалари камроқ ўқисин, деган кўрсатма йўқ. Лекин зарур бўлиб қолганда мактаб ўқувчиларнинг кучидан фойдаланиш мумкин. Бунга ҳамма изн беради. Қишлоқ шароити шуни тақозо қилади.

Янги муаллим сал қонунчироққа ўхшайди. Узини жуда ҳақгўй қилиб кўрсатяпти. Камолга ўхшаб ақлли гапларни гапиришни яхши кўради чоғи. Бунақа шох-бутоқсиз, силлиқ гапларни ҳамма билади. Бироқ гар-

данида масъулияти бор одам ўзини бунақа бекорчи гапларни гапиришдан тийиб юра билиши керак. Бўлмаса у ҳам осонгина қуруқ гап гапирадиган одамга айланиб қолиши мумкин. Лекин Қудрат Гўрўғли ҳақида яхши гапларни айтди. Болаларнинг юрагида Гўрўғлига ўхшашга ҳавас уйғотиш катта гап. Ўзи ҳам болалигида эртақ, дoston китобларни кўп ўқирди. Уша китоблардаги вафодор, худди йигитлардек баҳодир қизларга ўхшашни орзу қиларди. Улғайгани сайин бу орзулари аста-секин унутила борди. Афсонавий қаҳрамонларга ҳавас қилгандан кўра ростмана ҳаётда яхшироқ яшашни ўйлай бошлади. Ҳордим, толдим демая ҳалол меҳнат қилди. Обру топти. Лекин ҳаётида нимадир етишмаётганини яқиндан бери сезиб қолди. Юрагининг аллақайси бурчида кемтик жой борга ўхшайди. Қудратнинг Гўрўғли ҳақидаги ҳикояси мана шу кемтик жойга тегиб ўтгандек бўлди. Дунё бирданига кўзига бўлакча кўриниб кетди. Бироқ... Ҳаёт афсона эмас. У раҳм-шафқат нималигини билмайдиган темир панжали одамга ўхшайди. Ҳар дақиқада жонингни қийнаб, вужудингни бузовга олиб туради. Осонгина синиб, мўрт бўлиб қолмаслик учун киши аниқ режалар билан яшаши керак.

Малика сокин, саришта хонасига кириб келди-ю, бир зум эшик олдида туриб қолди. Паришон бир ҳолда дераза ойнасига тегай-тегай деб турган ўрик шохига тикилди. Шохларга тизилиб турган довуччалар оғзининг сувини келтирди. Довуччаларни сидириб олиб, фарчча-фарчча чайнаб егиси келди. Шошиб дераза олдига борди-ю, аммо дарров шаштидан қайтди. Дераза тутқичини ушлаганича қўлига пешонасини босди. Олисолисларда қолиб кетган ўқувчилик йиллари ёдига тушди. Бир халта ўрик узатиб турган Қамол кўз олдига келди. Нега ўшанда унинг қўлини қайтарди, а? Довуччаларини ола қолса бўлмасмиди?

Эшик очилиб, Нишон кириб келди. Тўғри бориб диванга ўтирди. Кителининг чўнтагидан дастрўмол олиб пешонасини, калта бўйнини артди. Тиззасини уқалай туриб оғир тин олди.

— Баргга кетган машиналарни шаҳарда милиция ушлаб қолибди,— деди у пўнғиллаганга ўхшаш овоз билан.— Биров келиб опкетсин, дейишибди.

Малика дераза раҳига суйанганича ҳамон ташқаридан кўз узмай турарди. У ҳозир Нишоннинг гапинч эшитишни ҳам, шаҳарга бориб милиция идорасидаги-



лар билан жанжаллашишни ҳам истамасди. У мана шу сокин хонасида танҳо қолишни хоҳларди.

— Айтишларича шофёрлар ичишган эмиш...

Малика кескин бурилди. Креслони жаҳл билан суриб жойига ўтирди. Телефон трубкасини шахд билан юлқиб олди-ю, бироқ ҳадеганда рақам термай ўйлашиб қолди. Пўрсилдоқ, чиройли лабларини қимтиб турди-да, кутилмаганда ялинчоқ овозда гап қотди:

— Милицияга ўзингиз бориб кела қолмайсизми, Нишон ака. Буларга гап тушунтириш жуда қийин. Нуқул ўзиникини маъқуллаб, одамнинг тинкасини қуритворишади.

Нишон айвони кенг кепкасини орқароққа суриб, раисага мўлтираб боқди. Афтидан милиция идорасидагиларга рўпара бўлишга унинг ҳам тоқати йўқ эди, шекилли. Лекин раисанинг суханини синдиришга ботинмади.

— Майли... бор десангиз боравераман.

Малика унинг мужмаллик билан оғриниб рози бўлганини дарров сизди. Одамлар жуда ғалати. Бировга қаттиқ-қуруқ гапириб ёмонотлиқ бўлишни ишташмайди. Ҳамма нарсага раисани балоғардон қилиб туришади. Балки, ҳар бир ишга аралашавериб Маликанинг ўзи уларни шунга ўргатиб қўйгандир. Лекин Камол бошқача... Агар ҳозир у шу ерда бўлса, Маликага айтмасданоқ шаҳарга бориб, бу можарони тинчитиб келган бўларди.

— Нега милициядан бунча қўрқасиз?

— Милициядан қўрқмайдиган одам борми, опа?— Нишон бирдан енгил тортиб жилмайди.

Малика Нишоннинг боягина мактаб директоридан ўқувчиларни сўраб беришини илтимос қилиб келганини эслади. Нишон, мактабга боравериб болаларнинг кўзига шумшук кўриниб кетди киши, деганди. Энди милицияга бориб келишни айтяпти. Демак бугун унинг ҳаммага шумшук кўринадиган куни экан. Майли, бўлганича бўлар. Милициядагилар билан биринчи марта гаплашишими? Шофёрларни олиб қолишса ҳам майли. Лекин баргани тезроқ олиб келиш керак. Сўлиб қолса, қурт тугул молга ҳам ем бўлмайди. Бугун кун пессиқ, агар эрталаб кесишган бўлишса сўлий бошлаган.

Малика шартта ўрнидан туриб ташқарига йўл олди. Нишон нима қиларини билмай худди бўйнидан

бойлангандек унинг орқасидан эргашди. Ҳозиргина унга бориб келинг, деб буюрган раисанинг нега тўсатдан ўзи отланиб қолганини тушунолмади. Қиз бола билан ишлаш жуда қийин экан. Аччиғи шундоққина бурнининг учида туради. Сал қаттиқроқ йўталиб қўйсанг ҳам дарров қовоқ-тумшуғи осилиб кетади. Тўйдириб юборди одамни.

Шаҳар ички ишлар бўлимининг ҳовлисида барг ортилган тўрт машина қаторлашиб турарди. Бўғма ёқали тўр кўйлак кийган йигит шерикларини оғзига қаратиб латифа айтарди.

—...Шу десангиз чўпон подшонинг олдига келиб хотинини қайтариб беришни сўрабди. Майли, дебди подшо. Фақат бир шартим бор. Қирқта хотинни бир сафга тизиб кўзингни боғлаб қўяман. Агар сен кўзинг боғлиқ ҳолда хотинингни адашмай топиб олсанг, ҳалолинг бўлсин, дебди. Чўпон подшонинг шартига рози бўлибди...

Латифа айтаётган йигитнинг кўзи тўсатдан раисага тушиди-ю, ранги ўчди. Шерикларига кўзи билан имлаб раисани кўрсатди. Шофёрлар худди буйруқ берилгандек қаддини ростлаб, жимиб қолишди. Бироқ Малика уларга қараб ҳам қўймади. Гўё уларни кўрмагандек индамай ўтиб кетаверди. Фақат Нишон даҳанини тутамлаб, мушт ўқталди:— Хап, сенларни!

Тепакал майор уларни қовоқ уйиб кутиб олди. Тугмачани босиб тартиббузар шофёрларнинг ҳужжатларини олиб киришни сўради. Хонага баланд бўйли лейтенант кириб келди. Ялтироқ қизил папкага солинган қоғозларни майорнинг столига қўяркан, ижозат сўраб чиқиб кетди. Майор тилла гардишли кўзойнагини оппоқ дастрўмолга эринмай узоқ артди. Жуда ҳам бамайлихотирлик билан папкани очди. Ҳужжатларни биринчи марта кўраётгандек синчиклаб кўздан кечирди. Автоинспекторнинг протоколини худди ҳижжалаётгандек лабларини пичирлатиб ўқиб чиқди. Шундан кейингина кўзойнагини олиб, Маликага юзланди.

— Шофёрларингизга рулда ичиш мумкин эмас деб қўймаган экансизда, опа.

Унинг пичинг қилиб гапириши Маликага оғир ботди.

Бироқ жаҳл устида қаттиқ-қурум гап айтиб юбормаслик учун деразага юзланди. Олисдан кўкка бўй чўзиб турган виқорли минораи Қалон кўзга ташланар-

ди. У гўё жумлаи жаҳонга инсон меҳнати-ю, ақл-заковотини кўз-кўз қилаётгандек туюларди. Лаби ҳовуз яқинидаги Чор минорнинг нилий гумбазлари бамисоли тиниқ осмон билан ранг талашаётганга ўхшарди. «Илгариги одамлар иморат қуришга эринишмаган экан-да,— дея хаёлидан кечирди Малика.— Биттагина минора қуриш учун қанча безак ўйлаб топишган. Фишларни йўниб гул чиқаришган. Уларнинг бўш вақти кўп бўлган шекилли. Бизга ўхшаб барг қидириб сарсон бўлишмаган».

— Шу гапни айтгани чақиртирдингизми мени?— ҳамон ташқаридан кўз узмай сўради Малика.

Майорнинг қовоғи уюлди. Папкадан бир варақ қоғозни олиб кўрсатди.

— Шофёрларингиз йўл қондасини бузгани етмагандек босқинчилик қилишган. Бировларнинг тутини зўрлик билан бутаб олишган. Одамлар бизга арз қилишди.

— Одамлар тут емаса ҳеч нарса қилмайди. Шунча йилдан бери чидаб юришибди-ку.

— Бундан чиқди сизнинг қуртингиз одамдан азиз экан-да.

— Биринчидан, қурт меники эмас, давлатники. Иккинчидан, давлат белгилаб берган пилла планини бажаришга сиз ҳам жавобгарсиз. Сиз билан биз умумий бир мақсад йўлида хизмат қилаётган одамлармиз. Шунинг учун бир-биримизнинг ишимизга ҳалақит бермаслигимиз керак.

— Тушунолмадим,— майорнинг лешонаси тиришиб, кўзлари қисилди.

— Биз уёқда барг тополмай қўлимизни кесгудай бўлиб юрган бўлсагу сиз шунча баргни бекорга ушлаб туришингиз инсофданми? Узингиз яхши биласиз-ку, қурт сўлиган баргни емайди.

— Иби, ўйлаб гапиряпсизми? Индамасам сиз ҳали мени айбдор қиладиганга ўхшаб қолдингиз-ку.

— Сизни айбдор деб билганимда остонангизга бош уриб келмаган бўлардим,— Малика ўрнидан турди. Ихтиёрсиз бир тарзда бўлиқ вужудига ярашиб турган қизил жемперининг этагини тортиб қўйди.— Қондани бузишгани учун шофёрларга истаган жазони беришингиз мумкин. Мен ўртага тушмайман. Майли, таъзири-ни ейишсин. Лекин олдин улар баргни қишлоққа элтиб беришлари керак.

Майор шу қадар ҳайратландики, анграйганича кўзларини пирпиратди. Маликанинг ялиниб-ёлбориш ўрнига буйруқ бериши, устига-устак кесилган барглари нега тутиб турибсан, деб гуноҳкор қилиши унга ғалати таъсир қилди. Каттаконлар мақтайвериб жуда шишириб юборишди-да, бу қизни, дея кўнглидан кечирди. Ҳозир унга қаттиқ гапиролмаслигини билиб баттар жиғибийрони чиқди. У тугул ҳатто обком ходимлари ҳам Малика билан ҳайиқиб гаплашишади. Ахир у довруқ солиб юрган ранса.

— Сиз гапимни яхши англамабсиз, шекилли. Шофёрларингизни кайфи бор...

Маликанинг виқорли боқиши майорни довдиратди. Қўлидаги қаламни столга ташлаб, бенхтиёр ўрнидан турди. Қўлларини орқага қилганича чўғдек гилам поёндозни сассиз босиб, уёқдан-буёққа юра бошлади. Ниҳоят эшик олдига бориб тўхтади.

— Мен кўра-била туриб уларни машинага ўтқизолмайман.

— Ҳамма нарсани ўз қаричингиз билан ўлчайверманг, ўртоқ майор,— деди Малика овозидан заҳар томиб.— Агар ҳаммамиз ўз қарашларимизни давлат сиёсатига зид қўяверсак, оқибат нима бўлишини биласизми?

— Иби... иби, опа...— майорнинг рангидан қон қочди. Қўрқувдан кўзлари чақчайиб, даҳани тез-тез қимирлай бошлади.— Мен ҳамма нарсани қонуний бўлсин деб... Ахир шунча йилдан бери давлат сиёсати учун кўксимизни қалқон қилиб... Сиз мени яхши билмас экансиз...

— Худо хайрингизни берсин, мен сизга ҳеч қандай айб қўяётганим йўқ,— деди Малика бетоқатлик билан. Майорнинг ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ ўзини оқлашга уриниши жуда бачкана туюлди.— Фақат одамларингизга айтинг, бизни ушлаб туришмасин... Илтимос... Барг увол бўлади.

Малика тарс-турс юриб чиқиб кетди Қабулхонада ўтирган Нишон унинг баттар феъли айнаб чиққанини билиб, гап сўрашга журъат этмади. Худди ёш боладек орқасидан эргашди. Малика ҳовлида гуж бўлиб турган шофёрларга бу гал ҳам қараб қўймай тўғри бориб ўз машинасига ўтирди. Нишон орқа ўриндиқдан жой олди. Худди шу пайт ичкаридан баланд бўйли лейтенант чиқиб келди-да, тумшайиб турган шофёрларга

нимадир деб ўдағайлади. Гап орасида қўлидаги қизил напкани икки-уч қайта силжитиб кўрсатди. Сўнг энг олдинда турган машинанинг кабинасига ўтирди.

Малика хаёлларини жамлаб ололмай гарангсиб ўтирарди. Бугунги куннинг бир-бирига зид таассуротлари уни толиқтириб қўйганга ўхшарди. Асаблари таранглашиб, ҳамма нарсани ўзига оладиган бўлиб қоляпти. Бу яхши одат эмас. Бунақада асабий, жиззаки бўлиб қолади. Ҳамма нарсани ичига солавермай, орқага ташлаши керак. Илгарилари доим хуш-хандон юрарди-ку. Нима бўляпти ўзи унга?

Нишон журъатсизлик билан томоқ қирди. Малика унинг нимадир демоқчи бўлганини сезди-ю, истар-истамас орқага ўгирилди. Нишон худди шуни кутиб тургандек бирдан жонланиб, аммо дудмаллик билан гап бошлади:

— Бугунги барг можаросини кўриб бир нарса эсимга тушиб кетди. Узимизнинг Маҳмуд бригад бор-ку, ўша нима дейди денг,— Нишон ясама илжайди. Гўё бригадир Маҳмудни калака қилаётгандек иописандлик билан гапида давом этди.— Қуртни шаҳарликлар боқса бўлмайдами, баргни биз етказиб берсак, дейди.

Нишон айтган гапи раисага қандай таъсир қилишини кутиб, жим қолди. Борди-ю, гапи раисага ёқмаса, тилини тишлаб жимгина ўтиргани яхши. Унинг кўнглига хуш келадиган гап айтаман деб қовун тушириб қўймасин тагин. Ўзи Малика аламини кимдан олишини билмай юрибди.

— Шаҳарликларнинг шундан бошқа ташвиши йўқ эканми?— деди Малика энсаси қотиб.— Улар қурт боқишса, завод, фабрикани ким юргизади?

— Мен ҳам шуни айтаман-да,— Нишон ҳозиржавоблик билан унинг фикрига қўшилди.— Ўзининг тирикчилигини қилиб тинчгина юрмай қаёқдаги бўлмағур нарсаларни ўйлаб топади, бу Маҳмуд тушмагур. Тагин нима дейди денг. Шаҳар кўчаларига, хиёбонларга ҳар хил тиканакли дарахтлар ўрнига тут ўтқазилса бўлмасмикин, дейди.

Малика йўлдан кўз узмаган кўйи анчагача чурқ этмай ўтирди. Гўё бош агрономнинг гаплари малол келгандек юзида норозилик ифодаси пайдо бўлди. Нишон безовталаниб нимирлаб қўйди. «Сендан биров гап сўрамаганидан кейин хап ўтиравермайсанми. Тут таш-

виши тушдими сенга? Ҳар қанча барг керак бўлса опа топиб беради».

— Менимча бу ўйлаб кўрадиган гап экан,— деди Малика тўсатдан орқага ўгирилиб. Унинг кўзларида қизиқиш, иштиёқ учқунлари пайдо бўлди.— Ҳеч бўлмаса тутни ўшанақа тиканакли дарахтларга аралаштириб экиб кўриш мумкин. Нима дедингиз?

— Қошки эди шунақа бўлса...— дарров унинг фикрини қувватлади Нишон.

— Лекин унақа бўлмайди-да!

— Нега?— ажабланиб сўради Нишон.— Ахир ўзингиз яхши фикр деяпсиз-ку.

— Негаки, сиз бу гапни менга юрагингизни ҳовучлаб туриб зўрга айтдингиз. Бошқа бировга гапиришингизга ишонмайман. Демак, Маҳмуднинг гапини ҳеч ким эшитмайди. У ўзича гўлдираб-гўлдираб жимиб қолади.

— Нега энди... Мана сиз билдингиз...

— Мен билсам нима бўпти,— қовоғини уюб сўради Малика.— Шу иш шундай бўлсин, деб фармон чиқаролмайман-ку, тўғрими? Шундай бўлганидан кейин нима қиламан бошимни қотириб.

— Иби... Бунақа гап сизга ярашмас экан, опа...

— Сиз мени Қамол билан адаштираяпсиз шекилли,— Малика жилмайишга уриди. Бироқ юзидаги совуқ ифода юшмади.— Бунақа гапларни қўйиб ўзининг ақлимиз етадиган нарсаларнинг ташвишини қилайлик. Шофёрларга қандай жазо беришса беришаверишсин, ўртага тушманг. Айтинг, ҳозироқ машиналарини топширишсин. Ҳаммасини молхонага ишга юборинг. Ичган ароғи бурнидан булоқ бўлсин.

Раисанинг бунчалик қаҳри қаттиқлиги Нишонни танг қолдирди.

— Мабодо йўқ дейишса-чи...— чўчинқираб сўради Нишон.

— Йўқ, деб кўришсин-чи,— Малика бошини кескин бурди. Худди шофёрларнинг аламини Нишондан олмоқчидек таҳдидли овозда гапирди.— Нақ тилини суғуриб оларман ҳаммасининг.

Нишоннинг капалаги учди. Шундай хушсурат, латофатли қизнинг бунчалик совуқ, дағал гапларни айтишга тили борганига ажабланди. «Кўксиди тариқча меҳр йўқ шекилли. Чиройли бўлгани билан қаҳри қаттиқлигидан чеҳраси совуқ, ҳатто нурсиз бўлиб кўринади. Шунинг учун ҳеч ким хуштор бўлмаса ке-

рак. Бировнинг юрагини ром этиш учун одамнинг жамолидан бир парча қуёш балқиб туриши керак. Бўл-маса ойдек чиройнинг нима-ю, муз нима».

Қишлоққа кираверишда қора чарм папканинг бир четидан тутганича саланглатиб келаётган Қудратга дуч келишди. Малика шартта машинани тўхтатиб у билан гаплашгиси, Гўрўгли ҳақидаги афсонани қайтадан эшитгиси келди-ю, бироқ дарров фикридан қайтди. Боягина уни юзига ургандек қилиб ҳайдаганини эслаб, юраги ғашланди. Қудратнинг дов-дарахтларни, тубсиз осмонни шавқ билан томоша қилиши кўнглини баттар ғашлантирди. «Ҳамма эл-юртнинг ғамида ҳаловатини йўқотиб юрган бўлса-ю, бу киши болаларни колхоз ишларига олиб бормагани етмаганидек ўзи ҳам томошабин. Қишлоққа келганидан буён бирон марта колхоз юмушига аралашгани йўқ. Бирон марта енг шимариб ишга чиққанида Малика билган бўларди. Келиб-келиб шу оқбилак кишининг унга харидор бўлгани қизиқ».

Қудрат раисанинг дилидан кечаётган нохуш ўйлардан беҳабар ариқ бўйларидаги бодраб чиққан ялпизларни, худди ишга тизилган маржондек ғуж-ғуж до-вуччаларни суқланиб томоша қиларди. Қуёшнинг илиқ нуридан, кўкатларнинг дилни қитиқловчи бўйларидан айрарди.

## ОЛТИНЧИ БОБ

Чўлга экилган чигитлар бир текис униб чиқди. Аммо тез-тез сепалаб ўтаётган ёмғир ниҳолларнинг бирдан бўй чўзиб, ўсиб кетишига монёлик қиларди. Шу боис Камол ер қатқалоқ бўлиб қолмасин деб дарров ишловни бошлаб юборишга қарор қилди. Ўзи бош бўлиб трактор рулига ўтирди. Чошгоҳгача шийпон атрофидаги ғўзалар тубини юмшатиб чиқишди. Бироқ тушга яқин кун ботишда қора қуюн пайдо бўлди-ю, зум ўтмай юлғунларни шатирлатиб улар турган ерга етиб келди. Камол кабинадан бошини чиқариб, чап-тўзон аралаш ёпирилиб келаётган бўронни кузатди. Осмонгача бўйлаб турган тўзон унга даҳшатли махлуқдек туюлди. Гўё у ҳаловати бузилгани учун қаҳри келгану, одамлардан ўч олишга қасд қилганга ўхшарди. Камол беихтёр тилла чаноқ ҳақидаги ривоятни эслади. Ўша чаноқни боши булутларга тегиб турадиган девлар

қўриқлайди дейиларди эртақда. Тўзоннинг ҳайбати худди девларнинг хуружига ўхшайди. Қараб туриб кишининг юраги увишади. Камолнинг юзига шамол аралаш қум зарралари келиб урилди. У шоша-пиша ўзини кабинага олди-да, тракторни шийпон томонга бурди. Бироқ шамол бир зумда уни қувиб ўтди-ю, тракторни чирмаб олди. Камолнинг кўзларига қум тиқилиб ҳеч нарсани кўрмай қолди. Аммо рулни қўлдан чиқармай тусмоллаб бошқариб кетаверди. Кутилмаганда тракторнинг тумшуғи нимагадир гурсиллаб урилди. У олдинга мункиб кетди. Алаמידан хунук сўкиниб, туфурди. Тишлари орасида қум ғижирлади. Атиги уч-тўрт юз одим наридаги шийпонга етиб ололмагани алам қилди.

У жонҳолатда тракторни орқага олди-да, шийпоннинг қай томондалигини тахминлаб кетаверди. Камол кўзини очиб қараёлмас, қум зарралари ботиб оғритарди. Қулоқлари чиппа битган, бир меёрда ғувуллаб турарди. У мушти билан кўзларини узоқ уқалади. Еш томчилари қумларни оқизиб чиқарди шекилли, оғриқ бир оз камайди. У қўрқа-писа кўзларини очди-ю, қопқоронги зулматдан бўлак ҳеч нарсани кўрмади. Шамол қўтириб ўкирар, қумни гиродоб қилиб осмонга учуриб ўйнар, юлғун туллари худди илдизига болта урилгандек зириллаб турарди. «Томом,— алам билан кўнглидан ўтказди Камол.— Агар бўроннинг хуружи яна беш-ўн дақиқа босилмаса, ғўзаларни қум босиб қолади. Шунча меҳнат яна хайф кетади. Эҳ...» Камол тракторнинг тумшуғи тагида ғира-шира кўриниб турган йўлдан эҳтиёткорлик билан юриб бораркан, Моҳонкўлни ўзлаштиришни ўйлаб топганларни бўралаб сўкди.

Трактор сал бўлмаса шийпонга урилиб кетай деди. Камол чаққонлик билан рулни бурди-да, шартта моторни ўчириб, пастга сакради. Юзини дўпписи билан пана қилганича ўзини ичқарига урди.

— Э, бормисиз, ака мулло, ўтакани ёриб юбордингиз-ку,— Араш кела солиб унинг энгил-бошини қоқа бошлади.— Қаёқларда қолиб кетдингиз?

— Сув бер,— деди Камол унинг ўринсиз саволини жавобсиз қолдириб.

— Худди ичим қумга тўлиб кетганга ўхшайди.

Араш бурчакдаги одам бўйи келадиган бочкадан сув олиб узатди. Камол занг таъми келиб турган илиқ сувни ютоқиб ичди. Қалин, гўштдор лабларини қўли-



нинг орқаси билан артгач, кружкани бочканинг қопқо-  
ғига тўнкариб қўйди. Шундан кейингина худди араз-  
лашган одамлардек тумшайиб туришган шерикларига  
назар солди. Уларнинг юзиде таърифга сиғмас гусса  
муҳрланиб қолган эди.

— Энди нима қиламиз, ака?.. — Араш бу саволи  
мантиқсиз эканлигини тузукроқ гидрок этмай, гайри-  
шуурий тарзда сўради.

Камол унга бир қараб қўйгач, дераза олдига келди.  
Ташқарида ҳамон шамол қутирарди. Шамол худди  
жонли мавжудоддек инграр, қасди бордек ўзини ой-  
нага уриб зириллатарди. Камол яна тилла чаноқ ҳақи-  
даги ривоятни эслади. Қачонлардир, бир пайтлар ма-  
на шу чўлда девлар яшаганига ишонгиси келди. Гир-  
доб бўлиб осмону фалакка чиқиб кетаётган, ўкириб  
қутираётган шамол эртаклардаги девга ўхшарди.  
Унинг қум сочиб, тўзон кўтариб қилаётган хуружига  
қараб туриб ўртанча ўғли Сиёвушнинг гапи ёдига туш-  
ди: «Отам эртага чўлга борганларида тилла чаноқни  
девлардан тортиб оладилар». Ўғли бу гапни ғурурла-  
ниб, отасининг кучига, ҳар қандай ёвуз махлуқотларга  
бас кела олишига ишонч билан айтган эди. Дунёда ин-  
соннинг иродасини имтиҳон қиладиган мушкул ишлар  
ҳам, ҳар қадамда ҳалал бериб турадиган бало-қазолар  
ҳам кўп. Чўлга келганидан бери бир кун ҳам ҳало-  
ват нималигини билгани йўқ. Чигитни икки қайта  
экишди. Ниҳоят ғўзалар эндигина икки қулоқ бўлган-  
да...

Ойнага худди биров атай сепиб юборгандек қум  
зарралари шатирлаб урилди. Яқингина жойда чиябў-  
ри увиллагандек бўлди. Бўрон турган пайтда чўлдаги  
жонзотлар ин-инига кириб кетишини билса-да, негадир  
унга шийпон орқасида бир гала қашқир писиб турган-  
дек туюлди.

— Ғўзани қум босиб хароб қиладиган бўлди,— деди  
Араш йиғламсираб.

Чигит олиб келгани қишлоққа кетишаётганда  
Араш ранса уни чўлга мажбуран юборганини айтган  
эди. Сиз ҳам чўлга кўнгилли бўлиб келганмисиз, деб  
Камолни калака қилган эди. Мана энди ҳаммадан бу-  
рун у ғўзаларни қум босиб қолишидан азият чекапти.  
Демак у чўлга фақат раиснинг зуғумидан кўрққани  
учунгина келмаган. Юрагида тилига чиқмаган пинҳон  
иштиёқи ҳам бор.

— Бунақа шамол тез босилади,— луқма ташлади доим телпак кийиб юрадиган йигит.

— Сиз нимани билла қолдингиз,— уни жеркиди Араш.— Чўлда икки йил ишладим деб...

— Қаттиқ ёққан ёмғирни кўрганмисан ҳеч,— телпакли йигит бурчакка бориб, кўрпачага ёнбошлади.— Шар-шар этиб ёғади-ю, бирпасда тинади. Буям шунақа гап-да.

Қамол унинг ёнига келиб ўтирди.

— Бултур ҳам шунақа бўлганди, а?— Қамол қаршисидаги йигит бош ирғаб гапини тасдиқлаганидан кейингина сўзида давом этди.— Лекин унда эрта баҳор эди. Шартта бузиб қайта экилган. Биз яна қайта экилган бўлсак...

— Фақат битта йўли бор,— телпакли йигит чордана қуриб ўтиргач, салмоқлаб гап бошлади.— Қум босиб қолган ғўзаларнинг устини очиб чиқиш керак. Бошқа иложи йўқ.

Эшикни мушук таталагандек бўлди. Томда худди одам юргандек қасира-қусур бўлиб кетди. Қутилмаганда эшик очилиб, остонада савдойи пайдо бўлди. Ичкарига чанг-тўзон аралаш шамол ёпирилиб кирди. Савдойи эшикни зичлаб ёлди-да, маъносиз тиржайганича бўсағада тураверди. Кўзлари одатдагидан ҳам қизариб, ёшланган эди. У қўлини олдинга чўзиб, сиқимини очди. Қамол ўрнидан туриб савдойига яқин келди. Унинг ёрилиб кетган, дағал кафтида пахтаси кирланиб, сарғайиб кетган чаноқ бор эди.

— Айтгандим-ку, тилла чаноқни топсам сенга опкеп бераман, деб,— деди савдойи қувончдан кўзлари ёниб.— Мана топиб келдим. Хо-хо-хо!.. Девлар орқамдан роса қувлашди. Бари бир етишолмади, Хо-хо-хо!..

Қамол унинг қўлидан чаноқни ола туриб, савдойи бўлса ҳам тилла чаноқ ҳақидаги гапни унутмаганига ажабланди. Наҳотки, унинг ҳам ўз яшаш мантиқи бўлса? Наҳотки, дунёдаги яхши, ёмон ишлар инсонларнинг бир-бирга муносабати туфайли юз беражагига эмас, аллақандай инс-жинсларнинг қудратидан содир бўлади деб ишонса. Агар дев-парилар чиндан ҳам бўлганида Қамол ҳам уларга астойдил ишонарди, ихлос қўярди. Ушаларнинг ёрдамида ҳозироқ бўронни тўхтатган, ғўзаларни асил ҳолига қайтарган, эртагаёқ гуркиратиб ўстириб юборган бўларди. Афсуски...

Шамолнинг зарбидан дераза ойналари зириллаб

кетди. Савдойи шошиб атрофга аланглади-да, Қамолга пичирлади:

— Бекит, тагин девлар кўриб қолишмасин.

Қамол чаноқни дастрўмолига ўраб, этажеркадаги китоблар орасига яширди. Савдойи оғзининг танобини қочириб илжайди. Сўнг сувли бочкага ишора қилиб деди:

— Сув бер.

Қамол кружкани тўлдириб сув олиб берди. Савдойи бир унинг қўлидаги сувга, бир ўзини қўрқув билан кузатиб турган йипитларга қараб қўйди-да, кружкани худди чанг солгандек абжирлик билан юлиб олди. Ҳамон ўзини кузатиб турган одамларга яна бир карра кўз югуртириб чиққач, тескари ўгирилиб сувни катта катта ютимлаб ичди.

Қамол пойгакроққа кўрпача тўшади. Целлофан халтадан нон, дераза тоқчасида турган ликопчадан тўрт чақмоқ қанд олиб ерга ёзиғлиқ қийиққа қўйди. Савдойининг енгидан тортиб, кўрпачага ўтқизди. У маъносиз тиржайиб қўйди-да, ишончсиз бир ҳаракат билан кўрсатилган томонга юрди. Бурчакка тиқилганича тиззаларини қучоқлаб ўтирди. У қийиқдан кўз узмаган қўйи лабларини чапиллатиб тамшанди. Аммо ўзича нонга тегинмади. Қамол савдойининг бу ерга жуда ҳам узоқ йўл босиб, ҳориб, очқаб келганини сезди-ю, дарров нонни ушатиб, унга томон суриб қўйди. Савдойи нондан кўз узмай туриб худди ялтоғланаётгандек ғалати илжайди.

— Девларга бу ерга келганимни айтмайсан-а,— деб сўради у нонни ола туриб.— Бўлмаса тилла чаноқни тортиб олишади.

— Айтиб бўпман.

Савдойи шундан кейингина хотиржам бўлиб нон кавшай бошлади. Араш келтириб қўйган сувдан бир ҳўплади-да, бир чақмоқ қандни қасирлатиб чайнади. Қамол яна дераза олдига бориб турди. Шамолнинг кучи қирқилган, илгаригидек қутириб, қумларни тўзитиб ўйнамасди. Шийпон олдидаги пайкалларни қум босиб, теп-текис бўлиб қолган. Бирон туп диккайган гиёҳ кўринмас эди. «Бу шамол одамни учириб юбораман дейди-ю, ғўзаларни қўярмиди,— алам билан кўнглидач кечирди Қамол.— Ҳаммасини илдиз-пилдизи билан учириб кетгандир. Қолганларини қум босган. Наҳотки шунча меҳнат яна беҳуда кетса? Бу йил табиат улар-

га ўчакишяптими, нима бало? Чигитни икки қайта экишди. Ҳаво паст келиб, тутлар кеч барг чиқарди. Қурт боққанлар барг етказолмай роса қийналишди. Агар чўлда чигитни яна бошқатдан экишса борми, тамом, кишининг умуман ишга қўли бормай қолади. Биринчидан, эндиги экилган чигит фақат жоннинг азоби бўлади. Ҳали ердан ниш уриб чиқмай турибоқ, ишловни бошлаш керак. Ёзи билан худди чала туғилган болага қарагандек эртаю кеч даладан бери келмай кўз-қулоқ бўлиб туриш лозим. Ортиқча даҳмаза, турган-битгани галва бу ишнинг. Моҳонкўлга тегмайлик, деб неча марта айтди. Ҳар сафар уни нодонга чиқаришди. Ҳам одамларни қийнаб, ҳам ортиқча чиқим қилиб, пахта ундириб бўладими бу ерда?»

Камол ўгирилиб қаради. Савдойи бир бурда нонни маҳкам чангаллаганича бурчакка тиқилиб ухлаб қолган эди. Йигитлар ҳамон ундан кўз узмай чўчинқираб қараб туришарди. Камол ёстиқ қўйиб, савдойини авайлаб ёнбошлатди. У оёқларини йигиб, гужанак бўлиб олди. Одатдагидек унинг энгил-боши озода, шу бугун ювиб, дазмолланган эди. Кўпинча Нигора унинг кийимларини ювиб берар эди. Фақат териси қуруқшаб кетган юзида хавотир, вужудини кемираётган оғриқ азоби қотиб қолган эди. Ҳаётнинг шафқатсиз зарбасига учраган бу одам ўз наздида Камолни бало-қозолардан асраб, муҳофаза қилиб юрарди. Ожиз шуурида иттифоқо туғилган афсонаю ривоятларни ҳам фақат унга айтиб берар, кимни ёқтириши-ю, кимни жини суймаслигини ҳам фақат Камолга айтарди. Пахтаси сарғайиб кетган чаноқни афсонавий нарса фаҳмлаб шундан шу ёққа кўтариб келганининг ўзиёқ унга бўлган меҳрининг нечоғли чуқурлигини билдирарди.

— Нима олиб келди бу жинни?— энсаси қотиб сўради телпакли йигит.

— Кўрдинг-ку, пахта чаноғи,— деди Камол эгнидаги пахталигини ечиб савдойининг устига ёпаркан.

— Нима қиласан уни?— ажабланиб сўради у.

— Бу оддий чаноқ эмас, оғайни, сеҳрли чаноқ.

— Бу билан ошна бўлиб юриб сенга ҳам сал тегиб қолганми, дейман-а,— деди телпакли йигит уни мазах қилиб.— Қаёқдаги нарсаларга ишониб юрасан.

Камол унга ўқрайиб бир қаради-ю, бироқ индамади. У билан талашиб-тортишиб ўтиришни беҳуда деб билди. У мактабда ўқиб юрган пайтларида ҳам шунақа

эди. Дунёдаги биронта мўъжизага, минг йиллардан бери яшаб келаётган биронта эртакка ишонмасди. Ҳаммасини беҳуда, уйдирма, бекорчи одамлар ўйлаб чиқарган нарсалар деб қарарди.

— Жуда совуқ гапларни гапирасиз-да, Тўхтамурод ака,— гапга аралашди Араш.— Умрингизда бирон марта эртак эшитмаганмисиз дейман-а.

— Бошимни қотирмасанг-чи, ука,— Тўхтамурод хафсаласизлик билан қўл силтади.— Эртак эшитавериб Камол нима бўлди. Эртакдаги девлар чўлга ташлаб кетишди.— У тамаки тутунидан сарғайган тишларини кўрсатиб илжайди.— Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган саҳро дейиладику, а...

— Бачкана бўлма,— Камол уни жеркиб ташлади ва шартта ўрнидан туриб ташқарига чиқиб кетди. Араш унинг изидан юрди.

Шамол бутунлай шаштидан тушган, бир меёрда ғир-ғир эсиб турарди. Чигит экилган ерлар худди шипшийдон бўлиб қолганга ўхшаб кўринарди. Ҳаммаёқни сарғиш қум босиб қолган. Фақат сиртига на сув, чанг-тўзон юқтирмайдиган юлғунлар табиатнинг хуржини писанд қилмагандек кўм-кўк либосга бурканиб, яшнаб турарди. «Эрта-индин юлғунлар гуллайди,— дея хаёлидан кечирди Камол.— Бу ерлар бутунлай бошқача бўлиб кетади. Юлғунзорни оралаб юрганнинг сайин ҳаммаёқ борган сари чиройли бўлиб кўринаверади. Ҳатто ёз жазирамасида ҳам Моҳонкўлда анвойи гуллар очилиб туради, қушларнинг чуғури тинмайди. Бу юлғунзор ўзига хос ноёб ўрмон. Бу ерда чорва учун қишин-ёзин озиқ топилади. Уни қандай бўлмасин асраб қолиш керак».

— Ҳали замон опа ҳам келиб қолсалар керак,— Камолнинг хаёлини бўлиб гап қотди Араш.— Шамол турганини кўриб егани ичига тушмаётгандир бечоранинг.

Камол унинг гапини тасдиқлаб бош ирғади. То тўпиғигача қумга ботиб бораркан, беихтиёр Маликани ўйлаб кетди. Унинг ич-этини еб қийналаётганини кўз олдига келтирди-ю, юраги ачиди. Камол мана шу бир парчагина ерга жавобгар. Бироқ Малика бутун колхоз учун жавоб беради. Осон эмас унга.

Зовур қирғоғидаги уясидан мўралаб турган юмрон қозик одам шарпасини сезиб, лип этиб инига кириб кетди. Шундоққина уларнинг оёғи остидан иланг-билангиз қолдириб эчкимар чопиб ўтди. Қиёқ орасига яши-

рина туриб орқасига ўгирилди-да, қип-қизил оғзини катта очиб, худди олов ёлқинига ўхшаш тилини чиқарди.

Араш энгашиб қум тита бошлади. Бармоқларига илашиб чиққан ғўза ниҳолига қараб туриб бирдач ранги ўчди. Худди томоғи қақрагандек тилини чиқариб ёрилиб, пўст ташлаган лабларини ялади.

— Ака мулло, буни қаранг,— деди аллақандай бўғиқ, хирқироқ овозда.

Жўякдаги қумларни бармоқлари билан авайлаб икки ёнга сидириб тушираётган Камол ялт этиб қаради. Худди биров товонига жуволдиз суқиб олгандек аъзойи-бадани зириллаб кетди. Арашнинг кафтидаги ниҳолга бир зум қовоғини уйиб қараб тургач, чурқ этмай ишида давом этди. Қум остидан чўрт узилиб тушган ғўзанинг нозик поясигина кўриниб турарди холос. Аммо Камол жон-жаҳди билан қум титаверди. У ғўзаларнинг битта қолмай нобуд бўлганига сира ишонгиси келмасди. «Ҳеч бўлмаса ярми, лоқал чорак қисми бешикаст қолган бўлиши керак».

— Қўйинг, ака мулло, ўзингизни қийнаманг,— деди Араш унинг аҳволини юракдан ҳис этаркан.— Ишимиз ўхшамайди шекилли бу йил.

Қамол шамол юлиб олган ниҳолни қумга қўшиб кафтига олди. Бармоқлари орасидан шувиллаб қум зарралари тўкилди. Камолнинг юрагини совуқ, дағал темир панжалар аёвсиз мижиглагандек бўлди. Бўғзини йимадир тимдалаб ўтгандек туюлди. «Эсиз, эсиз шунча меҳнат. Барча уринишлар елга кетди-я».

— Бултур ҳам қум босган эди-ю, лекин бунақа қалин эмасди. Ғўзалар қумга бўй бермай кўкариб кетган эди.— Араш чўккалаган кўйи ҳамон қум титаркан, энсаси қотиб сўради.— Узи Моҳонда пахта экишни ким ўйлаб топган, ака мулло?

Арашнинг сўзамоллиги шу топда Камолга малол келди. «Мунча кўп гапирмаса бу бола. Эркак одам ҳам шунақа эзма бўладими?»

— Ҳозир бунинг нима аҳамияти бор?— деди қўрслик билан Камол.

— Иби, тозаям қизиқ экансиз-ку, ака мулло,— деди Араш ҳайратланиб.— Агар Моҳонда пахта экиб бўлмаса, одамларни қийнамай бошқа тирикчилик қилдирган дурустми дейман-да. Биласиз-ку, бу ерларда азалдан мол боқиларди. Нега энди тўсатдан бу ерда пахта экиш зарур бўлиб қолди экан. Тушунсам ўлай агар.

Гарчанд Араш кўнглидаги гапларни топиб айтган бўлса-да, Камол чурқ этмади. Иккаласи саҳронинг бир четида ўтириб олиб, Моҳонкўлда пахта экиш керакми, йўқми деб муҳокама қилганидан нима фойда. Уларнинг гап-сўзлари ҳеч нарсани ўзгартирмайди.

— Айтмадимми опа етиб келадилар деб. Ана!— Араш йўлга ишора қилди.

Улар шоша-пиша шийпонга етиб келишди. Чангга беланган машинадан Малика тушди. Унинг чеҳраси тунд, ҳаракатларида аллақандай ишончсизлик, довди-раш бор эди. Бунинг сабаби маълум эди. Моҳонкўлни ўзлаштириш фикри Маликадан чиққан, бу ташаббус ҳақида областда, кейинчалик бутун республикада доврўғ солиб, катта шов-шув кўтарилган эди. Бироқ икки йилдан бери бу ердан олинаётган ҳосил ўз таннархини қопламас, колхозга фақат зарар келтирарди.

Малика худди мусибатли хонадонга келган одамдек бир меёрда бош ирғанича ҳамма билан узоқ қўл олишиб кўришди. Шундан кейингина шиферининг бир қисмини шамол учуриб кетган томдан кўз узмай худди ўзи билан ўзи гаплашгандек гапирди:

— Майли, табиат ҳар қанча ўчакишмасин биз бари бир уни енгамиз. Ахир бир куни биз шамолларнинг йўлини тўсишни ҳам билиб оламиз. Моҳонкўлни изминизга солмай қўймаймиз.

Малика бу гапга чангга беланиб турган одамлардан бурун ўзини ишонтириш учун айтаётганга ўхшарди. Камол унинг қони қочган юзига, саросима чўккан кўзларига қараб туриб юраги эзилди. «Қиз бола бошига шунча ғалванинг нима кераги бор-а?»

— Эртага чигит олиб келишади. Бир минут ҳам вақтни бекор ўтказмай қайта экишга киришиш керак. Ердамчилар ҳам юбораман.

— Энди эккан пахтамикан, — Камол ҳафсаласизлик билан луқма ташлади. — Май охирлаб қолди.

— Агар сиз шунақа десангиз бошқалардан ўпкаламасам ҳам бўлади, — Малика унга қарамас, нигоҳини қум босиб худди ўрқач-ўрқач тўлқинларга ўхшаб қолган эгатлардан узмасди. Чўл ичкарисидан думалаб келган коптоқсимон қумажриқлар шамолда секин тебраниб турарди. — Одам ўзи қилаётган ишига ҳам ишонмайдими? Сизга нима бўлди, синфдош?

Малика мана шундай баландпарвоз, ялтироқ гап-

ларни топиб айтишга уста эди. У ҳар қандай шаронг-да истаган одамини гап билан лол қолдира билар, гўё тилида сеҳр кучи борга ўхшарди. У айниқса минбарга чиққан кезлари очилиб кетар, жаранглаб эшитилувчи чиройли сўзларни маржондек териб ташларди. Унинг гаплари катталарга ҳам, оддий деҳқонларга ҳам мойдек ёқар, ўртага ташлаган таклифларини олқишлаб чапаквозлик қилишарди. Бироқ киши ўзини совутиб тузукроқ ўйлаб кўргач, унинг ҳамма гапига қўшилиб бўлмаслиги маълум бўлиб қоларди. Лекин бу ер баландпарвоз гап айтадиган минбар эмас, чўл-ку.

— Чигитни ундириб олсак бўлгани, қайта-қайта ишлов берамиз. Истаганча дори солишинглар мумкин. Қарабсизларки, ҳаш-паш дегунча гуркираб ўсиб кетади.— Малика негадир бугун одатдагидан сўзамол, ўзини қувноқ, унча-мунча ташвишни писанд этмайдиган қилиб кўрсатишга уринарди.— Ҳозир гап чигитни тезроқ экиб ундириб олишди. Уёғи ўз-ўзидан юришиб кетади. Тўғрими?

«Ўзини олдириб қўйибди,— ачиниб ўйларди Камол. — Бу йилги барг ташвиши чақиб қўйди шекилли бечорани. Унисидан энди тинчидим деганда бу галва...»

— Моҳонқўлда чиройли жойлар бор. Вақт топиб борсангиз кўрсатаман, деган эдингиз. Юринг, бир тамоша қилдилинг энди,— Малика очилиб жилмайди. Юзи табассумдан ёришиб кетган бўлса-да, бироқ кўзлари кулмади. Улар совуқ йилтираганича алампнок, ҳатто қаҳрли боқарди.

Камол унинг юлғунзор оралаб сайр этмоқчи эмаслигини сизди. Бошқалардан бекитиқча гапи бўлса кетарди, уни четга бошляпти.

— Ҳа-а, мунча ўйланиб қолдингиз?— Малика кутилмаганда уни қўлтиқлаб зовур томонга юраркан, ҳамма эшитсин учун атай баланд овозда гапирди.— Қўрқманг, ўпишмаймиз.

Шийпон олдида турган йигитлар пиқирлаб кулишди. Раисанинг дадиллигига, сўзамоллигига қойил қолиб бош чайқашди. Бироқ бу гап Камолнинг кўнглини баттар ғаш қилди. Худди кўнглисиз бир нарса содир бўлишини олдиндан сезгандек юраги сиқилди.

— Сизга нима бўлди?— деб сўради Камол унга ёнлаб қараркан.



— Ҳа-а,— деди Малика қошларини кибр билан чи-  
мириб. У ўзини атай таманно қилиб кўрсатишга ури-  
нарди.— Еқмаяпманми?

— Ғалатироқсиз...

— Сиз одатдагидек ақллисиз.— Малика кулиб ту-  
риб, бироқ овозидан заҳар томиб гапирди. Лекин мен  
сизга ҳавас қилмайман. Ақлли бўлганингиз учун доим  
турткиланиб юрасиз.

Камол ўзидан қандай гуноҳ ўтганини билмай боши  
қотди. Заҳар-заққум гап айтишидан билдики, Малика  
нимадандир қаттиқ норози. Бу яқин орада у раисага  
хуш келмайдиган ҳеч қандай иш қилгани йўқ шекил-  
ли. Тутзор қоровулини сал хафа қилиб бир боғ барг  
олганини айтмаса, қишлоққа бораётгани ҳам йўқ.  
Оиласи ҳам тинч. Баъзан эр-хотин ғиди-биди қилишгани  
билан, у дарров хотинининг кўнглини олиш пайидан  
бўлади. Болали уйда эр-хотин бир-бирига димоғ-фироғ  
қилиб юролмайди. Болалар уларни бирпасда гапла-  
шишга мажбур қилишади. Бунинг устига хотини ҳеч  
қачон бировга эридан шикоят қилган эмас. Умуман, у  
бировга эрининг яхшилигини ҳам, ёмонлигини ҳам  
билдирмайди. Нигора дунёнинг кўп ишларига бефарқ  
қарайди. Мана шу одати туфайли ўзига ортиқча эъти-  
бор ҳам талаб қилмайди. Иш билан, болалари билан  
овуниб юраверади. Маликанинг бутунлай бошқа, унинг  
оиласига даҳлсиз гапи бўлса керак. Нафсиламбрини  
айтганда унинг бировдан чўчийдиган тил қисқиклик  
жойи йўқ. Кўп қатори ишлаб юрибди.

— Ҳа-а, индамайсиз-ку, синфдош,— пичинг қилиб сў-  
ради Малика.— Ҳеч бўлмаса Моҳонкўлни қанчалик  
яхши кўришингизни менга айтиб беринг. Сиз бу чангал-  
зорни кўз қорачигидек асрамоқчи бўлганда, биз уни қан-  
дай хароб қилаётганимизни ўзимга айтинг. Хатоларим-  
ни тушунтиринг.

Камол унга ялт этиб қаради. «Демак хати обком сек-  
ретарига етиб борибди. Ё қайтариб юборишдикин?»

— Мен сизнинг устингиздан арз қилганим йўқ.—  
Камол бўғиқроқ овозда гапирди. Маликанинг ўзидан-  
ўзи жиғибийрони чиқиб, жиззакилик қилишига ажаб-  
ланди.

— Ҳали арз қилишингиз ҳам борми?

— Жудаям юрагингиз тор бўлиб қолибди, опа.

— Раисаликдан кетайми?

— Мен сизга маслаҳатгўй бўлолмайман.

— Биламан, сиз тўғри маслаҳат беришни истамай-сиз. Сизга нуқул мени ёмонлаш бўлса.

Камол энгашиб қум остидан чиқиб турган патлоқнинг шохини синдириб олди. Бу ғаройиб ўсимликнинг пояси кумушдек товланувчи ипаксимон туклар билан қопланган эди. У худди одамнинг юрагига ўхшаш бир дона сертук баргни тирноқлари билан чирт этказиб узди. Уни қафтига қўйганича узоқ томоша қилди. Сўнг баргни бармоқларининг учига олиб эзди. «Қирс» этган жуда ҳам ожиз сас эшитилди. Камол беихтёр Маликага қаради. У тўлиб-тошиб сув оқаётган зовур оша қум босган эгатларга зардали нигоҳ ташлаб турарди.

«Ҳамма нарса малол келадиган бўлиб қолибди,— дея хаёлидан кечирди Камол.— Асаблари таранг. Тўғриликча гаплашиш мумкин бўлган гапни ҳам ўзини қийнаб айтади. Узини еб қўяди бунақада».

— Мендан бекор хафа бўляпсиз,— деди Камол худди унинг таънасини эшитмагандек босиқлик билан.— Мен фақат Моҳонкўл ҳақидаги фикрларимни ёзиб юбордим. Агар у кишига маъқул бўлса...

— Маъқул бўлмаса-чи? — Малика бетоқатлик билан унинг гапини бўлди.— Ҳолингизга маймунлар йиғлайди-ку.

— Қизиқмисиз,— деди Камол ғоят бепарволик билан.— У кишига гапим ёқмаса ўзимга тан.

— Ҳайронман,— Малика ажабланиб елка қисди.— Сиз мутахассис олим бўлмасангиз, ё каттароқ амалдор бўлмасангиз, нима қиласиз чоғингиз келмайдиган ишларга аралашиб. Бекорга...

— Йигит моли ерда қолмас, опа. Бир бурда нонни қаерда бўлса ҳам ҳалоллаб топиб ейман.

— Нима демоқчисиз?— Малика ўткир нигоҳини суҳбатдошига тикди.

— Гапирдим қўйдим-да.

Камол оёғи остидаги коптоксимон қумажриқни тепиб юборди. Тикон думалаб кетди. Қумда худди чакчлаб ташлагандек из қолди.

— Сиз бир нарсани эсингиздан чиқарманг, синфдош,— Малика энди ўзини анча босиб олган, хотиржам гапиришга уринарди. Бироқ унинг гап оҳангида бари бир зарда эшитилиб турарди. — Моҳонкўлни ўзлаштириш фикри биздан чиққан.

— Сиздан чиққан,— луқма ташлади Камол.

— Ҳозир буниси муҳим эмас,— бесабрлик билан

эътироз билдирди Малика.— Бу ташаббусни райком қўллаб-қувватлади. Шунча маблағ сарфлаб қўйиб, сизнинг гапингиз билан фикримиздан қайтсак биласизми нима бўлади? Кулгига қоламиз-ку.

— Кулгига қоламиз, деб ерни нобуд қилаверамизми, опа,— энди Қамолнинг овози бир оз дағалроқ эшитилди.— Сал инсоф ҳам керак-да.

— Зах сув билан ер суғораётганимизни назарда тутяпсизми? Ғалатисиз-да, тавба!..— Малика мийнгида кулди.— Келажакда бу ерларда минглаб гектар ер ўзлаштириш кўзда тутилган. Наҳотки, шунча ерни фақат зах сув билан суғорилади, деб ўйласангиз?

Қамол индамади. У раиса билан гап талашишни, неча бор баҳслашиб ажрим қилолмаган мавзуни қайтадан қўзғашни истамди. Унинг сукут сақлашини Малика ўзича тушунди.

— Моҳонкўлни ўзлаштириш планида бу ерларга алоҳида канал тортиб келиш мўлжалланган. Замонавий қишлоқлар қурилади, боғ-роғлар барпо этилади. Наҳотки, булар...

— Менинг гап уқмаслигимни биласиз-ку,— Қамол гапга чек қўйди.— Қўйинг, ўзингизни қийнаманг.

Маликанинг кўзларидан ўт чақнаб кетгандек бўлди. Неча қайта гапиришга оғиз жуфтлади-ю, аммо лабларини қимтиб ўзини базўр босди. Азбаройи ғазабланганидан юзи кўкариб, хунуклашиб кетди. Кескин орқасига бурилди-да, тез-тез юриб кетди. Жаҳл билан депсиниб юргани учун оёғи остидан қум отилиб, тўзиб кетарди. Унинг бежирим туфлиси қумни янчиб муҳр босар, бироқ изи беўхшов чиқарди. Малика шу зайл юриб келди-да, шийпон олдида турган одамлар билан тезгина хайрлашиб машинасига ўтирди. Кўкиш «Волга» ортидан қуюқ чанг кўтариб бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Шу пайт кимдир Қамолнинг енгидан тортди. Унинг ёнида савдойи турарди. У маъносиз тиржайиб қўлини чўзди.

— Танга бер.

Қамол чўнтагини ковлаштиради. Қўлига иккита йигирма тийинлик илинди. У пулларни савдойининг кафтига қўяркан, сўради:

— Қаёққа?

— Кетаман,— деди у боши билан кун чиқиш томонга ишора қилиб.— Бу ерда девлар бор. Пулинга ширин нон олиб ейман. Хо-хо-хо!..

У бирдан югуриб кетди. Оёқлари қумга ботиб югуришга қийналар, бироқ жон-жаҳди билан олдинга талпинарди. Шамол яктагини кўпчителиб, еллиб ўйнар, уни кимсасиз саҳрода сарсари кезиб юрган арвоҳга ўхшатиб кўрсатарди. У худди парвозга шайланаётган оққушдек қўлларини ғалати ҳаракатлантларар, ҳозир, мана ҳозир осмонга кўтарилиб кетадигандек туюларди. У бамисоли Қамолга пахтаси сарғайиб кетган чаноқни топширгани кўкдан тушиб келганга ўхшарди. Тобора узоқлашиб бораётган бу одам Қамолга савдойи эмас, худди одамларни яхшиликка, эзгуликка ундовчи фаришта бўлиб туюлди. У ҳуда-беҳуда пайдо бўлавермас, Қамол нимадандир юраги сиқилиб, ўзини қаёққа қўйишини билмай турган пайтда тўсатдан пайдо бўлиб қолар, сира кутилмаган пойинтар-сойинтар гаплари билан унинг юрагида умид учқунини ёқиб кетарди. Шамолли кунда пахта чаноғи кўтариб келгани ҳам беҳикмат эмас.

Қамол савдойи то кичик бир нуқтага айланиб кўздан ғойиб бўлгунча қараб турди. Кутилмаганда руҳида ажиб бир енгиллик тўйди. Малика билан бўлган кўнгилсиз гап ҳам ёдидан кўтарилди. Қизариб ботаётган қуёшга қараб туриб, мийиғида кулимсиради. Ёдига ўртанча ўғлининг гапи тушди. У отасидан тилла чаноқ олиб келишни ўтинган эди. Уғли эртакка астойдил ишонган, шу чўлнинг қаеридадир сеҳрли қудратга эга тилла чаноқ қумга кўмилиб, хор бўлиб ётганига шубҳа қилмасди. Қизиқ, нега энди бу эртакда девлардан не машаққатлар билан тортиб олинган тилла чаноқ изсиз йўқолган дейилади?

— Кечадан бери кўп хаёл сураяписиз-да, ака мулло,— чой дамлаш тараддудида юрган Араш гап қотди.— Бачаларингизни соғинганга ўхшайсиз-ов. Эртага мошин келса ғириллаб бориб кела қолинг.

Чиндан ҳам бориб келсамикин-а. Хотинининг ҳоли нечук экан? Қурт қийнаб қўймадимикин? Ҳар йили барг ташвишини қилмасди. Қамол қаердан бўлса ҳам топиб келарди. Умуман, барг бу йилгидек даҳмаза бўлмаган. Ҳавонинг паст келиши, узлуксиз ёмғирлар ҳаммани шошириб қўйди. Худди ўчакишгандек Малика уни бу ёққа жўнатди. Аввалига Қамол бу правление-нинг қарори деб ўйлаганди. Кейин бу Маликаниннг ўзидан чиққан гап эканлигини билганидан кейин ғалати бўлиб кетди-ю, бироқ нега бундай қилдинг, деб бетига

солмади. Мени ноҳақ амалимдан бўшатди, деб арз ҳам қилмади. Бундай қилиш йигитлик ғурурига номуносиб, деб ўйлади-ю, индамай чўлга жўнайверди. Малика қилган ишидан хижолат шекилли, у йўғида уйига бориб юрганмиш. Қўярда-қўймай болаларини боғчага жойлаштирибди. Улар боғчада юриб дуруст бўлиб қолишибди. Уст-бошлари ҳам озодагина. Шеърлар ҳам ёдлаб юришибдими-ей... Малика уни бу ерга юбормас эди. Ушандаги бир оғиз гапи — нега боғчанинг ҳовлиси-га пахта эктирдинг, дегани оғир ботди. Кейин аччиқ устида шунақа фармойиш бериб юборди. Аслида у кўнгли тоза қиз. Бироқ кейинги пайтларда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Шон-шуҳрат жинниси бўлиб қолди. Ўз обрўси олдида бошқаларни кўрмай қоляпти. Айниқса у ерни аямаяпти. Раиса бўлганидан буён ерга керагидан ортиқча минерал ўғит солиняпти. Неча марта айтди, ҳамма нарсанинг чек-чегараси бор, бунақада ерни нобуд қиламиз, деб. Йўқ, унинг гапини чивин чаққанча ҳам билмади. Бир куни Камол бу масалани правление йиғилишида қўзғаган эди, биз байроқдор бўлиб ҳамманинг олдида юришимиз керак, деб оғзига урди. Ҳаммадан олдинда юришга нега бунча ишқибоз бўлиб қолди экан? Бир одамга етгулик обрўси бор. Қаерга бормасин ҳурмати учун ҳамма оёққа қалқийди. Ҳеч ким бир гапини икки қилишга журъат этмайди. Камол унинг кўнглини хуш этадиган гап айтиш ўрнига нуқул табиатини тирриқ қилгани-қилган. Балки Маликанинг унга айтадиган бирор муҳим гапи бордир. Унин юрагини очадиган яқини йўқ. Балки ҳали ҳам Камолни ўзига яқин тутиб юрар. Ҳадеб ишнинг, ернинг жанжалини қилавермай, у билан бирон марта одамга ўхшаб гаплашиши керакдир. Ичи тўлиб кетган бечоранинг. Аммо кимга ёрилишини билмайди. Бу ерга ҳам йигитларнинг кўнглини кўтараман деб келди-ю, бироқ уларга ҳеч нарса деълмади. У нимадандир қаттиқ безовта бўлиб юрибди. Имконини топиб бир гаплашиш керак.

Камол чой ичиб ҳангомалашиб ўтирган йигитларнинг ёнига бориб ўтирди.

## ЕТТИНЧИ БОБ

Малика газетага ўроғлиқ нарсани чап қўлида авайлаб тутганича идорадан чиқди. Одатича олдин осмонга қаради. Кўк юзи беҳад тиниқ бўлганиданми худди юксак-юксакка кўтарилиб кетгандек туюларди. Осмоннинг

нилий ранги тикилганинг сайин кўз қароқларинга ором бахш этади. Бирданига туйғуларинг тиниқлашиб, кўнгилда сокинлик пайдо бўлади. Инсон доим ерга қараб, ерни ўйлаб, уни ардоқлаб яшагани учунми, осмоннинг нилий бўёғи, нигоҳлар ҳам қамраб ололмайдиган ҳадсиз кенлиги, таъриф-тавсифга сизмас ўзигагина хос теранлиги сеҳрлайди. Кўнгилда беқарор туйғулар гулу қилиб, болаларча бир истак пайдо бўлади. Бирданига қанот чиқариб мана шу чек-чегарасиз кенгликларга парвоз қилгиси, худди орзудек покиза рангларга кўмилиб юргиси келади кишининг. Малика нигоҳини идора олдидаги шоналай бошлаган гўзаларга кўчираркан, оғир тин олди. У кўпдан бери кўнгилдан лип этиб ўтувчи мана шундай оний туйғуларга ҳам эрк беролмайди. Эртаю кеч пахтанинг ташвишида елиб-югуради, одамларнинг қисмати ҳақида бош қотиради. Сиртдан қараганда у доим «Волга»да сайр қилиб юрганга ўхшайди. Ерга бир дона уруғ ташламайди, бели букилиб ягана қилмайди, қўллари қорайиб гўза чилпимайди, ўтоқ қилмайди. Эгилиб юраверганидан тиззалари қалтираб пахта термайди. Фақат идорада ўтириб буйруқ беради, холос. Лекин аслида-чи?.. Уч кундан бери Моҳонкўлга зир қатнайди. Ўзи тепасида туриб чигитни қайта эктирди. Одамлар билан баб-баробар ишлади. Челаклаб уруғлиқ чигит ташишди. Сеялкага чиқиб олиб уруғнинг қандай тушишини кузатди. Бугун чигит экиб бўлиниши биланоқ ўзи бош бўлиб эгатларга сув таради. Чўл шамоли ернинг намини ялаб кетган. Энди чигитни фақат суғориб ундириш мумкин. Агар суғорилмаса қумлоқ ер қизиб, чигитни пучқоқ қилиб қўяди. Кеча чўлдан қайтгач, алламаҳалда пилла агрономи билан пунктга борди. Охирги дона пиллагача торттирди. Мўлжалдан адашмаган экан, кеча пилла топшириш планини бажаришди. Лекин ҳали анчагина хонадонда пилла бор. Бугун уйма-уй юриб улардан хабар олиши керак. Қурт боқиш ҳеч қачон бу йилгидек азоб бўлмаган. Барг излаб бормаган жойи қолмади. Ҳатто қўшни райондагиларга ҳам сарғайди. Инсоф қилганлари бир-икки машина топиб беришди, баъзилари юзингда кўзинг борми демай индамай тескари қараб кетаверишди. Бўлмаса ҳамиша кўришиб, салом-алик қилиб юришадиган одамлар. Бир-бирига қурт томом бўлганидан

кейин ҳам керак бўлишади. Атиги бир ойлик ўткинчи бир гап бу. Аммо шу бир ой ичида одамлар неча хил ўзгариб, неча хил турланишади. Бу йил барг талашиб ҳатто қариндош-уруғлар ҳам сан-манга боришди. Олдинги ҳафтада иш билан обкомга борган эди. Секретарининг қабулхонасида ГАИнинг бошлиғини учратиб қолди. Саломлашмоқчи бўлиб эндигина оғиз жуфтлаган эди, у ўзини кўрмаганга олиб, тескари қаради. Малика аввалига кулиб қўя қолди-ю, бироқ кейин алам қилди. Бу одамга ҳеч бир ёмонлик қилгани йўқ. Азбаройи заруратдан сал қаттиқроқ гапириб юборди. Шу нарсага ҳам гинахонлик қилиб юриши эркак одамга ярашмаган гап. Тағин ҳам Малика айюҳаннос солиб кўчага чиқиб кетмас экан. Қамол ҳам уни кўрарга кўзи йўқ бўлиб юрибди. Тўғри, унга нисбатан ноинсофлик қилди. Аччиқ устида уни чўлга жўнатиб юборди. Лекин бари бир кимдир бориши керак эди Моҳонга. Қамол йўқ деса бошқа бировни юборишга мажбур эди. Агротехникани яхши биладиган бирор киши бош бўлмаса у ердагилар қийналиб қолишади. Чўл шаронти оғир. Арэимаган қийинчилик ҳам одамнинг ҳафсаласини пир қилиб қўйиши мумкин. Қамол у ерда бўлса Малика кўнгли тўқ юради. У унча-мунча нарсага тебранмайдиган одам. Бошқаларнинг сусткашлик қилиб, қўл учиди иш қилишига йўл қўймайди. Уч-тўрт йилда Моҳонда жуда кўп ер ўзлаштирилади. Ҳадемай мустақил хўжалик ташкил этилса ҳам ажаб эмас. Балки Қамол мана шу хўжаликка бош бўлар...

Дунёнинг ишлари қизиқ экан. Ҳар кимнинг ҳаётга, одамларга ўз қараши, яшаш шиори, кураш усуллари бор. Ҳамма бир хил қолипга сиғмайди. Шу боис бошқалар ҳам ўзига ўхшамагани учун бировдан ранжиш унча тўғри эмас. Малика Қамолнинг ўзи ҳақидаги фикрларини била туриб ундан хафа бўлмайди. Аксинча унинг ўта соддадиллигидан кулиб юради. Қамол аллақандай хаёлий нарсалар ҳақида кўп ўйлайди. Амалга ошиши мушкул нарсалар ҳақида бош қотиради. Моҳонқўлни ўзлаштиришга қарши чиқиши ҳам шунақа гап. Бунақа ўхшамаган нарсалар билан бошингизни қотирманг, деб неча марта айтди. Йўқ, бари бир ўз билганидан қолмайди. Эринмасдан бориб бир марта дардини райком секретарига ҳам айтиб кўрди. Натижа чиқмади. Шундан кейин жимиб кетган деб ўйлаган эди. Йўқ, ҳали ҳам фикридан қайтмаган экан. Обком сек-

ретарига хат ёзибди-я. Тап тортмаганини қаранг. Халил аканинг обкомда ишлайдиган оғайниларида бири қўнғироқ қилиб айтибди. Бу масалани обком секретарининг шахсан ўзи текшириб кўрмоқчи эмиш. Фақат Моҳонқўл масаласини ёзган бўлса майли-я. Кишининг эс-хаёлига келмаган бошқа гапларни ҳам чувалаштирган бўлмасин, ишқилиб. Кўнглида нима гапи борлигини билиб бўлмайдиган ғалати одам бу. Ичимдагини топ деб юраверади. Одамга ўхшаб дардини айтиб, ёрила қолса бўлмасмикин?

У бир марта Маликани ўзига дўст тутиб куйиб-пишишлари Маликага ўринсиз, ҳатто бир оз эриш туюлади. Улар кўпдан бери мана шу зайл бир-бирини тушунмайдиган бўлиб қолишган. Камолнинг дунёқарашида, одамларга муносабатида Маликага ҳам бўлмайдиган томонлар бор. Камол кўп нарсага бир ёқлама, ўз ҳоҳиш истакларидан келиб чиққан ҳолда қарайди. Ахир, замон суръати, одамларнинг ўз аро муносабатлари билан ҳам ҳисоблашиш керак. Ҳозир кун сайин одам сони кўпаймоқда. Одам кўпайгани сайин янги ерлар ўзлаштирилиши ҳам, янги шаҳарлар қад ростлаши ҳам табиий бир ҳол. Биз одамлар яйраб яшаши учун барча шароитни муҳайё қилиб беришимиз керак. Туғилажак одамлар учун Моҳонқўлдаги тўрт туп юлғуну саксовулни қурбон қилсак нима бўпти? Шу билан табиатнинг мутаносиблиги бузилиб қоладими? У ерда кўзга тўтиё қилишга арзийдиган бирон гиёҳ кўкармаса, калтакесак билан юмронқозикдан бўлак бирон жонивор бўлмаса, асраб нима қилади. Гуллаб турган чаманзор бўлса экан, бузиш увол деса. Моҳонқўл қип-қизил чўл-ку. Саксовулу юлғун ўсиб ётганидан кўра пахтазор бўлгани, дов-дарахт кўкаргани яхши эмасми? Албатта яхши. Наҳотки, Камол мана шу оддийгина ҳақиқатни тушунмаса? Ё унинг ўйлаган бошқа нарсаси бормикин?

Малика шу пайтгача бу хусусда Камол билан тусукроқ гаплашмаганини эслади. Балки, унинг ғаройиб режалари бордир. Эҳтимол, Моҳонқўл бошқалар ўйлаганчалик яйдоқ дашт эмасдир. Балки, у ерда турлитуман жониворлар, ноёб гиёҳлар бордир. Эҳтимол уларни асраб қолиш шартдир. Ҳозир табиат муҳофазаси ҳақида жуда кўп гапириляпти-ку. Камол ҳам бекорга куйиб-пишиб юрмагандир. Бир нарсага ақли етмаса бекорга ўзини ўтга-чўғга урадиган одам эмас-



ку. Нега шу пайтгача у билан тузукроқ гаплашиб кўрмади, а? Эрта-индин обком секретари келиб, уларнинг ўйлаган режаларини бутунлай остин-устун қилиб ташласа-чи? Моҳонкўлни ўзлаштиришни бутунлай тўхтатиб қўйса нима деган одам бўлади? Йўғ-э, ундай қилмас. Ахир чўлни ўзлаштириш режасини қувватлаган-ку. Нима бўлганда ҳам Камолнинг хати бирон кўнгилсизлик келтириши аниқ. Ё бира тўла унинг попуги пасаяди, ё Малика билан Халил ака калтак ейди. Ўзи Камолни Моҳонкўлга юборганидан буён бехосдан бирон кўнгилсиз воқеа юз берадигандек доим юраги чўчиб юрибди. Бўлмаса бировдан чўчийдиган жойи йўқ. Ишлари жойида. Пилла топшириш планини биринчилар қатори бажарди. Ғўзаларнинг авжи ҳам ёмон эмас. Яна уч-тўрт кун ўтказиб ишловни бошлаб юбориш мумкин. Хуллас ҳамма ишлари жойида. Фақат кўнгли ғаш. Неғалигини ўзи ҳам билмайди.

Малика тол соясида турган машина эшигини очиб, қўлидаги газетага ўроғлиқ нарсани ўриндиққа ташлади. Уёқ-буёққа қараб шофёрни излади. Ҳеч ким кўринмагач, машина сигналинини босди. Сўнг сув тўлиб оқаётган ариқ бўйига келиб турди. Катта қувурга сиймай оқаётган сув худди тирик мавжудоддек буралиб, тўлганиб асфальтга оқар, йўлнинг чангини, хору хасларни оқизиб кўчанинг нариги бетидаги ариққа шовуллаб қуйиларди. Дам-бадам ўтиб турган машиналар йўловчиларга сув сачратиб, энгил-бошини шалоббо қиларди.

Малика рўпарасида чойхона томонга қаради. Ҳеч ким кўринавермагач, бетоқатланиб машинани устма-уст би-би-латди. Чойхонадан ингичка мўйлов қўйган йигит ўқдек отилиб чиқди. Унинг орқасидан қуюқ сочларини силлиқ тараган Қудрат кўринди. Аммо Малика унга эътибор бермади. Кела солиб рулга ўтирмоқчи бўлган шофёрга норози боқаркан, жеркигандек гапирди:

— Бор, чойхоначини чақириб чиқ.

Шофёр унинг таъби тирриқлигини билди-ю, ўнг қўлини кўксига қўйганича итоаткорлик билан бош ирғади.

— Хўп, опажон.

У кўз очиб юмгунча чойхоначини бошлаб чиқди. Оқ сурп қўйлагини шимининг устидан тушириб юборган чойхоначи барваста гавдасига ярашмаган илдамлик

билан лапанглаб келарди. Дам-бадам елкасидаги қийиқни қўлига олар, аммо шу заҳоти уни яна елкасига ташларди. У раисанинг олдига етиб келди-ю, худди гуноҳкор одамдек қўл қовуштирганича бош эгиб тураверди. Нега чақиртирганини сўраб-суриштирмади ҳам.

— Бу нима? — Малика қўлини бигиз қилиб йўлга еқаётган сувни кўрсатди.

Чойхоначи ялт этиб бир қаради-ю, яна бош эгди. Ариқ томонга қайрилиб қарамади ҳам. Худди ёр суртилгандек йилтираб турган юзига атай ғуссали тус берди-да, дўрдоқ лабларини чапиллатиб қўйди.

— Мен сиздан гап сўраяпман,— Малика беихтиёр овозини баландлатди.

— Кечиринг... билмабман, опажон...

Чойхоначининг йиғламсираб гапириши, кишининг раҳмини келтириш учун атай мунғайиб туриши Маликанинг қаҳрини келтирди. Қаердан ўрганган экан бундай лўттивозликни? Гапинга тўғрилиқча жавоб беришмайди-я. Бирор ҳийла-найранг топиб, гап эшитишдан қутилиб қолса бас. Кейин ичкарига кириб, раисанинг газабидан қандай қутилиб қолганини айтиб чойхўрларни кулдиради.

Одам деган ҳам шунақа бачкана бўладими?

Малика жиркангандек юзини тескари ўгирди. Уларни узоқдан кузатиб турган Қудратга кўзи тушди-ю, довдираб қолди. Юзига дув этиб қизиллик югурди. Гўё ундан қочиб қутилмоқчи бўлгандек беихтиёр машина эшигини пайпаслади. Аммо қўли эшик тутқи-чига тегиб кетганда худди ток ургандек дарҳол тортиб олди. Қудрат бостириб келишга ботинмай ҳамон жойида серрайиб турарди. Малика шартта чойхоначига юзланиб паст, аммо таҳдидли овозда буюрди.

— Ҳозироқ қувурнинг ичини тозаланг. Бундан кейин бир томчи сув тошганини кўрмай. Тушунарлими?

— Тавба қилдим, опажон. Тавба қилдим...

Чойхоначи ҳамон қўл қовуштирганича орқасига тисарилди. Анча жойгача шу зайл юриб боргач, худди елкасига калтак тушишдан қўрққандек бўйинини ичига тортди. Қўлларини қорнидан олмаган кўйи якка кифт бўлиб кета бошлади.

— Утакасини ёриб юбордингиз-ку, бечоранинг, опа, — деди шофёр рулга ўтираркан.

Малика ҳамон ёнлаб юриб кетаётган чойхоначидан кўз узмай пиқ этиб кулди. Аммо кулгисини яшириш

учун кафти билан оғзини тўсди. Ҳозиргина совуқ йил-тираб турган кўзлари кулгидан хуморлашиб, нигоҳи майинлашди. Яноқлари қизариб, юзи одамнинг юрагини ҳовлиқтириб, энтиктирадиган нурга чулғанди. У ҳозирги ҳолатига ярашадиган эрқаланишга мойил бир ҳаракат билан қулоқлари атрофида тўзғиб турган сочларини сидириб текислади. Атлас кўйлагининг ёқаларини пайпаслаб, имкони борича кўксини беркитди. Қудратнинг ўзи томон келаётганини кўргач, беихтиёр орқасига тисарилди. Бир қўли билан эшик тутқичини ушлаганича машинага суянди. У совчи қўйишга ботинган йигитни кўрганда бунчалик довдираб қолишини сира ўйламаган эди. Умуман, у билан мана шундай юзма-юз келиб гаплашишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Ғалати бўларкан...

— Саломалайкум...— Қудрат ундан уч-тўрт қадам нарида тўхтаб бош ирғади. Кўришишга қўл узатмоқчи бўлди-ю, аммо журъат этмади. Кўтарилган қўлини ёқасига олиб борди-да, гулдор бўйинбоғини тузатиб қўйди.— Сизга учрашмоқчи бўлиб келаётган эдим.

Маликанинг юзидаги қизиллик бирдан ўчди. Нигоҳи қатъийлашди. Эшик тутқичидан қўлини олиб, қаддини ростлади. Гаплашмоқчи бўлиб идорага келибди-ми, демак унинг расмий гапи бор.

— Идорага кира қолайлик,— деди Малика уни ичкарига таклиф этаркан.— Тик оёқда...

— Йўқ... мен...— Қудрат салобатли ҳолатига номуносиб тарзда довдиради. Ўзига қуйиб қўйгандек ярашган пиджагининг тугмасини ечиб, негадир яна бўйинбоғини ушлаб қўйди.— Бирор ёққа кетаётган экансиз, шекилли.

Унинг дудуқланиб, ҳаяжон билан гапириши Маликага ёғдек ёқди. Йигит киши олдинда ўзини йўқотиб турса қандай яхши. Аммо шу пайтгача унга бундай бахт насиб қилмаган. Ҳеч ким йўлини тўсиб дудуқлана-дудуқлана юрак қатида асраб юрган гапларини тўкиб солмаган. Энди келиб-келиб мана шу хотин қўйган йигит унга муҳаббат изҳор қилармиди. Тағин қаерда денг, идорада-я...

— Агар ҳалақит бермасам бирга бораверишим мумкин,— Қудрат унинг хаёлини бўлди.— Йўл-йўлакай гаплашаверардик.

— Гапингиз шунчалик зарурми?— ўзи ҳам кутмаган ҳолда қуруққина қилиб сўради Малика.

— Нима десам экан...— Қудрат бир муддат ўйланиб қолди. Маликага синчков боққач, чўрт кесди.— Яхши-си, келгунигизча кутиб тура қолай.

Йўқ, унга раисанинг совуқ муомаласи малол келмади. Гаплашишдан ўзини олиб қочаётганидан ҳам оғринмади. Қолхоз раисасининг ўзига яраша иши борлиги табиий. Агар совчи юборганини ҳисобга олмаганда иккаласининг ҳеч қандай яқинлиги йўқ. Малика мутлақо бегона бир ўқитувчи билан гаплашишни истамаслиги ҳам мумкин. Онаси юборган совчиларига мужмал жавоб берибди-ку. Тунов кунни юзига эшикни ёпиб кириб кетгани учун Маликанинг дили оғриган бўлиши ҳам мумкин. Мактаб директори ҳалигача, опага нисбатан беҳурматлик қилдингиз, ҳали кўп пушаймон бўласиз, деб юрибди. Чиндан ҳам сал хунукроқ иш бўлди-ю, бироқ Қудратнинг ўзга чораси йўқ эди. У умрида бирон марта бировларнинг берухсат келиб дарсини бўлишларига йўл қўймаган. Уша кунни ҳам мана шу одатига содиқ қолди. Гарчанд бир неча кун муқаддам Маликага совчи юборган бўлса ҳам.

Малика машинанинг орқа эшигини очди. Пиджагининг тугмасини ўйнаб турган Қудратга зимдан бир қараб олгач, ўтиришга таклиф қилди.

— Юринг, бирга бориб кела қолайлик.

Маликанинг машинага ўтиришга таклиф қилгани Қудратга катта илтифотдек туюлди. Жуда ғалати қиз экан. Ҳар бир дақиқада ўзгариб туради. Ҳозиргина унча хушламай гапираётган эди. Тўсатдан машинага чиқишга таклиф қиляпти. Худо билади, бориб келиш-гунича яна қанча ўзгараркин. Мактабдагилар айтишган эди: «Бу қизга ўйланишни орзу қилманг, ҳаётингиз азобда ўтади. У ҳаммага буйруқ бериб ўрганиб қолган. Уйда ҳам сизга шундай муомала қилади», деб. Бироқ Қудрат ўз гапида туриб олди. Унга Малика биринчи марта идорада гулларга сув қўйиб турганидаёқ ёқиб қолган. Айниқса унинг дид билан кийиниши, ўзига ярашадиган қилиб оро бериши, энг аввало хусни ёққан эди. Кейинчалик сўраб-суриштира ҳали турмуш қилмаган қиз экан. Қўнғилда йилт этган истак қатъий қарорга айланди-ю, дарров киши қўя қолди.

Машина Қамолнинг эшиги тагига келиб тўхтади. Малика газетага ўроғлиқ нарсани олиб тушаркан, орқасига ўгирилиб изоҳ берди.

— Чўлда ишлаётган бригадиримизнинг хотини колхозда биринчи бўлиб пилла топшириш планини бажарди. Табриклар кетмоқчиман. Кеча пунктдан кеч қайтиб, келолмадим.

— Шундай қувончли гап деб бояроқ айтмайсизми, — деди Қудрат машинадан туша туриб. — Мен ҳам қуруқ келмасдим. Ҳеч бўлмаса битта гулдаста олиш керак эди.

У қишлоқда гулдаста кўтариб юриш расм эмаслигини ҳали билмасди. Шаҳар шаронтида ҳар қандай йиғинга гул кўтариб борса бўлаверади. Аммо қишлоқда бунга эҳтиёж йўқ. Деярли ҳамма хонадонда гул экилади, ҳеч бўлмаса райҳон сепишади. Шу боис атай гулдаста кўтариб юриш фалатиноқ туюлади. Бироқ ҳозир Қудратнинг гул ҳақида гапириши Маликага манзур бўлди.

— Совға кўтариб борадиган жойлар кўп. Қишлоқда бўлсангиз улгурасиз.

Маликанинг гапи Қудратга қочиримдек туюлди. Демак мана шу зайл узоқдан келиб уни синаб кўрмоқчи. Унинг қарори қатъийми ёки шунчаки бир ҳавасми, гап-сўзларидан билиб олмоқчи. Майли, ўсмоқчилайверсин. Унинг қизиққани яхши.

— Мен қайтиб кетмайман, деб ният қилиб келганман бу ерга, Маликахон.

Малика дарвоза томонга юра туриб тўхтади. Елкаси оша бир қараб қўйгач, жилмайди. Унг бетига кулгичи чуқур ботиб, жуда ҳам майин, нафис жилоларга тўлиб кетгандек туюлди. Қудратнинг юраги уришдан тўхтаб қолгандек бўлди. Маликанинг кулгичидан таралган жило унинг нақш олмадек таранг юзини, узун, қайрилма киприкларини, бахмалдек қоп-қора қошларини нурга чулғаб юборганга ўхшарди. Кўз қорачиқларида ҳам сеҳрли бир учқун йилтираб турибди. У боягина чойхоначига пўписа қилган Маликага ўхшамас, ҳаракатларида ҳам майин бир беозорлик, назокат пайдо бўлган эди. Худди қаттиқроқ қадам ташласа, Қудратни чўчитиб юборадигандек сассиз одимлар, ҳатто боқишларида ҳам ҳадик пайдо бўлган эди.

— Тошкентдан шунчалик безор бўлганмисиз? — ҳамон елкаси оша қараганича сўради Малика. Бу туришида у жуда ҳам жошибадор бўлиб кўринарди.

— Нега энди... — Қудрат ажабланиб елка қисди. Сўнг қувноқ оҳангда қўшиб қўйди. — Нима, қишлоғин-

ғизга нуқул ўз жойпдан безор бўлганлар келишадими?

— Қайдам...— Малиқа дарвоза томонга юзланди. Худди Қудратнинг гапи малол келгандек оғриниб жавоб берди.— Сиз келибсиз-ку.

Қудрат сесканиб кетди. Маликанинг гапи худди қамчи зарбидек этларини зирплатиб юборди.

— Тақдирни табдил қилиб бўлмайди, Маликахон, — деди Қудрат бўшашибгина. У раисага эргашиб бу ерга келганига афсусланди. Агар бирга келмаганида бундай ёқимсиз гаплар бўлмасмиди.— Асли тақдирда мана шу қишлоққа келиб яшаш бор экан, шекилли.

— Сиз эскиликка ишонадиган ирмичига ўхшайсиз-ку,— Малика уни калака қилгандек истехзоли кулимсиради.

— Бу сўз ишлатилмай қўйилгани учун сизга ғалати-роқ туюляпти.— Қудрат унга астойдил тушунтиришга уринди.— Табдил — инсон қисматини олдиндан айтиб бериш, каромат қилиш дегани. Шоир Эргаш Жуманбулбул бир достонида Гўрўғлининг тақдирига куйиниб...

— Сиз нуқул эртақ айтиб юрасизми, дейман-а?— Маликанинг овози совуқ жаранглади.

Қудрат эндигина гапиришга оғиз жуфтлаган эди. Малика шахт билан дарвозани очиб ичкарига кириб кетди. Қудрат бир зум нима қиларини билмай гангиб турди-да, унинг орқасидан юрди.

Ҳовли чорси боғ. Этакда молхона, товуқ катаклари кўзга ташланади. Унг томонда қишлоқ таомилига биноан қурилган узун айвонли уй. Айвон ўртасига қўйилган хонтахта атрофида худди қуйиб қўйгандек бир-бирига ўхшаш уч бола ўтирар, косадаги қаймоққа тўғралган нонни талашиб-тортишиб ейишарди. Тиззаларини қучоқлаб ўтирган Нигора болаларининг хатти-ҳаракатларини завқланиб томоша қиларди. Унинг юзи янада узун тортиб қолганга ўхшар, кўзлари ўтиришиб, бир парчагина юзини баттар кичрайтириб кўрасатарди. Бироқ унинг кўзларида ҳорғинликдан асар ҳам йўқ. Бир ой мобайнида уйқуга тўйиб-тўймай қурт боққанга ўхшамас, бир оз озган бўлса-да, руҳи тетик эди.

— Мунингизни қаранг, мани нонимни опқўйди,— деди оғзи бурин аралаш қаймоқ юқи Султон йиғламсираб.

— Ҳи...— Сувон укасини тирсаги билан туртди.— Манми? Анови-ку.

— Алдама,— Султон акасига қараб афтини буриштирди. Аммо йиғламади. Онаси ёнини олмай индамай ўтиришидан билдики, йиғлаганидан фойда йўқ.— Сан единг. Бер.

— Қани?— Сувон оғзини катта очиб кўрсатди.

— Еб қўйибсан-ку,— Султон бурнини енгига артиб ҳиқиллади.— Ачопат.

— Анови деяпман-ку,— Сувон укасини яна тирсаги билан туртди.— Кўзинг борми?

Сиёвуш уларнинг жанжалига аралашмай ўтирар, косадан бош кўтармай нонни қаймоққа булаб поққос туширарди. Нигора унинг усталигидан завқланиб жилмайиб ўтирарди. Ҳали ўзи бир тишлам нон емаганини, бир ҳўплам чой ичмаганини хаёлига ҳам келтирмасди. Ўғил болаларга унча-мунча овқат юқ бўлмайди. Жони ичига сигмай елиб югуришади. Гўё улар тек турса, ер айланмай қоладигандек...

— Қаймоқдан бизга ҳам қолдими?— дея овоз берди Малика айвон зинасига қадам қўяркан.

Нигора ирғиб ўрнидан турди. Болаларининг қилигига маҳлиё бўлиб меҳмонларни пайқамай қолганидан хижолат чекди. Ўтирганга остига босилиб ёғжим бўлиб қолган кўйлак этаklarини сидириб текисларкан, шоша-пиша оёғига калишини илди. Малика бир неча бор келиб, иккаласи яна илгаригидек яқин, сирдош бўлиб қолганидан қучоқлашиб кўришди. Қудратга бир қараб қўйди-да, дарров кўзларини ерга тикди. Овози эшитилар-эшитилмас салом берди.

— Вой ўлмасам...—у бир зум нима қиларини билмай довдираб қолди. Бет-қўли қаймоқ юқи болалар меҳмонларга анграйиб қараб туришарди.— Қани, уйга кира қолайлик, опа...

— Шундай баҳаво ҳовлини қўйиб ичкарида нима бор,— деди Қудрат болалар томонга юраркан. Сўнг энгашиб Султонга қўл узатди.— Қани, бир кўришиб қўяйлик-чи. Салом бермайсанми?

Султон нотаниш одамнинг узатилган қўлига қараб туриб беихтиёр ўзининг қаймоқ юқи қўлига кўз ташлади. Аммо қўлини артиш лозимлиги эсига келмади. Нима қилишини билмай яна нотаниш кишига қаради. У хонтахта тагида ётган сочиқни олиб, Султоннинг қўлини артди. Оғзи-бурнигача тозалаб қўйди. Сиёвуш унинг

оғзини артиб қўйишини кутмасданоқ ўзи сочиқни олди.

— Мана энди кўришсак бўлади. Ҳаммамиз чинни-дек бўлди, тўғрими,— у ҳайратдан кўзлари дум-думалоқ бўлиб кетган Султоннинг бурнини чимдиб қўйди. Бола кулишини ҳам, аччиғланишини ҳам билмай орқасига тисарилди. Бироқ Қудрат унинг қўлидан тутиб ўзига тортди. Меҳр билан бағрига босди-да, мағиздек қип-қизил юзидан чўли этиб ўпти. Шундан кейингина болага кафтини тутди.

— Менинг отим Қудрат амаки. Сеники-чи?

Султон ийиб унга суркалди. Акаларининг ҳавасини келтириб Қудратнинг кўксигаги безак учун ишланган қаҳрамонлик нишонини ўйнай бошлади. Ўзига ғоят мароқли туялган машғулотдан чалғимасдан отини айтди.

— Ўҳ-ҳў, султон бўла туриб битта иштонга ёлчимабсан-да, а,— деб кулди Қудрат. Бироқ болакай унинг сўз ўйинини тушунмай кўзларини пирпиратганини кўриб, изоҳ берди.— Султон нима деганини биласанми? Султон — бу подшо. Подшонинг ҳамма нарсаси бўлади.

— Отиямми?— ишонқирамай сўради Султон.

— Албатта,— Қудрат худди тенгқур ўртоғи билан гаплашаётгандек бош ирғади.— Унинг кўп отлари бўлади. Доим чиройли кийиниб юради. Сен Султонман дейсану ялонғоч юришингни қара.

Қудрат болакайнинг нозик жойига бармоғини теккизиб ўйнади. Султон қийқириб кулганича унинг қўлидан юлқиниб чиқди. Хонтахта атрофига кўрпача тўшаётган онасига қисталанг қилди.

— Шимимни топиб беринг.

— Катта уйнинг тоқчасида турибди. Ўзинг кийиб ола қол,— деди Нигора унга қараб ҳам қўймай.

— Йўқ, унисини эмас,— Султон онасининг қўйлагидан тутиб тортди.— Ҳалиги... чўнтаги борини кияман.

— Биров келганда бу нимаси?— Нигора боланинг қўлини силтаб ташлади. Сўнг тўнғичига буюрди.— Бор, акаси, сен топиб бер.

Бу ажойиб амакига ўзини танитмай туриб уйга кириб кетиш Сувонга алам қилди. У бевақт хархаша бошлаган укасига ола қараш қилиб, биқинига нуқиди.

— Қачон қараса ҳиқиллагани-ҳиқиллаган. Тантиқ,— деб тўнғиллади у уйга кира туриб.



Нигора меҳмонларни ўтиришга таклиф этгач, дарров дастурхонни алмаштирди. Қанд-қурс олиб чиқди. Косага қаймоқ сузиб келди. Чой қуйиб узатгач, дастурхон попугини ўйнаганича ўтираверди. Қудрат унинг ҳолатига заррача эътибор бермай болаларни гапга солишда давом этди.

— Қани, буёққа кел-чи,— у онасининг пинжига кириб ўтирган болани ёнига чақирди.— Отинг нима. Сиёвуш. У-ў... Зўр-ку. Биласанми Сиёвуш ким бўлган? Ўтда куймас, сувда чўкмас баҳодир бўлган. Одам ҳам ўтда куймайди, деб ўйлаяпсан-а. Кўзингдан билиб турибман. Куймайди.

— Қандай қилиб?—қизиқсинди Сиёвуш.

— Бунинг учун киши ростгўй бўлиши керак. Билдингми?— Қудрат бу болага ҳаётнинг энг муҳим сирини очаётгандек астойдил тушунтира бошлади.— Сиёвуш подшонинг ўғли бўлган. У ҳеч қачон ёлғон гапирмаган. Одамларга яхшилик қилишни ўйлаган. Унинг иши ичи қора, ёмон одамларга ёқмаган. Улар Сиёвушга тўхмат қилиб, отасига ёлғон-яшиқ гапларни айтишган. Уни жуда бўлмағур гуноҳда айблашган. Шунда Сиёвуш катта гулхан ёқишни буюрган. «Отим билан гулханнинг устидан сакраб ўтаман. Агар айбдор бўлсам, куйиб кетаман. Бегуноҳ бўлсам омон қоламан», деган. У ростгўй, ҳалол бўлгани учун ўтда куймаган.

Нигора Қудратга қизиқсиниб қаради. Эри ҳам кўп китоб ўқийди. Лекин кам гапирди. Баъзи-баъзида болаларига эرتак айтиб бермаса, ўзи ўқиб, ўзи маст бўлиб юраверади. Бу киши жуда гапга уста экан. Ўғлининг отига боғлаб эртак тўқиганини қаранглар-а. Ё ростдан ҳам шунақа бўлганмикан? Бу дунёда у кўрмаган, билмаган нарса кўп. Қай бирига ортсин. Рўзғор ташвиши билан ўралашиб қолган. Бола-чақаларидан ортмайди. Бўлмаса у ҳам китоб ўқирди-я. Бир пайтлари у ҳам не-не китобларни ўқиган. Эҳ-ҳе... «Ўтган кунлар»ни уч қайта ўқиб чиққан. Ҳар сафар ўқиганида хун бўлиб йиғлаган эди. Онаси, бу қанақа нарса эканки, ўқимасингдан йиғлатади, деб китоб билан бошига бир урган эди. У китобни нондек муқаддас деб ўйларди. Қалтак вазифасини ўташи ҳам мумкинлигини ҳаёлига келтирмаган экан. Онасининг қилган иши унинг тасавуридаги сирли, илоҳий бир нарсани чил қилиб ташлади. Шу нарса сабаб бўлдимки ёки унинг юмушларидан қўли бўшамай қолдимки, ҳайтовур

ўша воқеадан кейин китоб ўқишга бўлган ҳафсаласи сусайди. Тасодифан қўлига тушиб қолса ўқирди-ю, бўлмаса астойдил кетидан қувиши қолди. Бир пайтларда, болалигидами-ей, ўқиган «Тоҳир Зухра», «Ерилтош» лар ҳали ҳам эсида. Айниқса Зухранинг неча кунлик азобга чидаб, бир кунга сабри етмаганини ўйлаб эзилганлари-чи... Айтишларича Зухра Тоҳирнинг қийма-қийма қилинган танасини бир саватга солиб, бошида кўтариб юраркан. Шу зайл қирқ бир кун кўтариб юрсанг, Тоҳирга жон битади, дейишган экан. У чўлма-чўл, тоғма-тоғ қирқ кун юрибди. Ҳориб-чарчаб бир дарёнинг бўйига келса, бир шум кампир қора қозонни қум билан ишқалаб ўтирганмиш. «Ҳой, момо, нима қиляпсиз? Ҳеч маҳал ишқалаган билан қора қозон оқарармиди?» дебди Зухра. Шунда жодугар: «Сен Тоҳирнинг қиймалаб ташланган танасига жон битади, деб кўтариб юрганигда, қора қозон оқармасмиди», дебди. Зухра, рост айтасиз, момо, деб саватни ерга қўйибди. Шу пайт саватдан: «Қирқига чидаган бирига чидамадингиз-а, Зухраҳон», деган овоз эшитилибди. Зухра шум кампирнинг макрига учганини билиб зор-зор йиғлабди. Бу ривоятни эсласа ҳали-ҳали бадани жимирлаб кетади. Ростини айтгандаку унинг эртакларга хаёлини чалғитиб юришга вақти йўқ. Ҳали қозон-товоққа, ҳали мол-ҳолга қарашга, ҳали далага югуради. Яхшиям раиса мажбур қилиб болаларини боғчага бердирди. Анча сон кириб қолди уларга ҳам.

Эшик очилиб Қудратнинг қизиқ гапларини эшитолмай қолганидан аламзада Сувон билан жинси шим кийган Султон чиқиб келди. У қўлларини чўнтагига солган, гоят мамнун ва мағрур эди.

— Маъна бу бошқа гап,— деди Қудрат ўзини бениҳоя ҳайратланган қиёфага солиб.— Маъна энди исминга яраша йигит бўлсан. Лекин шиминг жуда зўр экан. Чет элники шекилли?

— Йўқ, ўзимники,— деди Султон ҳамон чўнтагидан қўлини олмай.— Отам опкелиб берганлар.

— У, отанг сени жуда ҳам яхши кўрарканда, а.

Султон лабларини чўччайтирганича бош ирғади. Отасининг суюмли боласи бўлиш, бунинг устига чўнтаги бор шим кийиб юриш қайси болага ёқмайди. Бунақа шимнинг чўнтагидан кечгача қўлингни чиқармай юрсанг ҳам бўлади. Хоҳласанг онанг берган конфетни шиммай чўнтагинга солиб қўясан.

— Қаранг, нимама бор,— Султон чўнтагидан икки дона ёнғоқ олиб кўрсатди.

— Ҳи, мақтончоқ,— деди Сувон гаши келиб.

— Биттасини менга берасанми?— Қудрат худди ёш боладек кўзларини ўйнатиб сўради.— Иккаламиз ўртоқ бўлардик.

— Майли,— Султон ёнғоқни унинг кафтига қўяркан, мамнун илжайди. Афтидан бу одам билан ўртоқ бўлиш унга маъқул келган эди.

— Менга-чи?— деди шу пайтгача уларни жимгина кузатиб ўтирган Малика ҳам Султонга қўл чўзиб.— Менга ёнғоқ бермайсанми?

Султон дам қўлидаги ёнғоққа, дам Маликага қараб кўзларини пирпиратди. Охирги ёнғоқни унга бериб юборишга кўзи қиймасди.

— Бер,— деди Сувон уни турткилаб.— Ҳи, қизганчиқ...

— Бо-ор,— Султон акасига қараб афтини буриштирди. Сўнг Маликага юзланиб сўради.— Уйингизда ёнғоғингиз йўқми?

Малика бош чайқади. Султон унинг ҳолига ачиндию, бироқ биттагина ёнғоғини сира бергиси келмасди. Шу боис гапни айлантира бошлади.

— Яна чўмилтириб қўясизми?

— Бўпти,— Малика бажонидил рози бўлди.— Машинада катайса ҳам қилдираман.

Ёнғоқ ҳар қанча қимматли бўлмасин, бари бир машинада катайса қилиш истаги голиб келди. Султон қўлидаги ёнғоққа сўнгги бор қараб хўрсинди. Шундан кейингина истар-истамас узатди. Малика ёнғоқни ола туриб уни ўзига тортди. Болакай шодон қийқариб унинг бўйнига чирмашди.

— Ҳай, бу нимаси? Опангни ўз ҳолига қўй,— деди Нигора нотаниш меҳмоннинг олдида хижолат бўлиб.

— Султон бўлганидан кейин ихтиёри ўзида,— Қудрат уни хижолатдан қутқариш учун ганга аралашди.— Сиз унга буйруқ беролмайсиз. Тўғрими?

Ҳамон Маликанинг бўйнига осилиб турган Султон илжайганича бош ирғади. У ўзининг подшо эканлигини дафъатан билиб қолган, чекланмаган ҳуқуқларидан тўла-тўкис фойдаланишга ҳаракат қиларди. Малика Султонни бағрига босганича Қудратга ўғринча кўз ташлади. У ёнида чўкка тушиб ўтирган Сувоннинг бошینی силаганича меҳри товланиб боқар, ора-сира

Сиёвусга қараб кўз қисиб қўярди. Болалар биринчи дафъа кўраётган бу нотаниш одамга бирпасда эл бўлиб қолишди. Гўё улар кўп вақтдан бери бир-бирини биладигандек, унинг фаройиб эртақ, ривоятларини тинглаб юришгандек оғзини пойлаб туришарди. Бола зоти ҳаммани ҳам яхши кўравермайди. Улар синчи бўлишади. Бир кўргандаёқ ҳар қандай одамнинг кўнгли қандайлигини билиб олишади. Ҳар қанча гапга уста, саҳоватли бўлмасин, жини суймаган одамнинг яқинига йўлашмайди. Қудратнинг болаларни ийдирадиган бўлакча бир нарсаси бор шекилли. Табиат нотанти бўлмаса шундай одамни тирноққа зор қилиб қўярмиди. Балки, шундай бўлгани яхшидир... Ким билсин... Малика ўз ўйидан уялиб кетди. Султонни бағрига босиш баҳонасида юзини яширди.

Сувон сўроқ навбати ўзига келганини билиб, шунга чоғланиб ўтирарди. Бироқ Қудрат ҳадеганда гап сўрай қолмас, нуқул ҳовлидаги памидор тупларини, дов-дарахтларни томоша қиларди. Онаси ҳам ғалати, бу тўнғичим, оти фалончи, деб қўя қолса бўларди-ку. Индамаётганини. Бола ўзича менинг отим Сувон дейишга ботинмас, тўғрироғи меҳмон амаки мақтончоқ экан, деб ўйламасин, деган андишага борарди. Отаси бўлганда меҳмонга олдин уни таништирган бўларди.

Малика Нигорани имлаб ўрнидан турди. Қудратнинг савол назари билан қараганини кўриб изоҳ берди:

— Сиз бу тўра йигитлар билан гаплашиб туринг. Бизнинг пичирлашиб оладиган сиримиз бор.

У қувноқ жилмайиб уйга кирди. Нигора қисиниб-қимтиниб унинг орқасидан эргашди. Бегона эркакнинг олдида ер чизиб ўтиришдан халос этгани учун у раисадан миннатдор бўлиб кетди. Малика ичкарига кириб уй ичига разм солди. Ҳаммаёқ саранжом-саришта, супириб-сидирилган. Фақат бурчакдаги шифоньернинг ярим очиқ эшигидан думалоқлаб ташлаб қўйилган кийим-бошлар кўриниб турибди.

— Мен сизни табриклагани келувдим,— деди Малика газета ўрамини оча туриб.— Планни биринчи бўлиб бажардингиз.

— А?!..— Нигора бармоғини тишлаганича туриб қолди. Шунча кунлик меҳнати зое кетмагани кўнглини ифтиҳор туйғусига тўлдирди.

— Планни ошириб бажарганларга совға-саломлар берилади. Бу ҳозирча...— Малика найкамалак янглиғ

товланиб турган атлас кўйлакни бўйи баробар тушириб юборди.— Шахсан ўз номимдан.

— Вуй, чиройлилигини...— Нигора яқин келиб кўйлакни сийпаб кўрди. Яна бармоғини тишлаганича бошини дам ўнгга, дам чапга қийшайтириб томоша қилди. Кўзлари қувончдан порлаб кетди.

— Қани, кийиб кўринг-чи,— Малика унга кўйлакни узатди.— Кўз чамаси билан тикилган-да, тўғри келармикин?

Нигора кўйлакни ола туриб бирдан қўлини тортди. Кўзларидаги қувонч хавотирга ўхшаш бир ифода билан алмашинди.

— Йўғ-э...— У беихтиёр орқасига тисарилди.

Малика ундаги ўзгаришни дарров пайқади. Кўйлакни қўлига тутқазаркан, астойдил ўпкалади.

— Сизни кўнглимга яқин олиб келсам нега бундай қиласиз? Мана шундай ҳар хил бахонаю сабаблар билан яқинлашиб, сирдош ўртоқ бўлиб кетсак ёмонми? Агар истамасангиз келмаслигим мумкин...

Малика юрагидаги дардини айтди. Яқиндан бери у ёлғизлигини аниқ сеза бошлади. Синфдош дугоналари аллақачон турмушга чиқиб ҳар томонга тарқаб кетишди. Иккитаси билан жуда яқин эди. Лекин мактабни тугатганидан кейин у иши билан бўлиб кетди, улар рўзғоридан ортишмади. Бора-бора бир-бирини йўқламайдиган, соғиниб излашмайдиган бўлишди. Меҳр кўзда, деб бежиз айтишмаган. Тез-тез йўқлашиб турмаса ўртадаги меҳр йўқолади, оқибат қолмайди. Яқин дўстлар ҳам бегонага айланади. Малика ишга муккасидан кетиб, фақат ўзинигина ўйлаб, дўстларидан айрилиб қолганини сезмади. Илгари у Камол билан қандай яқин эди. Уйланаётганида ўзи елиб-югуриб хизмат қилган. Бироқ тўйдан кейин бу хонадондан бутунлай қадами ни узди. Йўқ, бирор алами, хусумати борлиги учун эмас, иш билан куймаланиб юраверди. Катта хўжаликка бош бўлиш қийин экан. Доим одамларнинг гамида юради-ю, бироқ аслида улардан йироқ, ёт бир одамга ўхшайди. Каттадан-кичик у билан расман, фақат иш юзасидан гаплашади. Дунё мири кам деганлари рост. Инсон ҳаёти ҳеч қачон тугал бўлмайди. Малика ҳозир яқин дўстларининг илиқ меҳридан бўлак ҳеч нарсага муҳтож эмас. Аммо одамлар ундан ётираб, тараф-тарафга қочиб юришибди. Нега? У шунчалик ёмонми? Одамларга зулм ўтказяптими? Ё уларнинг

ризқини қийяптими? Бировларнинг бахтига кўз олай-тиряптими? Унинг гуноҳи нима ахир? Нега ҳамма ундам безиллайди?

Малика оғир тин олди. Ҳатто Қамол билан ораларга буъйилишига ҳам иш сабаб. Мундай ўйлаб кўрса, биров билан ишдан ташқари ҳеч нарса ҳақида гаплашмас экан. Одамларни яхши кўриши ҳам, ёмон кўриши ҳам фақат иш туфайли. Наҳотки, уни одамларга боғлаб турган бошқа сабабу ўзгача ришталар бўлмаса?

Раисанинг гапи Нигорани ҳовлиқтириб қўйди. Шундай одам у билан яқин бўлмоқчи-я.

— Вой, нега ундай дейсиз, опагон?— Нигора қўлидаги қўйлакка бир қараб қўйди. Зеб-зийнат, чиройли либос аёл кишининг кўзини ўйнатмай қолмайди. Унинг юзига яна мамнуният ифодаси балқиди.— Қанийди кеп турсангиз. Оёғингизни гардини қошу қовоғимга суртаман-ку.

Малика шарақлаб кулиб юборди. Ҳозиргина юрагини эзиб, азоб бераётган ўйлар тарқаб кетгандек туюлди.

— Нима, нима? Яна бир қайтаринг-чи.

Нигора бирон ноҳўя гап айтиб қўйдиммикин, деб кўрқиб кетди. Аммо Маликанинг самимий кулаётганини кўриб, сухани унга ёққанини билди. Қувониб кетди.

— Қўйинг-э,— деди тескари ўғириларкан. Бироқ шифоньернинг бўй баробар ойнасидаги ўз аксига қўзи тушгач, баттар уялиб кетди. Қўйлак билан юзини яширди.— Гапирмай ўла қолай...

— Вой, вой, нима қилиясиз?— Малика шошиб унинг қўлидан қўйлакни олди.— Гижим қилиб юборасиз-ку. Ечининг дарров.

— А?!..— Нигоранинг кўзлари пирпиради. Маликанинг нима деганини яхши англамади шекилли, талмов-сираб сўради.— Нега?

Малика яна яйраб кулди. Ҳамма нарсага ажабланиб, ҳайратланиб қарайдиган бу соддадил жувонни яхши кўриб кетди. Нигоранинг назарида дунё худди унинг ўзидек покиза, ҳар қандай қувлик, шумликлардан ҳоли. У амалу шуҳрат учун елиб-югуришларни тушунмайди. Умуман, бундай нарсалар ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Ўз оиласининг фароғатидан бошқа ҳеч нарса унинг фикрини чалғитолмайди. Унинг бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам мана шунда. У Маликага ўхшаб би-

рон ишга қўл уришдан олдин бу нарсага ўзидан бир поғона юқоридагилар қандай муносабатда бўларкин, деб хавотирланмайди. Нигоранинг энг катта бошлиғи ҳам, энг яқин сирдоши ҳам эри. Энг катта қувончи эса болалари.

— Кийиб кўрмайсизми кўйлакни?

— Ҳа-я...— Нигора кўйлагининг этагини кўтариб ечмоқчи бўлди-ю, бироқ шу заҳоти фикридан қайтди. Шифоньернинг қия очиқ эшигини ланг очиб унинг панасига ўтди. Малика унинг қилган ишига завқи келиб аста қўлини узатди-да, биқинини чимчилади. Нигора сапчиб тушди.— Қилиғингиз бор бўлсин-ей.

— Одамлар сизни заҳар дейишарди, тилингиз ширин экан-ку.

— Ҳаҳ одамлар ўла қолсин, уларга қолса нималар дейишмайди.— Нигора атлас кўйлакни кийиб, эшик панасидан чиқди. Ойнага кўз қирини ташлаганича сўради.— Қаранг-чи, ярашибдими?

Малика унинг дам уёғига, дам буёғига ўтиб томоша қилди. Елкаларини, кўкрак бурмаларини бармоқ учлари билан текислаб қўйди. То тўпигигача тушиб турган этагини қайириб, қанча қисқартиришни мўлжаллади. Шундан кейингина унинг икки елкасидан тутиб, ойнага қаратиб қўйди. Ойнадан озгинлигини ҳисобга олмаганда истараси исеиққина жувон қараб турарди. Атласнинг жилоси урганиданми ёки қувончданми унинг этсиз юзига қизиллик югурган, ботиқ кўзларида ададсиз бир қувонч бор эди.

— Жуда ҳам ярашди. Буюрсин,— Малика уни қучоқлаб ўпти. Нигора эриб кетди.— Доим мана шундай ясаниб юринг энди. Ҳечам эгнингиздан ечманг.

Нигора индамас, у жуда ғалати бир туйғуни бошидан кечирарди. У кўйлаксиз қолган эмас, кияман деса бир сандиқ атлас тахланиб ётибди. Фақат кўзи қиймасди, яхши кунларига атаб асрарди. Бўлмаса эри яхши кий, деб тикилинч қилгани қилган. Баъзан турткилаб ҳам қолади. Нигора унинг инжиқлиғининг боисини ҳеч тушунолмайди. Эртаю кеч ўчоқ бошида, молхонада ўралашса, далага чиқса қандай қилиб атлас, шойига ўралиб юради. Ҳаммага кулги бўлади-ку. У тузукроқ энгил кийиб бирор жойга бормаганига ҳам анча бўлганиданми, янги кўйлак унинг қитигини келтираётганга ўхшарди. Ойнага қараб туриб ўзига ўзи чиройли кўриниб кетди. Зўрға тирикчилиги ўтаётган, кўли қалта

одамлар бўлса эканки, ҳа энди, бор борича, йўқ ҳолича, деса. Худога шукур ҳеч кимдан кам эмас. Сигир бузоғи, тўртта қўйи бор. Тўй қилишса гўштга зори қишмайди. Жуда данғиллама бўлмаса ҳам ҳовли-жойи ўзига яраша. Эрининг топиш-тутиши ҳам ёмон эмас. Ўзи ҳам ой сайин эллик-олтмиш сўм олиб туради. Ҳар қанча ўйнаб кулса, турли-туман кийса ярашади. Фақат... Ҳафсала етишмайди, холос.

— Энди бу ерга ўтиринг,— Малика бир зумда унинг соч ўрими ечиб, силлиқ қилиб таради.— Сизни шунақа чиройли қилиб юборайки, ҳатто эрингиз ҳам танимай қолсин.

— Қўйинг-э, унақа бўлса керак эмас...

Малика хандон ташлаб кулди. Беозор бир ҳаракат билан Нигоранинг кифтига туртиб, худди танбеҳ бергандек сўради:

— Шунчалик яхши кўрасизми эрингизни?

Нигора Маликанинг ойнадаги аксига боққанича ўйланиб қолди. У бунақа нарсалар ҳақида сира ўйлаб кўрмаган. Тақдир уни Камол билан топиштиради. Ҳаётдан нолимайди. Кўп қатори яшашяпти. Тўғри, ҳаёти доим асалдек ширин эмас, лекин тахир ҳам эмас. Эри уриб-сўкадиган, баъзан суюб эркалайдиган пайтлари ҳам бўлади. Бола-чақаси кўпайганидан бери у эрининг қош-қовоғига ҳам қарамайдиган бўлиб қолган. Лекин унинг қадам олишидан огоҳ бўлиб туришга ҳаракат қилади. Уйқудан турган заҳоти бет-қўлини ювишга сув тайёрлаб қўяди. У ҳовлини бир айланиб киргунча дастурхон ёзилаб, чой тахт бўлади. Камол ишдан келмагунча очин-тўқин ўтираверади. Ҳеч қачон ёлғиз овқатланмайди. Болаларига едириб ичиради-ю, ўзи эрини кутади. Камол бирор ёққа отланса қаёққа кетяпсиз, қачон келасиз, деб суриштирамайди. Эркак одамнинг майли ўзида, деб ҳисоблайди. Онаси шундай таълим берган. Эркак кишини тергаган хотин бахтсиз бўлармиш. Онаси доим, эркак одам ярим пир, ҳурматини жойига қўйиш керак, дейди. У онасининг ўнгитларига амал қилиб кам бўлаётгани йўқ. Шундай ширин болаларга она бўлди. Тўғри, Маликага ўхшаб ялт-юлт товланиб юролмайдди. Бунга вақти ҳам, имкони ҳам йўқ. Доим иш билан машғул. Мана бунақа атлас кийиб юрмаса ҳам тани соғ, бировдан қарзи йўқ. Эри... куйдирмайди. Яхши кўриш дегани мана шудир. Ё бошқача бўлармикин? Йўғ-э... Улар Тоҳир Зухрамидики..



— Ҳа-а...— Малика унинг сочини бошининг орқасига турмаклай туриб оҳиста туртди.

— Ким билади дейсиз, опа,— Нигора кўзларини пирпиратганича елкасини қисди.— Яшайпмиз-ку.

Малика ундан бошқача гап кутганди. Эримни яхши кўрмасам яшармидим, деса керак деб ўйлаганди. Нигора одатдагидек ўзига ярашадиган гап гапирди. «Унинг бахти мана шу оқ кўнгиллигида,— дея яна хаёлидан кечирди Малика.— Ҳозирги замонда бунақа соддадил бўлиш қийин. Кўпинча эриш туюлади. Лекин ёнингда мана шундай одам борлиги қандай яхши. Фақат беғамлигини йўқотиш керак».

— Анови киши ким, опа,— тўсатдан сўраб қолди Нигора.— Комиссиями?

Маликанинг бармоқлари бирдан ҳаракатдан тўхтади. Оппоқ, тиниқ юзига дув этиб қизиллик югурди. Аммо ҳолатини фош этиб қўймаслик учун кўзларини яширганича сўради:

— Кимга ўхшайди?

— Билмасам...— Нигора дераза томонга юзланганича елкасини учирди.— Комиссиями десам болаларга эртак айтиб ўтирибди. Бекорчи одамми десам, савлати парт-пурт от ҳуркитади.

— Қани топинг-чи,— Малика атай гапни чўегиси келди.

— Сиз билан юрганидан кейин кичкина одам эмас-да, ишқилиб.

Қия очиқ эшикдан Қудратнинг худди қўшиқдек ёқимли овози эшитиларди.

—...Сувонхон от ўйнатиб, дарвозадан чиқиб кетди. Ёвнинг кўзи унга тушди. У Қорахон подшога шер ҳайбатли бўлиб кўринди. Шунда у: «Бу қандай бало экан?»— деб Толмос полвонни юборди. Сувонхон Толмос ботирни енгиб, қулоқ, бурнини кесиб, отга тескари миндириб жўнатди. Қорахон подшо оқ чодирдан чиқиб қараса, полвони келаётир: қулоқ бурни йўқ. Қорахон подшо қарганинг кўзидан урадиган мерганларнинг тўққиз мингини танлаб Сувонхонга қарши юборди.

— Опа-ей...— деди Нигора худди эриб кетаётгандек чўзиб.— Овози бирам ёқимли эканки бу кишининг.

Ўзи ҳам кутмаган ҳолда Маликанинг гаши келди. Ҳали тузукроқ, сирлашиб улгурмаган йигитни ундан қизганди. Нигора уни Қамолнинг тирноғига ҳам олмаслигини билса-да, бари бир рашк қилишдан ўзини тиёл-

мади. Бу ҳис бир зумда унинг вужудига ўт ёқиб, юрагида адоват уйғотди. У бировга кўнгил қўйиб, уни ўзгалардан қизганишнинг ҳам ўзига яраша завқи борлигини илк дафъа ҳис этди. Бу ҳис анчайин ёқимсиз бўлса-да, бари бир юрагини орзиқтирди.

— Мактабимизга ўқитувчи бўлиб келган,— деди Малика машғулотини тугатаркан. Сўнг Нигорани бутунлай тонг қолдириб қўшиб қўйди.— Менга уйланмоқчи.

— А-а...— деди Нигора оғзи очилиб. Афтидан у раисанинг нима деганини яхши англаёлмади чоғи, қайтариб сўради.— Уйланмоқчи дейсизми?

— Яқинда совчи юборибди,— деди Малика ҳовлига қараган деразадан Қудратга ўғринча кўз ташлаб.

— Нима жавоб қилдингиз?— Ҳовлиқиб сўради Нигора.

Малика унинг рўпарасига ўтирди. Нигоранинг бўйнига қўл солди. Унинг қитиғи келиб, ўзини уёқдан-бўёққа ташлаганига қарамай куч билан ўзига тортди. Пешонасига пешонасини тираганича хўрсинди.

— Ҳали жавоб берганим йўқ,— деди синиқ овозда.

— Қизиқмисиз,— Нигора жаҳл билан бошини тортди. Кўзларида норозилик ифодаси пайдо бўлди.— Нега жавоб бермай юрибсиз?

Малика шифоньернинг эшигини зичлаб ёпгач, бўшашиб суянди. Кафти билан пешонасига тушиб турган майда соч толаларини силаб орқага ётқизди, айвонга яна бир қур кўз ташлагач, ўйчан бир алфозда жавоб берди.

— Қайдам... Синашта бўлмаган одам...

— Туси яхшидан чўчима, деган гап бор-ку,— деди Нигора куюнчаклик билан. У раисанинг бахтли бўлишини жуда ҳам истарди.— Шундай одамга тегмасангиз кимга тегасиз? Раисалигингизга маст бўлиб юравериб қариб қоласиз-ку.

У ўзи билмаган ҳолда Маликанинг ярасини тирнаб юборди. У аллақачон қариб бўлган. Танлаб эр қиладиган вақти ўтган. Кўзларига сурма тортиб, қошини тегиб, тароққос бойлаб юргани билан ичидан нима ўтаётганини ёлғиз ўзи билади. Онаси беш кунлигим борми, йўқми, деб зорланганларида юраги эзилиб, хун бўлиб кетади. Нима қилсан, тақдир унга камдан-кам одамга насиб қиладиган шон-шавкат, амал берди. Аммо бошқа бир нарсадан бенасиб этди. Йўқ, у қисматидан

нолимайди. Ҳамма ҳам шундай мартабага эришсин-чи. У фақат тақдирнинг нотантилигидан куяди, холос. Ҳаётини ҳар жиҳатдан тўқис қилиб қўя қолса бўлмасмиди? Ёши бир жойга борганда хотин қўйган бир одам совчи юбориб ўтирмаса... Қудратнинг ўзи айтганидек тақдирни табдил қилиб бўлмас экан. Пешонасида нелар борлигини у қайдан билсин.

— Болаларни яхши кўришини қаранг. Меникига ўхшаган бир-иккита тойчоқлардан бериб қолса, улар билан овора бўлиб раисалигингиз ҳам эсингиздан чиқиб кетади. Болали уйда тинимингиз ҳам бўлмайди-ю, лекин чарчаганингиз ҳам билинмайди. Кўп ўйланавермасдан дарров тегиб олинг шу кишига.

Малика бир нуқтага тикилганича хаёлга толган, Нигоранинг гаплари қулоғига кирмасди. Унинг фикрлари чувалашиб, боши ғувуллар, нимани ўйлаётганини ўзи ҳам аниқ билмасди. Ташқаридан ҳамон Қудратнинг ширали овози эшитилиб турарди:

—...Сувон ёвнинг устига юриш қилди. Қиличини қўлга олиб душман ичига кирди. Лекин лаҳм ичида пусиб ётган мерганлар пайт пойлаб туриб уни баробар ўққа тутди. У саккиз жойидан яраланди. Сувоннинг хаёли қочди. Қаноти синган лочиндай бўлиб, отнинг ёлига ётиб, жанг майдонидан чиқиб кетди.

«Қизиқ одам экан,— дея хаёлидан кечирди Малика.— Дарсада ҳам эртак ўқийди. Кўчада ҳам. Ҳаёт афсона эмас-ку. Наҳотки, шунини билмасан? Билар... Ўйлаган бир нарсаси бордирки, эртак айтиб юргандир».

— Қиз болани ёшлигида узатиб юборишгани яхши экан. Нима бўлаётганини тузукроқ суриштириб ўтирмай шартта эрга тегиб қўя қолади,— Малика худди ҳориган одамдек эзилиб ўтирарди. Юзига хаёл кўланка ташлаган, кўзлари дардчил боқарди.— Ёши ўтган сайин одам қўрқоқ бўлиб қоларкан. Ҳамма томонини ўйлайди.

— Ўйчи ўйини ўйлагунча таваккалчи ишини битиради, опа.

— Менинг ёшимда таваккал қилиб бўлмайди, ўртоқжон, ўйлаб иш тутиш керак,— Малика чуқур хўрсинди.— Менинг ёшимда янглишса, киши хатосини тузатишга улгуролмайди.

— Ёмон ният қилманг унақа...— деди Нигора унинг ҳолига астойдил юраги ачиб.

— Менинг не ўтларда ўзимча ёниб, ўзимча ўчишим-

ни билмайсиз-да, ўртоқжон,— Малика ҳорғин кулим-сиради. Унинг кўзларида ёш ғилтиллагандек бўлди.— Баъзан ҳамма нарсадан тўйиб кетаман. Бир бошимга шунча ғалванинг нима кераги бор, деб ўйлайману, бари бир бўлмайди. Айтаверсам гапим кўп...

— Айтиб-айтиб юрагингизни бўшатиб олинг,— Нигора унинг қўлидан тутиб ўтинди.— Ҳанна юрагингиз бўшайди. Баъзида жуда сиқилиб кетсам, болаларга бақириб-чақираман ё Қамолигиз билан айтишиб оламан. Феълимни билгани учун бунақа пайтларда индамайди. Бошқа пайт бўлса нима қилишини ўзингиз биласиз-ку.

— Урадимми?— шоша-пиша сўради Малика— Золимей...

— Йўқ,— деди Нигора бош чайқаб. У ўзи билмаган ҳолда оилавий сирларини раисага фош қиларди.— Бўлар-бўлмасга ураверадиган одати йўқ. Фақат бир ёмон қараши бор. Кўзини олайтириб ўқрайганида жоним товонимга тушиб кетади. Жовраб турган жойимда нафасим ўчади-қолади.

Малика бўлиқ вужудини селкиллашиб кулди. Бу соддадил жувон ўзи билмаган ҳолда унинг дилидаги ғуборларни аритарди. Ташқаридан ҳамон Қудратнинг ёқимли овози эшитилиб турарди:

— Сувон қандай ботир одам бўлганини билдингларми? Сизлар ҳам унга ўхшаш паҳлавон, мард одам бўлишинглар керак.

Қўйиб берса болалар кечгача унинг гапини тинглаб ўтирадиганга ўхшашарди. Нигора, одамни ўз ҳолига қўясанларми йўқми, деб уларни кўчага қувиб чиқарди. Чойни янгилаб, Қудратни қайтадан дастурхонга қарашга ундади.

— Отаси эртақ айтиб беравериб ёмон ўргатган бу ўлгурларни,— деди Нигора дастурхон четларини ҳимариб ўйнаркан. Ким келса оғзини пойлаб туришади.

— Демак эрингиз жуда ақлли одам экан,— деди Қудрат завқланиб.— Биз болаларга жуда кўп эртақ айтиб беришимиз, дoston ўқиб беришимиз керак. Уларнинг юрагида Гўрўғлига, Алпомишга ўхшашга иштиёқ уйғотишимиз керак.— У ўйга чўмиб ўтирган Маликага юзланди.— Менинг бир орзуйим бор, Маликаxon. Халқ дostonларини айтувчи бахшилар мактаби очилса. Эргаш Жуманбулбул, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир, Пўлкан шоир деган ажойиб дostonчи

шоирлар ўтишган. Илгари Самарқанд атрофидаги тўйларга шундай бахши шоирлар таклиф қилинаркан. Улар тонготар қилиб Гўрўгли дostonларини ўқишаркан. Бахшиларсиз биронта тўй, маърака ўтмас экан. Ҳозир уларнинг номи ҳам унутилиб кетяпти.

— Ҳар бир даврнинг ўз талаби, расм-русмлари бўлади...— истар-истамас эътироз билдирди Малика.

— Бу дostonларни ўқиш ҳозир ярашмайди, деб ўйлайсизми?— Қудрат рансага бир муддат қараб тургач, ўз саволига ўзи жавоб берди.— Менимча жуда ярашади. Мактабларда, пионер уйларида адабиёт тўғараклари бор, а? Бу тўғаракларнинг ҳаммасида шеър ёзишни ўргатади, деб ўйлайсизми? Ҳечамда. Нуқул шеър ёдлашни ўргатишади. Ундан кўра мана шу тўғаракларда халқ оғзаки ижодини ўрганишса, дoston айтишни машқ қилишса бўлмайди? Мен иш юзасидан Қирғизистонга кўп борганман. Улар мактабларга «Манас» айтувчиларни тез-тез таклиф қилиб туришади. Адабиёт дарсларига ҳам, тарих дарсларига ҳам чақиравиришади. «Манас»да қирғизларнинг тарихи, санъатию маданияти, қўйинг-чи, ҳамма нарсаси бор. Бу бахшилар «Манас»ни шундай ўқишадикки, оғзингиз очилиб қолади. Бизда ҳам шунақа қилинса бўлмайди? Бўлади. Фақат ҳафсала керак. Ҳазилакам бойлигимиз борми, ахир. Гўрўгли дostonларининг ўсиёқ қирқдан ошиқ. Бундан ташқари «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Тоҳир Зухра»... Эҳ-ҳе, санаб тугатиб бўлмайди.

Унинг узундан-узоқ гапи Маликага ёқмади. Қаддибаста келишган, савлатли бу одам тўсатда унга доводирроқ туюлди. Бугун унга шу гапни айтмоқчи бўлиб келганмикин?

— Бизнинг қишлоғимизда бахшилар мактабини очгани келганмисиз дейман-а.

Қудрат унинг кесатганини тушунди. Чиндан ҳам бу гапнинг Маликага нима даҳли бор. Ҳамма нарсани ҳам мавриди билан, жойини топиб айтиш керак. У қизиқ гап айтиб, ўртадаги ноқулайликни кўтариб ташламоқчи бўлди.

— Йўқ, бир солимнинг зулмидан қочиб, рўшнолик излаб келганман.

Бироқ унинг гапи Маликага бачкана туюлди. Амалдорлик томирлари ўйнаб кетди. Дарқаҳр бўлиб ўрнидан турди.

— Садақа тилаб юрибман, денг.

Қудрат ҳам аста ўрнидан турди. У Маликанинг ноғохоний ўзгариши боисини тушунолмади. Нима дейишини, нима қиларини билмай иягини қашиганича гангиб түриб қолди. Нигора уларнинг кутилмаганда бунчалик совуқ муомаласидан қўрқиб кетди. Кўзларини пирпиратганича дам Маликага, дам Қудратга қараб меровсираб ўтирарди. Шу пайт кутилмаган ҳодиса юз берди. Ҳовлига оқ сурп рўмол билан юз-кўзини артганича савдойи кириб келди. У раисани кўргач, яқин келишга ботинмай айвоннинг нариги четида тўхтади. Нигорага қараб қўлини чўзди.

— Нон бер...—деди у ҳорғин овоз билан. Афтидан жуда ҳам очқаб кетган эди. Ҳавода муаллақ турган қўли мажолсиз титрар, лаблари қуруқшаб, ёрилиб кетган эди. У аянч жилмайди. Юзи буришиб, оғзи бир томонга қийшайиб кетаётгандек туюлди.— Кўп нон бер.

Нигора то ўрнидан тургунча Малика энгашиб дастурхондан бир бурда нон олди-да, жаҳл билан айвон пастига ташлади.

— Неча марта айтганман, бу ярамасни жиннихонага обориб ташланглар, деб. Йўқ, қулоқ солишмайди. Шунга ҳам ўзим югуришим керак.— Малика худди жирканч бир нарсага нигоҳи тушган одамдек ижирганди.— Бу уйма-уй юриб ҳамманинг ўтакасини ёради.— У олдинга бир қадам босиб ўдағайлади.— Йўқол!

Бироқ савдойи бу сафар ундан қочмади. Оёғи тагига тушиб ётган нонни олиб, енги билан артди. Қон қуйилгандек қизариб турган кўзларини раисадан узмай туриб, нонни аста лабига босди. Сўнг худди елкасига калтак тушишидан қўрққандек қунишганича бир-бир босиб зина олдига келди. Нонни дастурхонга қўяркан, бамисоли ақли-ҳуши жойида одамдек оғриниб гапирди.

— Сенинг нонинг керак эмас,— у дағаллашиб, букилмайдиган бўлиб қолган бармоғи билан Нигорани имлаб кўрсатди.— Менга у нон беради. Берасан-а?— савдойи ялтоғланиб, одамнинг раҳмини келтирадиган даражада бечораҳол бўлиб гапирарди.— Мен-чи, тилла чаноқни топиб обсриб бердим,— у кун ботиш томонини кўреатди.— Энди у зўр бўп кетади. Кўрасан.

Нигора савдойининг ким ҳақида гапирётганини тушунди. Мана шу эси паст одамнинг эрини излаб

шундан шу ёққа боргани ғалати туюлди. Камолни жудаям яхши кўради бу жинни. Ишқилиб, бир касри ур-маса бўлгани.

Нигора битта нон билан бир ҳовуч конфет узатди. Савдойи унинг қўлидаги нарсаларни оларкан, Маликага ёмон қараш қилди. Ундан кўзини олмай орқасига тисариларкан, ёмғирли тунда айтган гапини такрорлади:

— Сенинг юрагингда тош бор. Йиғласанг эрийди. Хо-хо-хо!.. Йиғла, кўп йиғла. Хо-хо-хо!..

У ирғишлаб ўйнаганича чиқиб кетди. Ҳамманинг юраги ғаш бўлиб қолди. Малика шуури ўтмаслашиб, бутунлай фикрлаш қобилиятини йўқотиб қўйган одамдек карахт бўлиб турарди. Қудрат эса томоман ўзгача алфозда эди. У Маликани биринчи марта кўраётгандек узоқ тикилиб турди-да, зинадан туша бошлади. Маликанинг ҳозиргина савдойига қилган муомаласи, нонни отгани унга ёмон таъсир қилган эди. Одамнинг ақлини лол қиладиган шундай хушрўй қизнинг бунчалик тош бағирлиги, табиат ақлу ҳушдан қисган бечора одамдан бир бурда нонни қизгангани юрагининг тубида нафратга ўхшаш бир ҳис уйғотди. Малика унинг тасавуридагидан бутунлай бошқача қиз эканлигини бирданига тушуниб етди. Одамлар бир-бирини синаши учун узоқ вақт керак дейдилар. Аммо ҳаётда шундай сониялар бўладикки, киши арзимаган бир оғиз гапи ёки хатти-ҳаракати билан ўзининг қандай одамлигини билдириб қўяди. Кўпинча мана шундай сониядаги ўйламай айтилган сўз, калтабинлик билан ташланган қадам уни бир умр бахтиқаро қилиб, ҳаммага шумшук кўрсатиб қўйиши мўмкин. Малика ўзига харидор бўлиб турган йигитнинг кўнглида мана шундай нохуш таассурот уйғотиб қўйганини ўзи билмасди.

Улар худди аразлашган одамлардек гап-сўзсиз кўчага чиқишди. Шофёр йигит машинани сояга олиб, газета ўқиб ўтирган экан. Уларни кўргач, дарров моторни ўт олдириди. Малика машинанинг эшигини оча туриб, бирдан фикрдан қайтди. Шофёрга кетаверишни буюриб, пиёда йўлга тушди. Кўнглида ҳамон Қудрат билан очиқ-ёриқ гаплашиш илинжи бормиди ёки икки кўча наридаги идорагача пиёда юриб боришни истаб қолдимиз, билиш маҳол эди. Бироқ Қудратда у билан гаплашиш истаги қолмаган, умуман, раисага эргашиб бу ерга келганига афсусланарди. Агар идорада қола-

верганида ҳозирги воқеани кўрмаган, Малика ҳақидаги тасавури мутлақо ўзгармаган бўларди. У бугун Малика билан холи гаплашиб, кўнглидаги ҳамма сирасрорини тўкиб солмоқчи, ўзининг кимлигини, турмушда омади юришмаганини, уни бир кўргандаёқ ёқтириб қолганини, шунинг учун узоқ ўйлаб ўтирмай совчи юборганини, аввал ўзи билан гаплашишга имкон тополмаганини, идорага келиб унинг қўлини сўрашга ийманганини айтмоқчи эди. Унга айтадиган гаплари кўп эди. Бироқ ҳозир ўйлаб кўрса, нима демоқчилиги ёдида йўқ.

Қудратнинг индамай орқасидан эргашиб келиши Маликанинг гашини келтирди. Амалдор эмасми, фармонбардорлик қилиб ўрганган-да, томдан тараша тушгандек гап қотди:

— Менга киши қўйган экансиз...— деди-ю, бирдан гапининг давомини йўқотиб қўйди. Ҳарна бўлганда ҳам ҳали бировнинг ёқасини искамаган қиз бола-да, шарм-ҳаё устунлик қилди. Дабдурустдан нега бундай гап айтганини ўзи ҳам англаёлмай қолди. Нега совчи юбординг, демоқчи бўлдим ёки одамларинг келмай қўя қолсин, демоқчимиз, билиш маҳол.

Қудрат унга ялт этиб бир қаради-да, афсусланиб бош чайқади. Иягини қашиганича бир зум ўйланиб турди. Сўнг бошини кўтариб сира кутилмаган жавоб қилди.

— Мендан нодонлик ўтган экан. Кечирасиз...

У шарт бурилиб, ён томондаги тупроғи кўпчиб ётган кўчага кириб кетди. Малика ҳанг-манг бўлганича қолаверди.

## САККИЗИНЧИ БОБ

Камол гўзаларга сув қуйиб юрган эди. Нишоннинг мошранг «Жигули»си қуюқ чанг-тўзон кўтарганича елдек учиб келди. У машинадан тушмасданоқ қўл силкиб Камолни чақирди. Бирон кўнгилсизлик юз бердимикин, деб ўйлаган Камол ҳовлиққанича етиб келди. Нишон билан кўришишни ҳам унутиб, сўради:

— Тинчликми, ака? Нима бўлди?

Нишон ҳадеганда жавоб беравермади. Афсус-нодамат билан бош чайқаганича чуқур хўрсинди. Машина эшигини очиб уни ўтиришга таклиф этгандан кейингина пўнғиллади.



— Неча марта айтганман сенга, жим юр, деб. Йўқ, гапимга қулоқ солмадинг. Энди ўзингдан кўр. Босит Қодирович келдилар. Халил ака билан опани тозаям буровга оляпти.

Камол енгил тин олиб ўзини ўриндиқ суянчиғига ташлади.

— Одамнинг эсхонасини чиқариб юбордингиз-а,— деди у манглайини силаркан.— Болаларимга бир гап бўптими, деб қўрқиб кетдим.

Нишон пешонасини тириштирди. «Тавба, эси жойидами бунинг. Қодировнинг қаҳрига учрашни ҳазил фаҳмляяпти, шекилли».

— Тагин гапни кўпайтириб ўтирма,— дея огоҳландирди Нишон.— Мендан хатолик ўтибди, тавба қилдим, деб туравер. Ҳой, нега меровсирайсан, сенга айтяпман. Тавба қил. Эгилган бошни қилич кесмайди.

Камол шу топда бу серҳадик, қўрқоқ одамни ёмон кўриб кетди. Аммо бирор гап айтиб дилини оғритиб қўймаслик учун тескари қараб олди.

Машина ҳали ўннга, ҳали чапга бурилар, бутазор оралаб ўзига йўл топиб борар эди. Юлғунлар қип-қизариб гуллаган, одамнинг кўзи қувонсин учун биров бу ерларга атайлаб қирмизи бўёқ сепиб юборганга ўхшарди. Какраю, шувоқдан бошқа гиёҳлар қовжирай бошлаган даштдаги бу ёрқин ранг одамни энтиктириб юборарди.

Идора олдига етиб келишгач, Нишон машинасини сояга олди. Камол машинадан тушибоқ оёғини ерга тап-туп уриб, березент этигига ўтириб қолган чангни қоқди. Кўйлагининг ёқасини тузата туриб, иягини сийпади. Ҳар куни соқол қиртишлайдиган одам аксига олиб бугун эринчоқлик қилган эди. Камол қабулхонага кирди-ю, хона ўртасида тўхтаб қолди. Негадир бадани қизиб, пешонасидан тер чиқиб кетди. Ичкаридан эркак кишининг шамоллаганга ўхшаш бўғиқроқ овози эшитилиб турарди.

— Мен ҳамини сизнинг катта ишларга қодирлигингизга ишонар эдим. Аммо боғча билан мактаб ҳовлисига экилган пахтани кўриб фикрим ўзгарди,— у бир зум жим қолди. Бировнинг гўнғиллагани эшитилди-ю, бироқ нима деганини англаб бўлмади. Гапираётган одам ҳамон босиқлик билан сўзида давом этарди.— Бунчаликка боришингизни кутмаган эдим. Агар шу

йўл билан ўзингизни халқпарвар қилиб кўрсатмоқчи бўлсангиз, қаттиқ янглишибсиз, қизим.

У яна жимиб қолди. Кимдир оғир хўрсинди. Гугурт чақилгани эшитилди. Камолнинг ҳам чеккиси келиб кетди. Бейхитёр чўнтагини пайпаслаб, эшик томонга қараб қўйди.

— Биз ёш авлод қалбида табиатга, ҳатто ҳар бир гиёҳга меҳр уйғотишимиз керак. Сиз бўлсангиз... Бунақада болалар пахтани кўrsa ижирғанадиган, ҳатто нафратланадиган бўлиб ўсишади. Яхши биласизки, меҳрсиз яшаш мумкин эмас. Бемеҳр одамга ер ҳам бағрини очмайди.— Ичкаридан салмоқли қадам товушлари эшитила бошланди. Гоҳи-гоҳида кимдир уҳ тортганга ўхшаб хўрсиниб қўярди.— Инсонни ҳар хил паст ишлардан тийиб турадиган инсоф деган нарса бор. Уни йўқотиб қўймаслик керак, қизим. Усиз яшаб бўлмайди.

Камол ичкарига киришини ҳам, қайтиб чиқиб кетишини ҳам билмай туриб қолди. Кучаниб томоқ қирди. Ичкаридан кираверинг, деган таниш овоз эшитилди. Камол истар-истамас раисанинг хонасига қадам босди. Хонада ўн чоғли одам бор эди. Дераза олдида сочлари қировдек оппоқ, кўз остлари халталашган, ўрта бўйли одам сигарет тутатиб турарди. Малика деворга тақаб қўйилган диванда бир нуқтага тикилганича суратдек қотиб ўтирарди. У шундай бўлишини олдиндан билгандек хотиржам, юзидан изтироб чекаётгани билинмас, боқишларида эса совуққонлик бор эди. У Камолнинг кирганини била туриб қараб ҳам қўймади.

— Келинг, биродар,— Қодиров қўли билан ишора қилиб, уни ўтиришга таклиф этди. Камол узун столнинг охирига бориб ўтирди.— Хатингизга қаноат қилмай ўзингиз билан гаплашиб кетгани келдим,— деди у кўриша туриб.

Сўнг яна жойига бориб турди. Тувакдаги қийғос очилган гулларни бармоқ учлари билан силаб-сыйпаларкан, жимжилоғи билан енгини чаққон қайирди-да, соатига кўз ташлади. Камол уни кузатиб ўтирарди. Билдики, Қодировнинг вақти тигиз.

— Хатингизни ўқиб сизни бир сўзли, принципиал одам бўлса керак, деб ўйлаган эдим,— Қодиров ҳамон ташқаридан кўз узмай турган кўйи гап бошлади.— Лекин бу ерга келиб баъзи гапларни эшитганимдан ке-

Йин иккиланиб қолдим. Нега ноҳақ ишдан олиниб, чўлга юборишганини менга айтмадингиз?

Қамол довдираб қолди. У Қодировнинг бундан хусусда гап очишини сира кутмаган эди. Беихтиёр Маликага қаради. У ҳамон суратдек қотиб, ҳаракатсиз ўтирарди.

— Мен...— Қамол гапни қандай давом эттиришни билмай гангиди. Нажот тилагандек яна раисага қаради. Қодировни кўз қири билан кузатди. Унинг кенг елкаларига қараб туриб жавоб берди.— Чўлга бориб ишлаётганимдан норози эмасман.

— Боғча билан мактаб ҳовлисига пахта экилганидан-чи?

— Бу менинг хатимга алоқаси йўқ гап...

Қодиров сигаретнинг кулини кулдонга қоқиб туширди. Чап қўлининг кўрсаткич бармоғи билан кўз жияқларини артди. Сигаретнинг чўғини қизартириб тортди. Тутунни лабининг бир четидан пуфлаб чиқараркан, бошини ҳам қилиб ўтирган одамларни кўздан кечирди. Нигоҳи ҳаракатсиз ўтирган Маликага келиб тўхтади. Малика унга худди ўз қизидек қадрли. Ҳамиша унинг ютуқлари билан фахрланиб, қўлидан келганича қўллаб юради. У меҳнаткашлиги туфайли обрў-этибор топди. Бироқ шу пайтгача орттирган шуҳрати унга камдек туюлиб қолибди шекилли.

— Бу гап Моҳонкўл масаласидан кўра муҳимроқ, биродар,— Қодиров сигаретни кулдонга босиб ўчираркан, ўз гапини таъкидлаб бош ирғади.— Сизларни бунчаликка боришга нима мажбур қилди, ҳайронман. Ақл бовар қилмайдиган иш-ку бу.

— Босит Қодирович, мен ниманки қилган бўлсам, эл-юртнинг манфаатини ўйлаб қилдим,— деди Малика қурққина. У ҳамон қиёфасини ўзгартирмай бир нуқтага тикилганича қотиб ўтирар, ўзини ноҳақ танбеҳ эшитаётган деб билгани учун аламнок эди.— Бир чимдим бўлса ҳам пахта кўпайса деб...

— Ҳамма нарсанинг меъёрида бўлгани яхши. қизим, — Қодиров Маликанинг ёнига келиб ўтирди. Оёқларини чалиштирганича ўзини орқага ташлади.— Шуҳратнинг ҳам ошиғи ошиқ. Кўтариб юриш қийин.— У бир зўм жим қолди. Чўнтагидан сигарет олиб обдан эзгилади. Аммо ўт олдирмади. Маликага юзланганича куюниб гапирди. — Болаларни гулларнинг атриини ҳидлаб, гузаллигини кўриб завқланишдан маҳрум этишни мен

тасаввуримга сиғдиролмаймаман. Бунинг учун одам жуда ҳам тошбағир бўлиши керак.

Қамол Маликани зимдан кузатарди. Унинг чақноқ кўзлари бирдан каттайди. Рангидан қон қочиб, юзи қаҳрли тус олди. Тиззаси устида турган ўнг қўлининг бармоқлари дастрўмолни аёвсиз гижимлай бошлади. «Ҳозир йиғлаб юборса керак,— деб ўйлади Қамол.— У гап эшитиб ўрганмаган. Доим мақташарди. Арзимаган нарсалар учун ҳам кўкларга кўтаришарди. Тўсатдан...»

— Ўзингиз биз учун пахта ҳамма нарсадан муҳим деб ўргатгансиз-ку,— деди Малика титроқ овозда. Бироқ унинг кўзларида истеҳзоли кулимсираш бор эди. — Пахтани ўйлаб...

— Пахтани ўйлаганингиз сизга...— Қодиров зарур гапни тополмай ўйланиб қолди. Қат-қат чизик түшган пешонасини уқалаганича юзини буриштирди,— истаганинингизни қилиш ҳуқуқини бермайди. Ҳозир баъзи одамларда гуноҳини пахта билан хаспўшлаш одати пайдо бўлибди. Тавба!— у стул қиррасини маҳкам тутамлаганича букчайиб ўтирган Қамолга юзланди.— Шу маънода сизнинг Моҳонкўл хусусидаги гапларингизда жон бор. Чиндан ҳам биз ҳозирги шон-шўратни, обрўни ўйлаб ерни хароб қилаётганга ўхшаймиз.

— Моҳонкўлда юлғуну саксовулдан бўлак ҳеч вақо йўқ. Ҳаммаёқ чўл,— Малика бу гапга обком секретаридан кўра ўзини кўпроқ ишонтириш учун айтаётганга ўхшарди.— Инсон қадами етиб у ерлар обод бўлса ёмонми?

— Сиз ҳамма нарсанинг сиртқи томонини кўришга ўрганиб қолибсиз,— Қодиров афсусланиб бош чайқади.

— Кечирасиз... Мен бир гап айтмоқчи эдим...— Қамол этигининг учи билан ер чизганича гапга аралашди.— Аввало боғча ҳовлисига пахта экиш масаласига келсак... Бунинг учун ҳаммамиз тенг айбдоримиз.— У кўз қири билан раисага қараб кўйди. Малика ҳамон унинг бор-йўқлигини писанд қилмай ўтирарди.— Кўпроқ мен гуноҳқорман.

— Сабаб?— ажабланиб сўради Қодиров.

— Ер учун биринчи галда агроном жавобгар,— Қамол худди томоғи қақраётгандек қулт этиб ютунди.— Мумкин бўлмаган жойларга ҳам пахта экишга йўл қўйибманми, демак мен гуноҳқорман. Ҳар бир соҳанинг

Ўз жовабгари бор. Уша одамдан ҳисоб талаб қилиш керак. Ҳамма нарсага опани айбдор қилаверсак...

Малика унга ялт этиб қаради. У қулоқларига ишоналмасди. Яқиндагина раисани болаларга меҳрсизликда, тошбағирликда айблаган одам тўсатдан уни ҳимоя қилаётгани ғалати туюлди. Нега бунақа деяпти? Нега бу ишга мен аввал бошидаёқ қарши чиққанман, демаяпти? Узини олижаноб қилиб кўрсатмоқчими? Еки унга раҳми келяптими? Малика унинг мурувватига зор эмас.

— Майли, лозим бўлса сиздан ҳам ҳисоб талаб қиламиз,— деди Қодиров чўрт кесиб.— Ундан кўра айтинг-чи, Моҳонкўлнинг асрашга арзигулик қандай фазилатлари бор? Дунёда бундай чўлу сахро кўп. Уларнинг ҳаммасини сақлаб бўлмайди. Вақти келиб уларни ўзлаштириш, одамларга хизмат қилдириш керак. Агар биз Моҳонкўлни сақлаб қоладиган бўлсак, бошқа жойларга қараганда ноёб жиҳатларини билишимиз керак.

Қамол обком секретарига миннатдор боқди. У Моҳонкўлда нималар борлиги билан қизиққан биринчи одам эди. Шу пайтгача биров бу ерларни ўзлаштириш керак, деди. Биров унга қарши чиқди. Лекин ҳеч ким Моҳонкўлнинг табиатини, ўсимликлар дунёсини, паррандаларини ўрганиш лозимлигини айтмади. Ахир ишни олдин мана шундан бошлаш керак-ку.

— Моҳонкўлда дунёнинг бирон жойида учрамайдиган ўсимлик турлари бор. Баъзилари тиббиётда кенг қўлланилади. Баъзилари тенги йўқ зийнат. Масалан, патлоқ деб аталадиган жуда камёб ўсимлик ўсади бу ерларда. У қон босимига қарши дори тайёрлашда ишлатилади.— Қамол табиатига номуносиб сўзамол бўлиб қолди.— Қумажриқнинг уруғидан озиқ-овқат сифатида фойдаланиш мумкин. Таркиби бугдойга жуда яқин. Юлғун, саксовул сингари буталар чорва учун қишин-ёзин тайёр озуқа. Нега энди уларнинг ҳаммасини йўқ қилиб юборишимиз керак.— Қамол ўзи ҳам сезмаган ҳолда қизишди.— Молларнинг оғзи кўкка етгунича ем-хашак етказолмай ўлиб бўламиз. Лекин мана шу тайёр озуқа базасидан фойдаланишни ўйламаймиз.

— Қалай, Маликахон, бу кишининг гапларига ишонса бўладими?

— Йўқ,— Малика кескин бош чайқади.— Қишда чўлнинг изғирини қандай бўлишини биласиз-ку. Моллар ярим кунга ҳам дош беролмайди.

— Агар менинг таклифим маъқул топилса Моҳонқўлда алоҳида молхоналар қурилади. Моллар қишин-ёзин олиб кетилмайди. Ўз-ўзидан шароитга мослашади.— Камол астойдил эътироз билдирди.— Ҳеч бўлмаганда эрта баҳордан то кеч кузаккача ўша ерда мол боқиш мумкин-ку. Баҳонада ем-хашакка сарфланадиган минглаб сўмларни тежаб қоламиз.

— Бу баҳсталаб масала, биродар,— Қодиров ўридан туриб яна дераза олдига борди. Қўлларини орқасига қилганича ташқарини кузатди. Сўнг хонадагиларга ярим ўгирилганича гапида давом этди.— Моҳонқўлни ўрганишга шу соҳанинг мутахассисларини жалб этамиз. Ҳар томонлама пухта маълумотга эга бўлмагунча узил-кесил бир қарорга келиш қийин.

Камол имкониятдан фойдаланиб юрагида тугиб юрган бошқа гапларини ҳам айтиб олишга шошилди.

— Ўзлаштираман десак Қизилқум шундоққина ётибди, Босит Қодирович. Истаганча ер очиш мумкин. Ўша қақроқ чўл сувга ташна. Лекин табиат ўзи атайлаб яратиб қўйган гўзалликни бузиш...— у бошини кўтариб ҳамон дераза олдида тўрган Қодировга қаради.— Бунга менинг қўлим бормайди.

Қодиров гилам поёндозни сассиз босганича хона бўйлаб кезина бошлади.

— Менга сизнинг жонкуярлигингиз ёқади, биродар,— у гоят самимият билан гап бошлади. Камол унинг эътироз билдираётганини ҳам, насиҳат қилаётганини ҳам билолмади.— Лекин табиат муҳофазаси деган гал тирикчилик эҳтиёжларидан воз кечиш дегани эмас. Тўғри, биз табиатни кўз қорачуғидек асрашимиз керак. Бироқ кун сайин ўсаётган аҳолининг талабларини ҳам ҳисобга олишимиз лозим. Одам сонининг кўпайиши яшаш жуғрофиямизни кенгайтириши табиий. Одамларнинг эҳтиёжи учун Моҳонқўлнинг бир қисми ўзлаштирилса ранжимаслик керак. Бироқ шон-шухрат кетидан қувиб, дунёни бир ранга буркаб юбориш инсофдан эмас. Бошқаларга ибрат бўлиши учун бу масалани бюрога қўйдираман. Токи, сизнинг хатойингизни бошқалар такрорламасин, қизим.

Малика беҳосдан уйғониб кетган одамдек чўчиб тушди. Юзи аввалига қизариб, сўнг бўзарди. Негадир

шу аснода савдойининг гапи ёдига тушди: «Юрагингда тош бор. Йиғласанг эриб кетади. Кўп йиғла...» Наҳотки, у чиндан ҳам тошбағир бўлиб қолган бўлса? Йўқ, бўлмаган гап. Бу гапларнинг ҳаммаси Камолдан чиққан. Ҳаммасига Камол айбдор. У атайлаб одамларда Маликага нисбатан адоват уйғотиб юрибди. Ҳатто Қудратни ҳам...

У ўз ўйидан уялиб кетди. Қудратнинг тўсатдан аразлаганга ўхшаб кетиб қолганига унинг нима даҳли бор? Бировни ёмонотлиққа чиқариш учун дунёдаги ҳамма тухмату бўҳтонни устига ёғдираверадими? Моҳонқўлни ўзлаштирмайлик, деган гапидан бошқа нима гуноҳи бор унинг? Обком секретарига аzza-базза хат ёзибди-ю, боғча билан мактаб ҳовлисига чигит экилганини айтмабди. Тагин гуноҳни ўзига олиб ўтирибди. Бўлмаса иккаласининг келишмаслиги шундан келиб чиққан. Сен болаларнинг кўзини ўйиб олмоқчисан, деган эди-я. Заҳар бўлмай кетгур. Жимгина тошини териб юраверганида-ку шу ғалвалар йўқ эди. Обком секретари колхозга атайлаб келмасди. Одатдагидек йўл-йўлакай бирров кириб ўтарди-ю, пахтанинг ривожини суриштириб кетаверарди. Мана энди у Камол туфайли бюрода муҳокама бўлади. Балки, жазоланар ҳам. Хўш, шу билан Камолнинг кўнгли таскин топадими? Йўқ, у бари бир тиниб-тинчий қолмайди. Моҳондаги бир туп юлғун ёки саксовул юлинса, дунёни бошига кўтариб айюҳаннос солади. Вейдод, табиатнинг мутаносиблиги бузиляпти, деб идорама-идора югуради. Яхшиям у ерлар боғ-бўстон эмас, чўл. Бўлмаса у қанчалик дод-фарёд кўтараркин? Тинчгина юраверганида чўлга кетмаган бўларди. Ҳа, тинчгина юраверганида... Бу сўзлар акс-садо бериб қулоғи остида қайта-қайта жаранглай бошлади. Тинчгина юраверганида!.. Тинчгина юраверганида!.. Тинчгина юраверганида!..

Маликанинг бадани увишгандек бўлиб, эти уча бошлади. У ўзини босиш учун зўр бериб бармоқларини уқалади. Шу топда кўнглида бир-бирига зид фикрлар гужғон ўйнар, қай бирини айтиб ўзининг беғуноҳлигини исботлаши мумкинлигини билмасди.

— Босит Қодирович, — деди у ниҳоят бошини кўтариб. — Менинг гуноҳим — меҳнаткашлигимми? Ахир...

Қодиров афсусланиб бош чайқади. Райком секретари безовталаниб ўтирган жойида гимирлаб қўйдди.

— Афсуски, сиз хатойингизни ҳали ҳам тушуниб етмабсиз.

— Пахта эккан одамни бошда кўтариб юриш керак, деб ўзингиз айтган эдингиз. Энди...

— Сиз бировларнинг ёрдамини кутиб юрмай аллақачон одамларнинг бошига чиқиб олган экансиз,— Қодиров бўш стуллардан бирини олиб раиснинг рўпарасига ўтирди.— Вақтида ерга тушириб қўймасак қоқилиб йиқилишингиз мумкин. Меҳнаткашлигингиз хусусига келсак, бу бировга айтиб мақтанадиган гап эмас. Ҳаммамиз чекимизга тушган ишни бажараяпмиз.

— Агар кичкинагина хато қилган бўлсам чўлда юз гектарлаб ер очаяпман-ку. Бу гуноҳимни ювмайдими?

Қодиров ҳорғин тин олди. Малика билан узоқ вақтдан буён кераксиз, арзимас бир нарса хусусида тортишаётгандек аъзойи баданида чарчоқ ҳис этди. Тирсақлари билан тиззасига таяниб ўтирган Камол унинг эътиборини тортди. У сийрак қошларини чимирганича нималарнидир ўйлаяпти. Нималарни ўйлаётган экан? Моҳонкўлними ёки қандай қилиб раисани гап эшитишдан сақлаб қолишимми? Ғалати йиғит экан. Бекордан-бекорга ишдан олиб, чўлга юборишса индамай кетаверганини. Лоақал ўзи учун курашиш лозимлигини хаёлига ҳам келтирмаган. Наҳотки, бу нарса иззат-нафсига тегмаган бўлса? Шердек чириниб ўтиришини кўрган одам бутунлай бошқача хаёлга боради.

—Менимча гуноҳнинг катта-кичиги бўлмайди. Сиз ҳамма нарса пахта учун, ҳатто инсон ҳам пахтага хизмат қилиши керак, деб ўйлайдиган бўлиб қолибсиз. Бўлмаса боғча билан мактабнинг кафтдек ҳовлисига пахта эктирмасдингиз. Пахтанинг олдида, шон-шуҳрат олдида болалар ҳам кўзингизга кўринмаган. Ўзингизча ватанпарварлик қиляпман, деб ўйлагансиз,— у бирдан қўлини кескин силкитиб, жарангдор овозда таъкидлади.— Мен ҳаммани мана шундай кўр-кўрона ватанпарварлик билан курашишга чақираман. Бу гап сизга ҳам тааллуқли, Камолжон. Дўстларимизни бизга ёт, умуман ярашмаган ишлардан тийиб қолиш керак. Бунинг савоби табиат муҳофазасидан кам эмас.

Қодиров эшик томонга йўналди. Ҳамма гурра кўзгалди. Қодиров бўсағага етган жойида соатидан кўз узмай туриб гапирди:

— Моҳонкўл хусусидаги ҳамма гапларингизни батафсил қоғозга тушуринг, Камолжон. Яқин кунлар ичи-



да геологлар, гидрологлар, чорва мутахассисларининг ҳам фикрини эшитиб кўрамиз. Кейин шунга қараб бир қарорга келамиз. Бўптими?

Қодиров тезгина хайрлашиб, жўнаб кетди.

\* \* \*

Малика машина ортидан қараб қоларкан, бирдан кўнгли бузилди. Аммо у идора олдида туриб йиғламаслиги кераклигини яхши биларди. Кўрган одамлар нима деб ўйлашади. У катта кўчага чиқиб намойишкорона кўзёши тўкиши мумкин эмас. Умуман, одамлар унинг бирор нарсадан эзилиб, бош эгиб юрганини кўрмаслиги керак. Раисанинг кайфияти бошқаларга тез таъсир қилади. Одамлар ҳамма нарсада ундан андоза олишади. Шунинг учун ҳам йиғлолмайди. У ҳамиша бировлар билан талашиб-тортишишга, буйруқ беришга, йўл-йўриқ кўрсатишга шай туриши керак. Одамлар уни бошқача тасаввур қилишолмайди. Узи-чи? Узи ҳам шунга одатланган.

У кескин бурилиб идора томонга юрди. Аммо орқасидан Камолнинг эргашганини билгач, одимини тезладди. Югургудек бўлиб ичкарига кириб кетди. Камол унинг ҳолатини билиб туриб изидан қолмади. Малика кўзларини юмганича ўзини диван суянчиғига ташлаб ўтирарди. У ҳозир Камолга ҳар қачонгидан ҳам чиройли кўриниб кетди. Юзидан қон қочиб тургани учунми қошларининг қоралиги аниқ кўзга ташланар, узун-узун қайрилма киприклари ёноғига соя ташлаб турарди. Пўрсилдоқ лаблари худди бўёқ суртилгандек қипқизил. Атлас кўйлагини туртиб чиққан бўлиқ кўкракларини уни янада кўҳлик қилиб кўрсатади.

— Нега кирдингиз?— деди Малика кўзларини очмаган кўйи. Сўнг кутилмаганда сакраб ўрнидан турди. — Чиқиб кетинг! Кетинг!..

Камол унинг ҳайдаганидан оғринмади. Бамайлихотирлик билан келиб унинг ёнига ўтирди. Шундан кейингина бўғиқ овозда гапирди:

— Мен ўз дардимни айтаман деб сизга ҳам гап тегизиб қўйишимни билмабман. Кечиринг...

— Сиз нимани ҳам билардингиз ўзи?— деди Малика уни жеркиб.— Нуқул Моҳон, Моҳон дейсизу тутуриқли гапингизнинг ўзи йўқ.

— Гапим борлигини биласиз-ку...

— Гап бор одам бирор иш қилади-да,— деди Малика захархандалик билан.— Сиз бўлсангиз йиғлаб арз қилиб юрибсиз. Шу ҳам курашиш бўлди-ю...

Камолнинг бошидан биров муздек сув қуйиб юборгандек бўлди. Худди нафаси қисаётгандек ёқаларини тортқилаб бўғзини силади. «Рост, ўз ниятини амалга ошириш учун нима иш қилди? Малика билан райком секретарига Моҳонкўлни ўзлаштирамайлик, бунинг фойдасидан зарари кўп деганидан бошқа бирор тугуриқли гап ҳам айтмади-ку. Бу одамларга лоақал Моҳонкўлнинг ўзига хос гўзалликларини ҳам кўрсатмади. Агар шундай қилганида уларнинг бу ерга меҳри тушиб қолармиди?»

— Мен сиздай бўлолмайман,— Камол қийналиб бўлса-да, ростини айтди.— Бировларга гапимни ўтказиш қўлимдан келмас экан, шекилли.

— Айблашга устасиз-ку...

Камол ўрнидан турди. Бурчакдаги сейф устида турган графиндан сув қуйиб ичди. Лабларини қўлининг орқаси билан артгач, яна жойига келиб ўтирди.

— Сиз одамларга шарт-шурт гапира биласиз. Мен... — Камол бўғзини, кўкрагини силади.— Мен ўзимнинг ҳақлигимни била туриб ҳам...

— Қаранг-а,— деди Малика кўзлари билан уни пармалаганича.— Шунақа мусичаи беозорман, денг. Сизга жуда ҳам қийин экан-ку, а.

— Қўйинг,— деди Камол оғриниб.— Бир-биримизни калака қилишдан фойда йўқ. Одам мана шунақа... нима десам экан... ғалати яратилган экан. Кўп нарсаларни орзу қилар экану, бироқ уларни амалга оширишга келганда журъатми ёки тадбиркорликми, ишқилиб нимадир етишмас экан. Мана масалан, сизда бор чўрткесарлик менда йўқ. Бироқ сизда ҳам...

— Айтинг, нега жимиб қолдингиз?

— Балки, табиат иккаламизни битта одам қилиб яратганида яхши бўлармиди?

— Сиз бошқа гап айтмоқчи эдингиз,— деди Малика ҳамонундан кўз узмай ўтираркан.— Юрагингизда қолмасин, айтинг. Ё ёзиб берасизми?

Камолнинг пешонасидан муздек тер чиқиб кетди. Баданидан тукли бир нарса ўрмалаб ўтгандек бўлди. Шундай хушрўй қиз доим одамнинг кўнглига оғир ботадиган гап гапиради. У ростдан ҳам бемехр бўлиб қоляпти, шекилли.

— Мен сизга илгарироқ хат ёзишим керак эди. Бироқ...

— Ушанда ҳам кўн нарсаларни ўйлагансизу бари-бир бир қарорга келолмагансиз, тўғрими?

Маликанинг чеҳраси ҳеч қандай маънони ифодаламасди. Фақат кўзлари... сўник, маънос боқарди. У Маликанинг кўзлари бундай боққанини ҳеч қачон кўрмаган. Балки, астойдил тикилиб қарамагандир. Унинг ҳам ич-этини кемириб ётган дардлари бордир ахир. Ҳеч бўлмаса ўзини, тутқич бермай ўтиб кетаётган ёшлигини ўйлар. Шундай хусну латофат билан қари қиз бўлиб қолаётганидан эзилар. Улар ҳамниша иш тўғрисида гаплашишган. Бирон марта унинг юрагига қулоқ солишга уринмабди-я.

— Фақат хат ёзиш билангина иш битса экан...— Камол оғир тин олди.

— Тўғри айтасиз,— Малика кафтини пешонасига босганича кўзларини юмди. Кафти муздеккина эди. Бир зум вужуди роҳатлангандек бўлди. Аммо бу оний ҳузур гашлигини тарқатолмади.— Сиз ўйлай-ўйлай ақлли гап айтаман деб, мен умуман, ҳеч нарсани ўйламай юраверибмиз, шекилли. Амалга интилибману...

— Ундай деманг... Сизга ўхшашни орзу қиладиганлар қанча.

— Эси йўқ одам менга ўхшашни ҳавас қилади,— Малика кафти билан юзини яширди. Ич-ичидан чиқиб келган хўрсиниқни зўр-базўр босди.— Ростини айтинг, сиз менинг ўрнимда бўлишни истармидингиз?

— Жудаям ношукур бўлманг...

— Мен сиз билан бир умрлик сирдош бўлиб қолсак керак, деб ўйлаган эдим. Афсуски...— унинг овози титраб кетди.— Мана ҳозир ҳам сиз рост гапингизни айтмадингиз. Тўғрими?

Малика бошини кўтариб қаради. Унинг кўзлари жиққа ёшга тўлиб турарди. Камол довираб қолди. У ҳамниша Маликани нимададир айбларди. Ўзини доим ҳақ деб биларди. Аммо биринчи марта Малика уни айбляпти. Айтаётган гаплари тўғри. Негадир улар яқин дўст бўлолмадилар. Балки аёл киши билан эркак одамнинг дўстлиги ғалати туюлар. Бу дўстликнинг замирида бари бир қандайдир илинж бўлиши керакдир. Балки, ҳеч қандай илинжларсиз ҳам яқин бўлиш мумкинми? Наҳотки, мумкин бўлмаса...

— Мен ҳамниша сиздай бир одам билан дўст бўлиш-

ни орзилаб юрардим. Афсуски, орзуйим ушалмади.—  
— Маликанинг кўз олдига Қудрат келди. Унинг ўйла-  
ниб туриб айтган гапи миясидан яшин тезлигида чи-  
риллаб ўтди. Баттар кўнгли бузилиб, хўрлиги келди.  
— Дунё азалдан мири кам дейдилар-ку. Кишига ҳамма  
нарсани бир варакайига беравермайди-ку. Тўғрими?  
Қисматимга кўникмай иложим йўқ.

— Нималар деяпсиз? Ахир...

— Қўйинг, мени юпатаман деб овора бўлманг. Мен  
ўзимни ўзим юпатиб ўрганиб қолганман. Ундан кўра  
сиз хотинингизга тузукроқ қаранг. Меҳнатдан бошқа  
нарсани билмай эзилиб юравермасин бечора. Ҳамма  
нарсага ақлингиз етадиган ақлли одамсиз-ку...— у яна  
юзини кафтлари орасига яширди.— Энди мени холи  
қўйинг, илтимос.

Қамол Малика билан энг зарур гапини ҳали гап-  
лашолмаганини, уни ҳозир ёлғиз ташлаб кетмаслиги  
кераклигини, умуман, бундан буён уни холи қолдир-  
маслиги зарурлигини била туриб эшик томонга йўнал-  
ди. Аммо уч-тўрт қадам юриб тўхтади. Малика ҳамон  
юзини яшириб ўтирарди. Унинг тиқмачоқ бармоқлари,  
елкалари билинар-билинимас титрарди.

— Мен ҳеч қачон...

— Биламан,— Малика бетоқатлик билан унинг  
гапини бўлди.— Сиз яхши одамсиз. Лекин худо хай-  
рингизни берсин, тезроқ чиқиб кетинг.

Қамол шоша-пиша остона ҳатлаб қабулхонага чиқ-  
ди. Эшикни ёпгач, гутқичдан қўлини олмай турди. У  
ичкаридан йиғи овози эшитилишини кутган эди. Бироқ  
раисанинг хонасидан тиқ этган садо чиқмасди. У  
узоқ кутди. Шу топда Маликанинг ўкраб йиғлашини  
чин юракдан истади. Юраги тўлиб кетган пайтларда  
жиндай йиғлаб олса киши енгил тортади. Аммо у ҳар  
қанча кутмасин, Маликанинг уни чиқмади. Қамол  
чор-ночор ташқарига йўл олди. Зиналардан тушаёт-  
ганида яна тўхтаб ичкарига қулоқ солди. Жимжит.

У йўлнинг нариги бетидаги чойхонага кириб чой  
чақирди. Аммо ҳали чойни қайтариб улгурмасидан  
идорадан шитоб чиқиб келган раисага кўзи тушди. У  
ён-берига қарамай катта кўча бўйлаб юриб кетди. Ка-  
мол сўридан тушиб уни кузатди. Малика хиёл букчай-  
ганича югургудек бўлиб жадаллаб бораркан, боғча  
дарвозаси олдига етгандагина қадамини секинлатди.  
Бир зум тараддулланиб тургач, ичкарига кириб кетди.

Камол унинг орқасидан бормоқчи бўлди-ю, бироқ ни-мадир монелик қилар, журъатсизликка ўхшаш бир ҳис шаштини қайтариб турарди.

Азим чинорнинг соясида чой ҳўплаб ўтирган қоровул чол уни кўриб, апил-тапил ўрнидан турди. Қўлидаги сурп қийиқ билан оғзини артди. Чўққисоқолини, мўйловини сийпади.

— Келинг, келинг...— у раисанинг истиқболига пешвоз чиқди.

Малика унга бир қаради-ю, бироқ индамади. Шоналай бошлаган гўзаларга кўз ташлади. Боғча ҳовлиси-га экилган гўзалар бошқа жойлардагига қараганда дуркун эди.

— Мудира райОНОга кетувдилар,— қоровул раиса сўрамаса ҳам ҳисоб бера бошлади.— Бачалар эндигина ухлашди.

Малика қоровулни ҳайратга солиб пахта экилган пайкал четига чўккалади. Шона орасидан бўртиб турган сарғимтир гулбарглар унга жуда ҳам азиз туюлиб кетди. Ўзи тепасида туриб эктирган, қанча меҳнат сарфлаб вояга етказган мана шу гўзалликни юлиб ташлайдими? Бу иши гул ўрнига пахта эктирганидан ёмонроқ гуноҳ эмасми? Нега энди кўкариб турган нарсаларни пайҳон қилиб ташлаши керак? Ундан кўра ўзини жазоласин. Одамларга, мен шундай хато қилган эканман, бундан кейин бу номаъқулчилик такрорланмайди, десин. Тавба қилгани учун ҳеч ким уни айбсатмайди. Қайтанга обрўси ошади.

Маликанинг миясига қон тепти. Вужуди алангаташ бўлиб ёниб кетаётгандек туюлди. Юраги сиқилиб, дод деб юборгиси келди. Ўзи ҳам сезмаган ҳолда кўзларига дув этиб ёш қуйилди. У қайноқ томчиларнинг қаердандир, юракка яқин бир жойдан сизиб чиққанини аниқ ҳис этди.

Яна обрў орттиришни ўйлапти-я. Шунча обрўси камми? Ундан кўра ҳаёти ҳамманикига ўхшаб бир жиҳатдан тугал, бир чети кемтик бўлгани яхши эмасми? Минг марта яхши. Унинг бахтсизлиги хўжалик ишларига ўралашиб қолгани сабаб эмас. Ундан кўра каттароқ лавозимларда ишлаб, бахтиёр яшаётган аёллар камми? Фақат у ўзини шон-шухрат қули қилиб қўйди. Обрў-эътиборли бўлсам, ҳамма пойимда тиз чўкиб, бир қиё боқишимга зор бўлиб юради, деб ўйлаган эди. Аммо бировларни шайдо этишнинг учун ҳам

курашишинг, биров ҳажрингда ўртамоғи учун ўзинг ёна билишинг, кимнидир соғиниб сомондек сарағайишинг керак экан. Фақатгина бировлар йўлингни пойлашини кутмай ўзинг ҳам кимнингдир йўлига илҳақ термилишинг лозим экан. Уша кимдир кўчангдан хиргойи қилиб ўтиши учун ҳам ўзинг нимадир қилишинг зарур экан. Бу дунёда инсон учун ҳеч нарса тайёр ҳолда тахт қилиб қўйилган эмас. Инсон қувонч ва ситамларни билиб-билмай ўзи вужудга келтиради. Ҳаёт сўқмоқларида қоқилади, тузатиб бўлмас хатоларга йўл қўяди. Изланишу янглишлар пиравордида инсон гоҳ кўзлаган муродига етиб бахтиёр бўлади, гоҳ иродаси бўшлиқ қилиб панд ейди. Лекин ҳеч ким Маликага ўхшаб бахт аталмиш хуррамликни кутиб ўтирмайди. Бахт дегани шундай ўжар бир нарсаки, у парвона янглиғ ўзини ўтга-чўққа урмайдиган, васл иштиёқда ҳар қандай ҳаловату лаззат, амалу шон-шухратдан воз кеча билмаган одамга яқин йўламайди. Йўқ, Малика ўзини жуда ҳам бахти қаро ҳисобламайди. Колхозга раиса бўлиб кўп яхши ишлар қилди. Одамларнинг турмушига файзу фароғат олиб кирди. Қишлоқни обод қилди. Балки, бу нарсаларни эл-юрт ўртасида обрўсини ошириш учун қилгандир. Лекин нима бўлганда ҳам бундан одамлар ютди. Моҳонқўлда бир талай ер ўзлаштирилди. Гарчанд бундан Камол норози бўлса-да, бир қарич бўлса ҳам ер очилгани фойда. Халқда сен ернинг юзини очсанг, ер сенинг юзингни очади, деган гап бор. Ҳозирча Моҳонқўлда ўзлаштирилган ерлар Маликанинг юзини очмаётган бўлса-да, бари бир бу иши учун унга ҳеч ким лаънат ўқимайди. Фақат раҳмат айтишади. Буни кўнгли сезиб турибди. Демак, у ҳам бир одамча яхши, ёмон ишлар қилиб яшабди. Агар оиласи йўқлигини ҳисобга олмаганда ҳаёти ҳавас қилса арзигулик. Ҳа, фақат оиласи йўқлигини ҳисобга олмаганда...

Малика алам билан бир туп ғўзага чанг солди. Ерга чуқур илдиз отиб улгурган ғўза осонликча юлиниб чиқмади. Бармоқларини қийиб, огритди.

— Раиса қизим, нега энди бинойи кўкариб турган ғўзани юлдингиз?— ботинқирамай сўради қоровул чол.  
— Увол-ку...

— Увол бўлса бўлар. Юламан. Ҳаммасини юлиб ташлайман,— деди Малика бақириб юборгудек бўлиб.  
— **Биттаям қўймайман.**

Қоровул чол мошгуруч соқолини тутамлаганича афсусланиб бош чайқади. Чап қўлидаги қийиқни елкасига ташлади-да, Маликанинг тепасига келди. Унинг қўлидан тутиб ўрнидан турғазди.

— Қўйинг, қизим, ўзингизни бунчалик қийнаманг, — у беозор бир ҳаракат билан Маликанинг чангак бўлиб қолган бармоқларини ёзиб, мижиғланган ниҳолларни олди.— Бу бебақо дунёда хафачилик ҳам, хурсандчилик ҳам ўткинчи. Одам ҳар нарсага сабрли бўлиши керак.

— Менинг сабр-тоқатим тугади, ота,— Малика беихтиёр унинг кўксига бош қўйди.— Пахтани ҳам, одамларни ҳам ёмон кўриб кетдим. Қуриб кетсин ҳаммаси...

Қоровул чол унинг тўзғиб кетган сочларини дағал кафти билан силаб текислади. Елкасидаги қийиқни олиб кўз ёшларини артди.

— Ҳаммани ёмон кўриб яшаб бўлмайди, қизим,— қоровул Маликани уват четига ўқтизди.— Сизни бир одам хафа қилган бўлса, нега бошқаларни ҳам гуноҳкор қиласиз? Бу инсофдан эмас.

— Мени инсофсизсан, дейишди, ота,— Малика муштдеккина бўлиб букчайганича ҳамон ўпкасини боқолмай йиғларди.— Мен... мен...

— Инсофи йўқ одам сизга ўхшаб ўксимайди, қизим, — қоровул чол меҳр билан яна унинг бошини силади.— Ҳаммани йиғлатади-ю, ўзи йиғлолмайди. Йиғлашни билмайди.

Малика бошини кўтариб, ёшли кўзлари билан қоровул чолга миннатдор боқди. «Ғўзаларни юлмаганим яхши бўлди,— дея хаёлидан кечирди у.— Одамлар гуноҳкор қилишса ҳам майли...» У руҳида енгиллик туйди. Кўнгли ёришиб кетди. Беихтиёр савдойининг гапларини эслади: «Сани юрагингда тош бор. Йиғласанг эриб кетади. Кўп йиғла».

Шашқатор томчилар Маликанинг юзини тинимсиз юварди. У ўкраб юбормаслик учун остки лабини қатиқ тишлаганича ўксиниб, эзилиб йиғларди. Йиғлагани сайин руҳида бир мусаффолик туярди. Шу топда савдойининг гапларига астойдил ишонгиси келди. Камолга сеҳрли тилла чаноқ обориб берганмиш. Унга ҳам обкелиб берса эди. Қимки тилла чаноққа етишса бахтли бўлади, дейишади-ку. Зора...

У73

**Усмонов Эмин.**

Тилла чаноқ. Қисса. Т. «Еш гвардия», 1979. 152б.

**Усманов Эмин.** Золотое зернышко. Повесть.

ББК 84Уз  
Уз

На узбекском языке

**ЭМИН УСМАНОВ**

**ЗОЛОТОЕ ЗЕРНЫШКО**

Повесть

Издательство «Еш гвардия» — Ташкент — 1980

Редактор Тўлқин  
Рассом А. Ғуломов  
Расмлар редактори Э. Валиев  
Техн. редактор Л. Буркина  
Корректор К. Комилдав

ИБ № 439

Босмахонага берилди 25. 06. 1979 й. Босишга рухсат этилди 29.01.1980 й. Қороз № 1. Формаги 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма листи 4,75. Шартли босма листи 7,98. Нашр листи 8, 52. Тиражи 45000. Р—01624.

Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 24-79. Баҳоси 70 т.

Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат Комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия **2. Босмахонаси**. Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44. Заказ № 5.